

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**А. А. АМОНОВ
А. А. ШИРИНОВ
У. А. ШИРИНОВ**

БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

(ўқув-қўлланма)

Самарқанд 2021

А.А. Амонов, А. А. Ширинов, У. А. Ширинов
Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – СамИСИ.

Иқтисод фанлари доктори К.Б. Уразов умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

Худайбердиев Н.У. - СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

Абдуллаев З.Х. - Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси мудири, PhD (*турдош ОТМ*)

Д.Ж.Бахриев - Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси кредит бўлими бошлиғи (кадрлар буюртмачиси).

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, таълимнинг “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳаси бўйича “Банкларда бухгалтерия ҳисоби” фанининг намунавий дастуридаги мавзуларни тўлиқ қамраб олган ва у банк ва молия йўналишида таълим олаётган талабаларни ўқув жараёнида фойдаланишлари, шунингдек, ўқитувчилар ва мутахассислар учун ҳам мўлжалланган.

Ўқув-қўлланмада тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, уларда иш куни ва ҳужжатлар айланиши, бош ва ёрдамчи китобларни юритиш тартиби, банк ички назорати, банкларда депозит операциялари ҳисоби, моддий ва номоддий активларни ҳисобга олиш, касса, кредит ва лизинг, чет эл валютаси, банкларда солиқлар ва мажбурий тўловлар, устав капиталини шакллантириш ва фондлар ташкил этиш, қимматли қоғозлар, молиявий натижалар ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботлар кенг ёритилган.

@ А.А. Амонов, А. А. Ширинов, У. А. Ширинов, СамИСИ, 2020

Кириш

Банк тизимида ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш борасидаги вазифалар ижросига қаратилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларлар натижасида иқтисодиётимиз йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил 24 январдаги Олий мажлисга Мурожаатномаси¹да таъкидлаганидек “биргина 2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди. Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди. Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олдик”.

Президент Шавкат Мирзиёев фикрини давом эттириб, “банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим. Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир. Давлат улушига эга бўлган банklar босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади. Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат. Соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Банк-молия академияси хорижий

¹ 2020 йил 24 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга Мурожаатномаси

мутахассислар билан биргаликда тўлиқ қайта ташкил этилади. Шунингдек, давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш бошланди ва бу жараён изчил давом этади. Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим. Шу йил 1 июлга қадар “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур”.

1 -БОБ. БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1.1. Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши

Банклар тизимида бухгалтерия ҳисобини юритиш ишини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг аниқ олиб борилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажаришини таъминлайди. Бунинг учун бухгалтерлардан муайян билимлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асосий тамойиллари ҳамда услубларини тушуниш талаб қилинади.

Ушбу йўриқномада бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари, бухгалтерия аппаратининг тузилиши, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар оборотини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган; банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари киритилган; халқаро андозалар асосида бухгалтерия ҳисоботини тузиш ҳамда бошқа банк операцияларини бажариш ҳажмлари ва тартиби белгиланган, шунингдек, қуйидагиларни таъминлаш мақсад қилиб қўйилган:

*ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш, мижозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш, ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш;

*бажарилган операцияларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ҳамда аниқ акс эттириш;

*банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан борган жойда фойдаланилишини осонлаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилаётганда ҳамда улар хизмат кўрсатувчи мижозлар ҳисоби юритилаётганда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг, қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

*банкдаги пул маблағлари, моддий бойликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турадиган бланкалар камомади, ортиқчалиги ҳамда қонунга ҳилоф равишда сарфланишининг олдини олиш;

*банк мансабдор шахсларининг белгиланган тартибга зид равишда банк операцияларини амалга оширганликларини, қимматликлар ва ҳужжатларни йўқотиб қўйиш ҳамда шу каби бошқа ҳолларда уларнинг жавобгарлигини ҳужжатлар билан асослаш;

*операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштиришни маълумотлар тўплаш орқали қонунийлиги ҳамда тўғрилигини текшириш имкониятини берилиши;

*банкда иш куни тартибига қатъий риоя этиш;

*замонавий компьютер техникаси воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш асосида банк операцияларини амалга ошириш, уларнинг

ҳисобини юритиш ҳамда ҳисоботлар тузиш учун меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш;

Йўриқномада ва унинг иловаларида берилган операцияларни амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш тўғрисидаги кўрсатмалар барча банклар учун мажбурийдир. Банк доирасида ҳужжатларнинг ўтиш тартиби бош бухгалтер томонидан мазкур банк иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда (йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлар айланишининг асосий қоидаларига амал қилинган ҳолда) белгиланиши мумкин.

Бухгалтерия иши ва бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил этишнинг йўриқномада баён этилган тартибида компьютер техникаси қўллаш кўзда тутилган.

Бош дафтардаги ҳисобварақларни кодлаш тизими беш хонали сондан иборат бўлиши лозим. Ҳисобварақларни эслаб қолиш осон бўлиши мақсадида актив ҳисобварақларнинг кодлари тоқ, пассив ҳисобварақлариники эса жуфт қилиб белгиланган. Баланс ҳисобварақларида ҳисоб икки ёқлама ёзув усулида юритилади. Операциялар маблағларнинг ҳаракатидан қатъий назар, амалга оширилган куни бухгалтерия ҳисобида акс этирилади.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисоб икки ёқлама ёзув усулида юритилади. Бунда ҳар бир ёки бир нечта кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига мос келувчи контр-ҳисобварақлар мавжуд. Баланс ҳисоботида ва шу каби бошқа ҳисоботларда фақат асосий кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари акс эттирилади. Бу ҳисоботларда контр ҳисобварақлар акс эттирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасида келтирилган баланс ҳисобварақлари ҳамда кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари номенклатураси, ҳисобварақларнинг тавсифи барча банклар учун ягона ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг рухсатисиз ўзгартирилмайди. Ҳисобварақлар режасидаги ҳамма ҳисобварақлар актив ёки пассивдир, шунга мувофиқ актив ва пассив ҳисобварақлар алоҳида баҳоланади ва ёйилган тарзда қайд этилади.

Банкнинг бухгалтерия аппарати ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини расмийлаштириш, назорат қилиш ҳамда банк операцияларини қайд этиш билан шуғулланувчи ходимларни ўз ичига олади. Бухгалтерия аппаратига банкнинг бош бухгалтери раҳбарлик қилади.

Бухгалтерия аппарати ходимларининг аниқ вазифаларини банкнинг бош бухгалтери белгилайди.

Йирик банкларда бухгалтерия ҳисоби бўлимлари ташкил этилиши мумкин. Ташкил этиладиган бўлимлар сони амалга оширилаётган операциялар ҳажмига ва уларнинг автоматлаштирилганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Банкнинг бухгалтерия ходимлари зиммасига муайян ҳисобварақларни юритиш ёки алоҳида операцияларни амалга ошириш ишлари юкланади. Бу ҳолат ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳисоби юритиладиган махсус дафтарда расмийлаштирилади. Мазкур дафтарда уларга тилхат билан берилган бурчак муҳри изи ҳам акс

этирилади. Ходим касал бўлиб қолган ҳолда унинг иши бошқа ходимга топширилади. Ушбу ҳолда ишларни тақсимлаш дафтарига тегишли ёзувлар киритилади. Ҳисобварақлар бухгалтерия ходимлари ўртасида шундай тақсимланиши керакки, бунда битта хўжалик юритувчи субъектнинг депозит ва қисқа муддатли ссуда ҳисобварақлари битта бухгалтерия ходими томонидан юритилсин.

Банкларо ҳисоб-китоблар ва банкнинг ички ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш махсус бўлимларга топширилиши ёки бу операцияларни яхши тушунадиган ҳисоб юритувчи алоҳида ходимлар зиммасига юклатилиши лозим.

Ёрдамчи ва бош китобларда операцияларни қайд этиш, дастурли-компьютер тизимида ҳисоботлар тузиш ишларига раҳбарлик қилиш банк бош бухгалтерига, у бўлмаган вақтда, банк раҳбарининг буйруғига кўра унинг ўринбосарига топширилади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш банк бош бухгалтери томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир банкда ходимларнинг лавозим вазифалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши зарур. Мазкур лавозим вазифаларининг нусхалари ходимларга улар ушбу нусхани олганликлари тўғрисидаги рўйхатга имзо қўйгандан кейингина берилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонунлари талабларига мувофиқ ҳамда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг ягона методологик асосларини белгилаб беради. Тижорат банклари томонидан бухгалтерия ҳисоби улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб қайта ташкил этилгунга ёки тугатилгунга қадар узлуксиз равишда юритилади.

Тижорат банклари банк операцияларини амалга оширишда ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс этиришда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилишлари лозим.

Мазкур ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг бухгалтерия ҳисобини акс этириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланадиган Бош китоб ҳисобварақларини рўйхатидан иборатдир.

Хатоларни тўғрилаш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича тузатишлар киритишда, ҳисобварақларнинг таърифларида кўзда тутилмаган бўлса ҳам ҳисобварақларнинг дебет ва кредитлари бўйича тузатиш ўтказмалари беришга рухсат берилади.

Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг кўп валютали тизимига асосланган бўлиб, чет эл валютасидаги операцияларнинг ҳисоби юритилиши мумкин бўлган барча ҳисобварақларда хорижий валютадаги операциялар ҳисобини акс эттириш имконини беради. Ҳар бир валюта тури бўйича синтетик ҳисобни юритиш учун-алоҳида Бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса Ёрдамчи китоблар очилади. Ҳар бир валюта бўйича Ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндиси Бош китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак. Банк томонидан амалга ошириладиган ҳар бир операция тегишли валюта тури бўйича Бош ва Ёрдамчи китобларда рўйхатга олиниши керак. Ҳисобот санасида Бош китобларнинг хорижий валюталар бўйича жами суммалари миллий валютага ўтказилади ва ҳисобот даври давомида амалга оширилган барча операциялар бўйича банкнинг жамланма баланси тузилади.

Ҳисобварақларни кодлаштириш қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:

- ҳисобварақларнинг Бош ва Ёрдамчи китобларда жойланишини енгиллаштириш;
- ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;
- ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни енгиллаштириш;
- операциялар ёзувини тезлаштириш.

Баланс ҳисобварақларининг Бош китобда кодлаштирилиш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборатлиги қабул қилинган:

C	MM	SS
----------	-----------	-----------

C	Ҳисобварақ туркуми (категорияси):
1	Актив
2	Мажбуриятлар
3	Капитал
4	Даромадлар
5	Харажатлар
9	Кўзда тутилмаган ҳолатлар

MM	Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)
-----------	---

SS	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)
-----------	---

Рақамли кодлаштиришга қуйидаги зарур шартлар жойлаштирилган: жамланма ҳисобварақлар учун MM ва/ёки SS нол рақамларига эга (масалан, 10000-“Активлар”, 10100-“Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари” ва бошқалар);

“Активлар” бўлимидаги “.... зарарларни қоплаш заҳираси” сарлавҳали субҳисобварақлар учун SS ўрнида 99 рақам қабул қилинган.

Ёрдамчи китобда шахсий ҳисобварақлар қуйидаги схема бўйича кодлаштирилади:



Бундан ташқари, операцияларни бошқариш мақсадида Ёрдамчи китобларга Марказий банк, тижорат банклари бошқармалари ҳамда тижорат банклари менежменти (бошқариши) учун зарур бўлган батафсил ахборотлар билан таъминловчи қўшимча маълумотлар киритилади.

Ҳисобварқлар режаси – бухгалтерия ҳисоби бўйича ҳисобварқларнинг уларнинг иқтисодий мазмунига кўра бир тизимга солинган рўйхатдир.

Тижорат банкларида ҳисобварақлар қуйидаги турларга бўлинади; актив ҳисобварақлар, пассив ҳисобварақлар, контрар ҳисобварақлар, контрактив ҳисобварқлар, контр пассив ҳисобварақлар, транзит ҳисобварақларга ва доимий ҳисобварақларга бўлинади.

Доимий ҳисобварақлар деб номланишининг сабаби – улар ҳар бир ҳисобот даври якунида ёпиладиган вақтинчалик ҳисобварақлардан фарқли ўлароқ, доимий сальдога эга бўлишлари мумкин. Домий ҳисобварақлар балансда кўрсатилади, шунинг учун ҳам бу ҳисобварақлар **баланс ҳисобваралари** деб номланади: булар активлар, мажбуриятлар ва хусусий сармоя ҳисобварақларидир. Доимий ҳисобварақлар: актив, пассив ва контрар (контрактив ва контрпассив) бўлиши мумкин.

Актив ҳисобварақларда турли активлар акс эттирилади ва улар фақат дебет сальдосига эга бўлади. Активларнинг кўпайиши ушбу ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилади.

Пассив ҳисобварақлар мажбуриятлар ва сармоянинг ошишини акс эттириш учун мўлжалланган, фақатгина кредит сальдосига эга бўлади, мажбуриятлар ва сармоя ошиши мазкур ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

Контрактив ҳисобварақлар сальдоси ҳисоботда уларнинг соф (баланс) қийматини акс эттириш учун асосий воситаларнинг эскириши мисол бўлади.

Асосий воситаларнинг эскириши ҳисобварақлари балансда уларнинг бошланғич қийматини камайтириб кўрсатади.

Контрпассив ҳисобвараққа сотиб олинган хусусий акцияларни мисол қилиб келтириш мумкин, ҳисоботда устав капиталининг ҳақиқий ҳажмини акс эттириш учун “Устав сармояси” ҳисобварағи сальдосидан унинг сальдоси чегирилади.

Ҳисобварақлар режасида **транзит ҳисобварақлар** – даромад ва харажатлар ҳисобварақларидан иборат ва ҳисобварақларни жойлаштириш тартиби бўйича “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шаклига мувофиқ келади. Уларнинг транзит (вақтинчалик) ҳисобварақлар деб аталишининг сабаби, шундаки, улар ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ёпилади ҳамда кейинги ҳисобот даврининг бошида ноллик сальдога эга бўлади. Ҳисобварақлар режасида “жамлама” ҳисобварақ тушунчаси, илова ҳисобварақлар мавжуд эмас, яъни иккинчи тартиб ҳисобварақлари жамлама ҳисобварақларининг тахлилий таркибий қисмларидир.

Балансдан ташқари счётлар - бу банкга қарашли бўлмаган, лекин вақтинчалик тасарруфида бўлган, активларни бори ва ҳаракати, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни умумлаштиришга мўлжалланган счётлар. Бу счётлар бошқа счётлар билан ўзаро боғланмайди ва банкнинг ҳисоботида акс эттирилмайди.

Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақнинг актив ёки пассив бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, актив-пассив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақлар бундан мустасно. Актив ҳисобварақларга “Активлар”, “Харажатлар” ва “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” бўлимларидаги **баланс** ҳисобварақлари, пассив ҳисобварақларга “Мажбуриятлар”, “Капитал” ва “Даромадлар” бўлимларидаги **баланс** ҳисобварақлари тааллуқлидир.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида “Активлар” бўлимига контр-актив ҳисобварақлари, мажбуриятларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида эса “Мажбуриятлар” бўлимига контр-пассив ҳисобварақлар киритилган.

“Кўзда тутилмаган ҳолатларлар” бўлимига операцияларни икки ёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр-актив ҳисобварақлар киритилган.

Баъзи ҳисобварақлардан ташқари “Активлар” ликвидлилик, “Мажбуриятлар” эса муддатлилик тамоилларига асосан таснифланган.

Мазкур ҳисобварақлар режасида ҳар бир иккинчи тартибли баланс ҳисобварағи учун ҳисобварақ таърифи берилган бўлиб, унда ҳисобварақнинг дебети ва кредити бўйича қандай операцияларни акс эттириш, ҳамда аналитик ҳисобини юритиш кўрсатилган. Батафсил аналитик ҳисоб юритиш учун банкларда шахсий ҳисобварақлардан ташқари қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

“Даромадлар” ва “Харажатлар” бўлими учун аналитик ҳисоб кўрсатилмаган бўлиб, ушбу бўлимлардаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Тижорат банклари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда аналитик ҳисобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари нима?*
- 2. Банклар бухгалтерия аппаратининг тузилишини айтиб беринг?*
- 3. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режалари ва уларнинг тавсифи*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Доимий ҳисобварақлар – улар ҳар бир ҳисобот даври якунида ёпиладиган вақтинчалик ҳисобварақлардан фарқли ўлароқ, доимий сальдога эга бўлишлари мумкин.

Актив ҳисобварақларда турли активлар акс эттирилади ва улар фақат дебет сальдосига эга бўлади. Активларнинг кўпайиши ушбу ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилади.

Пассив ҳисобварақлар мажбуриятлар ва сармоянинг ошишини акс эттириш учун мўлжалланган, фақатгина кредит сальдосига эга бўлади, мажбуриятлар ва сармоя ошиши мазкур ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

Контрактив ҳисобварақлар сальдоси ҳисоботда уларнинг соф (баланс) қийматини акс эттириш учун асосий воситаларнинг эскириши мисол бўлади. Асосий воситаларнинг эскириши ҳисобварақлари балансда уларнинг бошланғич қийматини камайтириб кўрсатади.

Контрпассив ҳисобвараққа сотиб олинган хусусий акцияларни мисол қилиб келтириш мумкин, ҳисоботда устав капиталининг ҳақиқий ҳажмини акс эттириш учун “Устав сармояси” ҳисобварағи сальдосидан унинг сальдоси чегирилади.

банк бухгалтерия аппарати – пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини ички назоратдан ўтказиш ҳамда уларни ҳисоб регистрларида қайд этиш билан шуғулланувчи ходимлар гуруҳи;

бэк-офис – банкнинг таркибий қисми бўлиб, Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтган ва ижро учун тақдим қилинган операцияларни жорий назоратдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга оширувчи бухгалтерлар гуруҳи.

Бэк-офиснинг асосий вазифаси- Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтказилиб, маъқулланган барча банк операцияларни қайтадан жорий назоратдан ўтказиб, уларни иккиёклама ёзув ёрдамида бухгалтерия регистрларида қайд этиш ва тегишли ҳисоботлар тайёрлашдан иборат.

ёрдამчи китоб – бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар;

фронт-офис – банкнинг таркибий қисми бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган банк операцияларини амалга оширишда банк мижозлари билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда уларга барча банк хизматлари кўрсатувчи ходимлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Фронт-офис бошлиғи раҳбарлик қилади.

Фронт-офиснинг асосий вазифаси -мижозлар топшириғи ҳамда банк ички фаолияти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган операцияларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрлашдан иборат;

1.2.Банк ҳужжатлари ва ҳужжатлар айланиши

Бухгалтерия ходимларининг иш куни шундай ташкил этилиши лозимки, бунда келаётган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари уз вақтида ижро этилиши ҳамда улар ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиб, кундалик баланс тузилиши керак.

Банкларда иш куни ва ҳужжатлар айланишини ташкил этишда қўйидаги асосий талаблар белгиланган:

иш кунининг биринчи ярмида (бу вақт операция куни дейилади) банкка келиб тушган барча ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари шу куннинг узида қабул қилиниши, расмийлаштирилиши ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилиши лозим. Операция куни тугагандан кейин банкка келиб тушган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари, кейинги иш кунида мижозларнинг ҳисобварақларига киритилади.

операция куни давомида мижозлардан ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини бевосита бухгалтерия ходимларининг ўзлари қабул қилиб оладилар. Операция кунидан ташқари вақтда ҳужжатлар банкка махсус кўрилмалар (кутилар) орқали топширилиши мумкин. Улардаги ҳужжатлар камида ҳар соатда бир марта олинади;

операциялар ҳажмини тартибга солиб туриш учун ҳар бир банкда доимий равишда банкка катта миқдорда тўлов ҳужжатлари такдим этиб турадиган асосий мижозлардан ҳужжатларни қабул қилиш графиги белгиланади;

жисмоний шахсларнинг (тўрли бадалларни топширувчи фукароларнинг, омонатчиларнинг) ҳисоб-китоб ва касса операциялари ушбу операцияларни

базарувчи бухгалтерия ходимлари томонидан операция куни давомида амалга оширилади;

барча ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари бўйича талаб килиб олингунча депозит ҳисобварақларидан амалга ошириладиган тўловлар, жумладан бюджетга ажратмалар ва иш хақи учун тўловлар факат ушбу ҳисобварақларда маблағ бўлган тақдирда амалга оширилади.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, ҳар бир банкда миқозларга хизмат кўрсатиш ва ҳужжатлар айланиши графиги тузилади. Унда ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳисоб-китоб-касса хизматлари кўрсатишнинг аниқ вақти (оралиғи) ҳамда уларни қайта ишловчи барча участкалардан ҳужжатлар утадиган вақт кўрсатилади. Миқозларга хизмат кўрсатиш ва ҳужжатлар айланиши графигини банк раҳбари тасдиқлайди.

Бухгалтерия ходими томонидан юритиладиган ҳисобварақлар бўйича банк миқозлари ва ходимларидан қабул килинган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларига тегишли ишлов берилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар бўйича нақд пул маблағлари ёки бошқа бойликларнинг утқазилиши ёхуд берилиши мумкинлигини бу маблағлар олиниши керак бўлган ҳисобварақнинг ахволига қараб текширилади (мазкур ҳисобвараққа қўйилган даъволар ҳамда тўловларнинг белгиланган тартибини ҳисобга олган ҳолда депозит ҳисобварақидаги буш маблағ қолдиқлари етарли ёки етарли эмаслиғи текширилади).

Келиб тушган барча ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича амалга оширилган операциялар қонунийлиғи ҳамда улар кредитлаш ва ҳисоб-китоб қилиш қоидаларига мувофиқлиғи, шунингдек мазкур миқознинг устави (низоми)да қўзда тутилган фаолият турига мувофиқлиғи нуқтаи назардан қўриб чиқилади.

Хусусан, ҳужжат матнида тўловлар мақсади кўрсатилгани (истисно этиладиган ҳолатлардан ташқари), операция ҳисобварақларнинг дебети бўйича ҳам, кредити бўйича ҳам миқоз фаолияти характериға ҳамда мазкур ҳисобварақ мақсадига мос келиши лозим;

товарлар ва хизматлар хақини тўлаш учун ёзилган тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари ва ҳисоб-китоб чекларида товар-транспорт ҳужжатларининг ёки улар ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларнинг номерлари ҳамда улардаги суммалар кўрсатилган бўлиши керак;

тўлов топшириқномаларида даврий тўловлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги битим санаси қайд этилгани, қарзлар бериш ва қарз ҳисобварақларини тартибга солиш билан боғлиқ ҳужжатларда банк раҳбари ёки у вақолат берган шахснинг ижозат устхатларининг мавжудлиғи текширилади.

Аккредитивлар билан ҳисоб-китоб қилинаётганда барча ҳужжатларнинг аккредитивлар шартларига келиши лозим. Чеклар, тўлов ва инкассо топшириқномалари, тўлов талабномалари ва уларга илова қилинган товар-транспорт ҳужжатлари ёхуд уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиғи ҳамда бу ҳужжатлар белгиланган шаклдаги бланкларда тузилганини, уларнинг қўзда тутилган барча реквизитлари тўғри тўлдирилиши лозим:

* ракам ва суз билан ёзилган суммаларда тузатиш ва кушимча ракам киритиш аломатлари йуклиги, кушимча ракам ёзилмаслиги учун чеклардаги буш ўринларга чизик тортилганлиги;

* хужжатнинг кушимча нусхаларининг биринчи нусхасига мос келиши хужжатда белгиланган тартибда имзолар ва муҳр изи борлиги, уларнинг олдиндан берилган намуналарга мослиги;

* тўланиши лозим бўлган такдим этилган чеклар номерларининг имзолар намуналари қўйилган карточкалардаги қайд этилган номерларга ёки мазкур мижозга берилган чек дафтарчалари қайд этиш карточкасига тўғри келиши;

* эгаси кўрсатилган чеклар ёки чиқим ордерида олувчининг паспортини кўрсатгани тўғрисидаги ёзувнинг тўғрилиги, пул ва бошқа қимматликлар олингани тўғрисида эгаси кўрсатилган чеклардаги чиқим касса ордерларидаги ва бошқа хужжатлардаги тилхатнинг мавжудлиги ҳамда бу ёзилган тилхатларнинг хақиқийлигини текширади.

Мижозларнинг иш хақи тўғрисидаги такдим этган маълумотномалари тўғри расмийлаштирилган бўлиши керак. Маблағлар белгиланган ҳажм доирасида берилишини назорат қилиш, иш хақи тўлаш учун берилган маблағлар ҳисобини юритиш, мижозларга иш хақи график бўйича тўланиш муддатларига риоя этилишини, ишчи ва хизматчиларнинг иш хақидан ушлаб қолingan солиқлар, шунингдек давлат ижтимоий сугўртаси бўйича тўловлар суммалари утказилишини назорат қилади.

Маълум бир операцияларни бошлаб берган бухгалтериянинг бошқа ходимлари имзоларини, зарур бўлган ҳолларда тегишли назоратчи ходимларнинг улардан келаётган хужжатлардаги имзоларини олдиндан белгиланган намуналарга солиштиради, шунингдек, уларда шахсий ҳисобварақларнинг рақамлари қонуний равишда ўзгартирилганлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. Бухгалтериянинг бошқа ходимларидан келиб тушган хужжатларнинг шакллари бажарилаётган операциялар турига мос келишини, хусусан мазкур операцияларни ҳисобварақлар кредити бўйича расмийлаштириш қоидаларида қўзда тутилмаган бухгалтерия ёзувлари учун маълумотномалар тегишли хужжатларнинг (яъни тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари, қирим-чиқим ордерлари ва шу қабилар) нусхалари ўрнига берилмаётганлигини аниқлайди.

Кассадан қелган қирим хужжатларидаги қассирлар имзоларини намуналарга солиштириб қўрилади. Мижозларга ўрнатилган тартибда берилган нақд пул ва ҳисоб-қитоб чеклари рақамларини тегишли карточкаларда қайд этиш ва уларнинг амал қилиш муддатларига мос келиши шарт. Ижро учун қабул қилинган ва ижрочининг ўзи тузган хужжатларни имзолайди.

"Қўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақларида ҳисобга олинadиган ҳисоб-қитоб-пул хужжатлари карточкаларини юритиб борилади. Мижозларнинг ҳисобварақларидан уларга қўйилган (талабномалар) даъволар суммаларини амалдаги қонунчиликка биноан тўлов навбатига риоя этган ҳолда белгиланган муддатларда чиқариб борилади.

Хизмат кўрсатиладиган мижозлар бўйича инкассо хужжатлари

картотекаларини уз вақтида юритиб бориш лозим. Олдиндан акцептланиб, инкассо тартибида тўлаб бериладиган ҳужжатлар суммаларининг тўланиш муддатларини, шунингдек зарур ҳолларда халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳужжатларда валюталаш муддатлари белгилаб олинади.

Хорижий банклар ва миждозларнинг топширикномаларига биноан бажариладиган валюта операциялари учун воситачилик хаки, халқаро телеграф ва почта жунатмалари учун килинадиган харажатлар ўрнини коплаш суммалари, шунингдек ҳужжатлар хакини тўлаш ёки карзларни кайтариш муддатлари кечиккан учун пенялар ҳамда фоизлар суммаларини ҳисоблаб бориш лозим.

Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувлар тўғрилиги, шахсий ҳисобварақлардаги ёзувлар тўғри акс этирилгани ҳисобварақ дебети бўйича бу ёзувлар учун асос бўлган асл нусхадаги ҳужжатларга қараб, кредит бўйича эса, келиб тушган ҳужжатларнинг электрон нусхаларига солиштириб кўрилади.

Жорий ойдаги шахсий ҳисобварақлар маълумотларини йигиш ва саклаш ҳамда уларни жорий архивга уз вақтида топшириш зарур. Бажарилган операциялар бўйича белгиланган ҳисоботларни тузади. Миждозлар ва бошқа банкларнинг бажарилаётган операцияларга ҳамда мазкур банкда хизмат кўрсатилаётган миждозларга доир хатлари ва рекламацияларини ижро этиш талаб этилади.

Ҳужжатлар айланиш графигига ҳамда миждозларга хизмат кўрсатиш графигига риоя этилиши лозим. Операциялар тигизлиги бир меъёрда бўлишини таъминлаш ҳамда ҳужжатлар айланишини тезлаштириш мақсадида банкларда ҳужжатлар айланиши ҳамда миждозларга хизмат кўрсатиш графиги ишлаб чиқилади.

Ушбу графикларда ҳужжатлар уларга ишлов бериладиган барча участкалардан утиши керак бўлган аниқ вақтлар кўрсатилади. Бунда иш куни давомида расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тупланиб қолишига йул қўймаслик лозимлиги ҳисобга олинади. График тузилаётганда қўйидагилар эътиборга олинади:

Кунлик тушумни қабул қилишга доир ҳужжатлар бухгалтериянинг операцион бўлими ходимлари қўлига пул маблағларини дастлабки санаш кассасидан иш куни бошланиши олдида келиб тушиши лозим. Банк операцион куни мобайнида инкасса килинган нақд пул тушуми ҳужжатлари кассадаги нақд пул тушуми санаб бўлинмаганлигидан катъи назар соат 16.00 дан кечикмай олинади. Касса дафтарларини касса маълумотлари билан солиштириш соат 18.00 гача якунланади;

иш кунининг иккинчи ярмида миждозлардан қабул килинган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини тўлаш вақти мобайнида (яъни иш куни охиригача) расмийлаштирилиши лозим;

миждозлардан келиб тушган ҳужжатлар шу миждозларга имкони борида хизмат кўрсатиш вақтигача тўлаб берилиши лозим;

миждозлардан ҳужжатлар бутун иш куни мобайнида қабул килинади. Банк операцион куни охиригача банкка келиб тушган ҳужжатлар жорий кун баланси

бўйича бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади, банк операция кунни тугагандан сўнг топширилган ҳужжатлар эса банкнинг кейинги иш кунни баланси бўйича утказилади. Иш кунни якунланишига камида икки соат колган вақтда бошқа шаҳарда жойлашган тўловчиларнинг хизмат кўрсатувчи банкларига инкассага қабул килинган тўлов талабномалари уша кунгёк жунатилади.

Банкларнинг асосий мижозларидан ҳужжатлар бир меъёрга келиб туришини таъминлаш учун мижозларга хизмат кўрсатиш графиги ишлаб чиқилади ва улар билан келишилади. Графикка банк билан бир аҳоли пунктида жойлашган ва банкка ҳар кунни катнайдиған корхоналар киритилади. Графикка киритилмаған фукаролар ва мижозларнинг вакилларига бутун банк операция кунни мобайнида улар банкка келган вақтда хизмат кўрсатилади:

* мазкур банк мижозларининг ҳисобваракларига маблаларни киритиш ва чиқариб олиш учун ҳужжатлар келиб тушганлиги ва ишлов берилганлигига қараб бухгалтериянинг бир операция ходимидан бошқасига берилиши кечиктирилмаслиги лозим;

* жорий куннинг операциялари бўйича ахборотни (ҳужжатларни) ХКМига улар билан келишилган махсус график бўйича топширилиши лозим;

* шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларни текшириш ҳамда шу ҳисобварақлардаги якуний натижаларни баланс ҳисобварақлари ва кузда тутилмаған ҳолатлар ҳисобварақлари билан солиштириш кун охирида ёки кейинг кунни эрталабдан кечикмасдан бухгалтерия ходимлари томонидан амалга оширилади;

* ҳужжатлар экспедиция бўлимига улар расмийлаштирилиши биланок топшириб турилади. Экспедиция ҳужжатларни, қоида бўйича, иш кунни якунланишига камида 1,5 соат колганда қабул қилишни тухтатади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2002 йилни, 12 январдаги 1/4 - сонли қарори билан тасдиқланган сон-60 билан қайд килинган «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар» тўғрисидаги НИЗОМ асосида тартибга солинади. Мазкур Низом асосида нақт пулсиз ҳисоб – китоблар амалга оширилади. Юридик ва жисмоний шахсларга, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларига нақт пулсиз ҳисоб китобларда татбиқ килинади.

Ўзбекистон Республикаси банклари нақд пулсиз ҳисоб – китобларни қўйидаги шаклларда ташкил этадилар ва амалга оширадидар :

- 1) тўлов топширикномалари билан ҳисоб-китоблар;
- 2) аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар;
- 3) инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- 4) чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Ушбу шакллар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўйидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:

- 1) мемориал ордер ;
- 2) тўлов топширикномаси ;
- 3) тўлов талабномаси ;

- 4) инкассо топширикомаси ;
- 5) аккредитивга ариза ;
- 6) тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки .

Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пластик карточкалар фойдаланган ҳолда, амалга оширилиши мумкин.

Тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аниқшакли мустақил равишда шартнома (битим)га мувофиқ белгиланади. Агарда банк ҳисобвараки шартномасида бошқа муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк тегишли тўлов ҳужжати банкка тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан, тушган пул маблағларини мижоз ҳисобварагига кирим қилиш, мижознинг топширигига мувофиқ, ҳисобварақдан пул маблағларини бериши ёки утказиши шарт.

Мижознинг топширигига кўра, маблаулар олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварагидан утмаган ҳолда, маблағлар олувчининг бу ҳақида розилиги бўлишидан қатъи назар, тўловларни учинчи шахсга утказишни амалга оширишга рухсат этилмайди, қонунчиликда кўрсатилган ҳоллар, бундан мустасно.

Маблағлар тўловчининг ҳисобваракидан учирилгандан сўнг, олувчининг ҳисобваракига утказилади, ҳисоб-китоб чеклари, шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тўғрисидаги Низомида кузда тутилган ҳолларда пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар, бундан мустасно.

Мижозларнинг ҳисобваракида пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағларини ҳисобварақлардан чиқариш 30.01.1999 йилда 615 – сон билан руйхатга олинган "Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги" Йўриқномага мувофиқ, навбат тартибда амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар бўйича тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасидаги ўзаро даъволар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Банклар қарздорнинг кредиторга шартнома бўйича мажбурияти бажарилмаган ёки тегишли сўратда бажарилмаган ҳолларда, тўлаб бериши лозим бўлган пеня (жарима)ларни ҳисоблаш ва ундиришга жавобгар эмас.

Ҳисоб-китоб операцияларини бажариш юзасидан банкка билдирилган даъволар сабабларини аниқлаш учун, мижоз томонидан унга хизмат кўрсатувчи банкка жунатилади.

Банк ва унинг мижозлари ўртасидаги низолар тузилган банк ҳисобвараки шартномасига мувофиқ, ўзаро ҳал қилинади. Вужудга келган низоларни ўзаро қелишув йули билан ҳал қилиш имконияти бўлмаганда, улар судда ҳал қилинади. Банклар мижозлар билан ҳисоб-китоб қилганда ва ўз операцияларини бажаришда мемориал ордерлар ва тўлов топшириқномаларидан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклараро ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказларида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали электрон тўловлар тизими бўйича миллий валютада

амалга оширилади. Банкларда ҳисоб-китоблар бўйича электрон ҳужжат айланмаси “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида”ги 19.02.2001 йилдаги 1010 – сон билан руйхатга олинган Низомга мувофиқ, ташкил қилинади.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари қўйидагилар реквизитларни уз ичига олишлари шарт: ҳужжатнинг раками, ҳужжат ёзиб берилган санаси "КК.ОО.ЙЙЙЙ" шакли бўйича, бунда "КК" - кун, "ОО" - ой, "ЙЙЙЙ" – йил, тўловчининг номи, тўловчининг ҳисобварақ раками, солиқ тўловчининг идентификация раками (СТИР) (чекдан ташқари), тўловчи банкнинг номи, тўловчи банкнинг коди, олувчининг номи, олувчининг ҳисобварақ раками, олувчи банкнинг номи, олувчи банкнинг коди, тўловнинг суммаси ракам ва ёзувда, тўловнинг максоди (чекларда кўрсатилмайди).

Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки қўшимча равишда қўйидагиларни уз ичига олиши шарт: чекнинг серияси ва раками, жисмоний шахс паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат)ининг серияси ва раками, чекнинг охири амал қилиш санаси “КК.ОО.ЙЙЙЙ” шакли бўйича, бунда "КК" - кун, "ОО" - ой, "ЙЙЙЙ" - йил.

Аккредитивга ариза қўшимча равишда қўйидагиларни уз ичига олиши керак: аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредитив очилаётган шартнома раками ва санаси, буюртма раками, буюртма санаси, етказиб берилаётган товар, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг номи, аккредитив бўйича тўловларни амалга оширишда асос бўлган ҳужжатнинг тури, қўшимча шартлар.

Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиришда тўловчи ва маблағлар олувчининг номини қисқартириб ишлатишга рухсат этилади, агар бу давлат руйхатидан утганлиги тўғрисидаги гувоҳномада белгиланган бўлса пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари техник воситалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобда катнашувчи барча томонлар ва банк учун етарли бўлган нусхалар сониде ёзиб берилади. Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари сиёҳда (бинафша, кук ёки кора рангда) қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзиб берилади. Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларида буяш, чизиш ва тузатишга йул қўйилмайди

Банк операциялари амалга оширилаётганда уларнинг қонуний расмийлаштирилишини ҳамда маблағлар ва қимматликларнинг бут сакланишини тегишлича назорат қилиниши алоҳида аҳамиятга эга.

Бухгалтерия аппаратида 5 кишигача (бош бухгалтер ва унинг муовини билан биргаликда) ходим ишлайдиган банк бўлимларида ҳужжатлар айланиши ва банк ички назорати қўйидаги хусусиятларни ҳисобга олиб ташкил этилади. Кичик банкларда бухгалтерия ходимлари ўртасидаги вазифалар тахминан қўйидагича тақсимланиши тавсия қилинади:

- * барча корхоналарнинг депозит ва қарз ҳисобварақларини бир бухгалтерия ходими, бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича ҳукумат ҳисобварақларини эса бухгалтериянинг иккинчи ходими юритади;

- * банкнинг ички ҳисобварақлари учинчи операция ходими томонидан юритилади;

* шу кунга тегишли кирим-чиқим хужжатларини бош бухгалтер муовини тайёрлаши мумкин, бунда бош бухгалтер касса операциялари бўйича барча назорат вазифаларини бажаради ҳамда ёрдамчи ва бош китоблар маълумотларини солиштиради.

Маълумки хужжатлар банкларда содир бўлган жараёнлар тўғрисида ёзма гувоҳлик бириш билан биргаликда юридик кучга ҳам эгадир. Банкларда содир бўлган хўжалик жараёнларини хужжатлаштириш банклар фаолиятини доимий ва узлуксиз равишда ҳисобга олиш ва ҳисоб маълумотларини йиғишни таъминлайди.

Хужжатларни тузиш ва расмийлаштиришга ҳам белгиланган қоида ва талаблар қўйилган. Энг аввало хужжатлар тўғри расмийлаштирилган, учуриб ёзилмаган ва хужжатнинг барча реквизитлари тўлдирилган бўлиши зарур.

Банк жараёнларининг бошқа хўжалик субъектларидан фарқи махсус хужжатларни фойдаланишни талаб қилади ва бу хужжатлар Марказий банк томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ва барча банк оркали ҳисоб-китобларни, ссуда ва бошқа жараёнларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Улардан асосийлари қўйидагилардир:

1.Касса хужжатлари. Ушбу хужжатлар миллий (сум) ва чет эл валюталарини кассага қабул қилиш ва кассадан беришни расмийлаштириш учун тайинлангандир. Уларга нақд пул топшириш учун эълонлар, чеклар, кирим ва чиқим касса ордерлари (миллий ва чет эл валютасида).

2.Ҳисоб-китоб хужжатлари - мол юборувчиларнинг жунатган махсулотлари, бажарган иш ва кўрсатган хизматлари учун буюртмачилардан тўлашни талаб қилиб ёки бюджет олдидаги уз Мажбуриятларини бажариш мақсадида тузилади. Уларга тўлов талабномаси, тўлов топшириги,тўлов талабномаси-топшириги,мижознинг сметиға маблагларнинг келиб тушиши ёки чиқиб кетиши тўғрисидаги хабарнома(авизо), аккредитивлар,ҳисоб-китоб чеклари ва бошқалар.

3. Мемориал-хужжатлари (мемориал ордерлари) банклар томонидан банклар ўртасида содир бўлган жараёнларни расмийлаштириш учун тузилади. Улар берилган ва қайтарилган ссудалар ва уларга ҳисобланган фоизлар, асосий воситаларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши ва уларга эскириш ҳисоблаш учун қўлланилади.

Юкорида санаб утилган хужжатлар баланс кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи жараёнлар ва баланс сметиарида акс эттирилишга тайинлангандир. Шу билан биргаликда банкларнинг фаолияти тўғрисидаги анчагина маълумотлар балансдан ташкаридаги кўрсаткичларда ҳам акс эттирилади. Жумладан берилган кафолатлар ва кафилликлар тўғрисидаги маълумотлар, берилган ссудалар бўйича хар хил таъминланишлар тўғрисида, мижозлар номиға қўйилган аккредитивлар тўғрисида, лизинг ва факторинг жараёнлари суммаси ёки устав капиталининг тўланмаган хажми хакидаги ва бошқалардир. Ушбу жараёнлар балансдан ташкари кирим ва чиқим ордерлари билан расмийлаштирилади.

Юкорида таъкидланган хужжатларнинг шакллари ва уни битта килинган. Уларнинг реквизитлари ҳисоб-китоб хужжатлари тўғрисидаги низомда кузда тутилган талаблар асосида жойлаштирилган.

Хужжатларда синтетик ва аналитик счетларда акс эттирувчи маълумотларнинг мавжудлиги счетлар корреспонденциясининг ва ушбу жараёнларнинг пулда ифодаланиши зарурий ва мажбурийдир. Моддий жавобгар шахсларнинг, ижро этувчиларнинг ва назоратчиларнинг имзолари текширувнинг дастлабки ва охириги боскичларида уларнинг нусхалари билан солиштирилади.

Бухгалтерия маълумотларини қўлда қайта ишлаш ва қайд қилиш жараёни карточкаларда, китобларда, жўрналларда амалга оширилади. Хозирги даврда эса бухгалтерия маълумотларини қайта ишлашда компьютерлардан кенг фойдаланилади. Натижада даслабки хужжатларда акс эттирилган бухгалтерия маълумотларини компьютерга киритилгандан сўнг у қайта ишланиб бухгалтерия ҳисобининг аналитик ва синтетик характерга эга бўлагн барча маълумотлари ҳисобот ва баланс шакллари олади. Маълумки, компьютер ёрдамида олинган юкоридаги маълумотлар сифатли ва оператив бўлиб банк фаолиятини режали бошқариш имкониятини беради ва унинг молиявий ҳолатининг баркарорлиги ва рентабеллиги устидан уз вақтида назорат олиб боришни таъминлайди.

Пул-ҳисоб-китоб хужжатлари қабул қилинаётганда ходим такдим этилган хужжат белгиланган шаклдаги бланкда ёзилганини, банк кузда тутган барча реквизитлар тўлдирилганини, кўрсатилган банк реквизитлари тўғрилигини, мухр изи ва имзолар банкка берилган намуналарга мос келишини текшириши шарт. Ушбу текширишлардан кейин хужжат ижро этиш санаси кўрсатилган ҳолда банк ходимининг имзоси билан тасдикланади.

Кушимча назорат қилиниши лозим бўлган хужжатларнинг ҳар икки нусхаси назоратчига ёки бош бухгалтерга топширилади ва назорат визаси олинганидан кейин ижрога қабул қилинади.

Қўйидаги ҳисобварақлар ва операциялар билан боғлиқ ҳисоб-китоб-пул хужжатлари назоратчи ходим томонидан текширилиши ва имзоланиши лозим:

1) ҳисоб-китоб-пул хужжатлари:

* мижозларнинг топширигисиз амалга ошириладиган операциялар хусусан асосий тўлов билан бирга ундирилмаган пеня суммасини олишга доир ордерлар;

* иккиламчи талаб қилиб олингунча ҳисобварақлар (субҳисобварақлар)даги қолдиқларни утказиш бўйича ордерлар;

* суммалар юбориладиган манзилни ўзгартириш ва қайтариб юбориш ҳамда, банкнинг вакиллик ҳисобварағи билан боғлиқ ордерлар;

2) ҳисоб-китоб-пул хужжатлари ва аналитик ҳисоб ёзувлари;

* фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг жамгарма депозит ҳисобварақлари бўйича;

* ҳисоб-китоб операцияларининг амалга оширилиш қоидаларини бузганлик учун мижозлардан жарималар ундириш бўйича;

* қимматбаҳо металлар, банкнинг асосий воситалари, кам баҳоли ва тез

эскирувчи буюмлар; банкнинг хўжалик ҳисобидаги корхоналари билан ҳисобкитоблар; банкнинг дебиторлари ва кредиторлари (факат дебет бўйича); банкнинг вакиллик ҳисобвараги орқали утказилган аниқланиш жараёнидаги суммалар; хўжалик материаллари; келгуси давр харажатлари; операцион ҳамда бошқа даромад ва харажатлар;

* Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномада кузда тутилган ҳолларда давлат бюджети ҳисобварақлари бўйича;

* ваколатли шахсларнинг депозит ҳисобварақлари бўйича;

* хусусий шахсларнинг ссуда ҳисобварақлари бўйича;

* Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банкнинг алоҳида қарорларига кўра амалга ошириладиган бошқа ҳисобварақлар ва операциялар бўйича.

Банк капитали, хорижий операциялар, қимматбаҳо металллар, йулдаги кассага юборилган қушимча маблағлар ва ундаги ортиқча маблағлар, қўрилган фойда ва зарарлар, зарарга утказилган қарзлар бўйича ордерлар, шунингдек депозит, ссуда ва бошқа ҳисобварақларни ёпиш бўйича ордерлар, бухгалтерия ҳисобида йул қўйилган ҳатоларни тузатиш ордерларига бош бухгалтер ёки унинг муовини назорат имзосини қўйиши лозим.

Хорижий операциялар бўлимлари бор банкларда хорижий операцияларга оид ордерларга шу бўлимларнинг бошликлари назорат имзосини қўядилар.

Пул оморларида сакланаётган пул ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳамда жунатиш ордерлари, резерв фондлар билан бўладиган операциялар бўйича ордерлар ижрочилар ва бош бухгалтердан ташқари банк раҳбари ва касса мудирини томонидан ҳам имзоланиши лозим.

Нақд пулсиз банк операциялари амалга оширилаётганда ҳужжатлар айланиши ва назоратнинг ушбу бўлимда баён этилган асосий қоидаларига риоя этилиши лозим.

Ҳисобварақни юритувчи бухгалтер ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини, шу жумладан ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келишини ҳамда ҳисобварақдан унинг маблағини ҳисобдан чиқариш мумкинлигини, яъни ҳисобварақдаги маблағ қолдиги етарлилигини текширганидан кейин ҳужжатни бухгалтерия ёзувини амалга ошириш учун қабул қилади. Ушбу текширувнинг амалга оширилишини тасдиқлаш учун бухгалтерия ходими ҳужжатни ва унинг нусхаларини имзолашдан олдин солиштириб, бир хиллигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Ҳужжатнинг охириги нусхаси бухгалтернинг шахсий штампи босилган ҳолда миқдорга қайтарилади. Ушбу нусха ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилхат вазифасини бажаради.

Ҳисобварақлар бўйича операциялар қушимча назорат қилиниши керак бўлган ҳолларда маблағларни бир ҳисобварақдан бошқасига нақд пулсиз утказиш бўйича ҳужжатларни уз имзоси билан расмийлаштирган бухгалтер ҳужжатнинг ҳар икки нусхасини назоратчига топширади.

Нazoratchи устав фаолиятига асосланиб, амалга оширилаётган операциялар

тўғрилигини текширади, ҳамда хужжатнинг биринчи ва иккинчи нусхаларининг бир-бирига тўлик мос келишига ишонч ҳосил қилгандан кейин, уларни имзолайди ва биринчи нусхасини операцияларни дебётда акс эттириш учун қайта ишлашга иккинчи нусхасини эса кредитланаётган шахсий ҳисобварақни юритувчи бухгалтерга жунатади.

Бухгалтерлар амалга оширган чиқим касса операциялари марказлашган тартибда назоратчи томонидан назорат қилинади. Назоратчининг иш жойи имкони борица кассага яқин бўлиши лозим. Чиқим операцияларини назорат қилиш шундай ташкил этилиши лозимки, бунда қўйидагилар истисно этилади:

- * нотўғри расмийлаштирилган хужжатлар бўйича тўловни амалга ошириш, чекларга қўйилган имзо ва муҳр изи такдим этилган намунадагисига мос келмаганда ҳамда шу миқдорга тегишли бўлмаган чек дафтарчадан ёзиб берилган чеклар бўйича тўловни амалга ошириш;

- * чеклар ва бошқа чиқим касса хужжатлари тегишли операция ходимлари ва банк назоратчисини четлаб ўтган ҳолда тўғридан-тўғри кассага келиб тушиши;

- * касса хужжатларига асоссиз тузатиш ва қўшимчалар киритилиши.

Кирим ва чиқим касса жўрналлари компьютер техникаси ёрдамида тузилади (бунга имконият бўлмаса, қўлда ёзиб борилади). Унда миқдорнинг ҳисобварағи, кирим ва чиқим хужжатининг рақами ҳамда унинг суммаси кўрсатилиши лозим.

Назоратчининг кассирдан тилхат олиб чиқим касса ордерлари бўйича тўловни амалга ошириш учун кассага бериш тартиби банкнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан белгиланади. Кирим касса операциялари бўйича хужжатлар айланиши шундай ташкил этилиши лозимки, бунда кассага пул амалда келиб тушганидан кейингина миқдорларга қвитанциялар берилиши ҳамда ўшбу суммалар уларнинг ҳисобварақларига кирим қилиниши лозим.

Бухгалтерия ходими томонидан қабул қилинган ёки тузилган кирим касса ордерига ўшбу ходим томонидан имзо қўйилади. Банк ходимларидан қабул қилинаётган маблағларни банкнинг ички ҳисобварақларига кирим қилинаётганда кирим касса ордери икки нусхада тўлдирилади ва уларнинг бири қвитанция вазифасини бажаради.

Бухгалтерия ходими кассадан кассирнинг имзоси қўйилган андозали бланклар комплектидаги ордерни қайтариб олгач, кассирнинг ордердаги имзоси ҳақиқийлигини унинг намунасига солиштириб текширади ҳамда операцияни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уни ишлов бериш мақсадида тизим бўйича ўтказди.

Банкнинг ваколатли мансабдор шахсларининг ижро учун қабул қилинаётган ҳисоб-китоб-пул хужжатларидаги имзолари ҳақиқийлигини текшириш учун тегишли ходимларда уларнинг имзолари намунаси бўлиши лозим.

Назоратчилар банк ходимлари имзолари намуналарининг, шунингдек миқдорлар такдим этадиган хужжатларга қўйиладиган имзолар ва муҳр излари намуналарининг ўзларида турадиган нусхаларидан фойдаланишлари лозим.

Назоратчиларга бухгалтерия ходимлари фойдаланадиган мижозларнинг имзолари ва мухр излари намуналари ҳамда банк ходимлари имзоларининг намуналари кўрсатилган нусхадан фойдаланиш тақиқланади.

Тўловга такдим этиладиган чекларнинг ракамларини текшириш мақсадида банк мижозларга берган пул чеклари ракамларини ижрочи ва назоратчилардаги мижозларнинг имзолари ҳамда мухр излари намунаси кўрсатилган карточкада қайд этилади.

Депозит, бюджет ёки ссуда ҳисобварагини очилиши бош бухгалтер ёки унинг муовини томонидан "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида"ги йўриқномага мувофиқ аризага қўйилган банк раҳбарининг имзоси асосида очилади ва расмийлаштиради. Ҳисобварақ очилганидан кейин имзолар ва мухр изи намуналари кўрсатилган карточка банкнинг тегишли ходимларига берилади.

Имзолар ва мухр изи намуналари кўрсатилган карточкалар амалдаги ҳисобварақлар бўйича алмаштирилганда янги намуналарни бухгалтерия ходимлари қабул қилиб оладилар ва ушбу карточкалар бекор қилинганлари билан бирга бош бухгалтерга ёки унинг муовинига (агар унга бўйруқ билан шундай ҳуқуқ берилган бўлса) такдим этадилар. Бош бухгалтер ва унинг муовини уз навбатида ҳужжатларни текшириб, уз имзоси билан тасдиқлайди.

Ҳисобварақ ёпилганда, шунингдек корхона номи ёки ҳисобварақ раками ўзгарган ҳолларда ҳисобварақ эгаси чек дафтарчаларини фойдаланилмаган чеклар ва уларнинг милклари (корешоклари) билан бирга аризага қушиб банкка қайтаришлари шарт. Аризада қайтарилаётган фойдаланилмаган чеклар ракамлари кўрсатилади. Агар ҳисобварақ ёпилаётган бўлса, аризада ҳисобварақ ёпилаётган кундаги ҳолатга кўра ҳисобварақдаги маблағ қолдиги, шунингдек бу қолдиқ қаерга утқазилиши ва кредитланадиган ҳисобварақ раками кўрсатилиши лозим.

Ёпилаётган, шунингдек бошқа банкларга утқазилаётган ҳисобварақлар бўйича фойдаланилмаган чекларни мижозлардан факат бош бухгалтер ёки унинг муовини қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бош бухгалтер ва унинг муовини топширилган ҳар бир чекнинг имзо қўйиладиган қисмини қирқиб олиш йули билан уларни дарҳол сундириши лозим. Шундан кейингина чеклар тегишли ходимга берилади. Бу ходим дастурий йул билан ҳисобварақни ёпиш учун ордер тайёрлаши ҳамда уни текшириш ва имзолаш учун монетор орқали бош бухгалтерга ёки унинг муовинига такдим этиши шарт. Бу ордер операция кунининг якуни чиқарилганидан кейин шахсий ҳисобварақ билан бирга топширилади.

Ҳисобварақлар банк фармойишига кўра ёпилаётганда ва улардаги тегишли маблағлар қолдиги "Бошқа дебиторлик ҳисобварақлар"ига қирим қилинганда банк бош бухгалтери ёки унинг муовини ёпилаётган ҳисобварақдан мижозга охирги марта қучирма берилган кундан буён ушбу ҳисобвараққа қиритилган барча ёзувларни ҳужжатлар бўйича синчиқлаб текшириши, ссуда ва банк хизматлари учун ҳисобланган ҳамда тўланган фоизларни инобатга олган ҳолда чиқарилган охирги қолдиқнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва

ёпилаётган шахсий ҳисобвараққа тегишли ёзувларни киритиб, имзо чекиши шарт.

Банк бош бухгалтери мухрлар, штамплар ва бланкларни уларнинг йуқолишига ёки бошқа мақсадларда ишлатилишига йул қўйилмайдиган тарзда сақланиши ҳамда фойдаланиши устидан назоратни таъминлашга мажбур. Банк мухрлари ва бўрчакли штампларининг ҳисоби уларни сақлаётган шахслар фамилияси ва лавозими кўрсатилган махсус дафтарда юритилади. Дафтар варақлари рақамланган, боғланган ва банк мухри, банк раҳбари ҳамда бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши ва банк раҳбарининг ёки унинг хоҳишига кўра бош бухгалтер сейфида сақланиши лозим.

Банк ходимларининг иш жойлари шундай жойлаштирилиши керакки, бунда мижозлар ва бошқа бегона шахслар банкнинг мухрлари, штамплари, ҳужжатлари ва бланкларини ололмаслиги лозим.

Банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятларни ва бошқа хатларни мижозлардан банк экспедицияси (махсус ажратилган шахслар) ёки шахсан раҳбарнинг узи ёки бош бухгалтер қабул қилади. Бу тартиб эълонлар осиб қўйиш йули билан мижозларга маълум қилиниши лозим. Бухгалтерия ходимларига бундай хатларни қабул қилишлари тақиқланади.

Назоратни ташкил этиш ҳамда бухгалтерия ва касса ишларининг барча участкаларида унга амал қилинишини ҳар куни кузатиб бориш бош бухгалтер зиммасига юклатилади.

Банк раҳбари бухгалтерия иши ҳолатини умумий кузатиш билан бир каторда баланс ва ҳисоботлар уз вақтида тузилишини текшириб бориши, мижозларнинг ҳисобварақларига маблағларнинг уз вақтида ва тўлиқ утқазилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилишини мунтазам назорат қилиб туриши шарт.

Кейинги назорат бухгалтери банк раҳбари тасдиқлаган режага мувофиқ, бухгалтерия ишининг алоҳида участкаларини мунтазам равишда кейинги назоратдан утқазиб туриши шарт. Банклар раҳбарлари ва бош бухгалтерларининг хоҳишига кўра бошқа мутахассислар ҳам текширувларга жалб этилиши мумкин.

Текширувлар навбатдаги текширувдан утқазиладиган участкалар ҳамда уларни утқазиш ҳажми ва вақти кузда тутилган режаларга мувофиқ утқазилади. Режалар тузилаётганда охириги вақтларда қайси участкалар тафтиш қилингани ёки ўрганилгани, шунингдек қайси участкаларда тафтиш, ўрганиш ва текширувлар утқазилганда жиддий камчиликлар аниқлангани ҳамда такрорий текширув утқазиш зарурлиги инобатга олинади.

Алоҳида ходимлар ёки бўлимлар иши текширилганда уларнинг барча вазифалари ва Мажбуриятлари камраб олинади. Бундай текширувлар ҳар ярим йилда камида бир марта утқазилади. Шу билан бир каторда банк бухгалтерия ходимларининг бир тўрдаги муайян вазифаларини қандай бажараётганликларини тематик текширувдан утқазиб туриш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алоҳида кўрсатмаларининг (айниқса янги келган алоҳида кўрсатмаларнинг) бажарилишини текшириб

туриш тавсия килинади.

Кейинги текширувлар натижалари кискача маълумотномалар билан расмийлаштирилиши лозим; банкларнинг раҳбарлари кейинги текширув вақтида аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумотни олганликларидан кейин уч кунлик муҳлат ичида бу маълумотномани бухгалтерия аппарати ходимлари иштирокида шахсан кўриб чиқишлари ва ушбу камчиликларни келтириб чиқарадиган ҳолларни бартараф этиш учун зарурий чора-тадбирларни кўриши лозим. Камомадлар, талон-тарож қилиш, шунингдек мансабини суъистемол қилиш билан боғлиқ ва шунга ухшаш бошқа ҳолатлар аниқланганда банк раҳбари икки кун ичида материалларни тергов органларига топшириши шарт.

Бош бухгалтер ва кейинги назорат ходими кейинги мунтазам текширувлар вақтида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишини кузатиб боришлари ва зарур ҳолларда такрорий текширув ташкил қилишлари шарт.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Банкларда иш куни ва ҳужжатлар айланиши ташкил этишда қандай асосий талаблар белгиланган?*
- 2. Банкларда пул – ҳисоб – китоб ҳужжатлари қандай реквизитлар асосида фаолият кўрсатади.*
- 3. Банкларда ички назорат қандай ташкил этилади?*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

банк иш куни – қонун ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти;

банк амалиёт куни – банк иш кунининг бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштиш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт;

бош китоб – ҳисобварақлар режасидаги иккинчи тартибли ҳисобварақлари қолдиқларининг рўйхати;

бухгалтерия ҳисоби регистрлари – иккиёқлама ёзув усулида операциялар қайд этиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар ва тасдиқланган бланклар;

банк операциялари ички назорати (бундан кейинги ўринларда ички назорат деб юритилади) – банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизими;

дастлабки назорат - Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат;

жорий назорат - Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт-

офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат. Жорий назорат пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларининг бир-бирига мослигини текширишни ҳам ўз ичига олади;

назоратчи бухгалтер – масъул ижрочи бухгалтер томонидан дастлабки назоратдан ўтказилган барча банк операцияларини жорий назоратдан ўтказиб амалга оширувчи бухгалтер;

якуний назорат - амалиёт кун тугагандан сўнг, кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер ва Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан бажарилган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат;

1.3. Банк ички назорати

Банк ҳисоб–операцион ходимларнинг касса ҳужжатлари, мемориал ҳужжатлар ва балансдан ташқари ҳужжатларни қабул қилиш, уларни расмийлаштириш, қайта ишлаш (электрон тўлов ҳужжатларни яратиш) ва бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш билан боғлиқ операцияларни бажариш жараёнида банкнинг ички назорати амалга оширилади.

Банкнинг ички назорати **дастлабки, жорий ва сўнгги назорат** тартибда амалга оширилади. Дастлабки назорат пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари бухгалтерия ёзувлари берилгунга қадар, жорий назорат бухгалтерия ёзувларини расмийлаштиришда ва сўнгги назорат барча бухгалтерия операциялар амалга ошириб бўлингандан сўнг амалга оширилади.

Банк дастлабки назорати. Фронт–офис ходимлари ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Мижозлардан пул ҳисоб–китоб ҳужжатларини қабул қилишда, уларнинг Марказий банкнинг норматив–ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган шаклдаги бланкда ёзилиб тўғри расмийлаштирилганлиги, барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлиги, ушбу пул ҳисоб–китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлиги, шу жумладан, ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келиши текширилади. Тўлов топшириқномалари ва нақд пулни қўйиш учун фойдаланиладиган эълонларнинг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, акс ҳолда улар ижро учун қабул қилинмайди.

Банкнинг масъул ижрочи бухгалтери ёки Фронт–офис ходими тўлов ҳужжати нусхаларини имзолашдан олдин, уларни солиштириб, ўзаро бир хиллигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шундан сўнг, ижро этиш санаси кўрсатилган ҳолда масъул ходим имзоси билан тасдиқланган ва унга

бириктирилган банк штампи қўйилган ҳужжатнинг охирги нусхаси миждозга қайтарилади. Ушбу нусха ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилхат вазифасини бажаради.

Нақд пулни беришда ишлатиладиган чеклар тўлдирилган кундан бошлаб, (тўлдирилган кунни ҳисобга олмаган ва ҳужжатда кўрсатилган сана тўғрилиланмаган ҳолда) 10 календарь кун давомида банк томонидан қабул қилинади. Чекни қабул қилишда масъул ходим даставвал унда кўрсатилган миқдор доирасида миждознинг ҳисобварағида маблағлар етарлилигига эътибор қаратади, шундан сўнг масъул ходим қабул қилинган нақд пул чекининг санасини, чекни топширган хўжалик субъектининг номини ва ҳисобварақ рақамини, олинadиган маблағнинг рақам ва сўз билан ёзилган суммасини текширади, чекдаги имзолар ва муҳр изини ўзидаги имзо намуналари билан солиштиради.

Фронт–офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтер миждозлардан қабул қилинган барча пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл нусхаларига асосан маълумотларни дастурга киритади ва тўлов ҳужжатларини имзолаб, электрон тўлов тизими орқали уларни жорий назоратдан ўтказиш учун Бэк–офис ёки назоратчи бухгалтерга юборади.

Банк жорий назорати. Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан Фронт–офис ёки масъул ижрочи бухгалтердан келиб тушган пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилгандан кейин жорий назоратни амалга оширади.

Жорий назоратда дастлабки назоратдан ўтказилган тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва уларнинг электрон нусхаларини тўғри расмийлаштирилганлиги қайтадан текширилади ҳамда улардаги имзолар ва муҳр изини ўзларида мавжуд имзолар ва муҳр изи намуналари билан солиштирилади. Тўлов ҳужжатларининг асл нусхасида Фронт–офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтернинг имзолари ва штампи борлигини ҳамда уларни ўзида мавжуд бўлган имзо намуналарига мос келишини текширади.

Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер нақд пул чеки ва эълонномани ўрнатилган тартибда текшириб, уларни имзолаб Фронт–офис ходими ёки масъул ижрочи бухгалтерга қайтаради.

Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан банкнинг ички молия–хўжалик операциялари бўйича келиб тушган тўлов ҳужжатларининг асл ва электрон нусхалари ҳамда ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган банк тегишли бўлинмаларининг Хизмат фармойишларининг нусхалари тўғри расмийлаштирилганлиги, хато ва камчиликлар йўқлиги текширилади.

Пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ёки уларнинг электрон файлида хато ва камчиликлар аниқланганда, Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекмасдан уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатган ҳолда Фронт–офис ёки масъул ижрочи бухгалтерга ижросиз қайтаради.

Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан жорий назорат натижалари ижобий бўлган тақдирда, у тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо

чекади ва уни Бэк–офис бошлиғига ёки бош бухгалтерга тасдиқлаш учун жўнатади. Бэк–офис бошлиғи ёки Бош бухгалтер барча пул ҳисоб– китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларига ўрнатилган тартибда имзо чекиб, тасдиқлайди ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади.

Банк сўнгги назорати. Банкларда амалиёт куни якунлангандан сўнг, кунлик операция ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тикилиб ва расмийлаштирилиб якуний назоратдан ўтказиш учун якуний назорат хизмати ходимларига топширилади ва уларга электрон маълумотлар базасига кириш учун рухсат берилади.

Якуний назорат хизмати томонидан кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда электрон маълумотлар базасига кириб, банкда амалга оширилган барча операциялар Бош ва ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган шахсий ҳисобварақларда тўғри акс эттирилганлигини пул ҳисоб– китоб ҳужжатларининг асл нусхалари билан солиштириб текширишдан ўтказилиши шарт. Текшириш натижалари дастурий баённома билан расмийлаштирилади ва кунлик йиғмажилдга тикилади.

Кунлик чоп этилиб, йиғмажилдга тикилган баланс маълумотлари билан унинг электрон баланс маълумотлари бир–бирига мос келмаган ҳолда, зудлик билан раҳбариятга маълумот берилади ва шу куннинг ўзида унинг сабаблари тўғрисида Бэк–офис бошлиғи ёки бош бухгалтер, Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида далолатнома тузилади. Ушбу далолатномага асосланаган ҳолда ўзгартириш киритилиши лозим бўлган дастлабки пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари тўғриланади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. **Банкларда ички назорат тизимининг зарурияти нимада?**
2. **Банкларда ички назорат тизимини ким назорат қилади?**
3. **Банкларда ички назорат қандай ташкил этилади?**

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Дастлабки назорати. Фронт–офис ходимлари ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Банк жорий назорати. Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан Фронт–офис ёки масъул ижрочи бухгалтердан келиб тушган пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилгандан кейин жорий назоратни амалга оширади.

Банк сўнгги назорати. Банкларда амалиёт куни якунлангандан сўнг, кунлик операция ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тикилиб ва расмийлаштирилиб якуний назоратдан ўтказиш учун якуний назорат хизмати ходимларига топширилади ва уларга электрон маълумотлар базасига кириш учун рухсат берилади.

1.4. Банкларда ёрдамчи ва бош китоблар

Банк бухгалтерияси бош ва ёрдамчи китобларда юритилади. Бош китоб (ёки синтетик ҳисоб) ёрдамчи китобда (ёки аналитик ҳисоб) акс эттирилган суммаларнинг баланс ҳисоб рақамларида умумий йиғиндисини акс эттириб боради.

Бош китобнинг материаллари бўлиб кунлик, ойлик ва йиллик айланма ведомост ва баланслар, маҳаллий бюджетга ажратмалар бўйича ведомостлар ҳисобланади.

Касса кирим ва чиқим журналлари икки нусхада махсус компьютер дастури асосида тузилади, журналда миқдорнинг ҳисобварақаси номери, касса чиқим ёки кирим симболи ва суммаси қайд этилади (2-илова). Операцион кун тугагандан сўнг жами суммалар баланс ҳисоб рақамлар бўйича жамланади ва тегишли ходимларнинг текширувидан сўнг имзоланиб, кунлик бухгалтерия ҳужжатлар жилдига тикилади.

Кунлик айланма ведомост ва баланслар банкка миқдорлардан ва электрон тўлов тизим орқали келиб тушаётган ҳамда банкнинг ўзида яратилаётган бошланғич ҳужжатлар асосида компьютерда дастурий йўли билан тузилади. Кунлик айланма ведомост ва баланс асосида ойлик ва йиллик айланма ведомост ҳамда баланслар тузилади (3-4-иловалар).

Айланма ведомостда баланс ва кўзда тутилмаган ҳисоб рақамлар бўйича кун бошига қолдиқ ва кун давомида амалга оширилган дебет ва кредит оборотлар ва куннинг охиридаги қолдиқ акс эттирилади. Айланма ведомостда кун бошига ва охирига мавжуд бўлган актив ва пассив суммалар ҳамда дебет ва кредит оборот суммалари бир-бирига ўзаро тенг келади. Балансда эса баланс ва кўзда тутилмаган ҳисоб рақамларнинг актив ва пассив қолдиқ суммалари акс эттирилади ва куннинг охирида актив ва пассив суммалар бири-бирига ўзаро тенг келиши зарур.

Баланс куннинг охирида бош бухгалтер томонидан Бош китобнинг барча ҳисоб рақамлари бўйича назоратдан ўтказилгандан кейин имзоланади ва шундан сўнг банк бошқарувчиси кўриб чиқиб имзо қўяди.

Баланснинг бир нусхаси кунлик бухгалтерия ҳужжатлар жилдига тикиб борилади, иккинчи нусхаси махсус ойлик жилдда тикиб борилади ва ой сўнгида белгиланган тартибда банк архивига топширилади.

Банк бухгалтерияси бош китобида банкнинг барча операциялари умумлаштирилган ҳолда, ёрдамчи китобда эса убушу кўрсаткичлар ёйиб акс эттирилади.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишда асосий эътибор ҳисоб–китоб операциялари, қимматликларнинг бут сақланиши ҳамда уларнинг мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга қаратилади. Банк бухгалтерия маълумотлари кредит ресурсларини самарали ва мақсадли фойдаланишда, маълум операциялар устидан таҳлил ишларини амалга оширишда ҳамда банк фаолиятини бошқариб туришда муҳим маъна бўлиб ҳисобланади.

Банк бўлимининг бошланғич бухгалтерия ҳисоби ёрдамчи китобда акс эттирилади, ушбу китобда барча маблағлар ўзининг ташкил топиш нуқтайи назаридан алоҳида–алоҳида ҳисобварақаларда юритилади.

Ёрдамчи китобнинг асосий материаллари бўлиб ҳисобварақ, мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича маблағлар қолдиқ ведомости, касса қирим ва чиқим журналлари, карточкалар, рўйхатга олиш китоби ва журналлар ҳисобланади.

Банкда амалга оширилган барча операциялар тури, пул маблағи ёки қимматлилиги ҳамда мақсадига қараб тегишли ҳисобварақаларда ҳисобга олинади.

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг ҳаққоний ва тўғри юритилишини ташкил этишда аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари асосий манбаа ҳисобланади. Шу боисдан, мижозларнинг шахсий ҳисобварақлари бирламчи ҳужжатлар асосида дастурий йўл билан икки нусхада тайёрланади. Иккинчи нусха шахсий ҳисобварақдан кўчирма бўлиб хизмат қилади ва мижозга берилиши ёки жўнатиш учун мўлжалланади. Шахсий ҳисобварақларга ёзувлар фақат тегишлича расмийлаштирилган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари асосида киритилади.

Шахсий ҳисобварақларга қуйидаги реквизитлар: шахсий ҳисобварақнинг номи; чиқиш шаклининг рақами; шахсий ҳисобварақнинг тартиб рақами; шахсий ҳисобварақни тузган банк коди ва номи; мижознинг шахсий ҳисобварағи рақами ва унинг номи; ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг рақами, унинг фамилияси, исми, отасининг исми; ишлов бериш санаси; ҳисобварақдаги сўнгги ҳаракат санаси; кун бошидаги қолдиқ суммаси; кун охиридаги қолдиқ суммаси; бухгалтерия ёзувлари тартиби бўйича рақами; ҳужжат рақами; ҳисоб-китоб шакли ёки операция тури; вакил банкнинг ФА бўйича рақами; дебет айланмаси бўйича суммаси; кредит айланмалари бўйича суммаси; дебет айланмаси бўйича умумий суммаси; кредит айланмаси бўйича умумий суммаси ёзилади. Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар компютер ёрдамида тайёрланса, улар мижозларга берилаётганда имзолар ва банк штамплари билан расмийлаштирилмайди.

Кредит айланмалари бўйича ўтказилган суммалар юзасидан шахсий ҳисобварақлардан кўчирмаларга ҳисобварақ бўйича ёзувлар киритишда асос бўлган иловалар қўшилади. Кўчирмаларга илова қилинадиган ҳужжатларга штамп, шунингдек, шахсий ҳисобварақ бўйича ўтказилган сана календар штемпели босилади. Пули тўланган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мижозлар ҳисобварақларидан кўчирмаларига илова қилинадиган, ишлов беришнинг дастлабки босқичидаёқ банк штамп ёки муҳри босиладиган иккинчи нусхалари, шунингдек, қирим-касса операцияларига доир ҳужжатлар юқорида айтилган штамп билан тасдиқланмайди.

Кўчирмалар мазкур ҳисобварақ бўйича биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ёки уларнинг ишончнома тақдим этган вакилларига тилхат билан берилади. Бундай ишончномалар белгиланган

тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим ва мижоз обуна кутилари орқали ариза топширганда эса, кўчирмалар имзосиз берилади.

Ҳисобварақ эгаси унга кўчирмалар берилганидан кейин икки иш куни мобайнида банкка ҳисобварақ кредити ёки дебетига хато ёзилган суммалар ҳақида ёзма равишда хабар қилишлари лозим. Агар шу муддат ичида мижоз ўз эътирозини билдирмаса, бажарилган операциялар ҳамда ҳисобварақдаги маблағ қолдиғи тасдиқланган ҳисобланади.

Банк икки иш куни ўтганидан кейин мижоз ҳисобварағи кредитида нотўғри ёзувлар борлигини аниқласа, мижоз кечиктирилган ҳар бир кун учун ҳисобварақ кредитидаги умумий сумманинг банк хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган фоизи миқдорида банкка жарима тўлайди. Бу жарима бегоналар маблағларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганликлари учун ундирилади.

Банк мижозлари ҳисобварақларининг аҳволи тўғрисидаги ёзма маълумотларини фақат ҳисобварақ эгаларига нисбатан юқори турувчи ташкилотларнинг, шунингдек, суд ва солиқ органларининг ёзма талабига кўра бериши мумкин. Мижоз шахсий ҳисобварақларидан кўчирмасини йўқотиб қўйган тақдирда, унинг дубликати мижоз аризасига кўра банк раҳбари ёки унинг муовини томонидан бериладиган ёзма рухсатнома асосида берилиши мумкин. Мижоз ўз аризасида кўчирма йўқолиши сабабларини кўрсатиши, аризага корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзоси қўйилган бўлиши лозим.

Шахсий ҳисобварақлардан кўчирма дубликатлари нусха усулида олинади ва кўчирма дубликатига мижозга хизмат кўрсатувчи бухгалтер, бош бухгалтер ёки унинг муовини имзо чекади, банк муҳри босилади, шунингдек, "200_йил "___"_____да кўчирма дубликати берилди" деган ёзув ёзиб қўйилади.

Кўчирмалар мижозларга берилгандан ёки жўнатилгандан кейин бухгалтер шахсий ҳисобварақларни уларнинг рақамлари ортиб бориши тартибда, улар ичида эса - саналар бўйича саралайди. Ой тугаганидан кейин улар худди шу тартибда баланс ҳисобварақлари ҳамда кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича тикилади ва кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай рўйхат бўйича жорий архивга топширилади.

Шунингдек, ёрдамчи китобнинг бошқа материаллари ҳам бўлиб, улар кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича ҳисобварақлар учун очилган картотекаларда сақланувчи ҳужжатлардан ташкил топади. Масалан: Тўлов муддатини кутаётган ҳужжатлар номли 1-сонли картотекадаги тўлов талабномалари; ўз вақтида тўланмаган ҳисоб ҳужжатлари деб номланувчи 2-сонли картотекадаги тўлов талабномаси; тўлов топшириқномаси; инкассо топшириқномалари каби ҳужжатлар ҳам тафсилий ҳисоб учун асосий материаллар булиб ҳисобланади. Бу ҳужжатлар ҳаракати бўйича ҳам ҳисобварақлар очилиб, улар кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича ҳисобварақлар деб аталади. Улар алоҳида саналар ва ҳисобварақ рақамлари бўйича тикилиб, кейинги ойнинг 20-санасигача банкнинг жорий архивига топширилади.

Шундай қилиб, Банкларда аналитик ҳисоб юритишда ёрдамчи китоб, яъни, маблағлар ва моддий бойликлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳар бир тури

юзасидан алоҳида маълумотлар олиш имкониятларини ўрганиш мумкин. Бу ўз навбатида, банкларда бухгалтерия ҳисоби объектлари бўйича маълумотларининг объективлигини ва уларни тегишли ҳужжатларда расмийлаштиришнинг мукамаллигини таъминлашга кенг шароитлар яратади.

Бухгалтерия ҳисобининг жаҳон амалиётида ва ҳисоб юритишнинг халқаро андозаларида жамлама ҳисоб ўрнига Бош китоб, аналитик ҳисоб ўрнига эса ёрдамчи китоблар қўлланилади. Бухгалтерия ҳисобида китоб деб, - ҳисобварақлар гуруҳига айтилади. Бош китоб - бу банк - молия ҳисоботларида (баланс ҳисоботи, даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқалар) кўрсатиладиган ҳисобварақлар гуруҳидан иборатдир.

Бош китобдаги ҳисобварақлар умумий маълумотни акс эттиради, лекин батафсил маълумот билан таъминламайди. Чунки бирламчи бухгалтерия операциялари ҳисобварақлари гуруҳида батафсил маълумот берадиган ёрдамчи китоблар қўлланилади. Бош китобда эса, биринчи навбатда баланс ҳисобварақлари бўйича жамлама маълумотлар қайд этилади. Ёрдамчи китоб ҳисобварақларига нисбатан олганда Бош китоб ҳисобварақлари назорат ҳисобварақлари ҳисобланади. Ёрдамчи китобдаги якуний суммалар ҳар кундаги ва ой охиридаги маълумотларни кейинги ойнинг биринчи куни ҳолатига, Бош китоб маълумотлари суммаси билан бир хил бўлишини таъминлайди. Шу боисдан, ёрдамчи китоб маълумотлари асосий ўринни эгаллаб, улар дастлабки ҳисоб маълумотларининг тегишли ҳисобварақларга қанчалик тўғри киритилиши натижасида ҳосил бўлади.

Бош китобнинг назорат ҳисобварақларидаги маълумотлари ёрдамчи китобдаги тегишли ҳисобварақларнинг якуний суммалари билан таққосланади ва дастлабки ёзувларда хато бўлмаса, суммалар тенг чиқишини таъминлайди. Хорижий валютадаги операциялар бўйича Бош ва ёрдамчи китоблар ҳар бир валютанинг тури бўйича алоҳида-алоҳида, мижозлар томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисоби ҳар бир турдаги маблағлар ва қимматликлар бўйича очиладиган шахсий ҳисобварақларда (карточкалар, китоблар, журналларда) юритилиши лозим.

Бош китоб баланс ҳисобварақлари бўйича ёрдамчи китоб ҳисобварақларидаги маълумотлар тўплами ҳисобланади ва улар қуйидаги:

- ҳисобварақлар қолдиқларининг кундалик балансларини;
- баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалап ва қолдиқлар ҳақидаги жамлама маълумотларни;
- ойлик, чораклик ва йиллик қолдиқ айланма қайдномаларини;
- кассанинг кирим ва чиқими бўйича касса журналлари маълумотларини;
- маҳаллий бюджетларга ажратмалар қайдномаси бўйича маълумотларни ўзида мужассамлаштиради.

Бундан бош бухгалтернинг хоҳишига кўра, эмиссия-касса операциялари, хорижий операциялар, шунингдек, "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақлари бўйича жамлама карточкалари юритилиши мумкин. Шу боисдан, биз ҳар бир бош китоб маълумотларини алоҳида кўриб чиқишимиз мумкин. Маълумки, тижорат банклари баланси ҳар куни тузилади ва

балансинг ҳар икки томонининг ўзаро тенг бўлиши банк иши куни якунланганлиги ҳамда бухгалтерия ҳисобининг аналитик ва синтетик ҳисоблари тўғри юритилишидан далолат беради. Бош китоб маълумотлари қатори кундалик баланс дастурий йўл билан компьютерлар ёрдамида тайёрланади.

Демак, банкнинг кундалик балансида сана, баланс ичидаги ҳисобварақ рақамлари, актив ва пассив ҳисобварақ қолдиқлари кўрсатилиб, банк иш фаолиятининг бир кунлик якунини ифодалайди.

Бош китоб маълумотларидан яна бири, баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқларнинг жамламаларидир. Бундай жамлама маълумотлар нафақат баланс ҳисобварақлари бўйича қолдиқ, балки, ҳисобварақлар дебети ва кредитидан ўтган айланмалар суммаси ҳам акс эттирилади. Шунинг учун аниқроқ маълумот олишда ҳозирги кунда кўп банклар кундалик баланс билан биргаликда ҳисобварақлар бўйича ҳам айланмалар ва қолдиқлар юзасидан жамлама маълумоларни тузиб борадилар. Ушбу бош китоб маълумотлари ҳам дастурий йўл билан компьютерлар ёрдамида тайёрланади ва тузилади.

Баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқлар ҳақидаги жамлама маълумотлар банк раҳбариятининг ҳоҳишига кўра, ҳар куни шу билан бирга айланмалар ва қолдиқ суммаларининг ўсиб бориш тартибида ойлик ва чораклик, яъни, ҳисобот даври учун тайёрланиши мумкин. Ойлик, чораклик ва йиллик қолдиқ айланма қайдномалар ҳам бош китоб маълумотлари бўлиб ҳисобланади. Қайдномаларнинг ҳар бири маълум бир ҳисобот даврига тузилади.

Банкнинг бир кунлик баланси маълумотлари тегишли шахсий ҳисобварақлар бўйича ўтказилганидан кейин тузилади. Кундалик баланс тўғри тузилганлиги актив ва пассивларнинг (Мажбуриятлар + капитал) қолдиқлар бўйича якунлари тенглиги орқали, "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақлари қолдиқларининг якуни тўғрилиги эса, у ўтган кундаги баланс якунига баланс тузилаётган кундаги кредит айланмаларини қўшиш ва дебет айланмаларини айтириш орқали назорат қилинади. Баланс активи баланс пассивиға (Мажбуриятлар ҳисобварақлари қолдиқлари плус капитал ҳисобварақлари қолдиқлари) тенг.

Баланс банк раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади. Банк раҳбари ва бош бухгалтери мижозларга сифатли хизмат кўрсатиши, баланс ўз вақтида тузилиши ҳамда ҳужжатлар айланиши қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил этилиши учун шахсан жавоб берадилар. Шу боисдан, иш куни охирида баланс тузилмаса ёки иш куни мобайнида мижозларга хизмат кўрсатиш издан чиқса, банк бу ҳақда, шунингдек, йўл қўйилган қоида бузарликларни бартараф этиш учун кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида юқори банкка хабар қилинади.

Бош банклар раҳбарлари баланс тузилмаган, ҳисоботда тартибга солилмаган тафовутлар чиққанда ва бир кун давомида мижозларга хизмат кўрсатилиши таъминланмаган ҳолларда бу камчиликларни бартараф этиш учун зарур барча чора-тадбирлар кўрилади.

Банк раҳбарлари ва бош бухгалтерлари баланс чиқмаганлиги ҳақида белгиланган муддатда хабар қилмасалар, уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимларидан озод қилишгача бўлган чоралар кўрилади. Бош ва ёрдамчи бухгалтерия китобларида, шунингдек, кунлик баланслар ва шахсий ҳисобварақларда бирон-бир тузатишлар қилинишига йўл қўйилмайди. Балансда суммаларни ўчириб ёзиш ва тузатиш, шунингдек, ўчирувчи суюқликлардан фойдаланиб, тузатишлар киритиш, хатолар борлиги аниқланганда шахсий ҳисобварақлар ва ҳужжатлар қайта ёзилиши мумкин эмас.

Операция куни яқунланиб, баланс тузилганидан кейин аниқланган хато ёзувлар ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақлар бўйича тескари ёзувлар киритиш йўли билан тузатиш ордерлари асосида тузатилади. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар мижозларнинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади ва бу ўз навбатида, банк хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномада ёзиб қўйилган бўлиши зарур.

Тузатиш ордерлари тўрт нусхада, уларнинг биринчи нусхаси ордер булиб, иккинчи ва учинчи нусхалари мижозлар учун дебет ва кредит ёзувлари бўйича билдиришномалар, тўртинчи нусха эса ордер китобчасида тикиб қўйилади. Бу китобча бош бухгалтер ёки унинг муовинида сақланиши ва ордерларга бошқа ҳужжатларниқидан фарқланадиган тартиб рақамлари қўйилган бўлиши лозим.

Тузатиш ордери матнида қачон ва қайси ҳужжатда хато ёзувга йўл қўйилганлиги, унга мижоз аризаси сабаб бўлган бўлса, шу сабаб кўрсатилиши зарур. Бунда ордернинг тўртинчи нусхасининг орқасига кимнинг айби билан хатоликка йўл қўйилганлиги қайд этилади, ижрочининг, шунингдек, нотўғри ёзувни назоратдан ўтказган шахснинг лавозими ва фамилияси кўрсатилиши, тузатиш ордерлари тузилишида асос бўлган аризалар ордерлари билан бирга ҳужжатлар орасида сақланиши лозим.

Суммаси кейинчалик сторно билан тузатилган шахсий ҳисобварақлардаги хато ёзув қаршисига албатта "Сторноланган" белгиси қўйилиши, тузатиш киритилган сана ва тузатиш ордерининг рақами кўрсатилиши, бу қайд тузатиш ордерини имзолаган бош бухгалтер ёки унинг муовини имзоси билан тасдиқланади.

Бош бухгалтер тузатиш ордерларининг китобчада қолган нусхаларидан фойдаланиб, ходимларнинг ишдаги хатолар ҳисобини юритади ва ушбу хатолар сабабларини ўрганиб ишни яхшилаш чораларини кўради, электрон тўловлар бўйича хатоларни мемориал ордерлар билан тузатиш эса қатъиян ман этилади.

Шундай қилиб, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишда синтетик ҳисоб маълумотлари асосий аҳамиятга эга булиб, ҳар бир шахсий ҳисобварақ бўйича айланмаларнинг дастлабки ҳисобини компьютер дастурларида ўз вақтида киритилиши ва уларнинг қолдиқлари кун якунида тўғри ҳисоблаб чиқилганлигига боғлиқдир. Шу боисдан, ушбу маълумотларнинг нақадар сифатли бажарилиши бухгалтерия ходимларининг билим ва малакасига боғлиқ бўлиб, бундай ишларни амалга оширишда Банкларда бухгалтерия ҳисобининг аналитик ва синтетик ҳисоби тушунчаларини чуқур ўзлаштиришларини талаб қилади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. *Синтетик ва аналитик ҳисобларининг мазмуни.*
2. *Аналитик ҳисоб (ёрдამчи китоб) ва унинг тавсифи, синтетик ҳисоб (бош китоб) ва унинг тавсифи.*
3. *Бош ва ёрдამчи китобларни текшириш, бухгалтерия ёзувларидаги хатоларни тузатиш тартиби.*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

бош китоб — ҳисобварақлар режасидаги иккинчи тартибли ҳисобварақлари қолдиқларининг рўйхати;

ёрдამчи китоб — бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар;

бухгалтерия ҳисоби регистрлари — иккиёқлама ёзув усулида операциялар қайд этиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар ва тасдиқланган бланклар;

2-БОБ. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ

2.1. Мижозларга ҳисобварақ очиш ва юритиш тартиби

Банк ҳисобварағи – бу банк ва мижоз ўртасида тузиладиган махсус шартномага (хизмат кўрсатиш) мувофиқ, мижознинг пул маблағларини сақлаш учун очилган ҳисобварағи тушунилади. Банк ҳисобварақлари қуйидаги: талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар; жамғарма депозит ҳисобварақлар; муддатли депозит ҳисобварақлар; депозит ҳисобварақларнинг бошқа турлари; кредит ҳисобварақлари каби турларга бўлинади.

Тижорат банклари томонидан мижозларга миллий ва хорижий валютада банк ҳисобварақларини очиши, уларни қайта расмийлаштириши ҳамда ёпиши мумкин². Банк ҳисобварағи – бу банк ва мижоз ўртасида тузиладиган махсус шартномага (хизмат кўрсатиш) мувофиқ, мижознинг пул маблағларини сақлаш учун очилган ҳисобварағи тушунилади. Банк ҳисобварақлари қуйидаги: талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар; жамғарма депозит ҳисобварақлар; муддатли депозит ҳисобварақлар; депозит ҳисобварақларнинг бошқа турлари; кредит ҳисобварақлари каби турларга бўлинади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун хоҳлаган банкларида миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлари ҳамда депозит ҳисобварақларнинг бошқа турларини очишлари мумкин. Бунда, мижоз ва банк ўртасида тузилган ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида расмийлаштиради. Мижозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка ариза билан биргаликда бошқа зарурий (ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча) ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб, банклар икки банк иш куни мобайнида уларга ҳисобварақлар очишлари ва кейинги иш кунидан кечиктирмай, ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида тегишли солиқ органига ёзма равишда хабар беради. Мижозлар томонидан хорижий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларини ҳамда иккиламчи талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва депозит ҳисобварақларнинг хорижий ва бошқа миллий валютадаги турларини очиш учун банкка юқоридаги ҳужжатлар тақдим қилинади. Банкда мижоз томонидан илгари очилган ҳисобварақ мавжуд бўлса, фақат ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза тақдим қилинади.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига хоҳлаган банкларда ҳисобварақлар очишлари учун тегишли ҳужжатлар билан бирга, имзо

² Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома. ЎзР АВ 29.09.2003 й. 1080-1-сон билан рўйхатга олинган ва “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги” Низом. ЎзР АВ томонидан 13.12.2004 йилда 1122-2-сон билан рўйхатга олинган. (янги таърири)

намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар икки нусхада тақдим қилинади. Варақчанинг бир нусхаси бухгалтерда, иккинчиси эса пул чекларини расмийлаштирувчи назоратчида туради. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча нотариал ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланади. Агар банк операция қисмларини жойлаштириш шартлари бўйича зарур бўлса, ушбу банкда биттадан кўп ҳисобвараққа эга бўлган ҳисобварақ эгаларидан имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчанинг қўшимча нусхалари талаб қилиниши мумкин. Бунда қўшимча нусхалар банк бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари томонидан варақчанинг асосий нусхаси билан солиштиргандан кейин тасдиқланади. Варақчаларнинг бундай нусхаларини қўшимча тасдиқлаш талаб қилинмайди. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчаларда ҳисобварақларнинг рақамлари кўрсатилади. Имзо намуналари варақчасига юридик шахснинг раҳбари ва бош бухгалтери имзолари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахсларнинг имзолари киритилади ва муҳр билан тасдиқланади. Деҳқон ҳўжалиги раҳбари ва якка тартибдаги тадбиркорнинг асосий муҳри бўлмаган ҳолда улар фақат ўзларининг имзолари намуналарини тақдим қиладилар.

Мижозлар томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисоби ҳар бир турдаги маблағлар ва қимматликлар бўйича очиладиган шахсий ҳисобварақларда (карточкалар, китоблар, журналларда) юритилади. Бунда уларнинг мақсади, шунингдек, ҳисобварақ эгалари кўрсатилади. Мижозларнинг шахсий ҳисобварақлари бирламчи ҳужжатлар асосида дастурий йўл билан икки нусхада тайёрланади. Иккинчи нусха шахсий ҳисобварақдан кўчирма бўлиб хизмат қилади ва мижозга бериш ёки жўнатиш учун мўлжалланади. Шахсий ҳисобварақларга ёзувлар фақат тегишлича расмийлаштирилган ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари асосида киритилади. Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар компьютер ёрдамида тайёрланса, улар мижозларга берилаётганда имзолар ва банк штамплари билан расмийлаштирилмайди. Кредит бўйича ўтказилган суммалар юзасидан, шахсий ҳисобварақлардан кўчирмаларга ҳисобварақ бўйича ёзувлар киритишда асос бўлган иловалар қўшилади.

Кўчирмаларга илова қилинадиган ҳужжатларга штамп, шунингдек, ҳужжат шахсий ҳисобварақ бўйича ўтказилган сана календар штемпели босилиши керак (агар бу сана ҳужжат ёзилган санага мос келмаса). Штамп фақат кўчирманинг асосий иловасига қўйилади. Асосий иловада қайд этилган операцияларнинг мундарижаси ва умумий суммасини тушунтирувчи ҳамда талқин этувчи қўшимча ҳужжатларга штамп қўйилмайди.

Банк икки иш куни ўтганидан кейин мижоз ҳисобварағи кредитида нотўғри ёзувлар борлигини аниқласа, мижоз кечиктирилган ҳар бир кун учун ҳисобварақ кредитидаги умумий сумманинг банк хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган фоизи миқдорида банкка жарима тўлайди. Мижоз шахсий ҳисобварақдан кўчирмани йўқотиб қўйган тақдирда, унинг дубликати мижоз аризасига кўра, банк раҳбари ёки унинг муовини берадиган ёзма рухсатнома асосидагина мижозга берилиши мумкин.

Агар мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш унинг аризасига асосан ҳисобварақнинг қолдиғи тасдиқланиши ва чек дафтарчалари қайтарилиши билан амалга оширилади. Бунда ушбу мижознинг иккиламчи ҳисобварақлари ёпилмайди. Мижозни қабул қилаётган банк унинг аризасига асосан ўзида “Мижозларга тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоб-китоби” ички банк ҳисобварағини очади ва бу тўғрида мижозга хабар беради. Асосий ҳисобварақни ёпаётган банк мижознинг фармойишига асосан унга асосий ҳисобварақ очаётган банкка унинг ҳисобварағи қолдиғини ўтказиши, шунингдек рўйхат бўйича юридик йиғмажилдини, картотекасидаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари берилади.

Мижознинг барча ҳужжатлари олингандан кейин банк унга белгиланган тартибда, асосий талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақ очади ва ушбу ҳисобвараққа унга илгари очилган ички банк ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини ўтказади. Ҳисобварақ ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ахборотлар базасида 2 ой давомида сақланади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ўтказилган ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот архивланади ва белгиланган тартибда сақланади, шу билан бир вақтда ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот базадан ўчирилади. Ўтказилган ҳисобварақ бўйича келиб тушган ҳисоб-китоб ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилгач, қуйидаги: Масалан, “Ҳисобварақ ёпилди. УзР АТ “Пахтабанк” нинг Хамза филиалига мурожаат қилинг” мазмундаги хабар билан жўнатувчига қайтарилади.

Банк ҳисобварағи – бу банк ва мижоз ўртасида тузиладиган махсус шартномага (хизмат кўрсатиш) мувофиқ, мижознинг пул маблағларини сақлаш учун очилган ҳисобварағи тушунилади. Банк ҳисобварақлари қуйидаги: талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар; жамғарма депозит ҳисобварақлар; муддатли депозит ҳисобварақлар; депозит ҳисобварақларнинг бошқа турлари; кредит ҳисобварақлари каби турларга бўлинади.

Банк ҳисоб варақлари асосан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Доимий ҳисоб варақлар, бу ҳисоб варақлар актив, пассив ва капиталларни акс эттирувчи ҳисоб варақлар бўлиб ҳисобот даври охирида банк балансида акс эттирилади. Доимий ҳисоб варақлар ҳам ўз ўрнида қуйидаги турларга бўлинади:

а) Актив ҳисоб варақлар – бунда банкнинг активлари, яъни ўз маблағлари акс эттирилиб, уларнинг қолдиғи ва суммасининг кўпайиши дебит томонда камайиши эса кредит томонида акс эттирилади;

б) Пассив ҳисоб варақлар, банк капитали ва мажбуриятлари акс эттирилиб қолдиғи ва суммасининг кўпайиши кредит томонида, камайиш эса дебит томонида акс эттирилади.

Контрактив ҳисоб варақда банк активларининг соф қийматларини молиявий ҳисоботда акс эттириш учун қўлланилади. Контрпассив ҳисобварақ банк мажбурият ва капитални соф қийтини молиявий ҳисоботда акс эттириш учун қўлланилади. Транзит ҳисоб варақлар даромад ва харажатларни акс эттирувчи ҳисоб варақлар бўлиб, ҳисобот даври охирида қолдиқ қолмайди. Лекин молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Кўзда тутилмаган ҳолатдаги ҳисоб варақлар баланс тузишда ишлатилмайди. Ёзувлар бир томонлама олиб борилади.

Банк муассасаларида фойдаланиладиган ҳисоб варақлар марказий банк томонидан тасдиқланган бўдиб банк ҳисобини юритиш имкониятини беради. Ҳисоб варақлар режасидаги барча ҳисоб варақлар синтетик ҳисоб варақлар ҳисобланади. Улар таркибида аналитик ҳисоб варақлар зарур ҳолларда очилади. Аналитик ҳисоб варақлар объектлар номи билан аталиб, улар сони банк фаолиятига боғлиқ ва ҳисоб варақлар режасида кўрсатилмайди.

Ҳисоб варақларни кодлаштириш қуйидаги мақсадлар учун ишлб чиқилган:

1 – Ҳисоб варақларнинг бош ва ёрдамчи китобларда жойланиши енгшиллаштириш;

2 – Ҳисоб варақларнинг бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;

3 – Ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни енгиллаштириш;

4 – Операциялар ёзувини тезлаштириш.

Ҳисобот санаси ҳолатига кўра бош китобларнинг хорижий валюталар бўйича жами суммалари миллий валютага ўтказилади ва ҳисобот даври давомида амалга оширишлагн барча операциялар бўйича банкнинг жамланма баланси тузилади.

Ҳар бир валюта тури бўйича синтетик ҳисобини юритиш учун алоҳида бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун ёрдамчи китоблар очилади. Ҳар валюта бўйича ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндии бош китобларнинг тегишли баланс ҳисоб варақлардаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак. Банк томонидан амална оширилган ҳар бир операция тегишшли валюта тури бўйича бош ва ёрдамчи китобларда рўйхатга олишини керак.

Банк томонидан амалга ошириладиган бирламчи операцияларнинг ҳисоби дастлаб шахсий ҳисобварақларда (карточкалар, китоблар, журналларда) акс эттирилади.

Шахсий ҳисобварақларга ёзувлар фақат тегишлича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлари асосида киритилади. Шахсий ҳисобварақ қуйидаги реквизитлардан иборат:

шахсий ҳисобварақнинг номи;

чиқиш шаклининг рақами;

шахсий ҳисобварақни чоп этиш тартиб рақами (яъни компьютер қўйган рақам);

- шахсий ҳисобварақни тузган банк коди ва номи;

- шахсий ҳисобварақнинг рақами ва унинг номи;

-ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг рақами, унинг фамилияси, исми, отасининг исми;

-ишлов бериш санаси;

-ҳисобварақдаги сўнгги ҳаракат санаси;

-кун бошидаги қолдиқ суммаси;

- кун охиридаги қолдиқ суммаси;
- бухгалтерия ёзувларининг тартиби бўйича рақами;
- ҳужжат тури;
- ҳужжат рақами;
- ҳужжат тури (тоифаси);
- вакил банкнинг коди;
- дебет бўйича айланмалар суммаси;
- кредит бўйича айланмалар суммаси;
- дебет бўйича айланманинг умумий суммаси;
- кредит бўйича айланманинг умумий суммаси.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳужжатлар турини шахсий ҳисобварақларда қайд этиш учун фойдаланиладиган шартли рақам белгилари (шифрлар) “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, апрель 7-сон)да берилган, хатоликларни тузатиш учун тузиладиган мемориал ордерлар “08”, нақд пул чеклари учун эса “03” шартли рақами билан белгиланган.

Мижозларнинг шахсий ҳисобварақлари бошланғич ҳужжатлар асосида дастурий йўл билан тайёрланади. Мижозга бериш учун шахсий ҳисобварақдан кўчирма бир нусхада чоп этилади ва у мижознинг ҳисобварақидан амалга оширилган операцияларни банк томонидан тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Ушбу кўчирма мижоз билан келишилган тартибда унга тақдим қилинади.

Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар компьютер ёрдамида тайёрланганлиги учун, улар мижозларга берилаётганда имзолар ва банк штамплари билан расмийлаштирилмайди.

Банклар учун шахсий ҳисобварақлар тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлган ҳолларда Автоматлаштирилган банк тизими ахборотлар омборхонасида сақланаётган маълумотлардан фойдаланилади.

Ҳисобварақнинг кредити бўйича ўтказилган суммалар юзасидан, шахсий ҳисобварақлардан кўчирмаларга ҳисобварақ бўйича ёзувлар киритишга асос бўлган ҳужжатларнинг электрон нусхалари илова қилинади.

Бир банк хизмат кўрсатувчи мижозлар ўртасидаги тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилган тўловлар бўйича пул олувчига тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси, эълоннома асосида топширилган нақд пул киримининг тасдиғи сифатида ордер иловаларга қўшилади.

Кўчирмаларга илова қилинадиган ҳужжатларга штамп, шунингдек ҳужжат шахсий ҳисобварақ бўйича ўтказилган сана календарь штемпели босилиши керак (агар бу сана ҳужжат ёзилган санага мос келмаса). Штамп фақат кўчирманинг асосий иловасига қўйилади. Асосий иловада қайд этилган операцияларнинг мундарижаси ва умумий суммасини тушунтирувчи ҳамда талқин этувчи қўшимча ҳужжатларга штамп қўйилмайди.

Мижозлар ҳисобварақларидан кўчирмаларига илова қилинадиган, пули тўланган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ишлов беришнинг дастлабки босқичидаёқ, банк штампи ёки муҳри босиладиган иккинчи нусхалари, шунингдек кирим-касса операцияларига доир ҳужжатлар юқорида айtilган штамп билан тасдиқланмайди.

Кўчирмалар мазкур ҳисобварақ бўйича биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ёки уларнинг ишончнома тақдим этган вакилларига тилхат билан берилади. Бундай ишончномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим. Мижоз обуна қутилари орқали ариза топширганда эса, кўчирмалар тилхатсиз берилади.

Банк мижозлар ҳисобварақлари аҳволи тўғрисида ёзма маълумот-ларни учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида” Қонунида белгиланган тартибда берилади.

Мижоз шахсий ҳисобварақдан кўчирмани йўқотиб қўйган тақдирда, унинг дубликати мижоз аризасига кўра банк раҳбари ёки унинг ўринбосари берадиган ёзма рухсатнома асосидагина мижозга берилиши мумкин. Мижоз ўз аризасида кўчирма йўқолиши сабабларини кўрсатиши, аризага корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзоси қўйилган бўлиши шарт. Дубликатнинг сарварағига қуйидагилар ёзилади: “20__йил “___” _____даги кўчирма дубликати”.

Шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар дубликатлари маълумотлар омборхонасидан чиқариб берилади. Кўчирма дубликати мижоз вакилига берилаётганида ундан аризага тилхат ёздириб олинади.

Қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шакли)да ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш, ваколатли органнинг қарорига асосан, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик юкланган юридик шахснинг асосий депозит ҳисобварағидан бажарилади.

Кредиторлар ва қабул қилиб олувчи (правоприемник)нинг ўртасида низо пайдо бўлган ҳолларда, қабул қилиб олувчи (правоприемник) ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш фақат суднинг қарори асосида амалга оширилади.

Юридик шахсни тугатишда тугатиш комиссияси тузилиб, у субъектнинг тугатилаётганлиги тўғрисида кредиторлари ҳамда бошқа манфаатдор бўлган томонларга белгиланган тартибда хабар беради, ҳамда тугатилаётган юридик шахс ҳисобварағидан, маблағларни тугатиш комиссиясининг топшириғи бўйича ҳисобдан чиқариш кераклиги тўғрисидаги аризани банкка тақдим этади.

Тугатилаётган юридик шахснинг барча ҳисобварақлари тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтказилади, бунда тугатилаётган юридик шахснинг имзо намуналари карточкаси бекор қилинади ва тугатиш комиссиясининг имзо намуналари карточкаси расмийлаштирилади.

Банклар, тугатиш комиссиясини ташкил қилган ташкилот ёки тугатиш комиссияси томонидан имзо намуналари ва муҳр излари бекор қилинмаган шахсларнинг топшириғига биноан, тугатилган юридик шахснинг ҳисобварақларидаги маблағларни ҳисобдан чиқарилишига жавобгар эмаслар.

Назорат ва таъсир +илиш чоралари

Банклар ҳисоб-китобларни амалга оширишда хатоликка йўл қўйишса, "Тижорат банклари томонидан ҳисобварақларни очиш, мижозларнинг ҳисобварақларидан маблағларни чиқариш ва тушириш, иш ҳақи ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул беришда белгиланган талабларни бузганлиги учун жарималар қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низомга (30.06.2001 йилда 1044-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ, жавобгарликка тортиладилар.

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари орқали ўтадиган тўловлар бўйича барча операциялар, агарда овердрафт (қиска муддатли кредит тақдим этилиш) кўзда тутилмаган бўлса, қатъий равишда вакиллик ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлар доирасида бажарилади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Банкларида очиладиган банк ҳисобварақлар турлари.*
- 2. Банк ҳисобварақларини юритиш бўйича шартнома ва унинг мазмуни. Ҳисобварақларни очиш ва юритиш тартиби.*
- 3. Мижозлар ҳисобварақларини ёниш ва қайта расмийлаштириш тартиби.*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Доимий ҳисобварақлар – улар ҳар бир ҳисобот даври якунида ёпиладиган вақтинчалик ҳисобварақлардан фарқли ўлароқ, доимий сальдога эга бўлишлари мумкин.

Актив ҳисобварақларда турли активлар акс эттирилади ва улар фақат дебет сальдосига эга бўлади. Активларнинг кўпайиши ушбу ҳисобварақларнинг дебетидан акс эттирилади.

Пассив ҳисобварақлар мажбуриятлар ва сармоянинг ошишини акс эттириш учун мўлжалланган, фақатгина кредит сальдосига эга бўлади, мажбуриятлар ва сармоя ошиши мазкур ҳисобварақларнинг кредитидан акс эттирилади.

Контрактив ҳисобварақлар сальдоси ҳисоботда уларнинг соф (баланс) қийматини акс эттириш учун асосий воситаларнинг эскириши мисол бўлади. Асосий воситаларнинг эскириши ҳисобварақлари балансда уларнинг бошланғич қийматини камайтириб кўрсатади.

Контрпассив ҳисобвараққа сотиб олинган хусусий акцияларни мисол қилиб келтириш мумкин, ҳисоботда устав капиталининг ҳақиқий ҳажмини акс эттириш учун “Устав сармояси” ҳисобварағи сальдосидан унинг сальдоси чегирилади.

2.2. Банкларда депозит операциялари ҳисоби

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сон "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ банклар томонидан миллий ва чет эл валютасида депозитларни жалб қилиш, қайтариш, фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ операцияларни бажариш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Депозит - талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз қайтариб бериш шарти билан топшириладиган миллий ва чет эл валютасидаги пул суммаси.

Омонатчи - банк билан тузилган банк омонати шартномасида ёки банк омонат сиёсатида назарда тутилган шартлар асосида банк билан келишилган ҳолда банкка маълум пул маблағини ўзи ёки унинг номига келган пул маблағини омонатга қўювчи резидент ёки норезидент шахс.

Омонат бўлинмаси - банк ёки унинг филиали биносида ёхуд ундан ташқарида жойлашган мини-банк ва омонат кассаларда бажариладиган омонат операцияларининг қонун ҳужжатларига ва банк ички сиёсатида мувофиқлигини назорат қилиш учун масъул бўлинма.

Омонат касса - банк филиали жойлашган ҳудудда банк номидан омонат операцияларини бажариш учун банк филиали биноси ёки унинг ташқарисида банк операция кунга уланган ҳолда ташкил қилинган операция касса;

Омонат операциялари - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда банкнинг омонатчилар билан тузган банк омонати шартномаси шартлари асосида уларнинг пул маблағларини муайян муддатга жалб этиш, сақлаш, қайтариш, фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш ҳамда омонатчининг ёзма топшириғига асосан омонатдаги пул маблағларини бошқа ҳисобварақларга ўтказишга доир операциялар.

Ҳаракатсиз омонатлар - талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича 1 йил давомида, жамғарма ва муддатли омонатларнинг муддати тугагандан кейин 1 йил давомида фоизлар ҳисобланишидан ташқари ҳеч қандай операциялар амалга оширилмаган омонатлар.

Банк филиалларида мижозлар билан бажариладиган омонат операцияларининг қонун ҳужжатларига ва банк ички сиёсатида мувофиқлигини назорат қилиш учун омонат бўлинмаси ташкил этилиши шарт. Омонат бўлинмаси, Фронт-офис ва Бэк-офис таркибий тузилма сифатида фаолият кўрсатаётган банкларда "Мижозларга чакана банк хизматлари кўрсатувчи бўлим", бошқа ҳолларда банкда омонат операцияларини назорат қилиш бўйича алоҳида бўлинма (бошқарма, бўлим, шўъба) сифатида ташкил этилиши мумкин.

Омонат бўлинмаси таркибида аҳоли омонатлари операциялари устидан сўнгги назоратни амалга ошириш учун иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида сўнгги назоратчи штат бирликлари ташкил этилиши лозим. Сўнгги назоратчи бир вақтнинг ўзида назоратчи вазифасини ҳам бажариши мумкин эмас.

Банк омонати шартномаси омонатчилар ва банк ўртасида ёзма шаклда тузилади. Банк ва омонатчилар ўртасида банк омонати шартномаси, омонат суммаси банк кассасига қабул қилинган ёки омонат ҳисобварағига тегишли маблағ нақд пулсиз келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс ўз номига ва бошқа шахс номига омонат қўйиши, ўзининг банк омонат ҳисобварағидаги маблағини ўзи ёки вакили орқали мустақил тасарруф этиши, шунингдек бошқа шахслар омонат маблағларини тасарруф этиш учун вакил бўлиши мумкин.

Омонатчи томонидан қўйиладиган омонатнинг энг кам ва энг кўп миқдори ҳар бир банк томонидан қонун ҳужжатларига асосан мустақил равишда белгиланади.

Банк қабул қилиб олган омонатларнинг қайтарилишини таъминлаш учун фойдаланиши шарт бўлган воситалар ва усуллар қонун ҳужжатлари ва банк омонати шартномаси билан белгиланади.

Банк омонатчининг талабига кўра омонатнинг қайтарилиши кафолатланганлиги тўғрисида ахборот бериши шарт.

Банк омонатнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки унинг шартларини ёмонлаштирган тақдирда, омонатчи банкдан омонат суммасини дарҳол қайтариб беришни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда Фуқаролик кодекси деб юритилади) [327-моддасига](#) мувофиқ унга фоизлар тўлашни ҳамда ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Банк омонати шартномаси шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги ва омонат операцияларини бажаришда қийинчилик ва чалкашликларни келтириб чиқармаслиги лозим.

Агар банкнинг банк операцияларини бажариш ҳуқуқини берувчи лицензияси Марказий банк томонидан чақириб олинса ва мазкур банкнинг мавжуд маблағлари фуқароларнинг банкдаги омонатлари бўйича ҳақ тўлашга етмаса, у ҳолда фуқаролар омонатлари "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талаблари асосида қоплаб берилади.

Банк томонидан омонатчилар ёки уларнинг қонуний вакилларининг ёзма топшириғига биноан омонат ҳисобварағида турган пул маблағларига доир банк операциялари бўйича амалга оширилган хизматлари учун воситачилик ҳақи ундирилиши мумкин.

Банклар томонидан омонатчиларнинг ҳисобварақларига бошқа ҳисобварақлардан келиб тушган маблағларни киритиб қўйиш учун ҳақ олиниши тақиқланади.

Омонатчи банкдаги омонатини банк омонати шартномаси ва бошқа қонун

хужжатлари доирасида эркин тасарруф этади, шунингдек ўз омонати бўйича фоиз, ютуқ ёки бошқа шаклдаги даромадларни олиш ҳуқуқига эга.

Омонатчи биринчи талаби бўйича банкдаги омонатини тўлиқ ёки қисман қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно.

Банкларда омонат кассаларни ташкил этиш ва уларнинг инкассация қилинишига бўлган талаблар Тижорат банкларида касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир [йўриқномада](#) (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) омонат ҳисобварақларидан маблағларни мижознинг топшириғига кўра бошқа ҳисобварақларга ўтказиш Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги [низомда](#) (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Омонатлар қуйидаги турларга бўлинади:

- ❖ Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар;
- ❖ Жамғарма омонатлар;
- ❖ Муддатли омонатлар;
- ❖ Омонат сертификатлари;
- ❖ Банклар юқорида қайд этилган омонат турларидан ташқари қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, бошқа омонатларни қабул қилишлари мумкин.

Талаб қилиб олингунча, муддатли ва жамғарма омонатлар ҳисоби "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси"га (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) мувофиқ тегишли ҳисобварақларида юритилади.

Банклар томонидан омонат маблағларини қирим қилиш учун 29801 - "Мижозлар билан ҳисоб-китоблар" ва 29896 - "Бошқа мажбуриятлар" ҳисобварақларидан транзит ҳисобварақлари сифатида фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Банклар омонатлар тўғрисидаги маълумотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга амал қилган ҳолда сир сақланишини таъминлашлари лозим.

Омонатчи омонат қолдиғи, қирим-чиқим операциялари, омонат муддатининг тугаш вақти ва омонат бўйича бошқа зарур маълумотларни "SMS-банкнинг" дастуридан фойдаланган ҳолда мобиль алоқа телефони ёки омонатчига берилган алоҳида идентификация рақами, логин ва пароль ёрдамида ўрнатилган инфокиоскалар ёки тадбиркорлар хонасидаги компьютерга ўрнатилган махсус дастур ёхуд банкнинг Интернет тармоғидаги веб-сайти орқали очилган шахсий кабинетларига кириб олиши мумкин.

17. Омонатчиларнинг талаб қилиниши биланок бериладиган омонатлар талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлардир. Банк пластик карталаридаги маблағлар (электрон пластик омонат карталаридаги муддатли ва жамғарма омонатлар бундан мустасно) талаб қилиб олингунча сақланадиган

омонатлар ҳисобланиб, уларнинг ҳаракати алоҳида қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Банк билан юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ҳамда деҳқон хўжаликларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағи бўйича вужудга келадиган муносабатлар банк ҳисобварағи шартномаси билан тартибга солинади.

Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлари бўйича, банк омонатчининг биринчи талабига кўра (агар банк омонати шартномасида бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса) омонатчининг тегишли кўрсатмаси банкка келиб тушган куннинг эртасидан кечикмаган ҳолда унинг тўловлар бўйича топшириғини бажариши шарт.

Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлари муддатсиз ҳисобланади. Банк омонати шартномасида омонатни омонатчининг биринчи талаби билан қайтариш ва белгиланган фоизлар тўлаш шартлари бўлиши лозим.

Омонатчиларнинг талаб қилиниши биланоқ бериладиган омонатлар талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлардир. Банк пластик карталаридаги маблағлар (электрон пластик омонат карталаридаги муддатли ва жамғарма омонатлар бундан мустасно) талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар ҳисобланиб, уларнинг ҳаракати алоҳида қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Банк билан юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ҳамда деҳқон хўжаликларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағи бўйича вужудга келадиган муносабатлар банк ҳисобварағи шартномаси билан тартибга солинади.

Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлари бўйича, банк омонатчининг биринчи талабига кўра (агар банк омонати шартномасида бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса) омонатчининг тегишли кўрсатмаси банкка келиб тушган куннинг эртасидан кечикмаган ҳолда унинг тўловлар бўйича топшириғини бажариши шарт.

Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлари муддатсиз ҳисобланади. Банк омонати шартномасида омонатни омонатчининг биринчи талаби билан қайтариш ва белгиланган фоизлар тўлаш шартлари бўлиши лозим.

Банк омонати шартномасида белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш шarti билан жалб қилинган омонатлар муддатли омонатлар ҳисобланади.

Муддатли омонатлар бўйича банк билан омонатчи ўртасида муддатли банк омонати шартномаси тузилиши ва омонатчи шартнома тузилганидан сўнг, муддатли банк омонати шартномасида кўрсатилган омонат суммасини қўйиши шарт. Қўшимча маблағлар киритиш тартиби муддатли банк омонати шартномасида белгиланиши лозим.

Агар омонатчи муддатли омонатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилмоқчи бўлса, у бу ҳақда банкни омонатни олишни режалаштираётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим.

Муддатли омонатлар қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Бунда бир йил ва ундан кам муддатга қабул қилинган омонатлар қисқа муддатли омонатлар, бир йилдан ортиқ муддатга қабул қилинган омонатлар узоқ муддатли омонатлар ҳисобланади.

Омонатчи муддатли омонат суммасини муддат тугаганидан кейин муддатли банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган ҳолларда, агар муддатли банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

Муддати тугаган муддатли омонатлар бўйича талаб қилиб олингунча омонат шартлари асосида фоизлар ҳисобланади ва бу ҳақда омонат шартномасида кўрсатилган бўлиши шарт.

Юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ҳамда деҳқон хўжаликларининг муддатли омонатларига маблағлар уларнинг асосий ҳисобварағидан ўтказилади ва омонат муддати тугагач ёки муддатли банк омонати шартномаси бекор қилинган ҳолларда муддатли омонатдаги маблағлар уларнинг асосий ҳисобварағига ўтказиб берилади. Иккиламчи ҳисобварақлардан муддатли омонатларга маблағларни ўтказилиши тақиқланади.

Банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз омонат сертификати ҳисобланади.

Омонат сертификатлари бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда чиқарилади.

Омонат сертификатларини чиқариш ҳамда муомалада бўлиши Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги [низомда](#) (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк томонидан омонатлар бўйича фоизлар ҳисоблаш Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида [низом](#) (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь) асосида амалга оширилади.

Омонатларга тўланадиган фоиз ставкалари даражаси банклар томонидан қонун ҳужжатлари талаблари доирасида белгиланади.

Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган

бўлмаса, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар фоизлари миқдорини камайтирган тақдирда, бу ҳақда омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланилади. Агар банк омонати шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланади. Банк, омонат фоизлари миқдорини камайтирганлиги ҳақида шахсан ҳар бир омонатчинини расмий равишда хабардор қилиши лозим.

Жамғарма ва муддатли омонатлар бўйича банк омонати шартномасида белгиланган фоизлар миқдори, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас. Ушбу омонатлар бўйича маблағлар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат бўйича фоизлар тўланмайди.

Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ҳисобланади. Омонатчининг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобварақдаги маблағлардан фойдалана олмаган бўлса, ушбу давр учун фоизлар ҳисобламайди.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк омонати суммасига фоизлар ҳар бир ой ўтганидан кейин омонатчининг талаби билан тўланади, бу муддатда талаб қилиб олинмаган фоизлар эса омонат шартномасида кўзда тутилган тақдирда, фоизлар ёзиладиган омонат суммасига қўшилиб борилиши мумкин.

Омонатга топширилган маблағ қўйилган куннинг ўзида тўлиқ ёки қисман қайтадан берилса, фоизларни ҳисоблашда омонат берилган кун тўлиқ ва қисман қайтарилган омонат қисми ҳисобга олинмайди.

Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинганда, фоизлар ҳисоблаш учун операция амалга оширилган кундан кейинги кундан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади.

Банклар омонатчилар билан келишган ҳолда омонат бўйича фоизларни олдиндан тўлаб бериши мумкин. Агар омонатчи омонат суммасини муддатдан олдин олмоқчи бўлса ва омонатнинг ҳақиқатда сақланган муддатига ҳисобланган фоизлар суммаси бўнак тариқасида олдиндан бериб юборилган суммадан кам бўлса, ўртадаги фарқ омонат суммасидан чегириб қолинади.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат омонатчининг талаби билан, шунингдек муддатли ва жамғарма омонатлар муддати тугаши билан қайтарилганда, шу пайтгача ёзилган ҳамма фоизлар тўланади.

Омонатчи жисмоний шахслар томонидан бир неча йиллар учун

ҳисобланган фоизлар ёзилмаган омонат дафтарчаси тақдим қилинганда, бу фоизлар суммаси омонат дафтарчасида ҳар бир йил учун алоҳида ёзилади, омонат қолдиғи эса, охириги йил учун ҳисобланган фоизлар ёзувидан кейин фоизлар суммасини қўшган ҳолда сўз билан ёзилади.

Омонат дафтарчаси банк томонидан омонат бўйича бажарилган операцияларни омонатчига ёзма равишда тасдиқловчи ва омонат бўйича олинган мажбуриятларни кафолатловчи ҳужжат ҳисобланади.

Омонат дафтарчаси муқовасига банкнинг тўлиқ номи ва логотипи (фирма белгиси), муқованинг ички томонига омонат дафтарчасининг серияси ва рақами, дафтарчанинг ички томони биринчи бетида омонат дафтарчасининг серияси ва рақами, банк филиалининг номи, унинг манзили (почта манзили), омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, 20 та белгили шахсий ҳисобварақ рақами, валюта тури, омонат тури (номи, йиллик фоизи, муддати ва бошқа шартлари), назоратчи, бош бухгалтер ва филиал раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг имзоси ҳамда филиал муҳри ўрни учун жой кўрсатилиши лозим.

Омонат дафтарчасининг иккинчи ва кейинги варақларига омонат бўйича амалиётларни қайд этувчи жадвал туширилиши, унда "Сана" (йил, кун, ой), "Операция тури", "Кирим", "Чиқим", "Қолдиқ", "Фоизлар" ҳамда кассир, назоратчи, бош бухгалтер ва филиал раҳбари томонидан имзо қўйиш учун тегишли устунлар бўлиши шарт.

Омонат дафтарчасининг биринчи варағи иккинчи бетида "Омонатга дастлабки сумма _____ миқдори (рақам ва сўз билан)да қабул қилинди" деган ёзув ва иккинчи варағидан бошлаб ҳар бир варақнинг охирида "омонат дафтарчаси ёпилган / омонат қолдиғи янги "____" серия рақамли омонат дафтарчасига ўтказилди" деган ёзув ҳамда назоратчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, имзоси ва сана учун чизиқли жой кўрсатилиши лозим.

Омонатнинг асосий шартларини ифодаловчи ёзувлар матни омонат дафтарчаси муқовасининг ички томонларига киритилиши ёки унга илова варағи сифатида жойлаштирилиши мумкин.

Агар омонат бўйича бажарилган операцияларда тартиб бузилиш ҳолатлари ўз тасдиғини топган бўлмаса, омонат тўғрисида омонат дафтарчасида кўрсатилган маълумотлар банк билан омонатчи ўртасида омонат бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлади.

Нақд пулсиз шаклда келиб тушган омонат тўлиқ олинганда ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳолда омонатни тўлиқ олиш истаги билдирилганда омонат дафтарчаси расмийлаштирилмайди.

Омонат ёпилган тақдирда, омонат дафтарчасини банк қайтариб олиши шарт. Омонат кассаларда омонатчилар омонат дафтарчаларини сақлашга қолдириши тақиқланади.

Омонат дафтарчасида бажарилган операциялар бўйича қайд этилган ёзувлар назоратчи ва кассир имзоси билан тасдиқланиши лозим. Омонатчи томонидан омонат дафтарчасига бирон-бир ёзув киритилиши тақиқланади.

Омонат бўйича операцияларни қайд этувчи жадвалнинг "Операция тури"

устунида бажарилаётган операциянинг тури аниқ кўрсатилиши шарт. Масалан, нақд пулсиз, нақд, пластик карта орқали, фоизлар ва бошқалар.

Нақд пулда бажарилган операциялар тўғрисидаги барча қайдлар кассир имзоси билан тасдиқланиши шарт.

Банкларда тўлдирилмаган янги омонат дафтарчалари қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисобланади ва улар пул омборхонасида Тижорат банкларида касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир [йўриқнома](#) (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) талабларига мувофиқ сақланиши лозим.

2.3. Нақд пулсиз ҳисоб – китоб операциялари ҳисоби

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда - корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бири-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақадан иккинчи ҳисоб варақга ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган муносабатларини ўзида акс эттиришига кўра икки қисмга бўлинади:

- товар операциялари бўйича пул айланиши;
- молиявий мажбуриятлар бўйича пул айланиши.

Биринчи гуруҳга товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ва капитал курилиш жараёнидаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи пул айланиши қиради.

Иккинчи, молиявий мажбуриятлар, гуруҳига эса бюджетга тўловлар, яъни фойдадан тўланадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, банк ссудаларини қайтарилиши, кредит учун фоизларнинг тўланиши, суғурта компаниялари билан ҳисоб-китоблар қиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалдаги Низом³ асосида тартибга солинади. Ушбу Низомга асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қонунда кўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган қуйидаги шакллар:

- мемориал ордер.
- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- аккредитив;
- инкассо топшириқномаси;
- ҳисоб-китоб чеклари;
- пластик карточкалар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тўловчи ва маблағ олувчи орасидаги ҳисоб-китоблар шакли шартнома асосида белгиланади.

³ ЎЗР МБ томонидан 2002 йил 12 январда тасдиқланган ва Адлия Вазирлиги томонидан 15 апрел 2002 йил 1122-сон билан рўйхатга олинган “ Ўзбекистон Республикаси да нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом.

Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда - ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказиш ва ёзиш усули билан бир-биридан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади.

Банк тўловчи бўлиб чиққан ва мемориал ордерлар ишлатилган ҳолларда, улар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади, бошқа ҳолатларда мемориал ордерлар ушбу банк ҳисобварағини олиб боровчи бош бухгалтер ва бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Мемориал ордерлар билан содир этилаётган операцияларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик банкнинг раҳбарига ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади. Банklar мемориал ордерлардан фуҳароларнинг олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ёзма топшириқномалари бўйича нақд пулсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин. Бунда, топшириқнома бўйича тўлаш амалга оширилгандан сўнг мемориал ордер билан бирга банкнинг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Тўлов топшириқномаси- бу тўловчи корхона унинг банкдаги депозит ҳисобварағидан пул маблағларининг маълум бир суммасини бошқа мижознинг ҳисобварағига ўтказиш ҳақида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка берган топшириқдир.

Тўлов топшириқномаси 0505411002 шаклдаги бланкада тўловчи томонидан расмийлаштирилиб банкка топширилади. Тўлов топшириқномалари орқали қуйидаги тўловлар амалга оширилади:

- товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар;
- нотовар операциялар бўйича ҳисоб-китоблар;
- Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, банк ссудалари ва унга қўшилган фоизларни қоплаш учун маблағлар ўтказиш;
- ҳукумат қарорлари ва банк қоидаларида белгиланган ҳоллардаги банк тўловлари.

“Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги янги Низомга асосан тўлов топшириқномаси расмийлаштирилган кун банкка тақдим этилиши лозим, яъни топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган кун билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган ҳолда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди.

Тўлов топшириқномаларининг банкка топширадиган нусхалар сони тўловчи ва маблағ олувчиларнинг қайси банкда жойлашганлигига боғлиқ. Тўловчи ва маблағ олувчи корхоналар бир банк бўлими хизматидан фойдалансалар, топшириқномалар банкка уч нусхада тақдим этилади. Топшириқнома нусхаларининг ҳар бири қуйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана ва қабул қилиш

санаси кўрсатилган, банкнинг тўртбурчак мухрининг изи туширилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси тўлов олувчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳолда тўловни олувчи корхона вакилига шахсий ҳисобварақдан кўчирма билан берилади;

- учинчи нусха операция бажарилган сўнг, банк бўлимининг тўртбурчак штампи изи туширилган, масъул ижрочи томонидан имзо, тўловни амалга ошириш ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, тўловчи корхона вакилига уларнинг депозит ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Лекин ҳар доим ҳам бир-бири билан муносабатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар бир банк хизматидан фойдаланмайдилар, чунки ҳисобкитоблар бир ҳудуд ташқарисига чиқиши мумкин. Агар тўловчи ва маблағ олувчи корхоналарга бир ҳудуд ичидаги ёки бошқа ҳудудда жойлашган турли банк бўлимлари томонидан хизмат кўрсатилса, тўлов топшириқномалари банкка икки нусхада тақдим этилади:

- биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси банк бўлимининг муҳр изи туширилган, банк масъул ижрочисининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчи корхона вакилига берилади.

Тўлов топшириқида қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши лозим:

а) тўлов топшириқининг номи ва рақами.

б) тўлов топшириқи тўлдирилган сана, яъни кун, ой ва йил.

в) тўловчининг номи, тўловчи банкининг номи ва коди.

г) тўловчининг ҳисобварақ рақами ва идентификация коди.

д) маблағларни олувчи корхона номи, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди

ж) маблағ олувчининг ҳисобварақ рақами.

з) тўловларнинг суммаси рақам ва ёзувларда кўрсатилади.

и) тўловнинг мақсади.

Тўлов топшириқининг барча реквизитлари тўлдирилгандан сўнг, топшириқноманинг алоҳида ажратилган пацки қисмига тўловчи корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр изи қўйилади. Ушбу муҳр ва имзолар тўлов топшириқининг фақат биринчи асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан ҳужжатлар қабул қилиш, шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг мижоз билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда операцион кун давомида банк томонидан корхоналардан қабул қилинган ҳужжатлар шу куннинг ўзидаёқ ижро қилинади. Масъул ижрочи мижозлардан тўлов топшириқини олгандан сўнг, тўлов топшириқидан барча реквизитларнинг тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. Бундан ташқари, тўловчи корхонанинг депозит бўйича очилган ҳисобварағида ҳужжатда кўрсатилаган суммани тўлашга етарли пул маблағлари борлигини аниқлайди. Агар тўлов топшириқи тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилиб, уни тўлашга етарли пул маблағлари бўлса, масъул ижрочи топшириқномадаги барча маълумотларни дастурий йўл билан компьютер орқали банкнинг электрон тўловларини амалга оширувчи ҳисоблаш марказига ўтказди. Эртаси кун эрталабдан кечикмаган муддатда банк баланси чиқарилгандан кейин ҳужжатнинг биринчи нусхаси банкнинг кундалик йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда аввал жорий архивда сақланади, бир йил ўтгандан сўнг умумий банк архивига топширилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси эса мижознинг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда операциялар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида мижозга қайтариб берилади. Бу банк операцияси бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 20210 “Давлат корхонасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит”

Кт 20208 “Хусусий корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит” ҳисобварағи.

Юқорида кўрсатилган бухгалтерия ёзувлари ҳар иккала корхонага битта банк хизмат кўрсатган ҳолда бажарилади. Агар маблағларни олувчи корхона бошқа банк хизматидан фойдаланадиган бўлса, у ҳолда тўловчи банкдан вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказилади. Бундай ҳолни қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали кўриш мумкин:

Дт 20210 “Давлат корхонасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити” ҳисобварағи,

Кт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” ҳисобварағи.

Шундай қилиб, тижорат банкининг ҳисоблаш марказидан дастурий йўл орқали модем усули билан электрон тўлов ўтказилади, яъни “Электрон почта” деб номланган тизим орқали электрон тўлов топшириқи Марказий банк қошидаги ҳисоб марказига ўтказилади. Марказий банк қошида очилган ҳисоб маркази тўловчи корхонага хизмат қилувчи тижорат банкидан олинган маълумотлар асосида электрон тўлов топшириқини модем орқали маблағ олувчи корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банкка ўтказди.

Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари маблағларни олувчи банкда икки нусхада қоғозга

чиқарилади. Топшириқноманинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳр изи қўйилиб, кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри изи қўйилган ҳолда мижоз ҳисобварағига илова сифатида мижозга берилади. Бу банкда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи,

Кт 20208 “Хусусий корхонанинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи”.

Ушбу бухгалтерия ёзуви ёрдамида тўловчи корхона банкдан Марказий банк орқали келиб тушган пул маблағлари маблағ олувчи корхона банкида маблағ олувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

Ҳозирги кунда республикамизда банклар орқали ўтказилаётган барча тўловларнинг 65-75 фоизи тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилмоқда, бу унинг афзалликлари билан боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан иборатдир:

- ҳужжатлар айланишининг оддийлиги ва тезлиги, яъни ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг техник жihatдан қулайлиги. Бу эса ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг меҳнат сарфини камайтиради;

- пул маблағлари ҳаракатининг тезлиги, яъни тўлов талабномасига нисбатан тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиши ҳаракати қисқалиги сўзсиз хўжалик оборот маблағларининг айланиш тезлигини оширади;

- товар сотиб олувчининг қабул қилган товарлар ёки хизматлар сифатини олдиндан аниқлаб олиниши. ҳисоб-китобларнинг бу шаклида тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китобларда бўлган каби банкка раддия аризаси топширилмайди, чунки тўловчининг ўзи тўловни тўлашга рози бўлса, топшириқномани банкка топширади;

- тўлов топшириқномасининг барча товарсиз операцияларда қўлланиши, бу эса ушбу шакл бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳамиятини янада яққол акс эттиради.


Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзалликлари билан бир қарорда камчиликлари ҳам мавжуд. Камчиликлар шундан иборатки, мол жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўла кафолатланмаган. Чунки тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағидаги маблағ лар миқдорига боғлиқ. Тўловнинг тўлиқ ўтказилишига етарли пул маблағларининг бўлмаслиги пул айланиши секинлаштиради ва маҳсулот жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради. Лекин кўрсатилган камчилик тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари олдидаги аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча,

ҳозирги даврда ҳўжалик субъектлари ўртасида тўлов топшириқномаларининг қўлланилиш доираси янада кенгайиб бормокда, чунки ўтган йилларда тўлов топшириқномалари бўйича тўловлар фақат маҳсулот жўнатиладиган ва хизматлар кўрсатилгандан кейингина амалга оширилар эди. Бундай ҳолат бугунги кунда ўзини оўламайди, дебетор ва кредитор қарздорликларнинг ошиб кетишига олиб келади.

1-чизма

Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоб операциялари юзасидан ҳужжатлар айланиши

А) Тўловчи ва маблағ ни олувчига турли хил банкда хизмат кўрсатилади:



1. Тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасида олди-сотди шартнома тузилади;
2. Тўловчи тўлов топшириқномасини 2 нусхада ўз банкига тақдим этади;
3. Тўлов топшириқномасига асосан пул маблағлари миқдорнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағидан олувчининг банкига ўтказиб берилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 20210 “Давлат корхонасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити” ҳисобварағи,

Кт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи.

4. Электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали олинган электрон тўлов топшириқномаси 2 нусхада қоғозга чиқарилади ва пул маблағлари олувчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан кирим қилинади:


Дт 16103-“Бош банк // филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи,


Кт 20210 “Давлат корхонасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити” ҳисобварағи.

5. Товар ва маҳсулотлар тўловчига ортиб жўнатилади.

Б) Тўловчи ва маблағ ни олувчига битта банкда хизмат кўрсатилади:

2-чизма.





1. Тўловчи ва маблағни олувчи ўртасида олди-сотди шартнома тузилади;
 2. Тўловчи тўлов топшириқномасини 3 нусхада хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этади;

3. Тўлов топшириқномасига асосан пул маблағлари миқдорнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига ўтказилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 20210 “Давлат корхонасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити” ҳисобварағи - берувчида,

Кт 20210 “Давлат корхонасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити” ҳисобварағи - олувчида.

4. Товар ва маҳсулотлар тўловчига ортиб жўнатилади.

Тўлов талабномаси - бу маҳсулот етказиб берувчи ва маблағ олувчиларнинг белгиланган суммани тўловчи банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабномани ўз ичига олган ҳисоб-китоб ҳужжатидир.

Талабномалар юклаб жўнатилган товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар, шунингдек, томонлар шартномасида кўзда тутилган бошқа тўловлар учун қўлланилади. Талабномалар акцептли ёки акцептсиз бўлади.

“Акцепт” сўзи латин тилидан олинган бўлиб, розилик маъносини англатади, яъни бу тўловчининг тўловни амалга ошириш учун банкка берган розилигидир.

Талабномалар битта операция учун бир марта тақдим этилади, такроран тақдим этилмайди. Талабнома реестр билан бирга маблағларни олувчи томонидан унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади. Реестр икки нусхада тақдим этилади, бунда биринчи нусхаси корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланиб, муҳр изи билан тасдиқланади. Реестрнинг биринчи нусхаси қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда, бухгалтернинг имзоси ва унга бириктирилган банк тамқаси билан тасдиқланиб, маблағлар олувчининг банкида қолдирилади, иккинчи нусхаси эса миқдорга қайтарилиб берилади. Тўлов талабномалари маҳсулот етказиб берувчи томонидан белгиланган 0505411001 шаклдаги бланкаларда банкка тақдим этилади. Тўлов талабномалари қуйидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

- а) юклаб жўнатилган товарлар учун;
- б) бажарилган ишлар учун;

в) кўрсатилган хизматлар учун;

г) амалдаги конунчиликда, меъёрий ҳужжатлар ёки шартномада кўзда тутилган бошқа тўловлар учун.

Тўлов талабномасида маҳсулот етказиб берувчи томонидан талабнома рақами, уни тўлдирилган сана, шу корхона номи, унинг ҳисобварақ рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи, банкининг коди, тўловчи корхонанинг номи, унинг банкдаги ҳисобварақ рақами, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, тўлов суммаси ва тўлов мақсади кўрсатилади. Ҳужжатларда кўрсатилиши лозим бўлган умумий реквизитлардан ташқари тўлов талабномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) шартнома санаси ва рақами;

б) маҳсулотларни юклаб жўнатиш санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш, топшириш ҳужжатлари ва транспорт тури, товарлар почта ва телекоммуникация агентлиги орқали жўнатилганда эса - почта квитанцияларининг рақами.

Агар маҳсулот уни сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилса, талабноманинг алоҳида ажратилган жойда юк уни сотиб олувчининг ўз транспорти билан олиб чиқиб кетилгани ҳамда ишончноманинг рақами кўрсатилади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, маҳсулот контрактсия шартномалари асосида реализатсия қилинади. Контракция шартномалари бўйича маҳсулот етказиб беришда тўлов талабномасининг юқори қисмида яъни талабнома деб ёзилган сўз ёнига “Контракция шартномаси” деб кўрсатилиши лозим. Тўлов талабномасининг пацки, алоҳида ажратилган қисмида маҳсулот жўнатувчи корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзолари ва корхонанинг муҳр изи қўйилади.

Умуман, тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш ишларини 3 босқичга бўлиб кўриб чиқамиз:

1-босқич. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўлов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

2-босқич. Маҳсулот олувчи банкида тўлов талабномаларини тўлаш бўйича операциялари.

3-босқич. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловни қабул қилиш бўйича операциялар.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳар бир босқични алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўлов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

Тўлов талабномаси маҳсулот жўнатилгандан сўнг шартномада белгиланган муддатларда маҳсулот жўнатувчи корхона томонидан рўйхат, яъни реестр асосида банкка инкассога топширилади.

Рўйхат тўлов талабномаларининг барча реквезитларини ўз ичига олган ҳолда икки нусхада тўлдирилади. Рўйхатнинг биринчи нусхаси корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб муҳрнинг изи билан расмийлаштирилиши лозим. Рўйхатнинг биринчи нусхаси қабул қилинган сана,

масъул ижрочи имзоси қўйилгандан сўнг, банкнинг туртбурчак муҳр изи туширилиб банкда қолдирилади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси эса қабул қилинган сана, масъул ижрочи имзоси қўйилиб, банкнинг туртбурчак муҳр изи туширилиб маҳсулот етказиб берувчига қайтарилади.

Тўлов талабномалари 2 ёки 3 нусхада тўлдирилади. Агар маҳсулот етказиб берувчи ва тўловчи томонларга битта банк бўлими хизмат кўрсатса талабнома 3 нусхада тақдим этилади. Бу ҳолда тўлов талабномаларнинг ҳар бир нусхалари қуйидагича ишлатилади:

-биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлови амалга оширилган сана, банкнинг туртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кўнлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

-иккинчи нусхаси тўловни олувчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг туртбурчак муҳр изи қўйилган ва қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда берилади;

-учинчи нусха қабул қилиш санаси, тўловни амалга ошириш санаси, масъул ижрочининг имзоси ва банк туртбурчак муҳр изи қўйилган ҳолда тўловчига унинг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Агар тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи бир ҳудуд ичидаги ёки турли ҳудудларда жойлашган турли банк бўлимлари хизматидан фойдалансалар, бу ҳолда тўлов талабномалари 2 нусхада банкка тақдим этилади. Уларнинг ҳар иккала нусхалари почта алоқаси ёки курерлар орқали тўловчи банкка жўнатилади.

2. Маҳсулот олувчи банкида тўлов талабномасини тўлаш бўйича операциялар.

Тўловчи корхона банкка маҳсулот етказиб берувчи корхона банкдан биринчи ва иккинчи нусха тўлов талабномаси почта алоқаси ёки курерлар орқали келиб тушади. Тўлов талабномалари томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан акцептлаш тартибида ёки акцептламасдан тўланиши мумкин. Банк томонидан талабномаларни акцептлаш учун:

- а) бир шаҳар ичида жойлашган миждозлар учун - 3 иш куни
- б) бошқа шаҳарларда жойлашган миждозлар учун – 5 иш куни
- в) тўловчининг асосли илтимосига кўра 10 кунгача муҳлат берилади.

Акцептлаш тартибида тўланадиган талабномаларнинг биринчи нусхаси тўловчи огоҳлантирилгандан сўнг тўлов учун акцептлашни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека банкда 1-картотека деб юритилади. Талабноманинг иккинчи нусхаси товар-транспорт ҳужжатлари билан бирга кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан ҳужжатни акцептлаш учун қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ва тўлов тўғрисида маълумот сифатида тўловчига берилади. Агар банкда 1-картотеканинг ҳисобини юритиш дастурий йўл билан олиб борилмаса, бундай талабномалар қабул қилинган куни “Тўлов учун акцептланиши кутаётган ҳисоб-китоб

ҳужжатлари”ни ҳисобга олиб бориш дафтарида икки нусхада қуйидаги реквизитларни кўрсатган ҳолда банк томонидан қайд этилади:

- тўлов талабномасининг банкка келиб тушиш санаси ва тўлов муддати;
- тўловчининг ҳисобварақ рақами;
- тўловчининг номи;
- банк коди;
- талабноманинг рақами;
- тўлов мақсади ва суммаси;

Тўлов талабномасини 1 картотекага жойлаштиришда қуйидаги балансдан ташқари проводка бажарилади.

Дт 90962- “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” ҳисобварағи,

Кт 96319 –“Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр- ҳисобварақ”.

Дафтарда ҳар бир тўлов муддати бўйича талабнома суммалари ва бу суммаларнинг йиғиндилари кўрсатилган бўлиши лозим. 1-картотеканинг ҳисоби дастурий йўл билан амалга оширилса, талабнома бўйича кўрсатилган реквезитлар компютерга киритилади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, тўловчи тўлов талабномасининг иккинчи нусхасини олгандан кейин, унинг тўғри расмийлаштирилганлигини, шартнома шартларига тўғри келиш-келмаслигини текшириб чиқади. Тўловчи белгиланган муддатда товар моддий қийматликларни жўнатишда, хизматлар кўрсатишда амалдаги қонуний ҳужжат талабларига ҳамда шартнома шартларига амал қилинмаган ҳолларда талабномани қисман ёки тўлиқ тўлашдан бош тортиши мумкин. Бунинг учун банкка ёзма равишда раддия аризаси топширилиши лозим. Агар белгиланган муддатда банкка раддия аризаси топширилмаса, яъни ёзма равишда акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган бўлиб ҳисобланади. Акцептлашни рад этиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар доирасини банк бўлими бошқарувчиси белгилайди. Банклар акцептлашни рад қилиш моҳияти бўйича келиб чиққан баҳс ва низоларга аралашмайдилар.

Тўлов талабномасини тўлашдан бош тортиб ёзилган раддия аризаси тўловчи томонидан банкка топширилганда талабномалар шу куннинг ўзидаёқ 1-картотекадан олинади ҳамда товар-транспорт ҳужжатлари ва бошқа иловалар билан бирга маҳсулот етказиб берувчи корхона банкига ижросиз қайтариб юборилади. Тўловчи талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, тўловчи томонидан акцептланган сумма бўйича тўловлар ўтказилади. Тўловчи ҳисобварағида талабноманинг акцептланган қисмини тўлашга етарли пул маблағлари бўлмаганда талабнома “Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека 2-картотека деб юритилади. Бунда талабноманинг даълабки суммаси ўчирилади ва ёнида тўловчи акцептлаган сумма ёзиб қўйилади. Картотекага кирим қилинган сумма тўловчи корхона ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушгандан сўнг тўланади.

Агар 1-картотекага жойлаштирилган тўлов талабномаси бўйича тўловчи томонидан раддия аризаси келиб тушмаса, тўлов талабномаси акцептлаш учун берилагн 3 кун мухлат ўтгандан сўнг тўланади. Тўлов талабномасини тўлашдан аввал тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағини юритувчи масъул ижрочи талабномани тўлаш учун етарли пул маблағларининг тўловчи ҳисобварағида мавжудлигини текширади. Агар депозит ҳисобварағида етарли пул маблағлари бўлса, талабнома тўланади. Тўлов талабномасини тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Дт 20210 “Давлат тассарруфидаги корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит” ҳисобварағи,

Кт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи.

Баланс ичидаги ҳисобварақлар бўйича бажарилган ушбу бухгалтерия ёзувлари билан бир қаторда балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлар бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари бажарилади, 1 картотекадаги тўлов талабномасининг ўзи картотекадан олинади ва ҳисобдан чиқарилади:

Дт 96319 –“Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр- ҳисобварағи”,

Кт 90962- “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” ҳисобварақ.

Бу бухгалтерия ёзувиға қарама-қарши бўлган ёзув тўлов талабномасини 1-картотекага қабул қилинган пайтда бажарилади, яъни тўлов талабномасининг 1-картотекага кирим қилинганлиги билдиради. Юқоридаги бухгалтерия ёзуви эса талабноманинг картотекадан олинганлигини билдиради.

Тўланган талабнома электрон тўловлар тизими ёрдамида Марказий банк қошидаги ҳисоб Маркази орқали маҳсулот сотувчи банкига ўтказилади. Талабноманинг ушбу нусхаси банкнинг кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Лекин ҳар доим ҳам тўловчи корхонанинг ҳисобварағида тўлов талабномасини тўлашға етарли пул маблағлари бўлмаслиги мумкин. Тўловчининг депозит ҳисобварағида маблағ бўлмаганда талабномалар 2-картотекада тўловни кутаётган ҳужжатлар қаторига жойлаштирилади, бу ҳақда маҳсулот етказиб берувчи банкига хабар берилади. Талабнома 2 картотекага жойлаштирилганда балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дт 90963 “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” ҳисобварағи”,

Кт 96321 “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Тўлов талабномаси 2-картотекада тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига талабномани тўлашға етарли пул маблағлари келиб тушгунча сақланади. Пул келиб тушгандан сўнг, келиб тушган маблағ лар доирасида меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартибда тўлов амалга оширилади. Тўлов ўтказиш бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

Дт 20210 “Давлат тассарруфидаги корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит” ҳисобварағи –сотиб олувчи,

Кт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи.

Бу ерда маҳсулот сотувчи турли мулкчилик шаклдаги хўжалик юритувчи субъект бўлиши мумкин. Баланс ичидаги бухгалтерия ёзувини бажаришдан аввал ҳужжат 2 картотека ҳисобидан чиқарилади, бу операция қуйидаги бухгалтерия ёзуви асосида амалга оширилади:

Дт 96321 “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварағи”,

Кт 90963 “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” ҳисобварақ,

Банк 2-картотекадаги муддати ўтказиб юборилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга оширишда тўловчилардан пеня ундириш ва олувчилар фойдасига ўтказиш ҳуқуқига эга, агар бу банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномада келишилган бўлса. Банк тўловчилардан маблағларни олувчилар фойдасига муддати ўтказиб юборилган тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонунда белгиланган миқдорда пеня ундиради. Муддати ўтказиб юборилган кунларни белгилашда календар кунлар ҳисобга олинади. Ундирилган пеня муддати ўтказиб юборилган тўловнинг асосий суммаси билан тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқазилади ва маҳсулот етказиб берувчининг банкига электрон тўловлар тизими орқали ўтказилади.

Баъзи вақтларда тўлов талабномасини тўлаш учун тўловчи корхонанинг розилиги, яъни акцептлаши талаб этилмайди. Тўловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан коммунал хизмат, телефон, канализация, почта-телеграф харажатлари ҳамда ташилган мусор учун амалга оширилади. Коммунал хизматлар учун тўловлар ва ўлчов асбоблари газ, сув, иссиқлик ва электр-энергияси учун ҳисобланади. Бундай акцептсиз тўловларни амалга ошириш учун банкка тақдим қилинган тўлов талабноманинг юқори қисмига “акцептсиз” ҳамда “ҳисоблаш асбоблари асосида” деган сўзлари кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Ушбу ёзувлар бўлмаган тақдирда талабномалар умумий асосда акцептланади ва тўланади. Талабномада маълум тўловларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлган қонуний ҳужжат ёки шартноманинг санаси, рақами ва тўловнинг мақсади кўрсатилиши шарт. Бунда банк илова қилинган ҳужжатларнинг талабномада кўрсатилган уларнинг реквезитларига мослигини текшириб кўради.

Банк операцион куни келиб тушган акцептсиз тўланадиган талабномалар шу куннинг ўзида тўланади. Тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағида талабномани тўлаш учун маблағ лар йўқлиги ёки камлиги аниқланса, ҳамда уларни тўлаши учун банк кредитини бериш имконияти бўлмаганда, тўланмаган сумма “Ўз муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” картотекаси бўйича алоҳида ҳисобвараққа ўтказилади, талабноманинг ўзи эса 2-картотекага жойлаштирилади.

Операцион кун тугагандан сўнг банкка келиб тушган тўлов талабномалари кейинги иш куни тўланади. Бундай талабномаларга “Кечки” деган белги қўйиб қўйилади. Умуман акцептсиз тўланган ёки 2-картотекага жойлаштирилган талабномалар бўйича бухгалтерия ёзувлари акцептлаш тартибда тўланадиган талабномалар сингари амалга оширилади.

3. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловни қабул қилиш бўйича операциялар.

Тўловчи корхона банкида тўланган тўлов талабномаси “Электрон почта” электрон тизими орқали Марказий банк қошидаги ҳисоб Марказига узатилади. ҳисоб Марказида тўловчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварағидан тўлов талабномасида кўрсатилган пул суммаси маҳсулот етказиб берувчи банкининг корреспондентсия ҳисобварағига ўтказилади. Электрон тўлов тизими орқали олинган электрон талабномалар маблағлари оловчи банкда икки нусхада қоғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қўйилиб кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади. Талабноманинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қўйилган ҳолда маҳсулот етказиб берган корхонанинг депозит ҳисобварағига илова сифатида қўшиб берилади. Шу билан бирга бу корхонага ҳисобварақдан кўчирма ҳам берилади. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловчи банкидан келиб тушган тўлов суммаси куйидаги бухгалтерия ёзуви орқали маблағ оловчининг ҳисобварағига ўтказиб қўйилади:

Дт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи,

Кт 20210 “Давлат тассарруфидаги корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит” ҳисобварағи.

Бу ерда маҳсулот етказиб берувчи давлат тассарруфидаги, давлат тассарруфидан ташқаридаги турли мулкчилик шаклларида қарашли корхоналар бўлиши мумкин. Шунга кўра уларнинг ҳисобварақ рақамлари белгиланади. Ушбу бухгалтерия ёзуви маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг ҳисобварағига сотилган маҳсулоти учун пул маблағларининг келиб тушганлигини билдиради.



Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар умумлашган ҳолда қандай амалга оширилишини тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳужжатлар айланиши схемаси орқали яққол кўриш мумкин (3-чизмага қаранг).

суммасини маҳсулот сотувчи корхонанинг ҳисобварағига ўтказиши.

3-чизма

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиш

Ҳисоб маркази



Ушбу чизманинг мазмуни:

1. Маҳсулот жўнатувчи корхона билан маҳсулот олувчи корхона ўртасида хўжалик шартномаси тузилиши;

2. Маҳсулот жўнатувчи корхона маҳсулот олувчи корхонага товар жўнатиши;

3. Маҳсулот жўнатувчи корхона ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига тўлов талабномаси ва товар-транспорт ҳужжатларини тақдим қилиши;

4. Маҳсулот жўнатувчи корхона банки маҳсулот олувчи корхона банкига почта ёки курерлар орқали ҳужжатларни жўнатиши;

5. Маҳсулот олувчи корхона банки келиб тушган тўлов талабномасини акцептлаш учун маҳсулот олувчи корхонага бериши;

7. Корхона ўз банкига акцептланган талабномани тақдим этиши;

8. Маҳсулот олувчи корхона банки талабномада кўрсатилган суммани тўловчи корхона ҳисобварағидан чегириб, талабнома бўйича тўловни амалга ошириши;

9. Маҳсулот олувчи корхона банки ҳисоб Марказига тўланган электрон тўлов талабномасини модем орқали жўнатиши;

10. Ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали тўланган талабномани маҳсулот сотувчи корхона банкига ўтказилиши;

11. Маҳсулот сотувчи корхона банки талабнома тўловнинг келиб тушганлигини хабар қилиш учун компьютерда чиқарилган электрон тўлов талабномасининг иккинчи нусхасини ҳисобварақдан кўчирма билан биргаликда маҳсулот сотувчи корхонага топширади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари каби тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар ҳам маълум бир афзаллик ва камчиликларга эга. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китобларнинг афзалликлари куйидагилардан иборат:

- маҳсулот сотувчи билан маҳсулот олувчи томонлар бир-бирини ўзаро назорат қилишга қулай;

- маҳсулот олувчига товарни жўнатиш кечиктирилмайди;
- мол жўнатувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун маҳсулот олувчининг маблағ ини алоҳида ҳисобварақда депонент қилиб қўйиш талаб этилмайди, яъни тўловчининг маблағлари бирор муддатга оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди;

- тўловчига тақдим этилган ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчининг шартнома шартлари қай даражада бажарилишини текшириш ҳуқуқи берилади, шу билан бирга шартнома шартларидан бири бузилган ҳолда тўлов тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади;

- мол олувчи ҳисобварағидан акцептсиз талабномалар бўйича маблағларнинг мажбурий олиниши маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатган томон манфаатларига мос келади.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг камчиликлари қуйидагилар:

- маҳсулот сотувчи корхонага тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши кафолатламайди;

- тўлов ўтказилиши билан товар жўнатилиши вақтининг бир-бирига мос келмаслиги;

- тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши тўлов топшириқига нисбатан узоқроқ давом этади.

Умуман, тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг ишлатилиши кўп ҳолларда - 2-картотекадан ўз вақтида тўланмаган тўлов талабномаларнинг кўпайишига шароит яратади, чунки талабнома банкка тўлов учун келиб тушган вақда тўловчининг ҳисобварағидан ҳар доим ҳам тўловни амалга ошириш учун етарли пул маблағлари бўлмайди. Картотекага қўйилган ҳар бир тўлов талабномаси иқтисодиёт тармоқларида дебеторлик ва кредиторлик қарзларнинг ошганлигидан далолат беради. Шу сабабли, республика банклари ўз миқдорларининг картотекадаги ҳужжатлари ва уларни тўлаш бўйича қандай ишлар олиб борилаётганини назорат қилиб турадилар.

Инкассо топшириқномаси - ушбу топшириқномани берган банк миқдорининг банк-эмитентга тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабидир.

Инкассо топшириқлари қуйидаги ҳолларда ҳисоб-китоблар учун тақдим этилади:

- ўз вақтида тўланмаган солиқларни ундириш учун;
- давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар, жумладан, пенялар, жарималарни ундириб олиш тўғрисидаги солиқ органларининг фармойишига кўра;
- бюджетдан ташқари фондлардан тўловларни ундириб олишда, агар бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса;
- божхона органларининг қарорига кўра ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундириш учун;

- ижро ҳужжатларига мувофиқ, хўжалик судининг буйруқлари, судлар томонидан берилган ижро варақалари ҳамда нотариуслар томонидан ёзилган уцхатларни киритиш мумкин.

Бюджет, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини тўловни ундирувчи деб юритамиз. Тўловни ундирувчи инкассо топшириқларини ижро ҳужжатларини илова қилган ҳолда тўловни ундириш учун банкка тақдим қиладилар. Агар тўловни ундирувчи ва тўловчи томонлар бир шаҳар ичидаги банк хизматидан фойдалансалар инкассо топшириқи тўловчининг ҳисобварағи юритиладиган банк бўлимига топширилади. Агар инкассо топшириқи бошқа шаҳардаги тўловчилар номига расмийлаштирилган бўлса, бу ҳолда ҳужжат ундириб олувчига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига топширилиши лозим. Тўловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағлари ҳисобдан чиқариш банк бўлимлари томонидан ҳужжатларнинг нусхаси бўйича эмас, балки, асл нусхаси ёки дубликати асосида бажарилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатлар қонунда белгиланган муддатдан ўтказиб тақдим этилган бўлса, банк бўлимлари ушбу ҳужжатларни инкассо учун қабул қилмайдилар. Ижро ҳужжатларининг бажарилиш муддатлари қуйидагича белгиланган:

- судлар томонидан берилган ижро варақалари бўйича - 3 йил;
- ижро уцхатлари бўйича, агар қонунчилик томонидан бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса - 3 йил;
- хўжалик судларининг ижро варақалари бўйича - 6 ой;
- хўжалик судининг судяси томонидан берилган суд буйруғи бўйича ундириб олиш, буйруқ берилган кундан бошлаб - 10 кун муддат давомида амалга оширилади.

Давлат суғуртаси, ижтимоий суғурта идоралари, давлат бюджети фойдасига маблағларни ўтказиб бериш ҳужжатлар банк томонидан амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Инкассо топшириқномаси банк бўлимига ундириб олувчи томонидан 0505411013 шаклда 4 нусхада топширилади. Биринчи, иккинчи ва учинчи нусхалари банкда ижро учун қолдирилади, тўртинчи нусхаси эса имзоланиб ва тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтарилиб берилади. Тўлов амалга оширилгандан кейин инкассо топшириқномаларининг нусхалари қуйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, банкнинг тўртбурчак муҳр изи, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари билан бирга тўловчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчига берилади;

- учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул бажарувчи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловни олувчига берилади.

Ундириб олувчи ва тўловчига бир шаҳар ичидаги турли банклар хизмат кўрсатганда ҳам инкасса топшириқномаси 3 нусхада расмийлаштирилиб, ундириб олувчи томонидан бевосита тўловчи корхона банкига топширилади.

Инкассо топшириқномасининг алоҳида нусхалари қуйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳри изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади;

- иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари билан биргаликда тўловчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ва банкнинг муҳр изи туширилган ҳолда тўловчига берилади;

- учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловни олувчининг ўзига инкассо топшириқномасининг ижро учун банк томонидан қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қайтарилади.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам бўладики, бунда тўловни ундирувчи ва тўлов тўловчи турли шаҳарларда жойлашган бўлиб, уларга турли банклар хизмат кўрсатади. Бундай шаҳарлараро ёхуд, ҳудудлараро операциялар банклараро ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади. Шаҳарлараро ҳисоб-китобларда инкассо топшириқлари ундирувчиларга хизмат кўрсатувчи банк бўлиmlарига ундирувчи томонидан топширилади. Бу ҳолда инкасса топшириқи 3 нусхада расмийлаштирилиб банкка топширилади. Унинг биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари билан бирга почта алоқаси орқали тўловчининг банкига жўнатилади. Топшириқномани жўнатишдан аввал унга масъул ижрочи томонидан имзо, ҳужжатнинг қабул қилиниш санаси қўйилади ҳамда банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилади. Инкассо топшириқномасининг учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда ундирувчига қайтарилади.

Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда бажариладиган бухгалтерия ёзувлари ундирувчи ва тўлов тўловчиларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг жойлашувига боғлиқ. Агар ҳар икки томонга битта банк бўлими хизмат кўрсатса, инкассо топшириқномасини тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 20200- “Талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи-тўловчи,

Кт 20200 -“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи-ундирувчи.

Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонлар бир шаҳар ичидаги турли банклар хизматидан фойдалансалар, ундирувчи томон инкассо топшириқини тўловчи банкка 3 нусхада топширади. Топшириқноманинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, унинг барча реквезитларининг мавжудлиги, шу билан бирга тўловчининг ҳисобварағида ушбу топшириқномани тўлаш учун пул маблағларининг етарлиги банк масъул ижрочиси томонидан назорат қилинади. Шундан сўнг биринчи нусха асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 20200- “Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи – тўловчи,

Кт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи.

Тўлов электрон тўлов тизими орқали ҳисоб Марказига ўтказилади. Инкассо топшириқномаларининг бошқа нусхалари юқорида кўрсатиб ўтилганга мувофиқ ишлатилади.

Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонларга турли шаҳардаги турли банклар хизмат кўрсатсалар, ундирувчига хизмат кўрсатувчи банк инкассо топшириқини ижро ҳужжатлари билан биргаликда почта алоқаси орқали тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка жўнатади. Тўловчининг банки келиб тушган ҳужжатларнинг тўланиши мумкинлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб юқоридаги бухгалтерия ёзувини ўтказди ва электрон тўлов тизими орқали ҳисоб Маркази тўловни жўнатади.

Ҳисоб Маркази орқали тўлов ундирувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағига келиб тушади. Бир вақтнинг ўзида келиб тушган пул маблағлари ундирувчи томоннинг ҳисобварағига ўтказилади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

Дт 16103 -“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи –ундурувчи банки,


Кт 20200- “Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи – тўловчи.


Ундирувчи банкида электрон тўлов тизими орқали қабул қилинган электрон инкассо топшириқномаси 2 нусхада қоғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банкнинг муҳр изи ва масъул ижрочининг имзоси қўйилиб, кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк муҳр изи ва масъул ижрочининг имзоси қўйилган ҳолда ундирувчининг ҳисобварағига илова қилиб берилади.

Инкассо топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг олиб борилишини умумий ҳолда инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳужжатлар айланиши орқали кўриш мумкин (4-чизмага қаранг).

4-чизма.

Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳужжатлар айланиши





Бу ерда,

1. товарлар етказиб берилади;
2. инкассо банка тақдим этилади;
3. инкассо тўловчи банкига жўнатилади;
4. тўловчи корхонага тўлов ҳужжатлари келиб тушганлиги ҳақида хабар барилади;
5. инкассо тўловчи томонидан акцептланади;
6. тўловчининг банки томонидан маблағ лар тўловни олувчининг банки ҳисобварағига кирим қилинади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт Тўловчининг ҳисобварағи (20208),

Кт Тўловчининг банки ҳисобварағи (16103).

7. Тўловни олувчи банк маблағларни мижознинг ҳисобварағига кирим қилади:

Дт Тўловни олувчи банкнинг ҳисобварағи (16103),

Кт Тўловчининг ҳисобварағи (20208).

Ушбу чизма шаҳарлараро инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар учун берилган. Бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китобларда инкасса топшириқномаси ундирувчи банкни четлаб ўтиб бевосита тўловчи банкига топширилади.

Аккредитив -мижознинг топшириқига кўра шартнома бўйича унинг контрогенти фойдасига берилаётган банкнинг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк маҳсулот етказиб берувчига тўловни бажариши ёки бошқа банклар томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинганда ва аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилганда уларга бу тўловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин.

Аккредитив сўзининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “ишончли” деган маънони билдиради. Ҳозирги кунда корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин:

-қопланган аккредитив (депонентланган);

-қопланмаган (депонентланмаган).

Аккредитивлар очилганда аккредитив очган банк тўловчининг шахсий маблағ идан ёки унга берилган кредит ҳисобидан мол етказиб берувчининг

банки тассарруфига алоҳида “Аккредитивлар” баланс ҳисобварағига маблағларни етказиб берса, бундай аккредитивлар копланган аккредитивлар дейилади. Аккредитив очган банк халқаро қабул қилинган андозалар асосида банк-эмитент деб юритилади.

Аккредитивларнинг иккинчи тури копланмаган аккредитив бўлиб, банк ва бошқа корхоналар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган хўжаликларга бундай аккредитивлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Қопланмаган аккредитивнинг копланган аккредитивдан фарқи шундан иборатки, бунда тўловчи корхонанинг пул маблағлари алоҳида ҳисобвараққа ўтказиб қўйилиши талаб қилинмайди. Банк тўловчи ҳисобварағида тўлов ҳужжатлари келиб тушганда пул бўлмаган тақдирда банк маблағлари ҳисобидан тўлов беришни кафолатлайди. Аккредитивнинг бу турининг қулайлиги шундан иборатки, мол сотиб олувчининг пул маблағлари оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди, иккинчи томонидан мол жўнатувчи корхона учун ҳам тўлов кафолатланган. Фақат банк маблағлари ҳисобидан тўлов амалга оширилганда шартномада келишилган миқдорда ҳақ тўланади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар:

- чақириб олинадиган аккредитивлар;
- чақириб олинмайдиган аккредитивлар бўлиши мумкин.

Агар аккредитив бўйича ҳужжатларда бу ҳақда белги мавжуд бўлмаса, бундай аккредитивлар чақириб олинувчи бўлиб ҳисобланади. Чақириб олинувчи аккредитив банк-эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан келишиб олинмасдан ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Масалан, шартномада кўзда тутилган шартларга риоя этилмаганда, банк-эмитент аккредитив бўйича тўловларни кафолатлаш муддатидан аввалроқ воз кечганда ва бошқа ҳолларда аккредитив чақириб олиниши мумкин. Тўлови маҳсулот етказиб берувчига чақириб олинадиган аккредитивнинг шартларини ўзгариши ёки бекор қилиниши тўғрисидаги барча фармойишларни фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк маҳсулот етказиб берувчининг банки, яъни бажарувчи банкни, у эса ўз навбатида маҳсулот етказиб берувчи корхонани хабардор қилади. Бажарувчи банк айни пайтда, маҳсулот етказиб берувчи тақдим этган ва маҳсулот етказиб берувчининг банки томонидан қабул қилинган аккредитив шартларига тегишли бўлган ҳужжатлар бўйича тўловларни мазкур банк аккредитивини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги хабарномани олгунга қадар тўлаши шарт.

Маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Маҳсулот етказиб берувчи корхона аккредитив шартларида кўзда тутилган ҳолларда аккредитивни муддатидан олдин ишлатишдан воз кечиши мумкин.

а) Эмитент банкида аккредитивнинг очилиши: аккредитив фақат бир таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Аккредитивнинг муддати ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби томонлар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади. Шартномада:

- эмитент-банкнинг номи;
- аккредитив тури, уни бажариш муддати ва бажариш усуллари;
- мол етказиб берувчининг аккредитив бўйича маблағ олиши учун такдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ва уларнинг аниқ тавсифи;
- товарларни жўнатгандан кейин ҳужжатларни такдим қилиш муддати;
- мол етказиб берувчи ва олувчи томонлар номи, уларнинг юридик адреслари;
- бажарувчи банк номи ва бошқалар кўрсатилади.

Аккредитив очиш учун харидор ўз банкига - банк эмитентга аккредитивларни очиш тўғрисидаги аризани 2 нусхада такдим этади. Аризада аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами, аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредитивни бажарадиган банкнинг номи, аккредитив ижро этиладиган жой, аккредитив тури, аккредитив бўйича ҳақ тўланадиган ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, расмийлаштириш тартиби, аккредитив бўйича тўлаш усули ва бошқа керакли реквизитлар кўрсатилади.

Банкда ушбу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи аккредитив очиш ҳақидаги аризани олиб, унинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, барча керакли реквизитларнинг мавжудлигини текшириб кўради. Шундан сўнг қабул қилинган аккредитив очиш ҳақидаги аризанинг биринчи нусхасига ўз имзосини, банкнинг тўртбурчак муҳр изини, аризани қабул қилиш санаси ва тўлов ўтказилган санаси қўяди. Аризанинг биринчи нусхасида кўрсатилган барча реквизитлар компьютерга киритиб электрон тўловлар тизими ёрдамида тўланган суммани Марказий банкнинг ҳисоб маркази орқали маҳсулот жўнатувчи корхона банкига, яъни бажарувчи банкка жўнатилади. Харидорнинг ҳисобварағидан тўловни ўтказиш бўйича операциялар қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали амалга оширилади:

Дт 20210 “Давлат тассарруфидаги корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит” ҳисобварағи - маҳсулот олувчи,

Кт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағ лар” ҳисобварағи – эмитет банк.

Бир вақтнинг ўзида аккредитив суммаси аккредитивларни ҳисобга олувчи кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига кирим қилинади. Тўлов ўтказилгандан сўнг аризанинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳр изи, тўлов ўтказилган сана ҳамда қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда тўловчига шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

б) Аккредитивни бажарувчи банкда аккредитивнинг ёпилиши: аккредитивни бажарувчи банк эмитент банкдан электрон тўловлар тизими

орқали тўловни қабул қилади. Бу банкда аккредитивларни очиш ҳақидаги ариза 2 нусхада қоғозга чиқарилади:

- аризанинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочиси томонидан имзо ҳамда банкнинг муҳр изи қўйилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади;

- иккинчи нусхаси “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” деб номланган 1-картотекага жойлаштирилади.

Эмитент банкдан қабул қилинган тўлов суммаси 22602-“Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари” ҳисобварағида ўтказилиб маҳсулот жўнатилиб, бу ҳақда маҳсулот жўнатувчи корхонадан керакли ҳужжат тақдим қилингунга қадар сақланади ва бухгалтерияда қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 16103-“Бош банк//филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағ лар” ҳисобварағи,

Кт 22602-“Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари” ҳисобварағи.

Маҳсулот етказиб берувчи корхонага аккредитив очилганлиги тўғрисида банк хабар беради. Маҳсулот етказиб берувчи аккредитив бўйича келиб тушган маблағларни ўзининг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка юклаб жўнатиш ва аккредитив шартларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

Аккредитив бўйича тўловларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар аккредитив муддати ўтгунга қадар маҳсулот етказиб берувчи томонидан банкка тақдим этилиши ва аккредитивнинг барча шартларини бажарилганлигини тасдиқлаши шарт. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда маҳсулот етказиб берувчининг банки маҳсулот етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя қилинганлигини ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш лозим. Ушбу шартларнинг бирортаси бузилганда ёки бажарилмаганда банк аккредитивлар бўйича тўловларни ўтказиши мумкин эмас.

Банк томонидан маҳсулот етказиб берувчининг аккредитивлар бўйича ҳисобварағидаги маблағларни унинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига мемориал ордер орқали ўтказилади. Мемориал ордер масъул ижрочи томонидан 4 нусхада тўлдирилиб, унда тўлов бўйича шартнома рақами, санаси, тўловнинг мазмуни, ҳисобварақлар рақами кўрсатилади. Мемориал ордernинг алоҳида нусхалари қуйидагича ишлатилади:

- мемориал ордernинг биринчи нусхаси бухгалтернинг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳрининг из туширилиб, тасдиқловчи ҳужжатнинг бир нусхаси билан биргаликда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- мемориал ордернинг иккинчи ва учинчи нусхалари масъул ижрочининг имзоси, банк тўртбурчак муҳрининг изи қўйилиб, тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда банк-эмитентга жўнатилади;

- мемориал ордернинг тўртинчи нусхаси масъул ижрочининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳр изи қўйилиб маҳсулот етказиб берувчи корхона ҳисобварағига илова сифатида берилади.

Маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган ҳисобварағига мижознинг аккредитивлар бўйича ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Дт 22602- “Мижозларни аккредитивлар бўйича депозитлар” ҳисобварағи,

Кт 20200- “Мижозларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи.

Мижозларнинг қайси мулкчилик шаклига асосланганлигига қараб 20200 ҳисобварақнинг тегишли ёрдамчи (субҳисобварақ) ҳисобварақ рақами олинади.

Шундай қилиб, аккредитив маҳсулот етказиб берувчи корхонага хизмат ўлувчи банкда қуйидагича ёпилали:

а) аккредитив муддати тугагандан кейин бажарувчи банк аккредитив ёпилганлиги тўғрисида эмитент банкка хабар беради;

б) маҳсулот етказиб берувчининг муддатдан олдин аккредитивни ишлатишдан воз кечиш тўғрисидаги аризага кўра, маҳсулот етказиб берувчининг кейинги аккредитивдан фойдаланишдан воз кечиши тўғрисидаги аризасига асосан, банк-эмитентга бажарувчи банк томонидан билдиришнома юборилади;

в) сотиб олувчининг аккредитивни қисман ёки тўлиқ чақириб олиш тўғрисидаги аризасига кўра, агар аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитивлар эмитент банкдан хабар етиб келган куни 22602- “Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлар” ҳисобварағидаги мавжуд маблағ лар доирасида тўлиқ ёки қисман қопланади. Аккредитивнинг ёпилаётганлиги ҳақида эмитент банкка хабар берилади.

Аккредитивлар бўйича депозит ҳисобварақлардан нақд пул берилиши, аккредитивларни бошқа шахслар номига ўтказилиши ва қайта расмийлаштирилишига рухсат этилмайди.

Банк эмитент аккредитивни ишлатганлиги тўғрисида бажарувчи банкдан ҳужжатларни олгандан кейин мемориал ордерга асосан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақдан тўлиқ ҳисобдан чиқаради ва тасдиқловчи ҳужжатларни мемориал ордернинг нусхаси билан биргаликда тўловчи корхонага беради. Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи аккредитив тўлиқ ишлатилмаган ва у сотиб олувчи банкидаги ҳисобвараққа қайтарилганда ҳам ёпилади (5-чизмага қаранг).

5-чизма

Аккредитив орқали ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиш схемаси



Ушбу чизманинг мазмуни қуйидагича тавсифланади:

1. Маҳсулот етказувчи ва маҳсулот олувчи ўртасида ҳўжалик шартномаси тузиш;
2. Маҳсулот олувчи ўз банкига аккредитив очиш ҳақида ариза тақдим этиши;
3. Маҳсулот олувчи корхона банки аризага асосан маҳсулот олувчи корхона ҳисобварағидан тўловни ўтказиши;
4. Аккредитив очиш ҳақида электрон ариза ҳисоб Марказига “Электрон почта” орқали ўтказилиши;
5. Ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали маҳсулот олувчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварағидан пул маблағларини маҳсулот сотувчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварағига пул ўтказилиши;
6. Келиб тушган маблағ лар мижозларнинг аккредитивлар бўйича ҳисобварағида депонентлаштирилиши;
7. Аккредитив очилгани ҳақида маҳсулот етказувчига хабар бериши;

8. Мол сотувчи мол олувчи корхонага товар жўнатиши;

9. Маҳсулот етказувчи маҳсулот жўнатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни банкка тақдим этиши;

10. Банк депонентланган суммани маҳсулот ҳисобварағига ўтказиши ва аккредитивни ёпиши;

11. Бажарувчи банк аккредитивни ёпилганлиги ҳақида эмитент банкка хабар беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклининг ўз афзаллиги, шу билан биргаликда бир қатор камчиликлари мавжуд. Аккредитив шакли бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг афзаллик томони шундаки, маҳсулот етказиб берувчи учун тўлов тўлиқ кафолатланган бўлади. Аккредитив шаклининг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

- аккредитив шакли бўйича ҳужжатлар айланиши техник жиҳатдан бирмунча қийинроқ;

- транспортга қулай эмас, аккредитив очилган пайтда юкни жўнатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин, бу эса юк жўнатишни кечикишига олиб келади;

- бу шаклда тўловчининг маблағлари оборотдан қисман четлашади, бошқа ҳисоб-китоблар учун бу маблағ лардан фойдаланишга рухсат этилмайди;

- аккредитив бўйича одатда фақат бир мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳисоб-китоб чеки - бу миқдорнинг хизмат кўрсатувчи банкка, чек берувчининг ҳисобварағидан, чек қабул қилувчининг ҳисобварағига чекда кўрсатилган суммани ўтказиб бериш учун банкининг махсус бланкасида банкка берган топшириқидир.

Ҳисоб-китоб чекларини ёзиб беришда уларнинг бошланғич суммасини тижорат банклари томонидан муцақил равишда аниқланиб, юқори суммаси Республика Марказий банки томонидан белгиланади. Чекнинг амал қилиш муддати эса тижорат банклари томонидан муцақил белгиланади. Чеклар омонат қўювчи жисмоний шахснинг депозит ҳисобварағида сақланаётган маблағ лар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади. ҳисоб-китоб чеки 2 қисмдан иборат:

- биринчи қисми ҳисоб-китоб чеки;

- иккинчи қисми корешок.

Чекнинг корешоги чекнинг биринчи қисмида кўрсатилган суммаларини тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади. Банк ходими ҳисоб-чекини беришда қуйидаги реквезитларни тўлдириб бериши лозим:

- чек берилган сана;

- чек бўйича тўланиши лозим бўлган суммани рақамлар ва сўз билан;

- ҳисоб-китоб чекига номи ёзиб берилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

- унинг паспортининг серияси ва рақами;

- чек берувчининг депозит ҳисобварағи рақами;

- чек берган банк бўлимининг номи ва коди;

- чекнинг амал қилиш муддати.

Кўрсатиб ўтилган барча реквезитлар тўлдирилган сўнг, банкнинг масъул ходими ҳисоб-китоб чеки ва корешокга имзо қўяди ва ҳисоб-китоб чекининг кесиш чизиқида қолган сонлар ҳисоб-китоб чеки суммасига мос келиши учун ҳисоб-китоб чеки назорат сонлар хошияси бўйча корешокни ажратади ҳамда муҳр билан муцаҳкамлайди. Шундан сўнг, чек олувчи миждоз чекни олганлиги ҳақида корешокка ўз имзосини қўяди.

Банкнинг масъул ходими алоҳида дафтарга ҳисоб-китоб чекининг серияси, рақами, номига чек ёзиб берилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва чек суммасини ёзиб қўйиши лозим. Бунда ушбу чек омонат бўйича ҳисобварақда сақланаётган маблағ лар ёки депозит ҳисобварақдан кўчирилган ёхуд нақд пулларда қўйилган маблағ лар ҳисобига берилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиши шарт.

Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига кўра чекнинг суммасига 20206 “Жисмоний шахсларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари” алоҳида ҳисобварағини очади ва тўловлар мана шу ҳисобварақдан амалга оширилади. Масъул банк ходими барча расмийлаштириш ишларини бажаргандан сўнг чекни корешоги билан биргаликда кассирга беради. Кассир масъул ижрочидан барча зарурий ҳужжатларни олгандан сўнг аввало, ҳужжатларда бажарилган ёзувларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва уларни имзолайди. Агар ҳисоб-китоб чеки нақд пул ҳисобидан расмийлаштирилган бўлса, чекни олувчидан нақд пулларни ва чек учун тўловни қабул қилади. Пулнинг тўғрилиги ишонч ҳосил қилгач, чек ва омонат дафтарчасининг алоҳида белгиланган жойга ўз имзосини қўйиб чекни омонат дафтарчаси билан биргаликда ҳисоб-китоб чекни олувчига топширади. Чекнинг корешок қисми эса операцион кун охирига қадар кассирнинг ўзида қолади.

Операцион кун охирида банк кассири бандероллардаги ҳисоб-китоб-чекларининг корешокларида белгиланган реквезитлар билан нақд пулларда қабул қилинган суммани ва омонатлар бўйича ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқарилган суммани кўрсатади. Шундан сўнг чек корешогини масъул ижрочига топширади.

Ҳисоб-китоб чекини расмийлаштириш даврида хатога йўл қўйилиши мумкин. Агарда ҳисоб-китоб-чекини тўлдиришда хатога йўл қўйилса, унда ушбу чек варақаси бузилган ҳисобланади ва унинг ўрнига ҳисоб-китоб чекининг янги варақаси тўлдирилади. Бундай ҳолларда ҳисоб-китоб чеки қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

- ҳарфлар билан ёзилган “ҳисоб-китоб” сўзидан бир қисми ?ир?иб олинади;

- чек варақасининг ўртасига “бузилган” деган уцхат ёзилади ва ушбу ёзув ёзилган сана кўрсатилади;

- чек варақига кассир ва бош бухгалтер томонидан имзо қўйилади.

Тижорат банкларида қабул қилинган чекларнинг ҳисоби қимматбаҳо бланкларнинг ҳаракати ҳисобини юритишга доир дафтарда олиб борилади ва

балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича 93609- “Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар” ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Шу кун давомида ишлатилган чек варақалари чиқим ордери бўйича 93609- “Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар” ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Чекни олган жисмоний шахс сотиб олаётган товари ёки кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб чеки билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин. ҳисоб-китоб чекини қабул қилиш ваколатига эга бўлган савдо ташкилоти ходими маҳсулот тўлови учун чекни қабул қилаётганда чек белгиланган намунадаги бланкада расмийлаштирилганлигини назорат рақамлари чекда ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати ўтказиб юборилмаганини, унда банк бўлими муҳрнинг аниқ изи ва банк ходимларининг имзоси мавжудлигини текшириб кўради. Шу билан бирга чек берувчининг паспортини ҳам олиб чекда кўрсатилган паспорт серияси ва рақамлари билан солиштириб кўради. Чек бўйича текширув бажарилгандан сўнг ҳисоб-китоб чекининг орқа томонига савдо ходими савдо ташкилотининг белгисини кўяди. Чек маҳсулот учун тўлов сифатида қабул қилинган бўлиб ҳисобланади.

Банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- чек эгаси ва чек берувчига битта банк бўлимида хизмат кўрсатилганда:

- чек суммаси савдо ташкилотининг ҳисобварағи кредити ва 19903- “Инкассация қилинган пул тушумлари ва чеклар” ҳисобварағи орқали чек берувчининг ҳисобварағининг дебетидан ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳри изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

Чек эгаси ва чек берувчига турли банк бўлиmlари хизмат кўрсатса:

- чек эгасининг банки чекда кўрсатилган суммани қабул қилинган чекка асосан чек берувчининг ҳисобварағига ўтказиб беради. Бир вақтнинг ўзида тижорат банкларининг электрон ҳисоб-чеклари электрон тўлов тизими орқали чек берувчининг банкига жўнатилади. Чекнинг асл нусхаси масъул ижрочи томонидан имзо қўйилган, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- чек берувчи банки электрон тўлов тизими орқали электрон ҳисоб-китоб чекини қабул қилиб олади. Бу банкда чек суммаси электрон ҳисоб-китоб чеки асосида дастурий йўл билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Электрон чек банк масъул ижрочиси томонидан имзо қўйилган, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳамда тўлов амалга оширилган сана кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Фойдаланмаган ҳисоб-китоб чеки қайтиб банкка топширилиши мумкин. Фойдаланмаган ҳисоб-китоб чеклари банка тақдим қилинганда банкнинг масъул ижрочиси аввало чекнинг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни кўрсатувчи шахснинг паспорти билан текшириб кўради. Агар чек ҳақиқий ва шу паспорт эгасиники бўлса, чекни юз томонида қуйидаги мазмундаги уқхатни ёзади:

“_____хисобвараққа ўтказинг”. Шундан сўнг ҳисоб-китоб чеки банкнинг бош бухгалтерига берилади, паспорт эса эгасига қайтарилади.

Банк бош бухгалтерининг рухсати асосида чекда кўрсатилган сумма банк бухгалтериясида чекда кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказиб берилади.

Пластик карточка- тегишли банкда карточка эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади.

Пластик карточкада, албатта бир хил маъноли идентификация қиладиган эмитентнинг номи ва логотипи қайд қилиниши шарт.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан ҳамда маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар, иккинчи томондан, улар ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек, нақд пул бериш пунктлари (НПБП) ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади.

Ваколатли банклар халқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин. Пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) томонларнинг номлари;
- б) шартнома мазмуни;
- в) томонларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари;
- г) томонларнинг жавобгарлиги;
- д) ҳисоб-китобларни ўтказиш шартлари;
- е) шартоманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;
- ж) низоларни ҳал қилиш тартиби;
- з) томонларнинг юридик манзили.

Алоқадорлиги бўйича пластик карточкалар шахсий, оилавий ва корпоратив турларга бўлинади.

а) Шахсий карточка - бу жисмоний шахсга берилган пластик карточкадир.

б) Оилавий карточка - бу шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида фойдаланувчига берилган пластик карточкадир.

в) Корпоратив карточка - бу юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган пластик карточкадир. Корпоратив карточкалардан иш хаёи ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа тўловларни, шунингдек, нақд пул маблағларини тўлашда фойдаланиш тақиқланади.

Пластик карточкалар бажарадиган вазифалари бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

а) дебет-карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан мижоз ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ, ўзининг карточкасидаги пул маблағларидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва ёки нақд пул

маблағларини олишда (корпоратив карточкалардан ташқари) фойдаланиш имконини беради;

б) кредит-карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ, эмитент томонидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва ёки нақд пул маблағларини олиш учун (корпоратив карточкалардан ташқари) берилган кредит линияси миқдорида операцияларни амалга ошириш имконини беради;

в) электрон ҳамён-жисмоний шахсларнинг карточкаси бўлиб, ундан фойдаланиш унинг эгасига пластик карточкадаги қолдиқ маблағлар доирасида товарлар, ишлар, хизматларига ҳақ тўлаш ва ёки нақд пул маблағларини олишга имкон беради;

Битта электрон карточкада бир неча «электрон ҳамёнлар» жойлашган бўлиши мумкин.

Пластик карточкада, уни шахс номига бириктиришда, қуйидаги реквезитлар ёзилган бўлиши шарт:

а) идентификация белгилари (картани рақами серияси ва бошқалар);

б) банк-эмитент (карточкаларни чиқарувчи банк)нинг коди;

в) ҳисобварақ рақами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкilot номи);

р) карточканинг амал қилиш муддати;

Пластик карточкада бир неча ҳамёнлар мавжуд бўлганда, идентификация белгилари ҳар бир ҳамённи бир хил маъноли идентификациялаши лозим. Кўрсатилган реквизитлардан ташқари, карточкага операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини юриш учун зарур бўлган қўшимча белгилар киритилиши мумкин.

Қайта тўлов воситаси сифатида фойдапанишга тайёрлаш (персонализация) учун қайтарилган пластик карточкалар ҳисоби 93609-"Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар" кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварақларида олиб борилади.

Пластик карточкалардаги депозит суммаси қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилади:

22618- "Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари" ҳисобварағи;

22620- "Корпоратив пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари" ҳисобварағи.

Масалан, жисмоний шахслар пластик карточкаларидаги мажбуриятларидан банкоматдан нақд пул олишса қуйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади:

Дт 22618- "Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари" ҳисобварағи;

Кт 10107- "Банкоматдаги нақд пуллар" ҳисобварағи.

Пластик карточкалар билан амалга ошириладиган операциялар қоғоз кўринишида ёки электрон шаклдаги ҳужжатларни, шунингдек, ҳисоб-китоблар

қатнашчилар ўртасида тузилган шартномаларда белгиланган бошқа ҳужжатларни тузиш лозимлигини кўзда тутлади.

Ҳужжатлар ҳисоб-китобларда иштирок этувчи барча томонлар учун зарур бўлган нусхалар миқдорида тузилади.

Квитанқиялар ўтказилган операцияларни ҳўлда тиклаш учун барча зарур маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, операцияларни амалга оширишда тузилган ҳужжатлар реквизитлари, пластик карточкалар реквизитлари билан карточка эгаларнинг банк ҳисобварақлари, шунингдек, корхона идентификаторлари, НППП, банкоматлар ва ташкилотларнинг банк ҳисобварақлари ўртасидаги мувофиқликни ҳаққоний белгилашга имкон берувчи томонлар ўртасида келишиб олинган белгиларни ўз ичига олиши керак.

Электрон ҳужжатлар банк-эквайер (савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига хизмат кўрсатувчи банк)га, банк-эмитентга ёки клиринг марказига, шартномада келишилган даврийликда жўнатилади. Битта банк бўлимлари ўртасида карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар қилиш технологияси, Бош банк томонидан, ўз имкониятлари ва фойдаланадиган карточкалар турларидан келиб чиққан ҳолда, мустакил белгиланади.

Карточкалар бўйича банклараро ҳисоб-китоблар технологияси қуйидаги вариантларни кўзда тутлади:

а) ҳисоб-китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали ялпи ҳисоб-китоб асосда ўтказиш;

б) ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоблар қатнашчилари томонидан ташкил этилган протсессинг марказларидан кун давомида ўтказилиб, якуний ўзаро мажбуриятлар ҳисобланган ҳолда, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидан якуний ҳисоб-китоблар суммасини ўтказиш.

ЭТТ орқали пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилган операциялар бўйича ялпи ҳисоб-китоблар қилиш, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Банк-эмитент томонидан автоматлаштирилмаган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларда:

а) банк-эквайер хизмат кўрсатилаётган савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда, тузилган электрон ҳужжатларга асосан, маблағларни унинг ҳисобварағига ўтказади, бунда электрон тўловлар тизими орқали банк-эмитентга жўнатиловчи дебетли электрон мемориал ордери автоматик равишда шакллантирилади;

б) банк-эмитентда олинган дебетли электрон мемориал ордерга асосан миждознинг карточкали ҳисобварағидан дастурий равишда маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Дебетли электрон мемориал ордер босмадан чиқарилади ва кунлик ҳужжатларга тикилади.

2. Банк-эмитент томонидан олдиндан шарт бўлган тартибда авторизатсия қилинадиган ҳисоб-китобларда:

а) банк-эквайерда хизмат кўрсатилаётган савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатларга асосан, ЭТТ орқали авторизациялаш ва ўтказмани амалга ошириш учун банк-эмитентга жўнатиладиган электрон маълумот, фойдаланилаётган технология қоидаларига мувофиқ, автоматик равишда шакллантирилади;

б) банк-эмитент, олинган электрон маълумотларга асосан, трансакциялар авторизациясини ўтказди, миջознинг карточка ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун автоматик равишда электрон мемориал ордерни шакллантиради, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига маблағларни ўтказиш учун электрон тўловлар тизими орқали банк-эквайерга жўнатади.

в) банк-эквайерда, банк-эмитентдан олинган электрон мемориал ордерга асосан, маблағлар савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади. Мемориал ордер босмадан чиқарилади ва банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилади.

3. Протсессинг марказлари орқали ҳисоб-китобларни ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида карточкалар бўйича барча трансакциялар, ҳисоб-китоблар қатнашчилари томонидан тасдиқланган тартибда, протсессинг маркази орқали ўтказилади ва ҳисоб-китобларда қатнашувчи ҳар бир банк учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади;

б) ҳисоб-китоблар қатнашчилари келишувига асосан, ҳисоб-китоблар бўйича якуний суммалар (мажбуриятлар) тижорат банкларининг Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали шартномада қайд этилган даврийликда ўтказилади;

в) банклар, процессинг марказидан олинган маълумотларга карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар маблағларни миջозларнинг ҳисобварақларига киритадилар ёки чиқарадилар.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. *Банкларида очиладиган банк ҳисобварақлар турлари.*
2. *Банк ҳисобварақларини юритиш бўйича шартнома ва унинг мазмуни. Ҳисобварақларни очиш ва юритиш тартиби.*
3. *Миջозлар ҳисобварақларини ёниш ва қайта расмийлаштириш тартиби.*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Доимий ҳисобварақлар – улар ҳар бир ҳисобот даври якунида ёпиладиган вақтинчалик ҳисобварақлардан фарқли ўлароқ, доимий сальдога эга бўлишлари мумкин.

Актив ҳисобварақларда турли активлар акс эттирилади ва улар фақат дебет сальдосига эга бўлади. Активларнинг кўпайиши ушбу ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилади.

Пассив ҳисобварақлар мажбуриятлар ва сармоянинг ошишини акс эттириш учун мўлжалланган, фақатгина кредит сальдосига эга бўлади, мажбуриятлар ва сармоя ошиши мазкур ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

Контрактив ҳисобварақлар сальдоси ҳисоботда уларнинг соф (баланс) қийматини акс эттириш учун асосий воситаларнинг эскириши мисол бўлади. Асосий воситаларнинг эскириши ҳисобварақлари балансда уларнинг бошланғич қийматини камайтириб кўрсатади.

Контрпассив ҳисобвараққа сотиб олинган хусусий акцияларни мисол қилиб келтириш мумкин, ҳисоботда устав капиталининг ҳақиқий ҳажмини акс эттириш учун “Устав сармояси” ҳисобварағи сальдосидан унинг сальдоси чегирилади.

2.4. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоби

Ўзаро ёки филиаллараро ҳисоб-китоблар бу Ўзбекистон Республикасидаги банклар ўртасида бўладиган ҳисоб-китоблардир. Банклар ўртасидаги вакиллик муносабатлари - шартномавий муносабатлар бўлиб, уларга кўра бир банк (вакил банк) бошқа банкларнинг тегишли депозитларини сақлайди ва уларга тўлов билан боғлиқ ҳамда бошқа операциялар юзасидан хизматлар кўрсатади.

Банклараро ҳисоб-китоблар ҳар бир банкка Марказий банкда очиладиган "Резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварағи - Востро", "ХККМнинг ҲКМдаги вакиллик ҳисобварағига - Востро", банкларда "Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи - Ностро" вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Шунингдек, бошқа тижорат банкларида хорижий валютада вакиллик ҳисобварақлари очилиши мумкин. Вакиллик ҳисобварақлари бўйича операциялар фақат тижорат банклари тақдим этадиган тўлов топшириқномалари асосида, бу ҳисобварақларда мавжуд бўлган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Вакиллик ҳисобварақлари бўйича икки нусхада шахсий ҳисобварақлар юритилади. Уларнинг биринчиси ҳисобварақ эгаси бўлган банкда (тижорат банки) ва вакил банкда вакиллик ҳисобварағидан кўчирма сифатида хизмат қилади.

Марказий банк ва бошқа барча банклар вакиллик ҳисобварақларининг аҳволидан хабардор бўлиб туришлари, "Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари - Востро", "ХККМнинг ҲКМдаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро" ҳисобварақлари бўйича дебет қолдиқ юзага келишига йўл қўйилмайди.

Ушбу ҳисобварақлар бўйича Марказий банкда юзага келган дебет салдосининг ҳисоби "Резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари - Востро, овердрафт" ҳисобварағида юритилади. Марказий банкда юзага келган дебет салдосининг ҳисоби банк бўлимларида "Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи - Ностро, овердрафт" ҳисобварағида, тижорат банкларида эса "ХККМнинг ҳисоб марказидаги вакиллик ҳисобварағига - Ностро, овердрафт"

ҳисобварағида юритилади. Марказий банкда вужудга келган дебет салдоси бўйича банклар ҳар бир кун учун дебет салдоси суммасининг 1 фоиз миқдорида жарима, шунингдек, овердрафт қарздан фойдаланганлик учун фоизлар тўлайди. Бу тўловлар вакиллик ҳисобварағи бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ дебет салдоси батамом йўқотилгунича тўланади. Жарима дебет салдоси қопланганидан кейин Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси ёзган инкассо топшириқномалари билан ундирилади.

Шунинг учун тижорат банклари вакиллик ҳисобварағидаги операцияларни назорат қилиб туришлари шарт ҳамда тўловлар ўтказилиши учун зарур ҳажмдаги маблағлар уларнинг вакиллик ҳисобварақларига ўз вақтида келиб тушишини таъминлашлари лозим. Ҳар куни иш бошланишидан олдин (8.00 дан) вакиллик ҳисобварақлари текшириб чиқилади. Тижорат банклари ҳисоб-китоблар марказига ички вакиллик ҳисобварақларида турган қолдиқлар ҳақида маълумот бериб туришлари керак. Ҳисоб-китоб марказида банк бўлимларидан олинган маълумотлар улардаги қолдиқлар билан таққосланади. Агар ўртада тафовут чиқса, тижорат банки мазкур тафовут сабабларини аниқлаб, бартараф этмагунича, ҳисоб-китоб маркази орқали ишлашига рухсат этилмайди.

Ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобварақлар режасидаги 16103- «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб китоблар бўйича олинadиган маблағлар» ва 27406- "Филиаллараро айланмалар транзит ҳисобварақлари" ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклараро ҳисоб-китоблар тижорат банкларининг Марказий банки ҳудудий Бош Бошқармалари (ҳисоб-китоблар Маркази)да очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали электрон тўловлар тизими бўйича миллий валютада амалга оширилади. Банкларда ҳужжат айланиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида Марказий банк томонидан тасдиқланган амалдаги Низом⁴ талаблари асосида ташкил қилинади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда - корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақадан иккинчи ҳисоб варақга ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган муносабатларини ўзида акс эттиришига кўра икки қисмга бўлинади:

- товар операциялари бўйича пул айланиши;
- молиявий мажбуриятлар бўйича пул айланиши.

Биринчи гуруҳга товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ва капитал қурилиш жараёнидаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи пул айланиши киради.

Иккинчи, молиявий мажбуриятлар, гуруҳига эса бюджетга тўловлар, яъни фойдадан тўланадиган солиқ, қўшилган қиймат солиёи ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, банк ссудаларини қайтарилиши,

⁴ «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида» низом. ЎЗМБ Бошқарувининг 08.02.2001йилдаги 485-сонли қарори билан тасдиқланган.

кредит учун фоизларнинг тўланиши, суғурта компаниялари билан ҳисоб-китоблар киради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалдаги Низом⁵ асосида тартибга солинади. Ушбу Низомга асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қонунда кўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган қуйидаги шакллар:

- мемориал ордер.
- тўлов топшириқномаси;
- тўлов талабномаси;
- аккредитив;
- инкассо топшириқномаси;
- ҳисоб-китоб чеклари;
- пластик карточкалар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тўловчи ва маблағ олувчи орасидаги ҳисоб-китоблар шакли шартнома асосида белгиланади.

Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда - ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказиш ва ёзиш усули билан бир-биридан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади.

Банк тўловчи бўлиб чиққан ва мемориал ордерлар ишлатилган ҳолларда, улар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади, бошқа ҳолатларда мемориал ордерлар ушбу банк ҳисобварағини олиб борувчи бош бухгалтер ва бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Мемориал ордерлар билан содир этилаётган операцияларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик банкнинг раҳбарига ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади. Банклар мемориал ордерлардан фўхароларнинг олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ёзма топшириқномалари бўйича нақд пулсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин. Бунда, топшириқнома бўйича тўлаш амалга оширилгандан сўнг мемориал ордер билан бирга банкнинг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Тижорат банкларининг бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари қуйидаги турларга бўлинади:

- а) резидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари;
- б) норезидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захира ҳисобварағи;
- г) банкларнинг бошқа депозит ҳисобварақлари.

Тижорат банклари банкларда миллий валютада вакиллик ҳисобварағи очиш учун қуйидаги ҳужжатларни:

- а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;
- б) солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

⁵ ЎзР МБ томонидан 2002 йил 12 январда тасдиқланган ва Адлия Вазирлиги томонидан 15 апрел 2002 йил 1122-сон билан рўйхатга олинган “ Ўзбекистон Республикаси да нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом.

в) банк операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;

г) статистика органлари томонидан берилган корхона ва ташкилотнинг Ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

д) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

Тижорат банкининг филиали **миллий валютада вакиллик ҳисобварағини** очиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ;

б) Бош банкнинг илтимосномаси;

в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

Резидент банкларга хорижий валютада вакиллик ҳисобварақлари хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош лицензияси бўлган ҳолдагина очилади.

Ваколатли резидент банклар хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун олган лицензияларида хорижий банкларда вакиллик ҳисобварақларини юритиш кўзда тутилган бўлса, шунингдек, тегишли давлат Марказий (Миллий) банкининг вакиллик муносабатларини белгилаб берувчи рухсатномасига (ушбу рухсатнома хорижий давлат қонунчилигида кўзда тутилган бўлса) эга бўлсалар, бошқа давлатларнинг банкларида вакиллик ҳисобварақлари очишлари мумкин.

Норезидент банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида вакиллик ҳисобварақларини очиш учун қуйидагилар тақдим қилинади:

а) ихтиёрий шаклда ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) имзолар ва муҳр изи намуналари.

Вакиллик ҳисоб варақларидаги маблағлар Марказий банк (ҳудудий бошқармаси) касса ҳисоб-китоб марказида сақланади.

Банклар мижозларга ҳисобварақлар очишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси банклари ўз мижозлари бўлган юридик шахсларни, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорларни ва уларнинг ҳисобварақларини Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош Марказидаги БДМАБ хизмат кўрсатиш марказида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказишлари шарт.

БДМАБда рўйхатдан ўтказиладиган ҳисобварақлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланади.

БДМАБда мижозларга берилган уникал кодлар уларнинг хўжалик фаолияти тўхтатилгандан сўнг 10 йил мобайнида сақланади ва бу давр ичида бошқа мижозларга берилмайди.

Мижозларнинг банк ҳисобварақлари БДМАБда автоматик равишда ҳисобварақнинг очилиш жойидан қатъий назар ҳар бир валютанинг баланс ҳисобварағи ичида кетма-кет рақамлаш тамойили асосида шакллантирилади.


Мижознинг БДМАБда шакллантирилган банк ҳисобварағи банкнинг маълумотлар базасига киритилади ва улар банкда ўзгартирилиши мумкин эмас.


Мижозга биринчи тартибли депозит ҳисобварақ очиш жараёнида банк БДМАБдан мижозга уникал код берилганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан кейин, бу тўғрида ўз мижозига хабар беради ва шундан кейингина ушбу ҳисобварақ бўйича банк операциясини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

БДМАБ банкларнинг қуйидаги сўровларига хизмат кўрсатади:

- мижозни идентификациялаш (0 сўров);
- мижозларни рўйхатдан ўтказиш ва биринчи маротаба ҳисобварақ очиш (1 сўров);
- мижозларга уларнинг уникал кодлари билан ҳисобварақлар очиш (2 сўров);
- ҳисобварақларни вақтинча ёпиш (блокирование) (3 сўров);
- вақтинча ёпилган ҳисобварақларни очиш (разблокирование) (4- сўров);
- мижозларни объектив маълумотларини ўзгартириш (5- сўров);
- ҳисобварақларни бошқа банкка кўчириш (6- сўров);
- мижозларнинг ҳисобварақларини ёпиш (7- сўров);
- мижозларнинг бошқа банкларда очилган ҳисобварақлари тўғрисида маълумотлар олиш (8 сўров);
- мижознинг фаолиятини (уникал код активлигини) тугатиш (9 - сўров).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 14 февралда 1545- сон билан рўйхатдан ўтказилган) га мувофиқ электрон тўловлар схемаси қуйидагича белгиланган:





Барча банклар соат 8-00 дан 16-00 гача бўлган даврда олдинги кун ниҳоясидаги вакиллик ҳисобварағининг ҳолати тўғрисидаги маълумотни ахборотлаштириш бош маркази (АБМ) га жўнатади. Тегишли назорат амалга оширилгандан сўнг АБМ айланмаларнинг вакиллик ҳисобварақлари билан мувофиқлиги тўғрисида электрон қвитанцияни банкга беради.

Соат 9-00 дан 16-00 гача бўлган вақт банклараро ҳисоб - китоблар учун электрон тўлов ҳужжатларини узатиш – қабул қилиш- назорат қилиш вақти ҳисобланади.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасида, 17-00 гача тижорат банклари ва Марказий банк ҳамда Халқ банки, шунингдек Марказий банкдан юборилган электрон тўлов ҳужжатларининг қайта ишланиши яқунланади.

Соат 17-00 дан бошлаб ахборотлаштириш бош бошқармасида операция куни яқунланиши бўйича тегишли ишлар амалга оширилади.

Электрон тўлов тизими (ЭТТ) - бу технологияга ва Марказий банкнинг электрон почтаси воситалари билан маълумотни узатишга асосланган умумдавлат тўлов тизимидир.

Электрон тўлов тизими қуйидаги функцияларни бажаради:

▲ Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўтказилишини жадаллаштириш;

▲ ўзатилаётган электрон тўлов ҳужжатларини рухсатсиз кириб фойдаланишдан ҳимоя қилиш;

▲ Тўлов операцияларини тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш.

Электрон тўлов тизимида ишлатиладиган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 14 февралда 1545- сон билан рўйхатдан ўтказилган) га мувофиқ электрон тўловлар тизимида пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг қуйидаги турлари қўлланилади:

▲ Тўлов топшириқномасини (операция тури 01)

▲ Тўлов талабномасини (операция тури 02)

- ▲ Аккредитив учун ариза (операция тури 05)
- ▲ Мемориал ордер (операция тури 06)
- ▲ Инкассо топширикномаси (операция тури 11)
- ▲ Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки (операция тури 14)

Минибанкларда бухгалтерия ишларини ташкил қилиш

1. Минибанклар бухгалтерияси “Банк биносидан ташқарида жойлашган масъул ижрочи бухгалтер” сифатида фаолият юритади. Минибанкларда бухгалтерия ҳисоби мавжуд иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда мазкур Йўриқнома талаблари доирасида ташкил этилиши лозим.

Минибанк бухгалтери амалга оширилаётган бухгалтерия операцияларини тегишли назоратдан ўтказгандан сўнг, ушбу операцияларни электрон файлини тасдиқлаш учун алоқа канали орқали шу куннинг ўзида банк филиалига жўнатади.

2. Минибанкларда иш куни банк иш кунидан камида икки соат олдин якунланиши ва кун давомида амалга оширилган операцияларга асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини якуний назоратдан ўтказилиши ва кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилдига тикиш учун банкка иш куни тугамасдан олдин инкассация хизмати орқали етказиб берилиши шарт.

3. Ушбу қоидаларга қатъий риоя қилиш имконияти мавжуд бўлган банклар ўзи жойлашган вилоят ёки шаҳарда минибанклар очиши мумкин.

4. Минибанк ҳужжатлари ҳар куни бош бухгалтер томонидан текширилиб имзоланиши шарт. Текширилиш жараёнида ноқонуний операциялар аниқланган тақдирда, бош бухгалтер бу ҳақда банк раҳбарига ёзма равишда маълум қилади.

5. Банк раҳбари ва бош бухгалтери ўзларига қарашли бўлган минибанкларда бухгалтерия ишларини тўғри ташкил қилиш ва банк операцияларини аниқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатишлари лозим.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Банклараро ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши, банкларнинг вакиллик ҳисобварақалари;***
- 2. Банклараро ҳисоб-китобларнинг электрон тўлов тизими орқали юритилиши;***
- 3. Ҳисоб марказлари ишининг ташкил этилиши;***

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Мижозлар - юридик ёки жисмоний шахслар, шунингдек, уларнинг

ҳисобварақалар очиш ва юритиш, ҳисоб-китоб, кредит ҳамда касса операцияларини бажариш ва омонатлар қўйиш борасидаги банк хизматларидан фойдаланадиган қонуний вакиллари.

резидентлар - Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлган, шу жумладан вақтинча Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшаётган жисмоний шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тузилган ва рўйхатдан ўтган юридик шахслар, шу жумладан, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг имунитетига ва дипломатик имтиёзларига эга бўлган хориждаги дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларининг чет элдаги хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ваколатхоналари киради.

норезидентлар - хорижда муқим турар жойи бўлган, шу жумладан, вақтинча Ўзбекистон Республикасида яшаётган жисмоний шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлиб, имунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатик, савдо ҳамда бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ташкилот ва фирмаларнинг ваколатхоналари.

банк ҳисобварағи - банк ҳисобварағи шартномасини тузиш орқали банк миқоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва қиритиб қўйиш, миқознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги фармойишларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк билан миқоз ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир.

2.5. Банкларда касса операциялари ҳисоби

Тижорат банклари даълабқи фаолиятини амалга оширишларида банк кассаси шакллантирадилар ва Ўзбекистон Республикаси марказий банкнинг литсензиясини оладилар. Ушбу литсензияга кўра, касса операциялари бўлимлари ташкил этилади ва банк раҳбари томонидан касса мудир (банк соҳасида уч йил ишлаган), касса ходимлари тайинлаб, касса бўлимлари (қирим кассаси, чиқим кассаси, кечки-инкассаторлардан пул қабул қилиш кассаси) ни ташкил этадилар. Миқозларга касса хизматини кўрсатиш учун банк Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига пул омборини ташкил этиш бўйича паспортини ва бошқа ҳужжатларни топширади ва улар кўриб чиқиб, Марказий


банкнинг Эмиссия-касса операциялари департаментига юборади. Улар ижобий хулоса берганда банк операциялари кассаси очилади. Шунингдек, банкнинг касса операциялари бўлими махсус жиҳозланган яъни, ички деворлари ва тўшдеворлари қалинлиги 80 мм бўлган жуфтлаштирилган гипс-бетон панелларга ёки қалинлиги камида 120 мм бўлган ғишт девордан иборат бўлиши керак. Касса дарчасининг ҳажми 200х300 мм дан ошмаслиги, касса дарчаси эшикчаси ва тўсиқ деворлар қалинлиги камида 40 мм бўлган тахталардан ясалади, улар икки томондан рухланган, металл лицлар тахталарга узунлиги камида 40 мм бўлган михлар билан периметр ва диагоналар бўйича 60 мм га қадар масофада маҳкамланади.

Банк касса операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган нақд пул маблағларининг меъёрини белгилаш учун Марказий банка касса аризасини беради, бунда, банк чиқимлари ва тушумлари ҳамда касса лимити қолдиғи ўз аксини топади. Шунингдек, банк кассасида нақд пуллар қолдиғи лимитлари доирасида нақд пулларга эга бўлишлари ва меъёрлар доирасида тушумдан уларни ишлатишлари мумкин. Кассадаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари ва тушумни ишлатиш меъёрларини марказий банк билан келишган ҳолда белгиланган меъёрий ҳужжатларга риоя қилган ҳолда амалга оширади. Кассада нақд пуллар қолдиғининг белгиланган лимитларидан ортиқча бўлган барча нақд пулларни Марказий банкнинг ҳисоб-китоб-касса марказига топширадилар.

Нақд пуллик ҳисоб-китоб операциялари банкнинг касса операциялари бўлиб, уларга касса бўлими ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. Улар асосан, банк кассасига мижозлардан, инкассаторлардан, банк ходимлари ва жисмоний шахслардан қабул қилинган ҳамда уларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа барча тўловларни ҳисоб-китоб чеклари бўйича нақд пул шаклида банкнинг операцион кассасидан берилади. Бу операциялар Марказийбанк томонида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади.

Касса ҳужжатлари банк учун, шунингдек, ҳисоб-китобларда иштирок этувчи томонларга керак бўлган нусхалар сонидан техник воситалардан фойдаланилган ва тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеклари эса қўлда ёзилган ҳолда тўлдирилади. Касса ҳужжатларини бўйлаб, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

Банкларда ҳар бир операцияларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар айланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шу қатори, банкнинг касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланишига катта аҳамият бериш зарур, чунки мижозлардан нақд пул қабул қилинаётганда ёки банк кассасидан уларга нақд пул беришда банкнинг операцион кассаси марказида мижозларнинг узоқ вақт туриб қолишларининг олди олинган бўлиб, сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини вужудга келтиради. Шу сабабдан, банкларда кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши графигини тузишни талаб этади (1-чизмага қаранг).



3 -чизма. Кириш касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши тавсифи

Бу эрда:

1) банк миждози бухгалтерия назоратчисига нақд пул топшириш ҳақидаги эълонномани узатиши;

2) бухгалтерия назоратчиси миждознинг нақд пул топшириш юзасидан эълонномани кўриб чиқиб, уни кириш кассаси (символ бўйича) журналига қайд қилиши;

3) миждоз нақд пул маблағларини банк кассирига топшириши;

4) кассир эълоннома асосида нақд пул маблағларини санаб олиб, миждозга банк кассаси паттаси (квитанцияси)ни бериши;

5) назоратчи ва кассир томонидан барча ҳужжатлар ҳисоблаш марказига юборилиши;

6) ҳисоблаш маркази томонидан юборилган нақд пул маблағларини қабул қилиш бўйича ёзилган ҳужжатлар асосида назоратчи топширилган нақд пул маблағларини миждознинг шахсий ҳисобварағига ўтказилиши берилган.

Тижорат банклари операцион касса марказидан ўзининг миждозларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни беришда касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши графигини юқоридаги тартибда белгилашлар ва уларнинг графигини бош бухгалтер ва банк раҳбари томонидан тасдиқланиши мумкин. Бу ҳолда банк миждозларидан белгиланган муддатларда ҳисоб-китоб чекларини олиб, ўрнатилган тартибда маблағлар берилишини таъминлайди.

10000- АКТИВЛАР

10100-Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари

10101 -“Айланма кассадаги нақд пуллар” смети

10102 -Нақд пуллар захираси

10103 -Пул алмаштириш шаҳобчаларидаги нақд пуллар

10105 -Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари

10107 -Банкоматлардаги нақд пуллар

10109 -Йўлдаги пуллар

10111 -Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар

10307 -Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар

10507 -Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар

16101 -Бош банк/ филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақд пуллар

19908 -“Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиниши лозим бўлган маблағлар” счёти

29803 -“Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар” счёти

19935 -Нақд пул бўйича камомадлар

29816 -Ортиқча нақд пул

20200 -Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар

20400-Жамғарма депозитлар

20600-Муддатли депозитлар

56102-Иш ҳақи

56302-Хизмат сафари харажатлари

56306-Хизмат сафаридаги кунлик харажатлари

Банкларда мижозлар билан касса операцияларини амалга ошириш ва нақд пулларни қайта ишлаш бўйича кирим, чиқим, кирим-чиқим, пулни қайта санаш, кечки ва хўжалик юритувчи суб’ектларнинг биноларидаги махсус касса бўлимларини очадилар. Мижозлардан нақд пул маблағларини қабул қилишда қуйидаги махсус ҳужжат шаклларида фойдаланилади: 0402001-нақд пул қўйиш эълонномаси, 0482008-касса кирим ордери, 0402004-квитанциялардан. 0402001-нақд пул қўйиш эълонномаси уч қисмдан иборат бўлиб, нақд пул қўйиш эълони, квитанция ва ордер бўлади. Нақд пул қўйиш эълони кунлик касса ҳужжатларига тикилади, квитанция нақд пул топширган мижозга ва ордер операцион ходимларга берилади. Бухгалтерия ходими махсус эълоннинг ҳар учала қисмининг тўғри тўлдирилганлигини текшириб, унга имзо қўяди ва унинг суммасини кирим касса журналида қайд этади. Имзоланган эълон бўйича кассир мижоздан нақд пулларни қабул қилиши ва квитанцияга ўз имзосини ҳамда касса штампини қўйиб, квитанцияни мижозга бериши лозим. Банкнинг кундузги кассасига асосан, жисмоний шахсларнинг омонатларини кирим қилиш, банк ходимлари томонидан сафар харажатлари учун олинган аванс суммаларининг ишлатилмаган қисмини ва бошқа пулларни топширадилар. Жисмоний ва юридик шахслардан турли омонатлар ҳамда бошқача қўйилмалар бўйича нақд пул қабул қилиш жараёни бухгалтерия ходимидан олган махсус шаклдаги эълонмани тўлдириб, топшириладиган нақд пул маблағларини тегишли символларда расмийлаштирилади

Шунингдек, нақд пулларни банк кассасига қўйиш бўйича баъзи бир операциялар кирим касса ордерлари билан расмийлаштирилиши ҳам мумкин. Бухгалтерия ходими томонидан қабул қилинган ёки тузилган кирим касса ордерига имзо қўйилиб, маблағларни банкнинг ички ҳисобварақларига кирим қилинаётганда кирим касса ордери икки нусхада тўлдирилиши ва уларнинг бири патта (квитанция) вазифасини бажаради. Бухгалтерия ходими кассадан кассирнинг имзоси қўйилган андозали бланклар комплектидаги ордерни қайтариб олгач, кассирнинг ордердаги имзоси ҳақиқийлигини, унинг намунасига солиштириб текширади ҳамда операцияни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уни ишлов бериш мақсадида тизим бўйича ўтказди.

Шу билан бир қаторда, инкассатсия хизмати ходимларидан нақд пул ва бошқа қимматликлар солинган халталарни қабул қилиш касса ва бухгалтерия ходимлари томонидан тайинланган кечки касса ходимлари қабул қиладилар. Ушбу пулларни кечки кассанинг кассири инкассаторлар бригада бошлиғидан унинг аъзолари гувоҳлигида юкхатлар, бўш халталар сони ва ташриф варақлари ҳақидаги ҳамда йўналишга берилади ташриф варақлар ҳақидаги маълумотномани қабул қилишлари лозим. Бунда, юкхати билан ташриф варақлари бир-бирига мос келиши текшириб, ташриф варақларини уларга қайтариб беришда назоратчи-бухгалтер инкассаторлар дафтариининг иккала нусхасига имзо қўядилар. Сўнг, биринчи нусхасига инкассаторларнинг муҳри босилган ҳолда, иккинчи нусхасига кечки кассанинг муҳри босилган ҳолда инкассаторлар бригада бошлиғига берилади. Қабул қилинган барча нақд пуллар қайта санашдан ўтказилиб, махсус сейфларга солинади ва иккита сурғучли муҳр босилади. Калитнинг бири муҳр билан кассирда ва иккинчиси бухгалтер – назоратчида сақланади. Кейинги операцион кун эрталаб кечки касса кассири ва назоратчи-бухгалтери билан махсус кассанинг нақд пул солинган қоплари ҳамда юк хатлари касса мудирига топширади ва маълумотноманинг ҳар икки нусхасига имзо қўдиради.

Қабул қилинган нақд пуллар касса журнаliga асосан, мижозларнинг ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 10101- «Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағи

Кт 20200- «Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» ҳисобварағи ёки мижознинг бошқа депозит ҳисобварағи.

Шундан сўнг, мижозларнинг аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари олиниб, улар таққослангандан кейин мижознинг ҳисобварағидан кўчирма билан бирга ордер мижозга берилади, яъни банкка қўйилган нақд пуллар бўйича мижоз иккита ҳужжат олади - квитанция ва ордер. Ордер мижозлар томонидан банкка пулларнинг тушиши ва уларнинг тегишли ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган ёзувларнинг тўғрилигини текширишни таъминлайди. Нақд қўйилмаларга эълон кассирда қолади ва амалиёт куни охирида бошқа ҳужжатлар ва қимматликлар билан бирга бош кассирга берилади.

Мижознинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағидан нақд пул маблағларини ҳисобдан чиқариш икки усулда, яъни, белгиланган шаклдаги пул чеклари бўйича ва жисмоний шахслар – қарз олувчиларга, омонатчиларга, пенсионерларга эса, чиқим касса ордерлари бўйича берилади. Шунингдек, "Банк-мижоз" тизимидан фойдаланувчилардан электрон алоқа орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Касса операциялари бўлими операция кунни бошлаш олдидан кассадаги нақд пул қолдиғини касса мудир иштирокида қайта санайди ва ва сўнг кассирларга чиқим операцияларига зарур бўлган нақд пул суммаларини тегишли дафтарга ёзиб, имзо қўйдириб беради.

Банкларда йилнинг ҳар чораги учун корхона ва ташкилотлардан касса режасини тузиб топширишларини талаб қиладилар. Бунда, касса режасида нақд пулнинг тушуми бўйича алоҳида моддалар, нақд пулнинг харажати бўйича алоҳида моддалар кўрсатилган бўлиб, иш ҳақи олиш бўйича белгиланган саналар белгиланишини назорат қилади. Ушбу касса режаларига биноан, банкнинг ҳар кунги касса операция бўлиmlарининг иш куни маромийлини таъминлаш учун операция куни давомида қанча нақд пул зарурлиги, қанча нақд пул банк тушумлари ҳисобидан амалга оширилиши касса прогнозлари асосида ҳисоблаб борилади.

Мижозлар томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни олиш учун бир кун аввал пул чек дафтарчасига олинishi лозим бўлган маблағ суммаси расмийлаштирилиб, ушбу маблағни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг паспорти билан биргаликда уларга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочиға берилади. Масъул ижрочи энг аввал, шу мијознинг ҳисобрақамида етарли пул миқдорининг мавжудлигини текшириб, шундан сўнггина пул чек дафтарчасининг тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигини иккита имзо ва муҳрнинг имзолари ҳамда муҳр намунаси туширилган карточкалар билан солиштириб кўради. ҳаммаси тўғри бўлса пул чек дафтарчасининг бурчағидаги назорат маркасини қирқиб олиб, маблағни олувчининг паспорти билан бирга мијозга қайтариб беради. Назоратчи текширувдан сўнг, барча реквизитларни касса чиқим журналига қайд қилади. Чиқим журналида сана, ҳисобварақ рақами, пул чек дафтарчасидаги суммаси, ҳисобот симболи, корреспондентсия ҳисобварағи рақами кўрсатилади. Назоратчи чиқим журнали билан биргаликда чекларни ички тартибда кассага топширади. Кассир мијозни чақириб, унинг паспорти ва назорат маркасини олади. Назорат маркаси рақами ҳисоб-китоб чек дафтарчаси рақами билан, пул чек дафтарчасидаги паспорт кўрсаткичлари паспортдаги билан мос келган тақдирда, банк кассири ушбу кўрсатилган суммани мијозга санаб бериши лозим.

Бухгалтерлар амалга оширган чиқим касса операциялари марказлашган тартибда бухгалтерия назоратчиси томонидан назорат қилинади. Назоратчининг иш жойи имкони борица кассага яқин бўлиши лозим. Чиқим операцияларини назорат қилиш шундай ташкил этилиши лозимки, бунда қуйидагилар:

нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар бўйича тўловни амалга ошириш, чекларга қўйилган имзо ва муҳр изи тақдим этилган намунадагисига мос келмаганда ҳамда шу миждозга тегишли бўлмаган пул чек дафтарчасидан ёзиб берилган чеклар бўйича тўловларни амалга ошириш;

пул чек дафтарчаси ва бошқа чиқим касса ҳужжатлари бухгалтерия ходимлари ҳамда банк назоратчисини четлаб ўтган ҳолда тўғридан-тўғри кассага келиб тушиш ҳоллари;

касса ҳужжатларига асоссиз тузатиш ва қўшимчалар киритиш кабиларга йўл қўймаслик лозим.

Кирим ва чиқим касса журналлари компьютер техникаси ёрдамида тузилиб, унда мижознинг ҳисобварағи, кирим ва чиқим ҳужжатиининг рақами ҳамда унинг суммаси кўрсатилади.

Назоратчининг кассирдан тилхат олиб чиқим касса ордерлари бўйича тўловни амалга ошириш учун кассага бериш тартиби банкнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан белгиланиб, кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши шундай ташкил этилиши лозимки, бунда кассага пул амалда келиб тушганидан кейингина мижозларга пата (квитанция)лар берилиши ҳамда ушбу суммалар уларнинг шахсий ҳисобварақларига кирим қилиниши зарур.

Кун охирида назоратчи ва кассир бажарган операциялари бўйича ҳужжатларни ўзаро солиштириб бошқариш ҳисоб марказига топширадилар. Ҳисоб марказидан ҳужжатлар асосида мижознинг шахсий ҳисобварақлари чақириб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 20200-«Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» ҳисобварағи,

Кт 10101- «Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағи.

Шунингдек, Банкларнинг кассасида Марказий банк томонидан белгилан лимитдан ортиқ бўлган тақдирда, меъёрдан ортиқчаси Марказий банкда очилган 10307-«Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар-нақд пуллар» ҳисобварағига ўтказишлари мумкин. Бунда, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 10307- «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар - нақд пуллар» ҳисобварағи,

Кт 10101- «Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағи.

Ушбу нақд пуллар вақтинчалик Марказий банкда захира сифатида сақланиб турилиши, акс ҳолда ушбу маблағларга эҳтиёж сезилганда банк томонидан олдиндан касса аризаси берилади ва банка қайтариб берилади, у ҳолда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 10101- «Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағи,

Кт 10307- «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар - нақд пуллар» ҳисобварағи.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Касса иши банк ишида қандай ўрин тутади?

2. Қандай касса турларини биласиз?
3. Касса хизматидан фойдаланганмисиз?
4. Касса ишини хужжатлаштириш нима ва у қандай амалга оширилади?

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Минибанк – банк филиали биносидан ташқарида, лекин ўзи жойлашган вилоят-шаҳар ҳудудида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг таркибий тузилмаси;

Аванс (фр.avance) - мўлжалланган харажат ва тўлов учун берилган пул маблағлари. Давлат Марказий банкининг кўрсатмасига кўра аванс халқ хўжалигида касса жараёнларини олиб бориш қоидаларига, асосан, қатъий белгиланган мақсадлар учун берилади.

Гудвил - ноаниқ номоддий актив. Гудвил - харидор томонидан банк сотиб олинаётганда унинг соф активлари қийматидан юқори тўланадиган сумма сифатида таърифланади

Максимал лимит – Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-касса марказлари ҳамда тижорат банклари ва уларнинг филиаллари айланма кассаларида кун охирида қолиши мумкин бўлган нақд пул қолдиғининг энг юқори чегарасини белгилайдиган меъёрдир.

Минимал лимит– тижорат банклари ва уларнинг филиалларида нақд пул захирасига ўрнатиладиган меъёр бўлиб, унинг қуйи чегараси – банк кассаларидан қилинадиган ўртача бир кунлик нақд пулдаги чиқимлар доирасида белгиланади.

Махсус дастур – банк кассаларига нақд пул қолдиқлари бўйича ўрнатилган лимитларга риоя этилишини кунлик мониторинг қилиш ва назоратга олиш мақсадида Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган дастур.

2.6. Банкларда кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисоби

Кредит (лотинча кредитум - қарз сўзидан олинган бўлиб) пул маблағлари товар ва хизматларини келишилган устама (фоиз) тўлаб, қайтариб бериш шarti билан маълум муддатга қарзга бериш тушунилади.

Бошқача қилиб айтганда, қарздор қарзни белгиланган муддат ичида қайтариб бериши ва ундан ташқари маълум суммани тўлаши лозим. Бу сумма қарзга олинган маблағлар учун тўлов баҳоси бўлиб, у кредит учун **фоиз деб аталади**.

Кредитлар муддати бўйича икки турга бўлинади:

- ⇒ қисқа муддатли;
- ⇒ узоқ муддатли кредитлар.

Қисқа муддатли кредитларнинг ҳам ҳар хил турлари мавжуд, улар бир биридан кредит бериш шартлари, таъминлаш тарзи, қоплаш муддатлари билан фарқ қилади.

Қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш операцияларининг ҳисобини юритиш учун банкларнинг счетлар режасида бир қатор асосий счетлар очилган бўлиб, улар 11900-15500 тартибда очилган биринчи ва иккинчи тартибли счетлардан ташкил топади. Кредитлар муддати ва мақоми бўйича таснифланади.

Кредитлар мақоми бўйича қуйидагича таснифланади:

Муддатли кредитлар - банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра ўз вақтида қайтарилган кредитлар. Бу тоифадаги кредитлар муддатли ҳисобланиб, шартномада кўрсатилган муддатда қайтариб берилади.

Муддати ўтган кредитлар - банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар. Бу тоифадаги кредитлар муддатсиз ҳисобланиб, имконияти бўлиши билан ундириб олинади.

Шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар - ўзаро қайта кўриб чиқилган ёки қайта тузилган шартномаларга асосан муддати, янги фоиз ставкаси ёки таъминланганлик ҳолатига қўшимча талаблар ва шу каби бошқа шартларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган кредитлардир. Муддати ўтган кредитлар бўйича фоизлар кўзда тутилмаган ҳолатлар алоҳида счет да ҳисобга олиб борилади ва қарздор кредитни қайтараётганда фоизлари ҳам бирга ундириб олинади. Ушбу счетлар бошқа банкларга ва мижозларга берилган кредитлар суммасига дебетланади. Банк томонидан берилган кредитлар қайтарилганда ёки муайян кредитнинг мақоми ўзгариши муносабати билан бошқа турга ўтказилаётганда ва ушбу кредитлар бўйича кўрилган зарар қопланаётганда тегишли кредит счетлари кредитланади.

Берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар учун заҳиралар - қарздорнинг молиявий ҳолатини, берилган кредитнинг таъминланганлиги ва қайтарилмаслик эҳтимолларини баҳолаш натижасида яратилади. Ушбу заҳиралар банкнинг даромадлари ҳисобидан яратилади.

Кредит операцияларини ҳисобга олувчи счетларнинг барчаси бир қатор шахсий счетларни ўз ичига олиб, улар муддатли, муддати ўтган, қайта кўриб чиқилган кредитлар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритилади. Агар кредит счёти 01 билан тугаса берилган кредит, 05 билан тугаса берилган муддати ўтган кредит, 09 билан тугаса берилган шартлари қайта кўриб чиқилган кредитларни таснифлайди.

Кредитнинг халқаро тажрибада қўланиладиган қуйидаги **шакллари мавжуд:**

- ⇒ тижорат кредити,
- ⇒ ипотека кредити,
- ⇒ истеъмол кредити,
- ⇒ давлат кредити,

⇒ халқаро кредит.

Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат **кредит сиёсатида** ўз аксини топади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Банкнинг кредит сиёсати деб — кредитлаш жараёнида юзага келувчи хатарларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.

Банкнинг кредит сиёсати унинг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ҳолатларнинг олдини олишга, бунинг учун депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбат, банк мажбуриятлари билан капитали ўртасидаги ҳамда бошқа кўрсаткичларнинг меъёрида бўлишини тақозо қилади.

Шунинг учун кредит сиёсатининг асосий мақсади бошқарув жараёни, фондларнинг етарлилиги, хатарларни сифат даражаси бўйича туркумлаш, кредит портфелининг баланси, мажбуриятларни таркибий қисмларга ажратиш каби элементларини ўз ичига олмоғи лозим.

Банкларда кредит сиёсатининг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

⇒ банкнинг кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш билан боғлиқ масалалар;

⇒ банк раисининг кредит фаолияти учун жавоб берадиган ўринбосари, кредит қўмитаси раиси ва кредит инспекторига юкланган ваколатлар рўйхати;

⇒ банкнинг кредит бериш соҳасидаги ҳуқуқлари ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлари;

⇒ кредит аризалари бўйича текшириш ва қарор чиқариш тизими баёни;

⇒ кредит аризасига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида албатта сақланадиган ҳужжатлар рўйхати;

⇒ кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги, ким ва қандай ҳолатда уларни олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида батафсил маълумотлар;

⇒ кредитнинг таъминланганлиги ва уни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;

⇒ барча кредитлар сифатини белгилайдиган меъёрлар баёни;

⇒ энг юқори кредит имтиёзларини белгилаш ва кўрсатиш;

⇒ банк хизмат кўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки сектори;

⇒ у муаммоли кредитлар таркиби ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоллари кўрсатилади.

Кредит операцияларини турли хил мезонлар ва ўлчовларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштириш мумкин.

Банкнинг кредит операцияларини қуйидаги мезонлари бўйича таснифланади:

Мезонлар	Таснифлаш
1. Банк кредитларини қарз олувчиларнинг гуруҳлари бўйича	ҳукумат, бошқа банклар, хўжалик субъектлари, турли молия ташкилотлари, аҳоли ҳисобланади.
2. Кредитлар мақсади ёки қайси соҳага йўналтирилиши бўйича	саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, инвестицион, истеъмол ва бошқа кредитлар
3. Банк кредитлари ишлатилиши соҳаси бўйича	1. асосий капитални молиялаштириш учун 2. айланма капитални молиялаштириш учун
4. Ҳажми бўйича	1. катта кредит 2. кичик кредит
5. Қайтариш муддати бўйича	1. талаб қилингунча кредитлар 2. муддатли кредитлар (қисқа ва узок)
6. Таминланганлиги бўйича	1. таъминланган (гаровли, кафолатланган, суғурталанган) 2. таъминланмаган кредитлар (ишончли)
7. Берилиш усуллари бўйича	1. қоплаш учун (харажатларни қоплаш) 2. тўлов кредитларга (нақд пулсиз ҳисоб-китобларда ҳисоб ҳужжатларини тўлаш)
8. Банк кредитларини қайтарилиш тартиби бўйича	1. бир вақтда қайтариладиган кредитлар 2. бир неча муддатда бўлиб-бўлиб тўланадиган кредитлар (савдо, лизинг, факторинг)
9. Фоиз ставкаларининг турлари бўйича	1. қатъий фоизлардаги кредитлар 2. сузиб юрувчи фоиз ставкаларидаги кредитлар (кредит бозорларида вужудга келадиган ҳолатларга боғлиқ бўлган доимий ўзгарадиган фоиз ставкаларидир).
10. Кредит қайси валютада берилишига қараб	1. миллий валютада 2. чет эл валютасида
11. Кредитлар сони бўйича	1. ягона банк берадиган кредитлар (бир банк томонидан берилади); 2. синдикатлашган кредит (бирлашган 2 ёки ундан ортиқ кредиторлар бир қарздорга кредит тақдим этади); 3. параллел кредитлар (икки ёки ундан ортиқ банклар беради).

Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга, уларнинг мулкчилик шаклларида қатъий назар, шартнома асосида қисқа ва узок муддатли кредитлар берадилар. Кредит миқдорнинг ҳисоб-китоб счёти жойлашган банкда берилади. Кредитлаш жараёни бир нечта тамойиллар асосида амалга оширилади:

⇒ кредитнинг муддатлилиги;

- ⇒ кредитнинг қайтарилишлиги;
- ⇒ кредитнинг таъминланганлиги;
- ⇒ кредитнинг тўловлиги (ҳақ тўлаш ёки фоизлилик тамойили);
- ⇒ кредитнинг мақсадлилиги.

Муддатлилик тамойили - икки томонлама характерга эга. Биринчидан, кредитнинг моҳияти вақтинча фойдаланишга берилган маблағларнинг қайтарилишинигина билдириб қолмай, балки бу қайтарилишни аниқ муддатларини белгилашни ҳам тақозо этади.

Кредитнинг муддати, бир томондан фойдаланишга берилаётган кредит ресурсларининг бўш туриш муддати билан белгиланса, иккинчи томондан қарз олувчининг маблағларга бўлган вақтинчалик эҳтиёжларининг муддатига боғлиқ.

Қайтарилиш тамойили банк томонидан мижозларга бериладиган ҳар бир сўм пул маблағлари яна банкка қайтарилиши лозим. Қайтариб беришни иқтисодий асоси сифатида маблағларнинг узлуксиз доиравий айланиши ҳисобланади.

Таъминланганлик тамойили - кредит берилишига асосан қарз олувчининг мулки, моддий бойликлар заҳиралари, кўчмас мулки ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига мос келиши билан белгиланади. Бу ўз навбатида кредитни ўз муддатида қайтарилишига кафолат берилишини тасдиқлайди. Кредит миқдори гаровга қўйилган мулк қийматининг 50 фоизидан 80 фоизигача миқдорида берилади.

Ҳақ тўлаш ёки фоизлилик тамойили - шартномага кўра кредит олувчи - корхона ўз эҳтиёжи учун кредитга олган пул маблағларидан вақтинча фойдаланганлиги учун банкка белгиланган ҳақни тўлаши лозим. Амалиётда бу тамойил банкнинг фоиз механизми орқали амалга оширилади. Банкнинг фоиз ставкаси бу кредитнинг «нархидир».

Мақсадлилик тамойили - қарз олувчи зиммасига пул маблағларини фақат кредит шартномасида кўрсатилган мақсадлар учун сарфлашни кўзда тутати. Узоқ муддатли кредит мақсадли тарзда аниқ қурилиш объектлари ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун бизнес-режа асосида берилади.

Банкларда кредит операцияларини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган 1465-сонли Йўриқнома⁶ асосида амалга оширилади. Кредитни бериш ва ҳужжатлаштириш тартиби ҳозирги пайтда марказлаштирилмаган ва у тижорат томонидан мустақил равишда белгиланади.

Мижоз кредит олиш учун банкка белгиланган тартибда ҳужжатлар пакетини расмийлаштириб топширганидан кейин кредит комиссиясининг қарорига кўра кредит бериш лозим деб топиллиб, банк ва кредит олувчи ўртасида имзоланган кредит шартномасига асосан мижозга кредит берилади. Бунинг учун мижозга алоҳида кредит счёти очилади. Ушбу счётнинг дебетида мижозларга кредитлар берилади. Банк томонидан берилган кредитлар

⁶ Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низом. ЎзР АВ 17.12.2004 йилда 1435-сон билан рўйхатга олинган

қайтарилганда ёки муайян кредитнинг мақоми ўзгариши муносабати билан бошқа турга ўтказилаётганда ва ушбу кредитлар бўйича кўрилган зарар қопланаётганда тегишли счетлар кредитланади. Берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар учун заҳиралар банкнинг ҳаражатлари ҳисобидан яратилади. Ушбу заҳиралар қарздорнинг молиявий ҳолатини берилган кредитнинг таъминланганлиги ва қайтмаслик хатарлари баҳолаш натижасида яратилади.

⇒ 11900- 13200 гача бўлган счетларда қисқа муддатли кредитлар;

⇒ 14500-15500 гача бўлган счетларда эса узоқ муддатли кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби юритилади.

Фоизлардан олинadиган даромадлар эса,

⇒ 41400-42600 - берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар;

⇒ 43100 – 44600 -берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар счётида ҳисобга олинади.

Агар харид қилинган товарнинг ҳақини дарҳол тўлаш лозим бўлса, лекин бунинг учун корхонанинг ўз маблағи етмаса, бундай ҳолларда корхонада бир марталик қарз маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эҳтиёжни қондириш учун **"кредит йўли очилмаган"** кредит счётидан фойдаланилади. Бундай счётидан кредит бериш бир марта кредит бериш йўли билан амалга оширилади. Бундай кредитнинг ҳар бири бўйича банк алоҳида қарор қабул қилади.

Кредит йўли деганда - бу мижоз билан банк ўртасида белгиланган суммада қарзлар туркумини бериш тўғрисида тузилган келишувидир. Кредит йўлини очишда банк томонидан кредитлаш лимити белгиланади.

Шунинг учун, агар кредит ресурсларига эҳтиёж узоқ муддатли ва такрорланувчан эканлиги олдиндан таҳлил қилинса **"кредит йўли очиб"** кредит бериш тўғрисида шартнома тузиш қулайроқ бўлади ва арзонроқ тушади.

Ҳар бир кредитнинг берилиши **кредит комиссияси фармойиши** асосида амалга оширилади, яъни кредит бўлимига мижозга кредит бериш тўғрисидаги фармойишини ҳисоб-операцион бўлими масъул ижрочиларига берадилар. Масъул ижрочилар фармойишда кўрсатилган реквизитлар асосида кредит бериш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажарадилар.

Кредит берилаётганда корхонанинг ҳисоб-китоб ҳужжати тўланаётган бўлса, пул ўтказилиши лозим бўлган мол сотувчи ёки хизмат кўрсатган корхона счётига кредит суммаси ўтказилади. Пул туширилиши лозим бўлган корхонага бошқа банк бўлими хизмат кўрсатса кредит-суммаси кредит бераётган банкнинг вакиллик счёти орқали тегишли банкга ўтказилади ва қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 13101- "Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар",

Кт 16103-"Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар" счёти.

16103 -счетада банк томонидан корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитларнинг ҳисоби юритилади. Бу счет бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор ва кредит турлари бўйича алоҳида счетларда олиб борилади.

Кредит олувчи ва банк ўртасидаги тузилган кредит шартномасига биноан кредитнинг қайтариш муддатлари белгиланади. Кредитни қайтариш муддати тугагандан сўнг кредитнинг қайтарилиши қуйидагича бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 20200 - «Талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлари» смети,

Кт 13101- “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар”.

Шунингдек, кредит олувчининг муддатли мажбурияти Кўзда тутилмаган ҳолатлар сметида қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан кирим қилинади:

Дт 91901 (91905) – Қарздорларнинг қисқа (узоқ) муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари

Кт 96345 (96349) -Қарздорларнинг қисқа (узоқ) муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-счёти

Таъминот учун гаров сифатида олинган кредит таъминоти Кўзда тутилмаган ҳолатлар сметида қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан кирим қилинади:

Дт 94504-Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар

Кт 96381-Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ (талаб) лар бўйича контр-счёт

Аксарият ҳолларда миждонинг талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозит сметида кредитни қайтариш учун етарли пул маблағлари бўлган ҳолда амалга оширилади. Агар қарздорнинг қарзни қайтаришга маблағи бўлмаса, кредит суммаси, 13105-“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар” сметида ўтказилади ва қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 13105-“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар” смети,

Кт 13101- “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар” смети.

Қайтариш муддати келганда тўланмаган ва шундан сўнг 90 кун ўтгандан сўнг қайтиб келмаган кредитлар 13109-“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар” сметида ўтказилади.

Корхона сметида пул келиб тушгандан сўнг кредитни қайтаришда қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 20200-«Талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозит» смети,

Кт 13101- “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар” смети.

Ҳозирги кунда кредитлар учун фоизлар Марказий банк томонидан тасдиқланган Низом⁷ асосида ҳисоблаб борилади. Кредит суммасидан фоизларни белгилайди.

Банк мижозларига берилган кредитлар бўйича фоизлар ҳисобланганда, лекин ҳали ундирилмаган ҳолда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув ёзиб қўйилади:

Дт 16309- «Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар» смети,

Кт 41400-42600 (киска), 43100-44600 (узок)- «.....берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар» счетлари.

Ундирилганда эса,

Дт 20200- «Мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» смети,

Кт 16309-«Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар» смети.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Қисқа муддатли кредитлаш операциялари ҳисобининг ташкил этилиши; ссуда операциялари бўйича синтетик ва аналитик ҳисобнинг юритилиши;***
- 2. Ссуда ҳисоб варақаларини очиш тартиби; кредит линияларини очиб ва очмасдан алоҳида ссуда ҳисоб варақаларидан кредит бериш ва қайтариш операцияларининг ҳисоби; бошқа кредит турлари бўйича операциялар ҳисобининг хусусиятлари;***
- 3. Муддатли ва муддати ўтган ссудалар бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундириш тартиби***

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

⁷ “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” Низом. АВ томонидан 30.01.2004 йилда 1306-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг 11.10.2003 йилдаги 25/8-сон буйруғи билан тасдиқланган

Банкнинг кредит сиёсати — кредитлаш жараёнида юзага келувчи хатарларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.

Кредит (лотинча кредитум - қарз сўзидан олинган бўлиб) пул маблағлари товар ва хизматларини келишилган устама (фоиз) тўлаб, қайтариб бериш шarti билан маълум муддатга қарзга бериш тушунилади.

Муддатли кредитлар - банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра ўз вақтида қайтарилган кредитлар. Бу тоифадаги кредитлар муддатли ҳисобланиб, шартномада кўрсатилган муддатда қайтариб берилди.

Муддати ўтган кредитлар - банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар. Бу тоифадаги кредитлар муддатсиз ҳисобланиб, имконияти бўлиши билан ундириб олинади.

Кредит йўли деганда - бу мижоз билан банк ўртасида белгиланган суммада қарзлар туркумини бериш тўғрисида тузилган келишувидир. Кредит йўлини очишда банк томонидан кредитлаш лимити белгиланади.

2.7. Банкларда лизинг ва факторинг операциялари ҳисоби

Тижорат банклари томонидан кредит операциялари билан бир қаторда лизинг операциялари ҳам амалга оширилиб, бундай операциялар молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом⁸га мувофиқ тартибга солинади.

Лизинг — ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи) топшириғига кўра, учинчи тараф (сотувчи)дан мол-мулк (лизинг об'екти)ни лизинг шартномасида белгиланган, кейинчалик лизинг об'ектининг лизинг олувчи мулкига ўтиши шартларида уни лизинг олувчининг эгалик қилиши ва фойдаланиши учун сотиб олади.

Банкнинг кредит ресурслари лизинг бўйича операцияларни амалга ошириш манбаи ҳисобланади. Лизинг суб'екти бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- ⇒ лизинг берувчи;
- ⇒ лизинг олувчи;
- ⇒ сотувчи.

Мижоз билан банк ўртасида амалга оширилаётган лизинг операциялари қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши лозим:

1. лизинг шартномаси муддати тугаганидан кейин лизинг об'екти лизинг олувчи мулкига ўтиши;

⁸ Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом. ЎЗР АВ 20.07.1999 йилда 776-сон билан рўйхатга олинган

2. шартнома муддати лизинг об'екти хизмат қилиш муддатининг 80% дан ортиғини ёки лизинг об'ектининг қолдиқ қиймати лизинг шартномаси тугагач, унинг бирламчи қийматининг 20% дан камини ташкил этиши;

3. лизинг олувчи лизинг об'ектини белгиланган нархда ёки лизинг шартномаси муддати тугаганидан кейин белгиланган нархда бутунлай сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

4. лизинг шартномаси даврида тўловларнинг умумий суммаси лизинг об'екти қийматининг 90%дан ортиғини ташкил этиши лозим.

Лизинг шартномаси муносабати билан сарфланган маблағларнинг қайтарилиши кафолати сифатида лизинг берувчи гаров тариқасида бўлса ҳам лизинг олувчидан банк кафолати ёки учинчи шахс кафиллиги таъминотини тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Лизинг шартномасини расмийлаштириш жараёни қуйидаги боскичларга бўлинади:

1. банк томонидан лизингга ариза қабул қилиниши ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб бориш;

2. лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг лойиҳасининг самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш;

3. лизинг шартномасини тайёрлаш ва тузиш;

4. лизинг берувчи банк томонидан ускуналар етказиб берилиши учун сотувчига буюртма-наряд жўнатиш;

5. лизинг об'ектини сотиб олиш-сотиш тўғрисидаги шартномани имзолаш;

6. лизинг ускуналарини фойдаланишга қабул қилиб олишни амалга ошириш;

7. лизинг олувчи ва суғурта компанияси ўртасида лизинг об'ектини суғурталаш тўғрисидаги шартномани имзолашни талаб қилади.

Лизинг бўйича маблағ олувчилар банка тўлов қобилияти ва ўз лойиҳасининг самарадорлиги тўғрисидаги хулоса тайёрланиши учун бўлғуси лизинг олувчи ва лизинг об'ектини ўз эғалиги ва фойдаланишига олишни хоҳлаган шахслар қуйидагиларни тақдим этишлари лозим:

⇒ охирги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси;

⇒ ўз молиявий - ишлаб чиқариш имкониятларининг таҳлили;

⇒ лизингнинг бутун муддати учун пулнинг келиб тушиши прогнози кўрсатилган бизнес режа.

Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг лизинг берувчи сотувчига ускуналарни етказиб бериши учун ишларнинг бажарилиши шарт-шароитларини белгилаб берувчи техник топшириқлар ва бошқа ҳужжатлар илова қилинган буюртма нарядни жўнатади. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида лизинг ашёсини сотиб олиш -сотиш шартномаси тузилади. Лизинг об'екти сотувчисига тўлов лизинг берувчи томонидан қонунчиликка биноан, сотиб олиш -сотиш шартномасига мувофиқ шакл ва муддатларда амалга оширилади.

Лизинг операциялари ҳисоби 15600-«Лизинг (молиявий ижара)» биринчи тартибли баланс ҳисобварағи доирасида қуйидаги иккинчи тартибли баланс

ҳисобварақларида юритилади:

15600-Лизинг (молиявий ижара)

15601-Бошқа банкларга берилган лизинг

15603-Жисмоний шахсларга берилган лизинг

15605-Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг

15607-Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг

15609-Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган лизинг

15611-Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган лизинг

15613-Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган лизинг

15615-Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган лизинг

15617-Муддати ўтган лизинг

15619-Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг

15699-Лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив)

Юқорида келтирилган баланс ҳисобварақлари актив ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг дебетида лизинг бўйича соф инвестициялар қиймати, яъни лизинг объектини сотиб олиш учун тўланган маблағлар суммаси, кредитида эса лизинг бўйича асосий қарзни сўндириш учун келиб тушган, шунингдек 15617-«Муддати ўтган лизинг» ва 15619-«Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг» ҳисобварақларига ўтказилган пул маблағлари суммаси акс эттирилади. Таҳлилий (аналитик) ҳисоб ҳар бир лизинг шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Лизинг тўловларининг суммаси - амортизация ажратмалари, лизинг ставкаси (кредит фоизи), коммиссион тўловлар, суғурта тўловлари ва кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ҳақдан ташкил топади.

Лизинг ставкаси - кредит учун фоиз тўлови каби аниқланади. Лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан жадвал асосида тўланади. Жадвал тарафлар келушиви билан тузилиб, лизинг шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Лизинг тўлови лизинг пул ўтказиш йўли билан амалга оширилганда лизинг олувчи лизинг тўловини амортизация ажратмалари, фоизлар, коммиссион ва қўшимча тўловлар алоҳида ажратиб кўрсатиш билан аниқлаштириб берилиши шарт.

Лизинг тўлови келиб тушгандан сўнг ажратиб кўрсатилган алоҳида тўловлар бўйича банк томонидан тегишли бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

Лизинг учун фоизлар, коммиссион ва бошқа тўловлар тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби счетлар режасига мувофиқ банк даромадига ёзилади.

Лизинг шартномаси бўйича мол етказиб берувчига маблағларни ўтказганда:

Дт 15607-“Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг” счёти,

Кт 16103-“Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” счёти.

Шунингдек, лизинг олувчининг муддатли мажбурияти кўзда тутилмаган ҳолатлар счетига қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан кирим қилинади:

а) Дебет 91901 – Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари

Кредит 96345-Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-счёти

Лизинг олувчидан гаров сифатида олинган лизинг таъминоти кўзда тутилмаган ҳолатлар счетига қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан кирим қилинади:

б) Дебет 94504-Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар

Кредит 96381-Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-счёт

Лизинг бўйича фоиз ставкаси ҳисобланганда эса:

Дт 16323- «Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (моливий ижара) смети,

Кт 45107-“Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар” смети.

Мижозлардан олинган комиссион тўловлар, суғурта тўловлари ва кўрсатилган қўшимча хизматлар учун тўлов ҳисобланганда,

Дт 16401-“Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар” смети

Кт 45994-“Бошқа фоизсиз даромадлар” смети

Агар, мижоз (лизинг олувчи)дан лизинг тўлови тўлов жадвалига биноан келиб тушганда, асосий сумманинг бир қисмига,

Дт 20210- “Давлат, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” смети,

Кт 15607-“Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг” смети.

Фоиз тўлови, комиссион тўловлар, суғурта тўловлари ва кўрсатилган қўшимча хизматлар учун тўлов

Дт 20210- “Давлат, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” смети,

Кт 16401-“Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар” смети

Лизинг тўлови келиб тушганидан сўнг ажратиб кўрсатилган алоҳида тўловлар бўйича банк томонидан тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дт 20210- “Давлат, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” смети- *Лизинг тўлови суммасига*

Кт 15600-Лизинг (молиявий ижара)- *Амортизация ажратмаси суммасига*

Кт 16323 – Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (Молиявий ижара) – *Лизинг ставкаси (фоизи) суммасига*

Кт 16401-“Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар” смети - *Комиссион ва бошқа тўловлар суммасига*

Лизинг бўйича олинган фоизли даромад ва бошқа тўловлар фойда ҳисобига ўтказилди,

Дт 45107-“Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар” смети.

Дт 45233 – Кредитлар бўйича воситачилик даромадлари ёки Дт 45994-“Бошқа фоизсиз даромадлар” смети- *Комиссион ва бошқа тўловлар суммасига*


Кт 31203-“Таксимланмаган фойда (актив-пассив)” смети

Агар, лизинг тўловлари вақтида тўланмаса 45117- «Муддати ўтган лизинг бўйича фоизли даромадлар» сметиға ўтказилиди ва маблағ келиб тушиши натижасида ундирилиши кутиб турилади.

Банклар томонидан молиявий лизингни амалга ошириш ва ҳисобга олиш тартибини қуйидаги чизмада тўлиқроқ кўриб чиқамиз:

1-чизма

Банклар томонидан молиявий лизингни амалга ошириш ва ҳисобга олиш схемеси



1. Банк томонидан лизингга ариза қабул қилинади ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб борилади;

2. Лизинг олувчининг молиявий ҳолати баҳоланиб, лойиҳасининг самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқарилади, ижобий қарор қабул қилингандан сўнг лизинг шартномаси тузилади ва лизинг олувчига (15601-15615 баланс ҳисобларида) алоҳида шахсий ҳисоб очилади.

Шунингдек, лизинг олувчининг муддатли мажбурияти ва гаров сифатида олинган лизинг таъминоти кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобига қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан кирим қилинади:

а) Дебет 91901 – Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари

Кредит 96345-Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисоби

б) Дебет 94504-Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар

Кредит 96381-Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулк

хукук(талаб)лар бўйича контр-счёт

3. Банк - лизинг берувчи томонидан Сотувчига (ускуналарни етказиб бериши учун техник топшириқлар илова қилинган) буюртма-наряд жўнатилади ва улар ўртасида лизинг ашёсини сотиб олиш-сотиш шартномаси тузилади.

4. Банк - лизинг берувчи томонидан маблағлар (лизинг объектини сотиб олиш учун) сотувчига ўтказиб берилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дебет 15600-Лизинг (молиявий ижара)

Кредит 16103-“Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” счёти

5. Сотувчининг банкида ЭТТ оркали келиб тушган электрон ҳужжатлар асосида маблағлар сотувчининг счётига кирим қилинади, бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 16103 -“Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” счёти

Кредит 20200 – Сотувчининг талаб қилиб олингунча сақланadиган депозитлари

6. Сотувчи лизинг объектини лизинг олувчига етказиб беради.

7. Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилингани тўғрисидаги далолатнома 2-ҳафта ичида лизинг берувчига тақдим этилади.

8. Лизинг берувчи ҳар куни дастурий тарзда лизинг ставкаси (фоизи)ни ҳисоблаб боради:

Дебет 16323-Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (Молиявий ижара)

Кредит 45100 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар

9. Лизинг тўлови келиб тушганидан сўнг ажратиб кўрсатилган алоҳида тўловлар бўйича банк томонидан тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 20200 – Лизинг олувчининг талаб қилиб олингунча сақланadиган депозитлари – *Лизинг тўлови суммасига*

Кредит 15600-Лизинг (молиявий ижара)- *Амортизация ажратмаси суммасига*

Кредит 16323 – Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (Молиявий ижара) – *Лизинг ставкаси (фоизи) суммасига*

Кредит 16401-“Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар” счёти - *Комиссион ва бошқа тўловлар суммасига*

Факторинг инглизча “factor“, яъни “агент” ёки “воситачи” маъносини англатади. **Факторинг** – хўжалик юритувчи суб’ектлар – етказиб берувчиларни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб бунда, улар банк – молиявий объектга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан аксептланган, лекин тўлов

талабномалари бўйича ҳали тўланмаган тўловни регресс ҳуқуқисиз олиш ҳуқуқини беришдир⁹.

Банклар факторинг операцияларини уларнинг талаб қилиб олингунгача сақланадиган депозитлар счетлари жойлашган банкдаги мижозлар билан шартнома асосида амалга оширадилар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби амалдаги ме'ёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Факторинг хизматларини кўрсатиш асосида тўловчи томонидан молия агентига пул талабини бажариш муддатлари 90 кундан ошмаслиги керак. Банклар тўловчилардан қарзни ундириш бўйича ушбу муддатда тўланмаган мажбуриятларига доир чораларни қонунларда белгиланган тартибда амалга оширадилар. Факторинг операциясини ўтказишда банк пул маблағларини уларнинг ҳақини тўлаш ҳуқуқи факторинг шартномасида кўрсатилган суммада банкка тақдим этиладиган тўлов талабномалари бўйича мижознинг талаб қилиб олингунгача сақланадиган депозит счетига ўтказилади.

Банк томонидан ўтказилган сумма билан шартнома бўйича тўлов талабномаси суммаси ўртасидаги фарқ билан дисконтини ташкил этади. Бунда банк томонидан тўловчида муддати ўтган кредиторлик қарзининг йўқлиги эътиборга олиниб, факторинг хизматларини амалга оширишлари мумкин.

Факторинг шартномасини расмийлаштириш жараёнида мижоз шартнома тузилгунга қадар банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

⇒ белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва тўловчи томонидан имзоланган олди-сотди ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартномасини моддий бойликлар берилгани, ишлар бажарилгани ва хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

⇒ тўловчи томонидан бошқа банкларда очилган счетлар рўйхати;

⇒ тўловчининг молиявий ҳолатини белгилаш учун зарур ҳужжатлар.

Банкнинг мижоз билан факторинг хизмати кўрсатишга доир шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

⇒ уларга нисбатан пул талабининг берилиши амалга оширилаётган харидорлар;

⇒ берилаётган талабларнинг умумий суммаси;

⇒ дисконт суммаси;

⇒ шартноманинг амал қилиш муддати;

⇒ тарафлар томонидан шартнома шартлари бузилгани учун даъволарни баён этиш муддатлари;

⇒ шартнома шартлари бузилгани учун тарафларнинг маъсулияти;

⇒ шартномани бекор қилиш шартлари;

⇒ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар.

Факторинг хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиш чоғида мижоз ва банк молиявий агенти тўловчини ушбу битим тоғрисида ёзма равишда

⁹ ЎЗР АВдан 03.08.2000 йилда 953-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

хабардор қилиши керак. Тўловни амалга ошириш учун тўловчининг талаб қилиб олгунгача сақланадиган депозит сметида маблағлар йетишмаган тақдирда тўловчининг банки банк молиявий агентга тўлов топшириқномасининг 2-сон картотекага қабул қилганлигини маълум этади.

Тижорат банкларида факторинг операциялар қуйидаги 1 ва 2 тартибли счетларда ҳисобга олинади:

11100- Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

11101 -Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

11103 -Муддати ўтган сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

11105 -Суд жараёнидаги сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

11195 -Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив)

11199 -Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив)

Факторинг операциялари бўйича тўлов ҳужжатлари ҳисобини юритиш учун банк томонидан кутилмаган ҳолатлар счетларида 90966- «Харид қилинган дебиторлик қарзлари - факторинг» шахсий счетлари очилади. Ушбу счет дебети бўйича харид қилинган дебиторлик қарзларнинг тўлиқ суммаси акс эттирилади, кредити бўйича эса тўловчилар тўлиқ сўндирган, харид қилинган дебиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилади ва қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 90966- “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг”,

Кт 96331- “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг бўйича контр-счет”.

Тарафлар томонидан факторинг пул талабини бериш тўғрисидаги шартнома имзолангандан кейин банк молиявий агент маблағларни мижознинг талаб қилиб олгунгача сақланадиган депозит сметида дисконт суммасини чегирган ҳолда ўтказишни амалга оширади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 11101- «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари –Факторинг» смети,

Кт 20208- «Талаб қилиб олгунгача сақланадиган депозитлар»,

Кт 11195- «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари –Факторинг – бўйича дисконт» счетлар.

Маблағларни мижознинг талаб қилиб олгунгача сақланадиган депозит сметида ўтказишни банк мемориал ордерлар билан амалга оширади ва улар икки нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха счетлар бўйича бухгалтерия операциялари амалга оширилганидан кейин банкнинг кунлик ҳужжатларига жойлаштирилади. Иккинчи нусхаси белгиланган тартибда мижозга юборилади. Факторинг муддати тугаганидан сўнг тўловчи харидордан келиб тушган суммага қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 20200-“Талаб қилиб олгунгача сақланадиган депозитлар” тўловчининг смети,

Кт 11101 –«Сотиб олинган дебиторлик қарзлари –Факторинг» смети.

Дисконт суммаси дебиторлик қарз бўйича тўловчидан маблағлар келиб тушганидан сўнг, банк даромадига ўтказилади:

Дт 11195-«Сотиб олинган дебиторлик қарзлари –Факторинг – бўйича дисконт» смети,

Кт 45217- «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар – Факторинг» смети.

Бир вақтнинг ўзида тўлов ҳужжатлари балансдан ташқари сметрдан чиқарилади:

Дт 96331- “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг бўйича контр-смет,

Кт 90966- “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг- смет.

Факторинг операцияларига хос бўлган юқори даражадаги хатар муносабати билан банклар ҳар ойда тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, уларга доир эҳтимолий талафотларни қоплаш учун барпо этиладиган захираларни шакллантириш ва ишлатиш тартибига мувофиқ факторинг операциялари сифатини таснифлаб борадилар.

Захиралар ташкил этилганда,

Дт 56814- «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари -Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» смети,

Кт 11199- «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг-бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси» смети.

Агар захира суммаси ҳисобидан дебиторлик қарзи қопланса,

Дт 11199- «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг-бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси» смети,

Кт 11101- «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари –Факторинг» смети.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. *Лизинг ҳақида тушунча ва унинг турлари*
2. *Лизинг шартномаси ва уни расмийлаштириш*
3. *Факторинг ҳақида тушунча*
4. *Факторинг операцияларининг ҳисоби*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Лизинг берувчи - лизинг шартномасига мувофиқ кейинчалик лизинг олувчига бериш мақсадида лизинг объектини уз мулкига сотиб олувчи банк ёки унинг шъуба компанияси.

Лизинг олувчи - лизинг шартномасига кўра лизинг объектини уз эгаллигига ва фойдаланишига олувчи, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахс, якка тадбиркор ёки жисмоний шахс.

Ижара - бу бир томоннинг иккинчи томонга активдан фойдаланиш учун тақдим килинган ҳуқуқ.

Лизинг тўловларининг суммаси - амортизация ажратмалари, лизинг ставкаси (кредит фоизи), коммиссион тўловлар, суғурта тўловлари ва

кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ҳақдан ташкил топади.

Лизинг ставкаси - кредит учун фоиз тўлови каби аниқланади. Лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан жадвал асосида тўланади. Жадвал тарафлар келушиви билан тузилиб, лизинг шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Лизинг тўлови лизинг пул ўтказиш йўли билан амалга оширилганда лизинг олувчи лизинг тўловини амортизация ажратмалари, фоизлар, комисион ва қўшимча тўловлар алоҳида ажратиб кўрсатиш билан аниқлаштириб берилиши шарт.

Молиявий лизинг - ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи) топширигига кўра учинуи тараф (сотувчи)дан мол-мулк (лизинг объекти)ни лизинг шартномасида белгиланган, кейинчалик лизинг объектининг лизинг олувчи мулкига утиши шартларида уни лизинг олувчининг эгалик қилиши ва фойдаланиши учун сотиб олади.

Факторинг- инглизча “factor“, яъни “агент” ёки “воситачи” маъносини англатади.

Факторинг – хўжалик юритувчи субъектлар – етказиб берувчиларни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб бунда, улар банк – молиявий объектга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан аксептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳали тўланмаган тўловни регресс ҳуқуқисиз олиш ҳуқуқини беради.

2.8. Банкларда қимматли қоғозлар билан операциялар ҳисоби

Қимматли қоғозлар - пул ҳужжатлари бўлиб, сотиб олган шахсларнинг уни чиқарган юридик шахсларга нисбатан мулкӣ ҳуқуқӣ ёки қарз муносабатларини билдиради. Қимматли қоғозлар тайинланиш критерияси бўйича ҳисоб бозорининг дастаги ва молиявий бозор дастагига бўлинади. Ҳисоб бозорида қисқа муддатли қимматли қоғозлар муомалада бўлади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳисоб-китобларига хизмат қилади, уларнинг ҳаракати Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган амалдаги қонуний ҳамда меъёрий ҳужжатлар¹⁰ билан тартибга солиб борилади.

Молиявий бозор дастаги капиталнинг ҳаракатини акс эттиради ва уларнинг вужудга келиши инвестицион муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, муомалада бўлиш жараёни бир йилдан зиёд бўлган қимматли қоғозлар киради.

Ҳисоб бозорларидаги қимматли қоғозлардан фарқи шундаки, булар сериялаб чиқарилади ва улар мулкӣ муносабатларни ҳамда

¹⁰ ЎЗР «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонуни. 02.09.1993й; Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома. ЎЗР АВ 2009 йил 19 январда 1885-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/4-сонли қарори билан тасдиқланган.

қарзмуносабатларини акс эттирувчи шаклларга бўлинади. Қарз муносабатларини акс эттирувчи қоғозлар қарз мажбуриятлари ёки облигациялар деб аталади. Мулккий муносабатларни ифодаловчи дастаклар акциялар дейилади.

Акция - бу қимматли қоғоз бўлиб акционерлик капиталининг маълум бир қисмини тўлаганлигини билдиради ва фойданинг маълум қисмини дивиденд шаклида олиш ҳамда акционерлик жамиятини бошқаришда қатнашиш, тугатилган тақдирда қолган мулкнинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини беради. Акция - бу қарз мажбурияти ҳисобланмайди. Рўйхатдан ўтишига қараб, номи ёзилган ва номи ёзилмаган акцияларга бўлинади.

Акциянинг ҳуқуқий турига қараб оддий акцияларга ва имтиёзли акцияларга бўлинади. Қарз мажбуриятларини оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, бу қарзолувчининг кредиторга маблағини қарзолганда берадиган ҳужжати ҳисобланади.

Қарз мажбуриятларига қуйидагилар киради: облигацияларнинг ҳар хил турлари, казначей векселлари, депозит сертификатлари ва векселлар.

Облигация - белгиланган фоиз ва ставкага эга бўлиб, қарздорнинг муддатли қарз мажбуриятидир.

Казначей вексели - бу давлат қарз мажбуриятининг асосий тури ҳисобланиб, улар 3 ой, бой ва 12 ойга чиқарилади. Асосан, у банклар ўртасида сотилади ва номинал қийматдан паст нархда сотилади. Казначей векселларини эмиссия қилиш ва тўлаш Марказий банк томонидан Молия Вазирлигининг топшириғига асосан амалга оширилади.

Депозитли сертификат – қарз мажбурияти бўлиб, кредит муассасасининг омонотчиларга қўйилган пул ва унга белгиланган фоизини олиш ҳуқуқини берувчи ёзма мажбуриятдир.

Тижорат банклари фаолиятининг ривожланиши – бозор механизмини тўғри ташкил этишда зарурий шарт-шароит яратади, бунинг учун иқтисодиётнинг қайта шаклланиш жараёни банк тизимини қайта ислоҳ қилишни талаб этади¹¹. Бугунда бу сфера динамик равишда ривожланмоқда. Банклар маъмурий бошқарув тизими даврида узоқ вақтлар давлат ташкилоти бўлиб, иқтисодиётни маъмурий буйруқбозлик билан бошқариш тизимида ташувчи лойиҳалардан бири бўлиб, қатнашган. Бугунги кунда бозор иқтисодиётининг ривожланиш йўлига ўтар эканмиз, йўл қўйилган камчиликлардан воз кечиб, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда банк ва банк фаолияти тўғрисидаги билимларни ошириш билан бирга жаҳон андозасига мос равишда банк хизматларини кўрсатиш талаб этилмоқда.

Банк – юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан берилган литсензия асосида қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади: юридик ва жисмоний шахслардан қўйилмалар олиш, ушбу қўйилмаларни ўз хавф-хатари асосида молиялаштириб, кредитлар бериш, тўловларни амалга ошириш ва ҳоказо.

¹¹ ЎзР. Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 14 июн.

Тижорат банклари устави Ўзбекистон Республикаси марказий банкдан рўйхатдан ўтганларидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлиб, тижорат банки ташкил этилган ҳисобланади.

Тижорат банкларининг устав капиталини шакллантириш борасида биринчи президентимиз И.Каримов ўз асарида ... “Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолади. Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси микдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим” деб таъкидлаган эди¹².

Банкнинг устав капиталини шакллантиришда қатнашишга тайёр бўлган ва банкни ташкил этишга қизиқувчи юридик ва жисмоний шахслар банкнинг таъсисчилари ҳисобланади.

Банк таъсисчилари устави ва таъсис шартномасига имзо чекиб йўл қўйган юридик шахслар, жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл резидентларидан ташкил топади. Улар акционерлик тижорат банки Ўзбекистон Республикасида банкларни Давлат рўйхатга олиш китобига рўйхатга кирган вақтдан бошлаб таъсисчи ҳисобланади. Банк таъсисчилари банкни ташкил этишда зарурий барча ҳужжатларни расмийлаштиришни, банк устав капиталини шакллантириши, моддий техник таъминоти базаси, хизмат кўрсатиладиган миқдор доираси ва амалга ошириладиган банк операциясини аниқлашни ва муаммоли бўлган масалаларни ҳал этишда жавобгарликни ва маъсулиятни ўз зиммасига олади. Улар таъсис шартномасини имзолаб расмийлаштирадilar.

Таъсис шартномаси имзолангандан кейин таъсисчилар таъсис мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўрадилар. Мажлисида банкнинг уставини белгилаб олади ва банк бошқаруви раисини сайлайди. Шу вақтдан банк ташкил этилган ҳисобланади, лекин тўлиқ охириги босқичигача ташкил этилган ҳисобланмайди. Устав капитали фақат тасисчи ва акциядорларнинг пул маблағларидан ташкил топиб амалдаги миллий валютада тўланади. Устав капиталини шаклланишида кредитга олинган, қарзга олинган ва шу каби жалб қилинган пул маблағлари киритилмайди. Айрим ҳолларда агар қонунчилик асосида давлат бюджети маблағларини ҳисобидан устав капиталини шакллантиришда киритилишига йўл қўйилиши мумкин.

Банк рўйхатдан ўтган муддатда таъсисчилар томонидан банкнинг устав капиталига қўйилган пул маблағларининг йиғилган қисмини ЎзРнинг

¹² Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -52-53 бетлар

Марказий банкида ёки тижорат банкларида очилган ҳисобварағида вақтинча сақлаш учун қўядилар. Шунингдек, амалдаги меъёрий ҳужжатлар¹³га кўра янги ташкил этилаётган банklar учун устав капиталининг энг кам минимал миқдори белгилаб қўйилган.

Банк ташкил этилишида устав капитали суммаси миқдорида номига ёзилган акциялар чиқарилиб, рўйхатдан ўтган кундан бир йилгача бўлган муддатда банк акциядорлари таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаган таъсисчилар ўртасида ушбу акциялар тақсимланади. Акциядорлик жамияти очик ва ёпиқ усулда акцияга аъзо этирилиб, акцияни жойлаштиришни ўтказиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда акционерлик жамияти уставида кўрсатилган усул бўйича акциялар жойлаштирилади. Агар уставида акцияларни жойлаштириш усули қайд қилинмаган бўлса, у ҳолда акционерларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилиб қарор қабул қилинади, уларнинг ушбу қарори асосида акцияларни очик ёки ёпиқ усулда жойлаштириш аниқланилади.

Акционерлик жамиятининг уставида эълон қилинган акцияларнинг жойлаштирилиши тартиби, шартлари, акция категорияси, акциянинг номинал бошланғич қиймати ва миқдори ҳамда шу тартибда акцияларни қайта чиқарилиш эмиссияси ҳам кўрсатилган бўлиши керак. Агар акцияларни жойлаштириш тартиби, яъни акцияни очик ёки ёпиқ турда аъзо қилиниши уставада ҳам, акционерларнинг умумий йиғилиш қарорида ҳам кўрсатилиб аниқланмаган бўлса, у ҳолда акцияга аъзо қилиш тартиби очик турда акцияга аъзо қилиниши мумкин. Уставада акцияни жойлаштириш тартиби кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда акционерлик жамияти қўшимча бундай акцияларни чиқариш ҳуқуқига эга бўлмайди. Қимматли қоғозни тайёрловчидан олинган ва берилган қимматли қоғозлар бланкаси учун шартли 1 сўм миқдорида ҳисобварағларда акс этирилади.

Акциялар ҳужжатсиз шаклда депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар электрон тарзида чиқарилади. Қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳамда чиқарилган акциялар Марказий депозитарийда ҳисобга олингандан сўнг, депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи;

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".

Обуна қилинганда ва акция олди-сотди шартномаси тузилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) имтиёзли акциялар бўйича:

Дт 30303 - "Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)" ҳисобварағи;

Кт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли" ҳисобварағи;

б) оддий акциялар бўйича:

Дт 30306 - "Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)" ҳисобварағи;

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Банк тизимини ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 1999 йил, 15 январь 16 сон

Кт 30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи.

Акция учун тўлов тўлиқ ёки қисман олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 30303 - "Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)" ёки 30306 - "Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)" ҳисобварағи.

Тўлов тўлиқ олингандан сўнг битим амалга оширилганда, акция бўйича эғалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботида асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акциянинг номинал қийматига:

Дт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли" ҳисобварағи;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ҳисобварағи;

б) оддий акциянинг номинал қийматига:

Дт 30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи;

Кт 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи;

в) обуна баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги ижобий фарқ суммасига:

Дт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли" ёки 30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағи;

г) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эғалик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эғалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботида асосан:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи.

Акцияларнинг чиқарилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар 56795 - "Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг "Акцияларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар" алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Агар акциялар чиқарилишидан аввал акциянинг қиймати потенциал акциядорлар томонидан тўлиқ ёки қисман тўланганда, акциялар бўйича олдиндан тўловлар, акциялар чиқарилишига қадар мажбуриятларда акс эттирилади. Шунингдек, банкнинг янги акцияларига обунада иштирок этиш кафолати учун потенциал акциядорлар томонидан омонат (депозит) қўйилиши мумкин.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) олдиндан тўлов амалга оширилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 29830 - "Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар" ҳисобварағи;

б) акциялар сотилганда, акция бўйича эғалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботида асосан:

Дт 29830 - "Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар" ҳисобварағи - тўлов суммасига;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи - акциянинг номинал қийматиغا;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағи - тўлов суммаси билан номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқ суммасига.

в) бир вақтнинг ўзида,

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи.

Эълон қилинган дивидендларнинг ҳисобланиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт 31203 - "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" ҳисобварағи- (йиллик дивидендларни ҳисоблашда);

Дт 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" ҳисобварағи- (оралиқ дивидендларни ҳисоблашда);

Дт 30903 - "Умумий захира фонди" ҳисобварағи - (фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича);

Кт 29822 - "Тўланиши лозим бўлган дивидендлар" ҳисобварағи.

Дивидендлар тўланганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29822 - "Тўланиши лозим бўлган дивидендлар" ҳисобварағи;

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи.

Ҳисобланган дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда банк устав капиталини оширишга йўналтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29822 - "Тўланиши лозим бўлган дивидендлар" ҳисобварағи;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи - акциянинг номинал қийматиغا;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағи - номинал қийматидан юқори суммасига.

Бир вақтнинг ўзида,

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи.

Акцияларнинг номинал қийматини ошириш ҳисобига устав капитали қўпайтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30603 - "Қўшилган капитал" ёки 31203 - "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" ёки 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" (30603 ҳисобварағида маблағ етмаганда);

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи.

Тақсимланмаган фойдани капиталлаштириш ҳисобига қўшимча акциялар жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 31203 - "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" ҳисобварағи;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи - акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағи - номинал қийматидан юқори суммасига.

Илгари чиқарилган қимматли қоғозларга эркин айирбошлаш ҳисобига банк акциялари жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акцияларни оддий акцияларга ёки имтиёзли акцияларни бошқа турдаги имтиёзли акцияларга айирбошланганда:

Дт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ҳисобварағи - акциянинг номинал қийматига;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи - акциянинг номинал қийматига;

б) эркин айирбошланадиган облигациялар айирбошлаш учун тақдим этилганда:

Дт 23602 - "Чиқарилган облигациялар" баланс ҳисобварағининг "Эркин айирбошланадиган облигациялар" шахсий ҳисобварағи - эркин айирбошлашга тақдим этилган қимматли қоғоз қийматига;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи - акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағи - номинал қийматидан юқори суммасига, айирбошлаш коэффиценти 1 дан юқори бўлганда.

Акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ҳисобига уларнинг сонини кўпайтиришда (майдалашда), банклар ҳар бир акциядорнинг акцияси сонига мувофиқлаштириш учун шахсий ҳисобварақларда тегишли тузатишларни амалга оширади. Бу ҳолда улар бўйича бош китобда бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилмайди.

Акциялар сонини камайтириш ҳисобига уларнинг номинал қийматини оширишда (йириклаштиришда), бош китобда ҳеч қандай бухгалтерия ўтказмаларини амалга ошириш талаб этилмайди ва фақат шахсий ҳисобварақларда тузатишлар амалга оширилади.

Агар банк ўз акцияларини уларни қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда банкнинг ўз капитали акцияни сотиб олиш қийматига камаяди. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)" ҳисобварағи;

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи.

Агар банк ўз акцияларини бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи;

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи.

Агар банк ўз акцияларини кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари" ҳисобварағига номинал қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари" ҳисобварағи;

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи.

Сотиб олинган банкнинг ўз акциялари кейинчалик иккиламчи бозорда қайта сотилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) сотиб олиш баҳосига нисбатан қиммат баҳода сотилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи - акцияни сотиш қийматида;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)" ҳисобварағи - акцияни сотиб олиш қийматида;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" баланс ҳисобварағининг "Қайта сотиб олинган ўз акциялари бўйича қўшилган капитал" шахсий ҳисобварағи - қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги иждобий фарқ суммасига;

б) сотиб олиш баҳосига нисбатан арзон баҳода сотилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи - акцияни сотиш қийматида;

Дт 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағи - акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ суммасига, кредит қолдиғи доирасида;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)" ҳисобварағи - акцияни сотиб олиш қийматида.

30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағининг "Ўз акцияларини сотиб олишдан олинган қўшилган капитал" алоҳида шахсий ҳисобварағининг қолдиғи нолга тенг бўлса, акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" баланс ҳисобварағига ўтказилади.

в) бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари" ҳисобварағи.

Акциялар бекор қилинганда ёки банкнинг акциядорлик капитали камайтирилганда (устав ҳужжатларига киритиладиган тегишли ўзгартиришлар Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг), қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" ҳисобварағи - акциянинг номинал қийматиға;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)" ҳисобварағи - акцияни сотиб олиш қийматиға.

Ўз акцияларини сотиб олиш билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги ижобий ёки салбий фарқ 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағининг мос равишда дебети ёки кредитига олинади. Ҳисобварақнинг кредит қолдиғи етарли бўлмаганда, етмаган салбий фарқ 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" ҳисобварағига олинади.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи.

Тижорат банклари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ облигациялар, депозит сертификатлари, векселлар ва бозорда муомалада бўладиган бошқа қарз қимматли қоғозларини чиқариши мумкин. Банк томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозларининг ҳисоби уларнинг номинал қиймати бўйича 23600 - "Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар" баланс ҳисобварағининг тегишли ҳисобварақларида юритилади.

Ҳужжатсиз ёки ҳужжатли қимматли қоғозларнинг бланкалари Марказий депозитарийда ҳисобга олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90327 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари" ҳисобварағи;

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи.

Дт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи;

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи.

Қимматли қоғозлар номинал қиймати бўйича жойлаштирилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 23600 - "Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи.

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90327 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари" ҳисобварағи.

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи.

Қимматли қоғоз номинал қийматидан юқори баҳода сотилганда сотиш баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ (мукофот) 23696 - "Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)" ҳисобварағининг кредитига сотиш кунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи - қимматли қоғозни сотиш қийматиға;

Кт 23600 - "Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи - қимматли қоғознинг номинал қийматиға;

Кт 23696 - "Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)" ҳисобварағи - қимматли қоғозни сотиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасига.

Бир вақтнинг ўзида бланка ёзиб берилганда ёки инвесторнинг депо ҳисобварағига ўтказилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90327 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари" ҳисобварағи.

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи;

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи.

Қимматли қоғоз номинал қийматидан паст баҳода сотилса, номинал қиймати ва сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ (дисконт) 23698 - "Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)" ҳисобварағининг дебетига сотиш санасида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи - қимматли қоғозни сотиш қийматиға;

Дт 23698 - "Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)" ҳисобварағи - қимматли қоғознинг номинал қиймати ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

Кт 23600 - "Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи - қимматли қоғознинг номинал қийматиға.

Дисконтлар баланс ҳисоботида чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий суммасидан чегирма кўринишида акс эттирилади.

Мукофотни амортизация қилиш ва фоизли даромадларни тан олиш ҳамда дисконтни амортизация қилиш ва фоизли харажатларни тан олиш реал фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда "Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида"ги низомга (2004 йил 30 январь, рўйхат рақами 1306 - Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил январь, 4-сон) мувофиқ амалга оширилади.

Агар қимматли қоғозлар фоизларни тўлаш даврлари орасида сотилган бўлса, сотилган ва тўланиши лозим бўлган фоизли мажбуриятлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали сотиш санасида ҳисобга олинади:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 22414 - "Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар" ҳисобварағи.

Қимматли қоғозлар сўндириш ёки қайта сотиш шартлари билан сотиб олинганда, қимматли қоғозлар баланسدан чиқарилади. Агар сотиб олиш баланс қийматида бўлса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) илгари номинал қийматда сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 - "Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи - номинал қийматга;

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи - номинал қийматга;

б) илгари дисконт билан сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 - "Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи - номинал қийматга;

Кт 23698 - "Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)" ҳисобварағи - дисконтнинг қолдиқ қиймати доирасида;

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи - қимматли қоғозни сотиб олиш қийматида;

в) илгари мукофот билан сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 - "Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи - номинал қийматга;

Дт 23696 - "Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)" ҳисобварағи - мукофотнинг қолдиқ қиймати доирасида;

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи - қимматли қоғозни сотиб олиш қийматида;

г) ҳисобланган фоизларни тўлашда:

Дт 22414 - "Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар" ҳисобварағи;

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

Агар банк қимматли қоғозни номинал қийматидан паст баҳода сотиб олса, номинал қиймат ва сотиб олиш баҳоси ўртасида ижобий фарқ 45994 - "Бошқа фоизсиз даромадлар" ҳисобварағининг "Чиқарилган қарз мажбуриятлари билан боғлиқ операциялардан олинган даромадлар" алоҳида шахсий ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади. Агар банк томонидан қимматли қоғоз баланс қийматидан юқори баҳода сотиб олинса, баланс қиймати ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги салбий фарқ 55995 - "Бошқа фоизсиз харажатлар" ҳисобварағининг

"Чиқарилган қарз мажбуриятлари билан боғлиқ операциялар бўйича қилинган харажатлар" алоҳида шахсий ҳисобварағининг дебитида акс эттирилади.

Агар банк қимматли қоғозни бекор қилиш мақсадида сотиб олган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобга олинади:

Дт 90327 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари" ҳисобварағи;

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи.

Дт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағи;

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи.

Агар банк қимматли қоғозларни қайта сотиш мақсадида сотиб олган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар 90337 ҳисобварағида номинал қиймат бўйича, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари" ҳисобварағи;

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ" ҳисобварағи.

10700-«Олди-сотди қимматли қоғозлар» ҳисобварақларида банк томонидан савдо қилиш мақсадларида сотиб олинган қимматли қоғозларнинг (векселлардан ташқари) ҳисоби юритилади ва ушбу қимматли қоғозлар уларни келажакда фойда билан сотиш мақсадида қисқа муддатга сотиб олинади. Аналитик ҳисоб сотиб олинган қимматли қоғозлар турлари ва муддатлари, шунингдек, эмитентлар бўйича алоҳида юритилади.

РЕПО битими бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳисоби алоҳида шахсий ҳисобварақларида юритилади. Сотиб олинган қимматли қоғозлар сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олинади, сотиб олиш қийматига қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ барча харажатлар (брокерлик ва биржа воситачилик ҳақи ва х.к.), шу жумладан, кўзда тутилмаган харажатлар киритилади. Дисконт ёки мукофот харид қилиш санасида рўйхатга олинмайди ва қарз мажбуриятига эгалик қилиш муддати давомида амортизация қилинмайди. қимматли қоғозларни сотиб олишда қуйидаги бухгалтерия ҳисоби ёзуви амалга оширилади:

Дт 10700-«Олди-сотди қимматли қоғозлари» ҳисобварағи,

Кт 10101- «Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар» ёки 20200-«Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» ҳисобварағи.

Баланс ҳисоботи тузиладиган санада бозор нарҳини сотиб олиш нарҳи билан таққослаш орқали қимматли қоғозларни қайта баҳолаш амалга оширилади. Қимматли қоғозларнинг бозор қийматини аниқлашда, биржа ва биржадан ташқари бозорларда шаклланадиган баҳолар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади. Фонд бозорида котировка мавжуд бўлмаган ҳолларда, муаъян қимматли қоғозларнинг қиймати эмитентнинг молиявий ҳисоботи, аудиторлик ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш асосида аниқланади. Бунда акциялар қиймати соф активлар (мажбуриятлар чегириб ташланган активлар)ни муомалага чиқарилган акциялар сонига бўлиш орқали

ҳисобланади. Барча қимматли қоғозлар бир вақтнинг ўзида қайта баҳоланади. Қимматли қоғозлар икки нархда, бозор ёки сотиб олиш нархининг энг кам қиймати бўйича баҳоланади. Агар бозор нархи сотиб олиш нархидан паст бўлса, банк харажатлари ҳисобидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси барпо этилади. Бунда сотиб олиш нархи ва бозор нархи ўртасидаги фарқ суммаси

Дт 56806- “Олди сотди қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварағи,

Кт 10799- “Бошқа қимматли қоғозлар” ҳисобварағи.

Агар бозор нархи харид нархидан юқори бўлса заҳира нолга тенглаштирилади ва бунда,

Дт 10799- “Бошқа қимматли қоғозлар” ҳисобварағи,

Кт 56806- “Олди сотди қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварағи.

Қимматли қоғозлар олди - сотдиси ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси умумий асосда белгиланади. Бу шуни англатадики, бозор нарhini харид нархи билан таққослаш қимматли қоғозларнинг ҳар бир тури бўйича (алоҳида ҳар бир қимматли қоғоз бўйича эмас) амалга оширилади, шундан сўнг кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашнинг умумий заҳирасини барпо этиш учун жамланади.

Агар илгари барпо этилган кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳирасининг ҳажми янгидан ҳисобланган кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳирасининг ҳажмидан катта бўлса, у ҳолда заҳира ортиқча бўлган суммага камайтирилади ва

Дт 10799- “Бошқа қимматли қоғозлар” ҳисобварағи,

Кт 56806- “Олди сотди қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварақлари.

Мабода, олдиндан барпо этилган кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳирасининг ҳажми янгидан ҳисобланган кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳирасининг ҳажмидан кам бўлса, у ҳолда заҳира ҳисобланган ҳажмгача қўшимча равишда оширилади:

Дт 56806- “Олди сотди қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварағи,

Кт 10799- “Бошқа қимматли қоғозлар” ҳисобварағи.

Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси контрактив ҳисобварақ бўлиб қимматли қоғозларнинг умумий баланс қийматидан чиқарилади ва 10700-“Олди-сотди қимматли қоғозлари” ҳисобварағида қуйидагича ҳисобга олинади: қимматли қоғозлар олди-сотдиси ҳисобварағи - сотиб олиш нархи минус қимматли қоғозлар олди ва сотдиси ҳисобварағи бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси; қимматли қоғозлар олди ва сотдиси ҳисобварақлари - соф қиймат.

Қимматли қоғозларни сотишда ёки қисқа муддатли қарз мажбуриятлар тўловини амалга оширишда қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

Дт 10101- “Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар” ёки 20200-“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи - сотиш баҳосига,

Кт 10700-“Олди-сотди қимматли қоғозлари” ҳисобварағи - баланс қиймати.

Агар сотиш баҳоси қимматли қоғозларнинг баланс қийматидан фарқ қилса, қимматли қоғозларни сотишдан кўрилган фойда ёки зарарлар суммасига:

Дт 55614- “Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар (Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)” ҳисобварағи,

Кт 45611- “Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда (Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)” ҳисобварағи.

Шунингдек, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси қайта ҳисобланади ва бухгалтерия ҳисобида унинг миқдори тузатилади.

Агар банкнинг қимматли қоғозларга нисбатан операциялари мазмуни ўзгарса, 15900-Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар» ҳисобварағига ўтказилиши мумкин. Бунда операциялар мазмуни фоиз ставкаси ҳамда бозор нархи, молиялаш шартлари ва манбааларининг ўзгариши оқибатида ўзгаради ҳамда харид ва бозор қийматларининг энг ками бўйича амалга оширилади. Юқорида қайд этилган қийматларнинг энг ками ўтказилган қимматли қоғоз учун янги баланс қиймати бўлади.

Агар бозор қиймати харид нархидан паст бўлса, ўтказишдаги фарқ суммасига, 15900- Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар» – бозор қиймати ва 55614- “Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар (Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)” – фарқ суммаси дебетланиб, - харид қиймати сифатида кредитланади. Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси қайта ҳисобланади ва бухгалтерия ҳисобида унинг миқдори тузатиб қўйилади.

Облигациялар бўйича фоиз ушбу қимматли қоғозларнинг номинал қиймати бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва уларга ҳисобланган фоиз суммаси даромад сифатида ҳисобга олинади, ҳамда

Дт 16305- "Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи,

Кт 40605- “Давлат облигациялари бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағи.

Улар ундирилганда эса, ёки

Дт 20200-“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи,

Кт 16305-"Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи.

Агар эмитентнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши оқибатида эмитент томонидан қарз мажбуриятларининг узилиши ёки улар бўйича фоизларнинг тўланиши банкда шубҳа уйғотса банклар фоизларни ўцирмаслик тамойилидан фойдаланиши лозим. Қарз мажбуриятлари бўйича ҳисоблаб ёзилган, лекин

олинмаган барча фоизлари қуйидаги ҳолларда, эмитент томонидан қисқа муддатли қарз мажбуриятларининг узилиши ёки улар бўйича фоизларнинг тўланиши 60 кун; 90 кун ва ундан ортиқ муддатга ёки муддатидан қатъий назар банкда шубҳа туғилганда банк балансидан ҳисобдан чиқарилиши мумкин, унда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув орқали амалга оширилади:

Дт 40613- “Корхоналарининг қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағи,

Кт 16305-“Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи.

Балансдан чиқарилганидан сўнг қарз мажбуриятлари бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларнинг суммаси кўзда тутилмаган ҳолатлар, яъни,

Дт 95411- “Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи,

Кт 96333- “Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи” ва ундирилганда ушбу ҳисобварақларда тескари ёзув амалга оширилади.

Банкларда қимматли қоғозларнинг олди-сотди операциялари билан боғлиқ харажатлар (восита ҳақи, кўрсатилган хизматлар учун тўлов, қимматли қоғозларни сотишда брокер учун мукофот пули ва бошқалар) 55110 «Қимматли қоғозларнинг олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

15900-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” «Инвестициялар» ҳисобварақларида банк томонидан инвестиция мақсадларига узоқ муддатли асосда сотиб олинган қимматли қоғозларнинг ҳисоби юритилади. Узоқ муддатли облигациялар ва бошқа узоқ муддатли қарз мажбуриятлари одатда уларнинг тўлов муддати келгунга қадар банкнинг фоизли даромадининг доимий оқими билан таъминлаш учун ҳисобварақларида ҳисобда туради.

Акцияларга қилинган инвестицияларнинг ҳисоби банк томонидан тижорат фаолияти учун сотиб олинган 10700- «Олди-сотди қимматли қоғозлари» ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган акциялардан ташқари барчаси 15913- «Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Узоқ вақт давомида эгалик қиладиган акциялар банкка ўз манфаатларидан келиб чиқиб, корхоналарнинг фаолияти ва ҳисоб сиёсатининг шаклланишига таъсир кўрсатиш имконини беради. Уларнинг аналитик ҳисоби сотиб олинган қимматли қоғозларнинг турлари ва муддатлари бўйича ҳамда эмитентлар бўйича алоҳида юритилади.

Сотиб олинган қимматли қоғозлар харид қиймати бўйича ҳисобга олинади, унга уларни харид қилиш билан боғлиқ барча харажатлар (брокерлик ва биржа воситаси ҳақи ва х.к.) шу жумладан, кўзда тутилмаган харажатлар киритилади ва қуйидаги бухгалтерия ҳисоби ёзуви амалга оширилади:

Дт 15900-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” ҳисобварағи,

Кт 10101- “Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар” ёки 20200-“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи.

Акциядорлик жамиятларининг акцияларига обуна бўлишда банк акциялар қийматининг бир қисмини тўлаши мумкин. Акциялар қиймати ва обуна бўйича киритиладиган тўлов суммаси ўртасидаги фарқ суммаси аниқланади ва улар қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 15913- «Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари» ҳисобварағи - акциялар нархи,

Кт 20200-“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” - тўлов суммаси ва 29826- “Акциялар учун обуна маблағини тўлаш - Хусусий капитални” -обуна пайтидаги акция нархи ҳамда обуна тўлови фарқи сифатида ҳисобга олинади. Банк обуна бўйича қолган суммани тўлаганда:

Дт 29826- “Акциялар учун обуна маблағини тўлаш - Хусусий капитални” ҳисобварағи,

Кт 16103-“Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” ёки 20200-“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи.

Агар қарз мажбурияти дисконт ёки мукофот билан сотиб олинса, дисконт ёки мукофот харид қилиш санасида рўйхатга олинмайди. Бироқ, дисконт ёки мукофот суммаси тўғри чизиқли усул бўйича қарз мажбуриятининг муомалада бўлиши муддати давомида амортизация қилинади. Муомала муддатининг сўнгида қарз мажбуриятларига қилинган инвестицияларнинг баланс қиймати қарз мажбуриятининг номинал қийматига тенг бўлиши лозим.

Дисконт амортизацияси суммасига

Дт 44800-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағи,

Кт 15913- «Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари» ҳисобварағи ва мукофот амортизацияси суммасига эса,

Дт 15913- «Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари» ҳисобварағи,

Кт 44800-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағи.

Акциялар шунингдек, дисконт (яъни номинал қийматидан паст) ёки мукофот билан (яъни номинал қийматидан юқори) харид нархда қилиниши мумкин. Бунда дисконт ёки мукофот харид кунига қайд ва амортизация қилинмайди, яъни, бурчли мажбуриятлар дисконтлари ҳамда мукофотларидан фарқли ўлароқ, харид қилинган акциялар нархини номинал қийматга келтириш даври ҳисобга олинмайди.

Баланс ҳисоботини тузиш санасида бозор қийматини баланс қиймати билан таққослаш орқали қимматли қоғозлар қайта баҳоланади ва уларнинг бозор қийматини аниқлашда, биржа ва биржадан ташқари бозорларда шаклланадиган баҳолар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади. Фонд бозорида котировка мавжуд бўлмаган ҳолларда, муайян қимматли қоғозларнинг қиймати эмитентнинг молиявий ҳисоботи, аудиторлик ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш асосида аниқланади. Бунда акциялар қиймати соф активларни муомалага

чиқарилган акциялар сонига бўлиш орқали ҳисобланади. Қرز мажбуриятларининг баланс қиймати дисконт ёки мукофот амортизациялари ҳисобига харид қийматидан фарқ қилиши мумкин.

Акцияларнинг баланс қиймати уларни сотиб олиш қийматига тенг. Барча қимматли қоғозлар бир вақтнинг ўзида қайта баҳоланади, яъни бозор ёки баланс қийматининг энг ками бўйича баҳоланади. Агар бозор қиймати баланс қийматидан паст бўлса, банк харажатлари ҳисобидан қопланиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси барпо этилади. Бунда баланс қиймати ва бозор нархи ўртасидаги фарқ суммасига,

Дт 56826- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестиция бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварағи,

Кт 15999- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив)” ҳисобварағи.

Агар бозор қиймати баланс қийматидан юқори бўлса заҳира нолга тенглаштирилади.

Инвестициялар ҳисобварақларда кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси умумий асосда белгиланади. Бу шуни англатадики, бозор қийматини баланс қиймати билан таққослаш қимматли қоғозларнинг ҳар бир тури бўйича амалга оширилади, шундан сўнг, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашнинг умумий заҳирасини барпо этиш учун жамланади.

Бунда олдиндан барпо этилган кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳирасининг ҳажми янгидан ҳисобланган зарарларни қоплаш заҳирасининг ҳажмидан юқори бўлса, у ҳолда заҳира ортиқча бўлган суммага камайтирилади, яъни:

Дт 15999- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив)” ҳисобварағи,

Кт 56826- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестиция бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварағи.

Агар олдиндан барпо этилган кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳирасининг ҳажми янгидан ҳисобланган зарарларни қоплаш заҳирасининг ҳажмидан паст бўлса, у ҳолда заҳира кўзда тутилган ҳажмгача кўшимча равишда оширилади, яъни:

Дт 56826- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестиция бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварағи,

Кт 15999- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив)” ҳисобварағи.

Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси контрактив ҳисобварақ бўлиб, қимматли қоғозларнинг умумий баланс қийматидан

чиқарилади ва қуйидаги тарзда амалга оширилади: Инвестициялар ҳисобварақнинг - баланс қиймати минус инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси инвестициялар ҳисобварағи - соф қиймати кўринишида акс эттирилади

Агар қимматли қоғозларни сотишда ёки қисқа муддатли қарз мажбуриятлари тўловини амалга оширишда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 10101- “Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар” ёки 20200-“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағи - амалдаги сотиш баҳосига,

Кт 15900-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” ҳисобварағи - баланс қиймати суммасига.

Агар сотиш (тўловини амалга ошириш) баҳоси қимматли қоғозларнинг баланс қийматидан юқори бўлса, фойда суммасига 45803- “Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” ёки 45809- “Хусусий капиталга қилинган инвестиция бўйича олинган дивидендлар” ҳисобварақлари (акциялар бўйича) кредитланади. Агар сотиш баҳоси қимматли қоғозларнинг баланс қийматидан паст бўлса, сотишдан кўрилган зарарлар суммасига 55804- “Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” ёки 55806- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” ҳисобварақлари (акциялар бўйича) дебетланади. Шунингдек, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси қайта ҳисоб-китоб қилинади ва бухгалтерия ҳисобида унинг суммаси тузатиб қўйилади.

Банкнинг 15900-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар”-ҳисобварақларида ҳисобга олинган қимматли қоғозларга нисбатан операциялари мазмуни ўзгартирилса, у ҳолда уларнинг ҳисоби 10700-“Олди-сотди қимматли қоғозлари” - тегишли ҳисобварақларга ўтказилиши (қайта таснифланиши) мумкин. Бу фоиз ставкаси, бозор нархи, молиялаш шартлари ва манбаларининг ўзгариши оқибатида вужудга келади. Натижада, ўтказиш баланси ва бозор қийматларининг энг ками бўйича амалга оширилади. Юқорида қайд этилган нархларнинг энг ками ўтказилган қимматли қоғоз учун янги баланс қиймати бўлади. Агар бозор қиймати баланс қийматидан паст бўлса, ўтказишдаги тафовут 55804- “Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” ёки 55806-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” - (акциялар учун) дебетига киритилади.

Бунда, 10700-“Олди-сотди қимматли қоғозлари” -бозор қийматига,

Дт 55804- “Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” ёки 55806-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” ҳисобварағи – фарқ суммаси,

Кт 15900-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” ҳисобварағи - баланс қиймати.

Шунингдек, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси қайта ҳисоб-китоб қилинади ва бухгалтерия ҳисобида унинг суммасига тузатиш қилинади. Шунингдек, облигациялар бўйича фоиз ушбу қимматли қоғозларнинг номинал қиймати бўйича (харид қиймати бўйича эмас) ҳисоб-китоб қилинади.

Банклар мижозлар билан тузилган воситачилик ёки топшириқ шартномалари асосида қимматли қоғозлар олди - сотдиси бўйича операцияларини бажариши мумкин. Қимматли қоғозларни сотиб олиш учун мижозлар томонидан ўтказилган пул маблағлари ҳамда воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича сотишдан олинган пул маблағларининг ҳисоби 22608- «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялари бўйича маблағлари» ҳисобварағида юритилади. Аналитик ҳисоби мижозларнинг шахсий ҳисобварақлари бўйича юритилади.

Сотиш учун олинган ёки мижоз топшириғининг бажарилиши натижасида сотиб олинган нақд қимматли қоғозлар 93616- «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ва 93623- «Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар тижорат ҳужжатлари» кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида номинал қиймат бўйича:

Дт 93616-«Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки 93623-«Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар тижорат ҳужжатлари» ҳисобварағи,

Кт 96379 «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварағи».

Мижозларнинг топшириғи бўйича қимматли қоғозларни сотишда, сотилмаган қимматли қоғозларни мижозларга қайтаришда, шунингдек, мижозларга уларнинг топшириғи бўйича харид қилинган қимматли қоғозларни топширишда номинал қиймат бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 96379 «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварағи»,

Кт 93616-«Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки 93623-«Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар тижорат ҳужжатлари» ҳисобварағи.

Банклар томонидан брокерлик операцияларини бажаришдан олинган даромадлар эса 45209 «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган брокерлик операциялари бўйича даромадлар» ҳисобварағининг кредитига ўтказилади ва даромад сифатида тан олинади.

Қимматли қоғозлар билан муддатли битимлар деганда,- битимни тузиш санасидан фарқ қилувчи ҳисоб-китобларнинг аниқ санаси кўрсатилган ҳолда шартномалар билан расмийлаштирилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари (РЕПО битимлари, қимматли қоғозларга оид фьючерслар ва х.к.) тушунилади.

Муддатли битимлар тузишда ҳисоб-китоб қилиш санаси битимни тузиш санаси билан мос келмайди. Муддатли битимлар Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ, битим тузиш санасидан бошлаб ҳисоб-китоблар ўтказиш муддатига қадар кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади. Ҳисоб-китоблар бошланган куни бир вақтнинг ўзида белгиланган тартибда баланс ҳисобварақларида акс эттириш билан бирга битимларни кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олиш тўхтатилади. Шунингдек, қимматли қоғозлар операцияларида фьючерс контрактлари ҳам тузилиши мумкин.

Фьючерс битими деганда - қимматли қоғозларнинг харидори бўлган банк қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича мажбуриятларини битим тузиш санасидан бошлаб улар бўйича ҳисоб-китоблар қилиш санасигача харид қилиш бўйича келишув тушунилади. Улар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади;

Дт 92802- “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар” дебетланиб,

Кт 96374- “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр- ҳисобварағи”.

Қимматли қоғозларнинг турлари ва шартномалари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақлар юритилади. Ҳисоб-китоблар санаси келганда, уларнинг ҳақини тўлашда ва олишда харидор банк томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича баланс ҳисобида тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади. Бундан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув амалга оширилади;

Дт 96374- “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр- ҳисобварағи”,

Кт 92802- “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар” ҳисобварағи.

Фьючерс контрактларини тузишда қимматли қоғозларнинг сотувчиси бўлган банк уларни етказиб бериш бўйича мажбуриятларни битим тузиш санасидан бошлаб, улар бўйича ҳисоб-китоблар қилинадиган санагача ҳисобга олади:

Дт 92802- “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар” ҳисобварағи,

Кт 96376- “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр- ҳисобварағи”.

Ҳисоб-китоблар санаси келганда, уларнинг ҳақини олишда ва етказиб беришда сотувчи банк томонидан қимматли қоғозларни сотиш бўйича баланс ҳисобида тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади. Бундан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув бажарилади,

Дт 96376- “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”,

Кт 92802- “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар” ҳисобварағи.

Шунингдек, банкларда қимматли қоғозлар операциялари бўйича РЕПО операциялари ҳам амалга оширилади.

РЕПО (қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишув) битими деганда - маълум муддатдан сўнг олдиндан келишилган баҳода сотиб олиш мажбурияти билан қимматли қоғозларни сотиш бўйича тузилган битим тушунилади.

РЕПО битимлари қуйидаги тамойилларнинг бири бажарилган ҳолда молиялаштириш операциялари сифатида ҳисобга олинади:

- аввал сотилган қимматли қоғозларнинг ўзи қайта сотиб олинса;
- агар қайта сотиб олинаётган қимматли қоғозлар барча жиҳатларига кўра сотилган қимматли қоғозларга ўхшаса.

Қимматли қоғозлар қуйидаги шартлар бажарилса "барча жиҳатларига кўра ўхшаш" деб қаралади:

✓ қимматли қоғозлар ўз зиммасига мажбуриятлар олган бир шахсга эга бўлиши;

✓ қимматли қоғоз эгалари бир хил таваккалчилик ва ҳуқуқлар билан таъминланишлари учун ушбу қоғозлар шакл ва кўриниши жиҳатидан бир хил бўлиши;

✓ қимматли қоғозлар бир хил фоиз ставкасига эга бўлиши;

✓ қимматли қоғозлар бир хил тўлаш муддатига эга бўлиши;

✓ қимматли қоғозлар бир хил номинал қийматга эга бўлиши керак.

Акс ҳолда РЕПО битимлари қимматли қоғозлар олди-сотдиси операциялари сифатида ҳисобга олинади. РЕПО битимлари ҳисоби молиялаштириш операциялари ҳисобининг бир қисми ҳисобланади.

РЕПО битимларининг юридик шакли олди-сотди битими бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларнинг иқтисодий моҳияти сотиб олинган (сотилган) қимматли қоғозлар билан таъминланган молиялаштиришдир.

РЕПО битимлари қимматли қоғозлар гарови асосида кредитлаш операцияларидан (ломбард кредити) шу билан фарқ қиладики, қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқи қарздор (қимматли қоғозлар сотувчиси) дан кредитор (қимматли қоғозларни сотиб олувчи) га ўтади. Ушбу операцияларда қимматли қоғозлар сотувчиси қарздор, сотиб олувчи эса пул маблағлари кредитори ролини бажаради. РЕПО келишувида кўрсатилган муддат тугагач, қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисми бажарилган тақдирда қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқи қайта кредитордан қарздорга ўтади.

РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар 22300 - "РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар" баланс ҳисобварағининг тегишли ҳисобварағида ҳисобга олинади. Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг

биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозларни сотувчи банк томонидан битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиш суммасида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждознинг ҳисобварағи;

Кт 22300 - "РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича:

Дт 92802 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи;

Кт 96374-"Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи" акс эттирилади.

92802 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига асосан уларнинг сотилиш санасидан бошлаб, иккинчи қисмига мувофиқ эса, қимматли қоғозларни сотиб олиш муддатигача ҳисобга олинади.

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича уларни сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра олинган пул маблағлари учун тўлов ҳисобланади. Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва сотувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли харажатлар ҳисобварағига олиб борилади:

Дт 54300 - "Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар" ҳисобварағи;

Кт 22300 - "РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи.

Агар РЕПО келишувнинг биринчи қисми бўйича РЕПО суммаси фоиз (купон) даромадлари миқдорида камайиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда РЕПО суммаси дастлабки сотиб олувчи томонидан олинган фоиз (купон) даромадлари миқдорида камаяди ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 22300 - "РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи;

Кт РЕПО битимининг объекти бўлган қимматли қоғозлар бўйича олинган лозим бўлган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 22300 - "РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждознинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида, келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи",

Кт 92802 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишув ҳар бир томон ўз мажбуриятларини бажармаса, одатда жарима чоралари кўзда тутилади. Келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ҳамда қимматли қоғозлар сотиб олувчи портфелига ўтказилган тақдирда сотувчи банк қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт 22300 - "РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар" - битимнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозни қайта сотиб олиш суммасига;

Кт 10700 - "Олди-сотди қимматли қоғозлари" ҳисобварағи,

Кт 10800 - "Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар" ҳисобварағи,

Кт 15900 - "Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар" ҳисобварағи,

Кт 11300 - "Сотиб олинган векселлар" ҳисобварақлари - қимматли қоғознинг баланс қийматига.

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ва унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ тегишли фойда ёки зарар ҳисобварағида акс эттирилади.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи";

Кт 92802 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда, қимматли қоғозларни сотиб олувчи банк келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларнинг сотиб олиш суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини бажаради:

Дт 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждознинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк сотиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт 92806 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи;

Кт 96376 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи".

92806 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига асосан уларни сотиб олиш санасидан бошлаб банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра берилган пул маблағлари учун тўлов ҳисобланади. Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва олувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли даромадлар ҳисобварағида ҳисобга олинади:

Дт 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи;

Кт 45000 - "Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар" ҳисобварағи.

Банклар РЕПО битими бўйича контрагентнинг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳолда, қимматли қоғозларни қайта сотиб олиши банкда шубҳа уйғотса, фоизларни ўстирмаслик тамойилларидан фойдаланишлари лозим. Бунда фоизли даромад банк балансидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобдан чиқарилиши керак:

Дт 45000 - "Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар" ҳисобварағи;

Кт 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи.

Ҳисобдан чиқарилгандан сўнг келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ амортизацияси кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

Дт 95411 - "Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар" ҳисобварағи;

Кт 96333 - "Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи".

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида юритиладиган ҳисоб РЕПО келишувининг иккинчи қисми бажарилганидан сўнг тўхтатилади:

Дт 96333 - "Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи";

Кт 95411 - "Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар" ҳисобварағи.

Баланс ҳисоботи санасида келишувнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларнинг бозор қиймати баланс қиймати (яъни, 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағида ҳисобга олинган сумма) билан тенглаштирилади. Бозор қиймати баланс қийматидан тушиб кетса, банк харажатлари ҳисобидан эҳтимолий йўқотишлар

захираси ташкил этилади. Бунда баланс қиймати ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ 56824 - "РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш" ҳисобварағининг дебитида ҳисобга олинади:

Дт 56824 - "РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш" ҳисобварағи;

Кт 11899 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)" ҳисобварағи.

Бозор қиймати баланс қийматидан ошиб кетса захира нолга тенглаштирилади:

Дт 11899 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив) ҳисобварағи";

Кт 56824 - "РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш" ҳисобварағи.

РЕПО битимига доир эҳтимолий йўқотишлар захираси ҳар бир РЕПО келишуви бўйича алоҳида белгиланади. Агар аввал ташкил этилган эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдори янги ҳисобланган эҳтимолий йўқотишлар захирасидан ошиб кетса, захира ошиб кетиш суммасига камайтирилади. Агар аввал ташкил этилган эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдори янги ҳисобланган эҳтимолий йўқотишлар захирасидан кам бўлса, захира ҳисобланган ҳажмгача қўшимча равишда кўпайтирилади.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи;

Кт 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи - битимнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозни қайта сотиб олиш суммасига.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан сотилган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи";

Кт 92806 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувда ҳар бир томон ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда одатда жарима чоралари кўзда тутилади.

Агар банк фоизларни ўстирмаслик тамойилларига амал қилган бўлса, келишувнинг иккинчи қисмини бажариш санасида 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағида ҳисобга олинган

қимматли қоғозларнинг баланс қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш суммасига тенг бўлиши лозим.

Бунда келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ва қимматли қоғозлар сотиб олувчи банк портфелига ўтказилган тақдирда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) қимматли қоғозлар бозор қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш суммасидан ошиб кетса:

а) эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдорини тўғрилашга доир бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади;

Дт 11899 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)" ҳисобварағи;

Кт 56824 - "РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш" ҳисобварағи.

б) қимматли қоғозларни банк портфелига ўтказиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10700 - "Олди-сотди қимматли қоғозлари" ёки 10800 - "Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар" ёки 11300 - "Сотиб олинган векселлар" ёки 15900 - "Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар" ҳисобварағи;

Кт 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи - битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозни сотиб олиш суммасига.

2) қимматли қоғознинг бозор қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган қийматидан кам бўлганда:

а) захира миқдорини ўзгартириш бўйича бухгалтерия ўтказмасига мувофиқ амалга оширилади;

Дт 56824 - "РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш" ҳисобварағи;

Кт 11899 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)" ҳисобварағи.

б) қимматли қоғозларни банк портфелига ўтказиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10700 - "Олди-сотди қимматли қоғозлари" ёки 10800 - "Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар" ёки 11300 - "Сотиб олинган векселлар" ёки 15900 - "Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар" ҳисобварағи - қимматли қоғозни бозор қийматига;

Дт 11899 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси" ҳисобварағи - шакллантирилган захира суммасига;

Кт 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи - битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозни сотиб олиш суммасига.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи";

Кт 92806 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи.

Банк фоизларни ўстирмаслик тамойилларини қўлламаган бўлса, келишувнинг иккинчи қисмини бажариш санасида 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозлар қайта сотуви суммасига тенг бўлиши лозим.

Келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ҳолда банк фоизли даромадларни балансдан чиқариши, яъни, фоизларни ўстирмаслик тамойилларини қўллаши шарт:

Дт 45000 - "Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар" ҳисобварағи;

Кт 11800 - "РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар" ҳисобварағи.

Қимматли қоғозларни сотиб олувчи банк портфелига ўтказиш учун ушбу қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дт 92802 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи;

Кт 96374 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи".

РЕПО битимларини қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари сифатида ҳисобга олиши мумкин:

а) қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозлар сотувчиси бўлган банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади. Бунда сотилган қимматли қоғозлар банк балансидан чиқарилади.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотилган ва қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк сотиб олиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 92802 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи;

Кт 96374 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи".

92802 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

б) Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварақ";

Кт 92802 - "Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи.

Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозлар сотиб олувчиси бўлган банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк сотиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 92806 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи;

Кт 96376 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи".

92806 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади. Бунда сотилган қимматли қоғозлар банк балансидан чиқарилади.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк томонидан сотилган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган

ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи";

Кт 92806 - "Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар" ҳисобварағи.

Текшириш учун саволлар

1. *Банкларда қимматли қоғозлар билан операциялар қандай амалга оширади?*

2. *Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар эмиссиясини ташкил этиш қандай амалга оширилади?*

3. *Банклар қимматли қоғозлар бозорида қандай операцияларни амалга оширадилар?*

4. *Қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлар бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?*

5. *Олди-сотди қимматли қоғозлар деганда нимани тушунасиз?*

6. *Инвестицияга йўналтирилган қимматли қоғозлар қандай ҳисобга олинади?*

7. *Инвестицияга йўналтиришдан асосий мақсад нима ва уларнинг манбаларини айтинг?*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Молиявий активнинг амортизацияланадиган қиймати - активнинг баланс ҳисоботда дастлабки тан олингандаги баҳоланган суммаси (яъни активнинг ҳисобварақдаги акс эттирилган суммаси, плюс/минус мукофот/дисконт ҳисобварағидаги акс эттирилган сумма, плюс активнинг сотиб олиш учун кетган харажатларнинг ҳисобварақдаги суммаси, плюс ҳар қандай сотиб олинган, олинishi лозим бўлган ва алоҳида олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағида акс эттирилган ҳисобланган фоизлар), минус тўланган асосий қарз суммаси, плюс/минус реал фоиз ставкаси методини қўллаш билан мукофот/дисконтларнинг йиғилган амортизация суммаси, ва минус сотиб олиш учун кетган харажатлар амортизацияси, ва минус кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси.

Молиявий активнинг баланс қиймати - молиявий активнинг ҳисобварағидаги қолдиғи, плюс/минус мукофот/дисконт ҳисобварағидаги қолдиғи, плюс активни сотиб олишга кетган харажат бўйича актив ҳисобварақдаги қолдиқ, плюс олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағидаги қолдиқ, плюс/минус ҳаққоний қийматни коррективровка қилиш ҳисобварағидаги қолдиқ, минус кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси.

«Баланс қиймати» - молиявий активнинг ҳаққоний қийматини

қайтадан тўғрилаш (корректировка ўтказиш) учун жорий ҳаққоний қиймати билан таққосладиган сумма.

Мукофот - қарз қимматли қоғози учун тўланган (сотиб олишдаги харажатларсиз) сумманинг, актив номинал қиймати билан ҳар қандай сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизларни қўшиб ҳисоблаганда ошиб кетган сумма. [Сотиб олиш баҳоси - (номинал қиймат + сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизлар)]. Мукофот дебет қолдиққа эга бўлиб, реал фоиз ставкаси методини қўллаш билан амортизация ҳисоблаш воситасида фоизли даромадни камайтиради.

Дисконт - қарз қимматли қоғозининг номинал қиймати билан ҳар қандай сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизларнинг қарз қимматли қоғози учун тўланган миқдордан (сотиб олишдаги харажатлар ҳисобисиз) ошган суммаси. [(Номинал қиймати + сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизлар) - сотиб олиш баҳоси]. Дисконт кредит қолдиққа эга бўлиб, реал фоиз ставкаси методини қўллаш билан амортизация ҳисоблаш воситасида фоизли даромадни кўпайтиради.

Сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизлар - қарз қимматли қоғозлар бўйича ҳар қандай ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар. Улар қимматли қоғозни тақдим этувчига тўланиши лозим бўлиб ва сотиб олиш санасидан бошлаб сотиб олувчига ўтадиган фоизлардир.

Самарали фоиз ставка усули - молиявий актив ёки молиявий мажбуриятларнинг амортизацион қийматини ҳисоб-китоб қилиш ва тегишли давр мобайнида ҳосил қилинган фоизли даромадлар ва харажатларнинг (шу жумладан, сотиш учун мавжуд ва сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматбаҳо қоғозлар бўйича мукофот ва дисконт ҳамда сотиб олиш харажатларини амортизация қилиш) тақсимлаш усули.

Самарали фоиз ставкаси - молиявий активнинг фойдали хизмат муддати давомида ёки қаерда мақбул бўлса, нисбатан қисқа даврда келгусида кутилаётган пул оқимларини, унинг соф баланс қийматига эга бўлиш учун аниқ дисконтлайдиган ставка.

2.9. Валюта операциялари ҳисоби

Жисмоний шахслар чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириши чекловларсиз амалга оширилади. Валютани олиб чиқиш эса юз миллион сўм эквивалентдан ортиқ бўлмаган суммада бўлиши керак. Бу амалиётлар юридик шахслар томонидан амалга оширилиши эса тақиқланади. Нақд валютани белгиланган эквивалентдан ортиқ суммада олиб чиқиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тартибига мувофиқ амалга оширилади.

2019 йил 23 октябрда кучга кирган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида бу қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг валютага оид ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Валюта операцияларини ва валюта назоратини амалга ошириш шулар жумласидан.

Валютани тартибга солувчи давлат органи – Марказий банк ҳисобланади. Марказий банк ўз ваколатлари доирасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини белгилайди. Валюта биржалари фаолиятини лицензиялайди ва тартибга солади. Банклар учун очиқ валюта позициясининг лимитларини белгилайди. Умумқабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ, валюта операцияларининг ва ташқи секторнинг статистикасини тайёрлайди ҳамда эълон қилади.

Шунингдек, резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларини мониторинг қилиш тартибини белгилайди, шу жумладан, валютани назорат қилувчи органлар билан биргаликда белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси банклари учун валюта операциялари ҳисоби ва ҳисоботи шакллари ҳамда уларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди. Ташқи сектор статистикасини тузиш учун барча резидентлар ва норезидентлар томонидан тақдим этилиши мажбурий бўлган валюта операцияларининг ҳисоби ва ҳисоботи шакллари юритади.

Ўзбекистон Республикаси банкларининг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишга доир фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида валюта операцияларининг барча турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш белгиланиб, бу фақат Ўзбекистон Республикаси банклари орқали амалга оширилиши баён этилган.

Қонунда валюта операцияларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустақамланган.

Ҳисоб палатаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валюта назорати органлари ҳисобланади.

Валюта операцияларини ҳисобга олишда қуйидаги атамаларни билиш лозим.

- ❖ **валюта курси** – чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси валютасига нисбатан курси;
- ❖ **валютани назорат қилиш** – валютани назорат қилувчи органларнинг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилишини таъминлашга қаратилган фаолияти;
- ❖ **валюта операциялари** – валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта

қимматликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, жўнатиш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялар;

❖ **валютани тартибга солиш** – валюта қимматликларининг муомалада бўлиш тартибини, валюта қимматликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш қоидаларини белгилаш юзасидан валютани тартибга солиш органининг фаолияти;

❖ **валюта қимматликлари** – чет эл валютаси, номинали чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар ва тўлов ҳужжатлари, норезидентлар томонидан чиқарилган, номиналга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, соф куйма олтин;

❖ **чет эл валютаси** – муомаладаги ҳамда чет давлат (чет давлатлар гуруҳлари) ҳудудида нақд тўловнинг қонуний воситаси бўлган пул белгилари, шунингдек муомаладан чиқарилаётган ёки муомаладан чиқарилган, аммо алмаштирилиши лозим бўлган пул белгилари, чет давлатларнинг (чет давлатлар гуруҳларининг) пул бирликларида ҳамда халқаро пул бирликларида ёки ҳисоб-китоб бирликларида банк ҳисобварақларида ва омонатларида турган маблағлар;

❖ **чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосилавий молия воситалари (валюта деривативлари)** – чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича шартномалар бўлиб, ушбу шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг миқдорига ёхуд унинг курси ўзгаришига қараб амалга оширилади;

❖ **Ўзбекистон Республикаси валютаси (миллий валюта)** – Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги (сўм).

10196 Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валюталари

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкдан чет эл валютасини харид қилиш учун олинган нақд пул маблағларининг ва жисмоний шахслардан айирбошлаш шохобчалари орқали олинган чет эл валюталарнинг ҳисоби.

Ҳисобварақнинг дебитида сўм китобида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари фармойишига асосан ва/ёки бошқа тижорат банклари томонидан ажратиладиган нақд пул маблағлари суммаси ёхуд банкнинг айланма кассасидан ҳисоблаб ўтказиладиган нақд пул маблағлари, шунингдек валюта китобида харид қилинган чет эл валютаси суммалари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сўм китобида чет эл валютасини харид қилишга ҳисобдан чиқарилган нақд пул маблағларининг ёки Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ва/ёки бошқа тижорат банкларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки Марказий банкнинг ҳудудий

Бош бошқармалари фармойишига асосан ўтказилган суммалари, шунингдек валюта китобида харид қилинган чет эл валютаси суммалари акс эттирилади.

17100 Валюталар савдоси ва валюта позициялари

17101 Валюта позицияси ҳисобварақлари

Ҳисобварақнинг таърифи: биттадан ортиқ валюта китобларида акс эттириладиган хорижий валюталар иштироки билан амалга ошириладиган операцияларда банкнинг валюта позицияси ҳисоби юритилади. Шунингдек, ушбу ҳисобварақ молиявий ҳисоботлар тузиш мақсадида хорижий валютада ифодаланган актив ва мажбуриятларнинг миллий валютада қайта ҳисоблашда курс фарқлари ҳисобини юритиш учун қўлланилади. Валюта курси фарқидан фойда/зарар акс эттирилгандан сўнг, ушбу ҳисобварақ қолдиғи жамланган балансда нолга тенг бўлиши лозим.

Ҳисобварақнинг дебетида (1) хорижий валюта китобларида сотилган хорижий валюта суммаси, хорижий валютада тўланган ва ҳисобланган харажатлар ҳамда хорижий валютада сотиб олинган активлар. (2) Сўм китобларида сотиб олинган хорижий валюта, ўз акцияларини хорижий валютада сотишдан тушумлар ва хорижий валютада олинган ёки ҳисобланган даромадлар, шунингдек хорижий валютадаги актив ва мажбуриятларни қайта ҳисоблашдан кейинги ижобий натижа (фойда)нинг сўмдаги эквиваленти акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида (1) хорижий валюта китобларида сотиб олинган хорижий валюта суммаси, ўз акцияларини хорижий валютада сотишдан тушумлар ва хорижий валютада олинган ва ҳисобланган даромадлар суммаси акс эттирилади. (2) Сўм китобларида сотилган хорижий валюта суммаси, хорижий валютада тўланган ва ҳисобланган харажатлар ҳамда хорижий валютада сотиб олинган активлар, шунингдек хорижий валютадаги актив ва мажбуриятларни қайта ҳисоблашдан кейинги салбий натижа (зарар)нинг сўмдаги эквиваленти акс эттирилади.

22613 Валюта бозорида конвертация қилиш учун мижозларнинг захираланган маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: валюта бозорида конвертация қилиш учун мижозларнинг сўмдаги захираланган мақсадли маблағлари ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида конвертация учун захираланган, шунингдек, илгари мазкур ҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилган ва белгиланган муддатда мақсади бўйича конвертация қилинмай қолган сўмдаги маблағларнинг келиб тушган суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида Валюта биржаси ҳисобварағига конвертация учун йўналтирилган, шунингдек, мақсади бўйича фойдаланилмай қолган сўмдаги маблағларнинг белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.

23122 Хорижий валюта сотиб олиш учун банк кассаларига нақд пулларни топширган жисмоний шахснинг пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ўтказилиши лозим бўлган маблағлар бўйича транзит ҳисобварақлар

Ҳисобварақнинг таърифи: хорижий валюта сотиб олиш учун банк кассаларига нақд пулларни топширган жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ўтказилиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида хорижий валюта сотиб олиш учун банк кассаларига нақд пулларни топширган жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган нақд пуллар суммалари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида 22618 ёки 22617 баланс ҳисобварағига ўтказилган сумма акс эттирилади.

23516 Хорижий валюта сотиб олиш учун жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан ўтказилган пул маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: хорижий валюта сотиб олиш учун пластик карталардан фойдаланган ҳолда келиб тушган маблағлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида хорижий валюта сотиб олиш учун пластик карталардан фойдаланган ҳолда келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк ҳисоб рақамига ўтказилган сумма акс эттирилади.

45400 Хорижий валюталардаги фойда

45401 «Спот» битими бўйича хорижий валюталардаги фойда

45405 Ҳосилавий инструментлар билан тузилган битимлари бўйича хорижий валюталардаги фойда

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштириб берилмоқда.

Ҳисобварақнинг таърифи: Спот/Форвард/Опцион/Фьючерс/Своп битимлари бўйича ҳамда ҳисобланган маржадан банк фойдалари ҳисоби олиб борилади. Фойда ўрнатилган муддатда баланс ҳисоботини тузиш санасига ҳисобварақлар қолдиғини қайта баҳолагандан кейин аниқланади.

Ҳисобварақнинг кредитида хорижий валюталарда тузилган битимлардан ишлаб топилган ва очиқ валюта позицияларини ревальвация қилиш натижасида вужудга келган фойдалар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебитида нотўғри олинган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида банкнинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.

3 БОБ. БАНК АКТИВЛАРИ ҲИСОБИ

3.1. Банкларда моддий ва номоддий активлар ҳисоби

Асосий воситалар деб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасида фойдаланадиган, шунингдек, узоқ муддатли ижарага бериладиган ва узоқ муддат давомида (бир йилдан ортиқ) хизмат қиладиган воситаларга айтилади.

Банкларда асосий воситаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидаги баҳоларда баҳоланади:

- ⇒ бошланғич қиймати;
- ⇒ баланс қиймати;
- ⇒ тикланиш қиймати;
- ⇒ қолдиқ қиймат;
- ⇒ тугатиш қиймати;
- ⇒ реал (ҳақиқий) қиймати
- ⇒ амортизацияланадиган қиймати.

Асосий воситалар балансда биринчи марта акс эттирилгандан кейин, ҳақиқий қиймати бўйича даврий равишда қайта баҳолаб борилиши, қайта баҳолангандан кейин, асосий воситалар объекти қайта баҳолаш кунисидаги унинг ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олиниши лозим. Асосий воситаларнинг алоҳида объектлари қиймати қайта баҳоланаётганда, ушбу актив гуруҳига кирувчи бошқа барча активлар ҳам қайта баҳоланади. Қайта баҳолаш банк томонидан мустақил равишда ёки қонунчиликка мувофиқ, баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган малакали баҳоловчи-экспертлар томонидан амалга оширилади.

Банкларда асосий воситаларни қайта баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади:

- индекс усули;
- тўғридан – тўғри қайта баҳолаш усули.

Индекс усули - бу асосий воситаларнинг баланс қиймати ва қайта баҳолаш кунисидаги шу активлар бўйича жамғарилган амортизациясининг маълум индексидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишидир. Бунда, активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириш суммаси билан таққосланади ҳамда ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ҳисоби ёзувлари амалга оширилади.

Шунингдек, асосий воситаларни қайта баҳолашнинг индекс усулида уларнинг алоҳида гуруҳи бўйича активларни сотиб олиш давридан келиб чиқиб, ҳар хил индекслар қўлланилиши мумкин.

Тўғридан-тўғри усул - асосий воситаларни қайта баҳолашда, бухгалтерия ҳисобида тегишли асосий воситалар бўйича ҳисобланган жамғарилган эскириш суммаси, шу активнинг қайта баҳолангандаги тикланиш қийматини қайта

баҳолангунга қадар бўлган баланс қийматига бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган коэффицентга кўпайтирилади.

Қайта баҳолашдан кейин активларнинг ҳақиқий қиймати уларнинг бошланғич қиймати ва йиғилган эскириш суммаси билан таққосланади ҳамда фарқ суммаларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ўтказмалари амалга оширилади.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйган **асосий вазифалари қуйидагилардан:**

- асосий воситаларни кирим қилиш, ички ҳаракати ва уларни ҳисобдан чиқариш вақтида тегишли ҳужжатларга асосан расмийлаштириш ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттириш;

- асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда амортизация ҳисоблашнинг самарали бўлган усулларида фойдаланиш ва бухгалтерия ҳисоби регистрларида ўз вақтида тўғри расмийлаштириш;

- асосий воситаларнинг турли хил чиқиб кетиши бўйича молиявий натижалар тўғри аниқлаш;

- асосий воситалар бўйича мулк солиғи тўловлари миқдорини тўғри ҳисоблаш ва уларни белгиланган муддатларда солиқ идорларига ўтказиб бериш;

- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ва уларни қоплаш манбаларини белгилаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;

- асосий воситаларнинг нақлилиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги қаттиқ ҳамда бухгалтерия ҳисобида талаб қилинган маълумотларни олиш имкониятини яратиш ва ҳ.к.

Банкларнинг асосий воситалари қуйидаги манбалар ҳисобидан:

- ⇒ сотиб олиш йўли билан;
- ⇒ объектларни қуриш ёки реконструкция қилиш йўли билан;
- ⇒ қайтариб бермаслик шарти ёки субсидия шаклида;
- ⇒ шартнома асосида молиявий ижарага (лизинг) олиш йўли;
- ⇒ банкнинг ўзида ҳисобга олинмаган асосий воситаларнинг кирим қилиш йўли билан шаклланади.

Банкка тегишли бўлган асосий воситаларнинг ҳаракати ва уларнинг молиявий натижалари банкларда бухгалтерия ҳисоби счетлар режасида тайинланган биринчи (иккинчи) тартибли счетларида ҳисобга олинади:

- ⇒ 16500- «Асосий воситалар» смети,
- ⇒ 56600- «Эскириш харажатлари» смети,
- ⇒ 45900- «Бошқа фойизсиз даромадлар»,
- ⇒ 30908- “Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси” смети,
- ⇒ 45909- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” смети
- ⇒ 55902- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан қўрилган зарарлар” счетларидир.

Юқорида келтирилган счетлар бўйича асосий воситаларнинг ҳисоби бош ва ёрдамчи китобларида, каточкаларда, шунингдек, журналларда юритилади. Барча асосий воситалар балансида дастлабки қиймат бўйича, яъни, уни сотиб олиш ёки қуриш харажатлари миллий валютада ҳисобга олиниб, уларни келтириш ва ўрнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳам шу қийматга қўшилади.

Асосий воситаларни барпо этишда лойиҳа-тадқиқот ишлари, қурилиш материаллари, биноларни қуриш - таъмирлаш харажатлари ва уларни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа капиталлаштирилган харажатлар қийматини олдиндан тўлиқ ёки қисман тўлаб берилади. Бундай операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети,

Кт 16103-“Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинган маблағлар” смети.

Агар банк фаолияти учун бино сотиб олинган бўлса, у ҳолда, банк балансида қуйидагича расмийлаштирилади

Дт 16509-“Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар” смети ёки 16535- “Мебел, мослама ва жиҳозлар” счетлари,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети.

Сотиб олинган асосий воситаларни банк омборига қирим қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 16561-“Омбордаги асосий воситалар” смети,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети.

Тижорат банклари ўз фаолиятини кенгайтириши ёки биноларини таъмирлаш ишларини амалга оширада, уларда таъмирлаш ишлари тугагунга қадар қилинган барча харажатлар 16505- «Тугалланмаган қурилишлар» смети алоҳида шахсий сметида йиғилиб боради. Бунда биноларни қуриш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қабул қилиш - топшириш далолатномалари тузилади ва бундай харажатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 16505-«Тугалланмаган қурилишлар» смети,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети.

Агар банкларда шундай харажатлар чет эллик ҳамкор билан тузилган шартномага асосан, амалга оширилган тақдирда, ушбу харажатлар 16505-сметида амалга оширилган кундаги ЎЗРМБ чет эл валютасидаги курс бўйича сўмдаги эквивалентда амалга оширилади. Йил охирида 16505-«Тугалланмаган қурилишлар» сметидаги қолдиқ бош банкда ва унинг филиалларида тугалланмаган қурилишнинг ҳажмига мос келиши ва у кейинги йилга ўтказилиши лозим.

Агар қуриб битказилган ёки таъмирланган бинолар фойдаланишга тайёр бўлган ҳолда уларнинг қиймати қабул қилиш-топшириш далолатномаларига кўра, 16509- “Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар” сметида қирим қилинади. Агар қурилиш ёки таъмирлаш ишларининг харажатлар сметасида мебел ва жиҳозларни сотиб олиш кўзда тутилган бўлса, унда қабул

қилиш-топшириш далолатномасига асосан, қиймати умумий қийматдан чегирилиб, уларнинг тўлиқ рўйхати илова қилинади. Бунда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) бинонинг дастлабки қийматига:

Дт 16509- “Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар” счёти,

Кт 16505 -«Тугалланмаган қурилишлар» счёти.

б) мебел ва жиҳозларнинг чегирилган қийматига:

Дт 16535- “Мебел, мослама ва жиҳозлар” счёти,

Кт 16505 -«Тугалланмаган қурилишлар» счёти.

Шундан сўнг, қабул қилинган асосий воситаларнинг қиймати кирим ҳужжатларига асосан, банк томонидан тўлаб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

1. моддий активлар келиб тушганда ва улар дарҳол фойдаланишга берилганда:

Дт 16535- “Мебел, мослама ва жиҳозлар” ёки 16561-“Омбордаги асосий воситалар” ёки 16505- «Тугалланмаган қурилишлар» (агар қайта таъмирлашни талаб қиладиган бино, тугалланмаган қурилиш ёки қурилиш учун материаллар сотиб олинаётган бўлса) счёти,

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” счёти.

2. Банк томонидан активларнинг қиймати тўлаб берилганда:

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” счёти,

Кт 16103- “Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” счёти.

3. Шунингдек, банк омборидан асосий воситаларини фойдаланишга берганда:

Дт 16535- “Мебел, мослама ва жиҳозлар” счёти,

Кт 16561-“Омбордаги асосий воситалар” счёти.

Тижорат банклари ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида айрим асосий воситалар юқори ташкилотлар ёки ҳомийлар томонидан бепул берилиши мумкин. Бундай бепул олинган асосий воситалар банк даромади сифатида ҳисобга олинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади (**бепул олинган асосий воситаларнинг ҳақиқий қийматига**):

Дт 16500-“Асосий воситалар” ёки 16561-“Омбордаги асосий воситалар” счёти,

Кт 45994- “Бошқа фойзсиз даромадлар” счёти.

Бунда юзага келадиган харажатлар жорий харажатларнинг ҳисобига олинади. Агар, **асосий воситалар субсидия шаклида олинган бўлса**, у ҳолда,

Дт 16500-“Асосий воситалар” счёти,

Кт 22896- “Бошқа муддати узайтирилган даромадлар” счёти.

Тижорат банклари асосий воситаларни банк инфратузилмасини ривожлантириш доирасида **солиқдан озод қилинган маблағлар ҳисобидан**

сотиб олган бўлса, уларнинг қийматини 30903- счегининг тегишли шахсий счегида ҳисобга олишлари мумкин ва улар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича:

Дт 30903- «Умумий захира фонди» «Банк инфратузилмасини ривожлантириш фондига йўналтирилган маблағлар» счегини,

Кт 30903- «Умумий захира фонди» «Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар» ҳисобвақлари.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддати қуйидагича икки сабабга кўра чегараланади:

а) жисмоний эскириши- асосий воситаларнинг хизмат қилиш муддати давомида банк хизматларини амалга ошириш жараёнига ўз қийматини аста-секинлик билан ўтказиб бориш хусусиятидир;

б) маънавий эскириши- асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида уларнинг эскириб бориси ёки замонавий такомиллашган турларининг ишлаб чиқилиши натижасида меҳнат унумдорлиги пасайиб бориши тушунилади.

Активнинг амортизацияланадиган суммаси унинг бошланғич қийматидан тиклаш қийматини айириш йўли билан аниқланади. Амалиётда, активнинг тугатиш қиймати кўпинча жуда кичик миқдорни ташкил этганлиги сабабли, амортизацияланадиган қийматни аниқлашда унчалик аҳамиятга эга эмас.

Банкларда фойдаланишда бўлган асосий воситаларга амортизация қуйидаги усуллардан бирини қўллаш йўли билан ҳисобланади:

⇒ тўғри чизикли усул;

⇒ бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда тенг тақсимлаш усули;

⇒ йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул);

⇒ камайдиган қолдиқ усули.

1. Бир текисда (тўғри чизикли) ҳисоблаш усули - доимий эскириш суммасини асосий воситаларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида тенг тақсимлашдан иборат.

2. Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда тенг тақсимлаш усули - асосий воситаларнинг эскириш миқдорини ҳисоблаш учун уларнинг бутун фойдали хизмат қилиш муддати аниқ йиллар давомидаги иш ҳажмини аниқлашдир. Иш ҳажми сифатида ишланган соатлар миқдори ва иш ҳажми олинади.

3. Йиллар йиғиндиси усули - объектнинг хизмат қилиш муддати, ҳисобланган йиллар йиғиндисидан иборат бўлиб, у ҳисоблаш коэффициентининг махражида бўлади. Ушбу коэффициентнинг суратида объектнинг хизмат қилиш муддати охиригача қоладиган йиллар сони (тескари тартибда) ҳисобланади.

4. Камайиб борувчи қолдиқ усули - активнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида ҳисобланаётган амортизация суммасини камайиб боришини назарда тутати. Бу усул ҳам йиллар йиғиндиси усулидаги каби тамойилларга асосланган. Ушбу усулда тўғри чизикли усулдагига нисбатан икки баравар оширилган амортизация меъёри қўлланилади.

Банкларда асосий воситаларга амортизация ажратмалари банк харажатларига ўтказилади ва бу бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дт 56600 – “Эскириш харажатлари” тегишли счети,

Кт 16500-“Асосий воситалар” тегишли счети.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва унинг бухгалтерия ҳисоби

Банкларда асосий воситалар қуйидаги ҳолатларда ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

⇒ тўлиқ жисмоний ва маънавий жихатдан эскирганда:

⇒ сотилганда:

⇒ қайтариб бермаслик шарти билан берилганда:

⇒ форс-мажор ҳолларда:

⇒ камомад ва йўқотишлар аниқланганда:

⇒ активлардан фойдаланиш тўғрисида банк раҳбарияти қарор қабул қилинганда:

⇒ уни ҳисобдан чиқариш жараёнида ҳеч қандай иқтисодий фойда бермаганда.

Ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситанинг қолдиқ қиймати бухгалтерия ҳисобида қуйидагича рамиёлаштирилади: Масалан:

1) банк бинолари бўлса,

Дт 16511- “Биолар ва бошқа иморатларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)” счети,

Кт 16509 – “Банкнинг иморатлари - Биолар ва бошқа иморатлар” счети.

2) 30908- “Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси” счетидаги мазкур асосий восита объектига тегишли бўлган қолдиқ суммасига,

Дт 30908- “Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси” счети,

Кт 31203- “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)” счети.

Шунингдек, банкнинг асосий воситалари бошқа ташкилотлар ва бошқа банкларга қуйидаги 2 нархларда сотилиши мумкин:

⇒ бинонинг сотув нархи - қолдиқ қийматидан юқори бўлиши;

⇒ бинонинг сотув нархи - унинг қолдиқ қийматидан кам бўлиши мумкин.

Агар, банкнинг транспорт воситаси сотилганда, сотиб олувчи асосий воситани тўлиқ расмийлаштиргандан сўнг, унинг қийматига,

Дт 19909- “Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” счети,

Кт 16529- “Транспорт воситалари” счети.

Агар сотилган асосий восита бўйича тўлов келиб тушса,

Дт 16103- “Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” счети,

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” счети.

Агар, банк томонидан сотилаётган транспорт воситасининг **сотиш қиймати унинг қолдиқ қийматидан юқори бўлса**, у ҳолда,

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” -соф тушум суммаси,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” қолдиқ қиймати

Кт 45909- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда”- фарқ суммаси.

Мабода, банк томонидан сотилаётган транспорт воситасининг **сотиш қиймати унинг қолдиқ қийматидан паст бўлса**, у ҳолда,

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети -соф тушум суммаси,

Дт 55902- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” - смети –фарқ суммаси,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” -смети- қолдиқ қиймати.

Агар, банк томонидан сотилаётган асосий воситаларга **харидор томонидан олдиндан тўлов амалга оширилса**,

а) активнинг сотиш суммасига,

Дт 16103- “Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб- китоблар бўйича олинадиган маблағлар” смети,

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети.

б) банк томонидан сотилаётган транспорт воситасининг **сотиш қиймати унинг қолдиқ қийматидан юқори бўлса**, у ҳолда,

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети - соф тушум суммаси,

Дт 45909- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” смети - фарқ суммаси

Кт 16529- “Транспорт воситалари” смети - қолдиқ қиймати.

в) агар, банк томонидан сотилаётган транспорт воситасининг **сотиш қиймати унинг қолдиқ қийматидан паст бўлганда эса**, у ҳолда,

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети - соф тушум суммаси

Дт 55902-“Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” смети –фарқ суммаси,

Кт 16529- “Транспорт воситалари” смети - қолдиқ қиймати.

Ушбу операцияларнинг амалга оширилишни амалий маълумотлар асосида қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз

1. Дейлик, банкнинг транспорт воситаси 7,0 млн сўмга сотилди ва унинг қолдиқ қиймати 5,0 млн. сўм. (400,0 минг сўм қўшимча қиймат солиғи сифатида тўланди).

1) Қолдиқ қийматига;

Дт 19909- “Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети – 5,0 млн.сўм

Кт 16529- “Транспорт воситалари” смети - 5,0 млн.сўм

2) Транспорт воситасининг сотиш қийматига, - 7,0 млн. сўм.

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” соф тушум суммасига - 7,0 млн. сўм.

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” қолдиқ қийматига - 5,0 млн.сўм.

Кт 45909- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” смети фарқ суммасига - 2,0 млн. сўм.

3) фойда ҳисобидан ҚҚС ҳисобланганда,

Дт 45909- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” смети фарқ суммасига – 0,4 млн. сўм.

Кт 22504-“Ҳисобланган бошқа солиқлар” – 0,4 млн. сўм

4) ҚҚС тегишли давлат солиқ идораларига тўлаш тан олинганда,

Дт 22504-“Ҳисобланган бошқа солиқлар” – 0,4 млн. сўм.

Кт 56917 –“ Бюджетга солиқ тўловлари” -0,4 млн. сўм.

5) ҚҚСнинг пули ўтказилганда -0,4 млн. сўм

Дт 56917 –“ Бюджетга солиқ тўловлари” -0,4 млн. сўм.

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”- 0,4 млн. сўм.

6) Молиявий натижа суммасига,

Дт 29802-“Товар– моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” -6,6 млн. сўм,

Кт 16529- “Транспорт воситалари” смети - қолдиқ қиймати - 5,0 млн.сўм

Кт 45909- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” смети - 1,6 млн. сўм.

2. Агар, юқоридаги операция бўйича банкнинг транспорт воситаси 4,0 млн сўмга сотилган дейлик, унинг қолдиқ қиймати эса 5,0 млн. сўмни ташкил этган, у ҳолда,

1) Транспорт воситасининг сотиш қийматига, - 4,0 млн. сўм.

Дт-19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети - 4,0 млн. сўм,

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети - 4,0млн. сўм.

2) Бир вақтнинг ўзида кўрилган салбий натижага эса,

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети - 4,0 млн. сўм

Дт 55902- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар”- 1,0 млн. сўм,

Кт 16529 - “Транспорт воситалари” смети -5,0 млн сўм.

Банкларда асосий воситаларнинг яроқсиз ҳолга келганида, қиймати тўлиқ жисмоний ва маънавий эскирганда, камомад ёки йўқотишлар аниқланганда, текинга берилганда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 55902- “Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” смети ,

Кт 16500-“Асосий воситалар” тегишли смети.

Банкларда асосий воситаларнинг хизмат қилиш муддати тугашига қарамасдан, фойдаланишга яроқли бўлса, улардан кейинчалик ҳам фойдаланиш мумкин ва улар балансдан чиқарилмаслиги ҳамда эскириш ҳисобланмайди. Агар банк томонидан асосий воситалар бошқа ташкилотнинг устав капиталига кўйилма сифатида йўналтирилганди, у ҳолда уларнинг қиймати тегишли баланс счетларидан чиқарилади ва устав капиталига киритилаётган воситанинг ҳақиқий қиймати 15800- «Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шуъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар» счетининг тегишли счетларига дебетланади.

Агар инвентаризация ўтказилиши давомида ортиқча чиққан асосий воситалар аниқланганда, комиссия қарорига кўра, баҳоланган қиймат бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида балансга қабул қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 16500-“Асосий воситалар” смети,

Кт 45994- “Бошқа фоизсиз даромадлар” смети.

Агар омборга қабул қилинганда, эса,

Дт 16561-“Омбордаги асосий воситалар” смети,

Кт 45994- “Бошқа фоизсиз даромадлар” смети.

Мабода, инвентаризация натижалари бўйича аниқланган камомад банк ходимлари айби билан содир этилганда (ўзлаштирилса), ушбу зарар қонунчилик талабларига кўра, белгиланган тартибда банк ходимидан ундириб олиниши мумкин, у ҳолда бу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

1) Йиғилган эскириш суммасига;

Дт 16500-“Асосий воситалар” тегишли счетлар бўйича йиғилган эскириш суммаси,

Кт 16500-“Асосий воситалар” тегишли счетларнинг дастлабки қиймати.

2) Агар ундириладиган сумма асосий воситанинг қолдиқ қийматидан ортиқ бўлса,

Дт 19908- “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиниши лозим бўлган маблағлар” смети ундириладиган суммаси,

Кт 16500-“Асосий воситалар” қолдиқ қиймати

Кт 45994- “Бошқа фоизсиз даромадлар” смети - фарқ суммаси.

3) Агар ундириладиган сумма асосий воситанинг қолдиқ қийматидан паст бўлса,

Дт 19908- “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар” смети ундириладиган суммаси

Дт 55995 “Бошқа фойсиз харажатлар” смети – фарқ суммаси,

Кт 16500-“Асосий воситалар” смети қолдиқ қиймати.

4) камомадлар тўлиқ ундирилганда,

Дт 10101- “Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар” смети,

Дт 29803- “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар” смети -иш ҳақидан ушлаб қолишлар,

Кт 19908- “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар” смети - ундириладиган суммаси.

Номоддий активларнинг туркумланиши, баҳоланиши ва уларнинг ҳисобини юритиши

Номоддий активлар —моддий кўринишга эга бўлмаган ва фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳамда улардан банк хизматларини амалга оширишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлар ҳисобланади.

Улар қуйидагича туркумланади:

- ⇒ патентлар,
- ⇒ муаллифлик ҳуқуқлари,
- ⇒ гудвилл,
- ⇒ савдо маркалари,
- ⇒ компьютер дастурий таъминотлари,
- ⇒ лицензия кабилардан иборатдир.

Номоддий активлар банкга қуйидаги манбалардан:

- ⇒ сотиб олиш йўли билан;
- ⇒ банк ичида яратилиши йўли билан
- ⇒ текинга олиш йўли билан кириш қилинади.

Банкларда номоддий активларни балансга қабул қилиш жараёнида қабул қилиш далолатномалари тузилади ва уларнинг ҳақиқий қиймати кўрсатилиб, қуйидаги:

- ⇒ дастлабки қиймати,
- ⇒ тиклаш қиймати,
- ⇒ эскириш қиймати,
- ⇒ баланс қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Номоддий активларни барпо этиш ва сотиб олиш жараёнида қуйидаги тамойилларни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

- ⇒ сотиб олишда - таннарх тамойилини қўллаш;
- ⇒ фойдаланиш давридаги мутаносиблик тамойилини қўллаш - бунда қилинган харажатлар ва бу харажатлар эвазига олинган даромад бир вақтда акс эттирилиши талаб қилинади;
- ⇒ муомаладан чиқим қилинаётганда даромадни эътироф этиш тамойилини қўллаш, яъни, чиқим қилишда - олинган тўлов ва ҳисобдан чиққан активнинг баланс қиймати ўртасидаги фарққа тенг бўлган фойда ёки зарар эътироф этилади.

Ушбу талаб четдан сотиб олинган номоддий активлар билан бирга банк ичида яратилган номоддий активлар учун ҳам қўлланилади.

Агар номоддий актив, номоддий актив сифатида тан олишнинг таърифига ҳам, мезонларига ҳам жавоб бермаса, у ҳолда ушбу модда бўйича харажатлар улар қайси даврга тегишли бўлса, шу давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

Активларни номоддий актив сифатида таърифлаш имкони бўлмаганда, шу элементнинг муҳимлигидан келиб чиқиб аниқланади. Айрим ҳолларда номоддий активлар қолдиқ қийматига эга бўлиши мумкин, шунга ҳарамай, маълум хизмат муддати ёки амал қилиш муддатига эга бўлмаган номоддий активнинг қиймати асосли тахмин қилинган муддатда амортизация қилинади.

Сотиб олинган номоддий активлар бошланғич қиймати бўйича баҳоланиб, уларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир номоддий актив бўйича очилган тегишли шахсий счетларда юритилади ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади. Банк ичида яратилган номоддий активлар балансда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Бепул олинган номоддий активлар дастлаб балансда ҳақиқий қиймати бўйича акс эттирилади.

Бепул олинган номоддий активларнинг қиймати, қонунчиликка мувофиқ баҳолаш билан шуғулланувчи экспертлар томонидан ёки қабул қилиш-топшириш дололатномалари бўйича аниқланади. Агар сотиб олинган номоддий активлар қийматини банк олдиндан тўлиқ ёки қисман тўлаб берилган тақдирда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети,

Кт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” смети,

Активлар келиб тушганда эса,

Дт 16601- “Номоддий активлар” смети,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети.

Агар банк томонидан тўлов номоддий активлар келиб тушгандан кейин амалга оширган бўлса, у ҳолда, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув амалга оширилади:

а) активларнинг келиб тушиши ва балансда акс этирилишига,

Дт 16601- “Номоддий активлар” смети,

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети.

б) активларнинг қиймати тўланганда эса,

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети,

Кт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” смети.

Агар банклар номоддий активларни **бепул олганда тақдирда**, бепул олинган номоддий активларнинг ҳақиқий қиймати бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 16601- “Номоддий активлар” смети,

Кт 30905- “Текинга олинган мулклар” смети.

Банкларда фойдаланишда бўлган номоддий активларга ҳисобланган амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича банк харажатларига ўтказиб борилади:

Дт 56618- “Номоддий активларнинг эскириш суммаси” смети,

Кт 16605- “Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)” смети.

Банкларда номоддий активлар қуйидаги ҳолларда балансдан чиқарилади:

⇒ тўлиқ эскирганда;

⇒ сотилганда;

⇒ текинга берилганда;

⇒ форс-мажор ҳолатларда.

Уларни ҳисобдан чиқаришда қолдиқ қиймати қуйидагича аниқланади:

1) жамғарилган эскириш суммаси;

Дт 16605- “Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)” смети,

Кт 16601- “Номоддий активлар” смети.

2) ушбу номоддий актив бўйича 30908- “Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси” - сметидаги қолдиқ суммаси:

Дт 30908- “Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси” смети,

Кт 31203- “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)” смети.

Агар ҳисобдан чиқарилаётган **номоддий активлар сотилганда эса**,

1) харидор томонидан тўлов амалга оширилган ҳолда:

Дт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети,

Кт 16601- “Номоддий активлар” смети.

2) тўлов келиб тушганда:

а) агар номоддий активларнинг сотиш баҳоси қолдиқ қийматидан юқори бўлса:

Дт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” смети,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети

Кт 45913- “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” смети.

б) агар номоддий активларнинг сотиш баҳоси қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” смети,

Дт 55906- “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” смети,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” смети.

3) агар номоддий актив учун тўлов олдиндан амалга оширилган ҳолда:

Дт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” смети,

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети.

Бир вақтнинг ўзида:

а) агар номоддий активларнинг сотиш баҳоси қолдиқ қийматидан ортиқ бўлганда:

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети,

Кт 45913- “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” смети

Кт 16601- “Номоддий активлар” смети.

б) агар номоддий активларнинг сотиш баҳоси қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” смети

Дт 55906- “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” смети,

Кт 16601- “Номоддий активлар” смети.

Амалиётда вақт ўтиши билан номоддий активларнинг қиймати тўлиқ эскирганда, бепул берилганда белгиланган тартибда зарар сифатида ҳисобдан чиқарилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Қолдиқ қийматига,

Дт 55906- “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” смети,

Кт 16601- “Номоддий активлар” смети

Материал захираларини туркумлаш, баҳолаш ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари

Банкларда материал захиралар - бу банк фаолиятида фойдаланиладиган ва фойдаланиш жараёнида қуйидаги мезонлардан бирортасига жавоб бера оладиган моддий активлардан ташкил топади: хизмат муддати бир йилдан

ортиқ бўлмаган; хизмат муддатидан қатъий назар, бир донасининг нархи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган (сотиб олиш вақтидаги) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача қийматга эга бўлган буюмлардир.

Банкларда материал заҳиралар хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъий **назар қуйидагича туркумланади:**

- ⇒ махсус асбоблар ва мосламалар;
- ⇒ махсус ва санитар кийимлар ҳамда махсус пояфзаллар;
- ⇒ ётоқ жиҳозлари;
- ⇒ ёзув-чизув моллари;
- ⇒ ошхона ва овқатланиш хонаси инвентарлари, шунингдек, овқатланиш хонаси чойшаблари;
- ⇒ қурилиш-таъмирлаш ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик қурилма ва мосламалар (титулсиз иншоотлар);
- ⇒ фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмашиш асбоб-ускуналари
- ⇒ бошқа буюмлар.

Банкларда материал заҳиралар қуйидагилардан энг кам қиймати бўйича баҳоланади:

- дастлабки қиймат - материалларни сотиб олиш, қайта ишлаш ва уни фойдаланиш ҳолатига келтириш билан боғлиқ жами харажатлар суммасидир;

- ҳақиқий қиймат - ўзаро алоқадор бўлмаган ва умумий шартларда битимни амалга оширишни ҳоҳловчи боҳабар томонлар ўртасида активни алмаштириш ёки мажбуриятни қоплаш учун келишилган суммасидир;

- соф сотиш қиймати - оддий иш фаолияти давомидаги битим тузиш ва сотишни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамда ҳисобланган харажатлар чегириб ташланган сўнгги сотиш баҳосидир.

Банкларда материал заҳираларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда **қуйидаги асосий вазифаларни** бажариш лозим:

- ⇒ материал заҳираларининг сақланиши устидан назорат ўрнатиш;
- ⇒ омбордаги мавжуд материал заҳираларнинг белгиланган меъёридан ошмаётганлигини назорат қилиш;
- ⇒ материал заҳираларнинг келиб тушиши ва сарфланиши билан боғлиқ операцияларни дастлабки ҳужжатларда тўғри расмийлаштириш;
- ⇒ хизмат кўрсатишга сарфланаётган материал заҳираларнинг белгиланган меъёрларига амал қилишини ва тақсимланишини назорат қилиш;
- ⇒ материал заҳираларни инвентаризация қилиш тартибини ташкил қилишдан иборатдир.

Материал захираларнинг кирими ва сарфланишини ҳисобга олиш

Тижорат банклари томонидан материал захираларнинг қийматини олдиндан тўлаб бериш йўли билан сотиб олинганда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

1) материал захираларга олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланганда:

Дт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” счети

Кт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” счети.

2) материал захиралар кирим қилинганда:

Дт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счети,

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” счети.

Агар материал захиралар келиб тушгандан кейин тўловлар амалга оширилса, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

1) материал захиралар келиб тушганда;

Дт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счети,

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” счети.

2) материал захираларнинг қиймати тўлиқ тўланганда эса,

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар” счети.

Кт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” счети.

Агар материал захиралар Бош банк/филиалдан филиаллар/бош банкка берилганда шу кунги банк ҳужжатларига моддий жавобгар шахсга тегишли филиал/ бош банк томонидан берилган талабнома ва ишончномага асосан, бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Дт 16104- “Бош банк/ филиаллардан олинадиган маблағлар – Товар-моддий қимматликлар» счети,

Кт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счети.

Ушбу материал захиралар филиалга қабул қилинганда эса,

Дт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счети,

Кт 22205- “Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Товар-моддий қимматликлар” счети.

Материал захираларни сотиб олиш бўйича шартномада молиялаштириш элементи ишлатилган бўлса, агарда, оддий ҳолдаги сотиб олиш шартларидаги тўланадиган баҳо билан тўланган баҳо ўртасидаги фарқ бутун харидни молиялаштириш давомида фоизли харажатлар сифатида тан олинади.

Масалан: дейлик, тижорат банки жами -500 000 сўмлик 200 дона ёзув папкаларини (донаси - 2500 сўм) савдо дўконидан сотиб олди ва сотиб олиш вақтида сотувчи умумий суммадан 3% чегирма берди ҳамда ушбу ёзув папкаларини келтириш учун 5000 сўмлик транспорт харажатлари сарфланди.

Демак, ёзув папкаларининг жами қиймати $(200 \times 2500 \text{ сўм} = 500\,000 \text{ сўмни, чегирма } 500\,000 \times 3\% = 15\,000 \text{ сўмни ва транспорт учун харажат } 5000 \text{ сўм}) = 490\,000 \text{ сўмни ташкил этган. } (500\,000 \text{ сўм} - 15\,000 \text{ сўм} + 5000 \text{ сўм} = 490\,000 \text{ сўм})$. Натижада, 200 дона ёзув папкалари 485 000 сўмга тўғри келган. Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счёти – 490 000 сўм,

Кт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” счёти – 490 000 сўм.

Бошқа харажатлар материалларнинг ҳақиқатдаги қийматига уни фойдаланиш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган қисмигина қўшилади.

Материал заҳиралари қийматига қўшилмасдан давр харажатлари сифатида харажат қилинган вақтда **тан олинувчи харажатларга** қуйидагилар:

⇒ сақлаш харажатлари;

⇒ материалларни фойдаланиш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий харажатлар;

⇒ сотиш харажатлар киради.

Банкларда материал заҳираларнинг сарфланишни баҳолаш учта усул билан ҳисобдан чиқарилади. Улар,

а) ўртача тортилган қиймат усули - ТМЗ ҳар бир бирлигининг қиймати ҳисобот даври бошида бир турдаги ТМЗ бирликлари ва ҳисобот даври давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган бир турдаги бирликларнинг ўртача тортилган қиймати бўйича аниқланади. ТМЗ бирлигининг ўртача тортилган қиймати ТМЗнинг бутун қийматини шу заҳиралар бирликлари сонига бўлиш билан аниқланади.

б) биринчи харид баҳолари бўйича баҳолаш усули (ФИФО - биринчи кириш - биринчи чиқим) – сарфланаётган материал заҳиралар ой давомида келиб тушган биринчи партияда материал заҳираларнинг нархи бўйича ҳисобдан ўчириш тушунилади.

в) охириги харид нархлари бўйича баҳолаш усули (ЛИФО - охириги кириш - биринчи чиқим) – сарфланаётган материал заҳиралар ой давомидаги охириги партиядаги харид қилинган материал заҳираларининг нархи бўйича ҳисобдан чиқариш тушунилади.

Материал заҳираларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби

Банкларда материал заҳиралар қуйидаги ҳолларда **ҳисобдан чиқарилади:**

⇒ фойдаланишга берилганда;

- ⇒ сотилганда;
- ⇒ бепул берилганда;
- ⇒ камомад аниқланганда ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлганда;
- ⇒ форс-мажор ҳолатларда.

Материал заҳиралар омбордан ишлатиш учун берилганда шу сана учун харажат сифатида тан олинади. Агар материал заҳиралар чиқиб кетаётган бўлса, унга мос даромад тан олинган санада тегишли харажат ҳам тан олинади. Материалларни соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқариш ва улар бўйича кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқариш амалга оширилган ёки зарар кўрилган даврда давр харажати сифатида тан олинади.

Банкларда материал заҳираларни банк хизматларини амалга оширишда бўлимларига фойдаланишга берилганда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув билан расмийлаштирилади:

Дт 56406- “Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари” смети,

Кт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” смети.

Банкда фойдаланилмаган ва фойдаланишга эҳтиёж бўлмаган ортиқча материал заҳиралар сотилиши мумкин, бу ҳолда уларнинг ҳаракати бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

1) сотиш суммасига:

Дт 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” смети,

Кт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланadиган маблағлар” смети.

2) молиявий натижа аниқланганда:

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланadиган маблағлар” смети,

Кт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” смети.

3) молиявий натижа ижобий бўлганда:

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланadиган маблағлар” смети - соф тушум суммаси,

Кт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” смети

Кт 45913- “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда” смети - "соф тушум" ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммаси.

4) молиявий натижа салбий бўлганда:

Дт 29802- “Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланadиган маблағлар” смети - соф тушум суммаси

Дт 55906- “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар” счёти - "соф тушум" ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммаси,

Кт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счёти.

Тижорат банклари материал захиралар бўйича камомад чиқиши, яроксиз ҳолга келиши (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), текинга берилиши, шунингдек, форс-мажор ҳолатларда уларнинг қиймати белгиланган тартибда банк зарарига ҳисобдан чиқарилиши мумкин, у ҳолда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Дт 56795- “Бошқа операцион харажатлар” счёти,

Кт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счёти.

Банкларда материал захираларининг соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 56895- “Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бақолаш” счёти,

Кт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счёти.

Банкларда материалларни инвентаризация қилиш тартиби

Материал захиралар камомади аниқланган ҳолда, уларнинг қиймати айбдор ва моддий-жавобгар шахслардан қонунчиликда ўрнатилган тартибда, агар айбдор шахс аниқланганда материалларнинг қиймати инвентаризация комиссиясининг бошлиғи ва аъзолари, моддий жавобгар шахс томонидан имзоланган далолатнома билан расмийлаштирилади, улардан белгиланган тартибда ундириб олинади. Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 19908- “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар” счёти,

Кт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” счёти.

Агар айбдор шахснинг иш ҳақидан ундириб олинганда эса,

Дт 29803- “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар” счёти,

Кт 19908- “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар” счёти.

Мабода, айбдор шахсдан белгиланган тартибда касса орқали ундириб олинганда:

Дт 10101- “Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар” счёти,

Кт 19908- “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар” смети.

Агар инвентаризация пайтида омборда ҳисобда бўлмаган буюмлар аниқланса, улар инвентаризация комиссияси томонидан бозор нархида баҳоланиб, белгиланган тартибда омборга кириш қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзуви амалга оширилади:

Дт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” смети,

Кт 45994- “Бошқа фойсиз даромадлар” смети.

Текшириш учун саволлар

1. *Банкларнинг ички операциялари ҳақида тушунча беринг*
2. *Асосий воситалар ва унинг ҳисобини юритиш усуллари айтиб беринг*
3. *Материаллар ва КБТТ буюмларни санаб беради ва уларнинг ҳисобини юритиш мазмунини айтиб беради.*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Номоддий активлар - бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, ҳамда улардан банк хизматлари кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир.

Бошланғич қиймат - бу номоддий активларни сотиб олиш ёки яратиш билан боғлиқ бўлган, барча тўланган солиқлар, божлар шунингдек, етказиб бериш ва ўрнатиш ва уни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай ҳақиқий харажатларнинг суммасидир.

Номоддий активларнинг қайта баҳоланишини ҳисобга олган ҳолдаги қиймати **тикланиш қиймати** дейилади. Бухгалтерия балансида тан олинган актив суммаси **баланс қиймати** дейилади.

Гудвилл (goodwill) – яхши ном, обрў-эътибор, «фирмининг баҳоси». Банкни сотиб олишда унинг соф активлари баҳосидан (бозор баҳоларидаги барча активлар ва барча мажбуриятлари ўртасидаги фарқ) ортиқроқ баҳода харидор томонидан тўланган суммаси Гудвилл деб юритилади.

Сотиб олинган номоддий актив- бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг бошланғич қийматини ўзгаришига уларнинг фақат қайта баҳоланиши натижасида рухсат этилиши мумкин.

Бепул олинган номоддий активлар дастлаб балансида реал (**ҳақиқий**) қиймати бўйича акс эттирилади. Бепул олинган номоддий активларнинг қиймати, қонунчиликка мувофиқ баҳоланган фаолияти билан шуғулланиш

хуқуқига эга бўлган экспертлар томонидан ёки қабул қилиш топшириш ҳужжатларидаги активлар маълумотлари асосида аниқланади.

4 БОБ. БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИ

4.1. Банк даромадлари ва харажатлари ҳисоби

Банкларда молиявий натижаларни акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари 31200- «Тақсимланмаган фойда», 40000- «Даромадлар» ва 50000- «Харажатлар» ҳисобварақларидан фойдаланилади. Бунда, тижорат банклари фаолиятини амалга оширишдаги барча операциялар бўйича сарфланадиги ва тўланадиган харажатларни 50000- «Харажатлар» ҳисобварақларида акс эттирилиб, бутун ой ёки йил давомидаги харажатлар аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларида расмийлаштирилади.

Харажат – бу ҳисобот даврида пул маблағларининг ёки бошқа активларнинг камайиши сифатида, ёки капитал эгаларининг бадалларини қайтариб тўлаб берилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, капиталнинг камайишига олиб келадиган мажбуриятларнинг кўпайиши сифатида иқтисодий нафнинг камайишидир. Банкларнинг харажатлари- бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида амалга оширилган фоизли ва фоизсиз ҳамда банк операцион харажатларидан ташкил топади. Ушбу харажатларнинг барчаси бухгалтерия ҳисобварақлари режасидаги 50000- «Харажатлар» ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

Банклар уз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета ассигнованиялари доирасида амалга оширадилар.

Банкнинг операцион харажатлари сметаси бўйича кредитларни банк раҳбари тасарруф этади. Банк раҳбари банк бўйича бўйрук чиқариб, смета ассигнованияларини тасарруф этиш ҳукукини уз муовинига ишониб топширишга ҳақлидир. Республика банки раиси ҳам бўйрук чиқариб смета бўйича ассигнацияларни тасарруф этиш ҳукукини узининг биринчи муовинига бериши мумкин. Бирок, смета бўйича ассигнованияларни тасарруф этиш ҳукукини бошқа шахсга бериб қўйиш билан банк раисини унинг смета интизоми ахволи учун қонунда белгиланган шахсий жавобгарликдан озод қилмайди. Смета ассигнованиялари, шу жумладан келгуси даврлар харажатлари ҳисобидан маблағ сарфлаш учун ҳужжатда кредитлар тасарруф этувчисининг ижозат имзоси бўлиши шарт.

Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета ассигнациялари ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабригача утказилиши лозим.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банклар томонидан балансда қўйидаги тегишли ҳисобварақлар юритилади: "Иш хақи ва ходимлар учун бошқа харажатлар", "Ижара ва саклаш", "Хизмат сафари ва транспорт харажатлари", "Маъмурий харажатлар" ва шу қабилар. Бу ҳисобварақларга факат ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда қилинган харажатлар киритилади.

Келгуси йиллар сметалари ҳисобидан банкнинг операцион харажатлари учун килинадиган харажатлар ҳисоби "Пули олдиндан тўланган харажатлар" ҳисобварагида юритилади.

Бу ҳисобваракка йил охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш хаки, хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар, келаси йил учун газетага обуна бўлиш харажатлари, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни копланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси ва шу кабилар утказилади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида шу йилга тааллуқли харажатлар "Олдиндан тўланган харажатлар" номли 19925-ҳисобварақдан Марказий банкдаги қўйидаги тегишли иккинчи тартиб ҳисобварақларига "Иш хаки" номли 56102, "Даврий нашрлар, китоблар, газеталар" номли 56418, ҳисобварақларга ва тижорат банкларидаги бошқа тегишли ҳисобварақларга утказилади.

Суммалари ҳисобидан иштимой сугўртага ажратмалар килинмайдиган, ишдан бушаганда тўланадиган нафакаларни давлат иштимой сугўртасига доир бадаллар бўйича ҳисоб-китоб қайдномаларида ажратиб кўрсатиш учун бу нафақа тўловлари ҳисобини алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритиш тавсия этилади.

Банк операцион харажатлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилган ходим бу харажатлар бўйича ҳужжатларни бухгалтерия қайдловлари учун қабул қилаётганда қўйидагиларни текширади:

пули тўланаётган ҳужжатда кредитларни тасарруф этувчининг рухсат имзоси бор-йўклиги (агар бунак ҳисоботи каби жамлама ҳужжат пули тўланаётган бўлса, имзо факат жамлама ҳужжатда бўлиши талаб қилинади);

29802- Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисобварақдаги бунакларни ҳисобга олган ҳолда смета ассигнования қолдиги ушбу чиқимни тўлаш учун етарли эканлиги;

пули тўланаётган ҳужжатдаги хусусий суммалар ва якунлар тўғрилиги;

ҳужжат тўғри расмийлаштирилгани ва хусусан, кўрсатилган хизматлар учун тузилган тўловномаларга банкнинг тегишли мансабдор шахслари бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қабул қилинганини тасдиқлаб қўйган имзоларнинг бор-йўклиги;

сотиб олинган моддий бойликлар учун ёзилган тўловномаларда бу бойликларни улар бут сакланиши учун жавобгар шахслар қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги тилхатлар бор-йўклиги;

ҳужжат пули ҳисоботи топшириладиган суммалардан тўланган ҳолларда пул олингани тўғрисида ҳужжатга имзо чекилгани.

Агар ҳужжат нақд пулсиз тартибда тўланса, у ҳолда мемориал ордери тузилади ёки унинг ўрнига пули тўланаётган ҳужжатда котировка қилинади. Жамлама ҳужжат, масалан, бунак ҳисоботи бор бўлса, котировка жамлама ҳужжатда қилинади. Агар ҳужжат суммаси нақд пулда тўланиши лозим бўлса, у ҳолда касса чихим ордери тузилади. Пул тўлаш учун қабул қилинган ҳар бир ҳужжатга "Утказилди" деган ёзуви штамп босилади.

Мемориал ва касса ордерлари банк ички ҳисобварақлари бўйича ҳисоб юритадиган бухгалтер ҳамда бош бухгалтер ёки унинг муовини томонидан имзоланади.

"Банк хизматчиларининг иш хаки ва улар учун сарфланган бошқа харажатлар", "Хизмат сафари ва йул харажатлари" ва "Хизмат сафари вақтидаги кундалик харажатлар" ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобва-рақлар (смета бўлинмалари бўйича шахсий ҳисобварақлар бундан мустасно) махсус шаклда банк ходимлари шахсий ҳисобварақлари юритилади.

Иш хаки банк ходимларига факат ишланган вақт учун ва белгиланган муддатларда, ойига икки марта - ойнинг биринчи ва иккинчи ярмида учун тўланиши лозим.

Иш хаки тўлаш бўйича белгиланган муддатларда шахсий ҳисобва-рақларда ойнинг утган ярми учун ҳисоб-китоблар тўлдирилади. Ҳисоб-китоб шахсий компьютерда дастурий йул билан амалга оширилади ва ушбу ҳисоб-китоблар асосида иш хаки бериш учун қайднома тузилади.

Меҳнат таътилга чиқаётган ходимларнинг иш хаки шахсий ҳисобварақларда ва қайдномада тўлов даврлари бўйича алоҳида сатрларда ёзилади.

Ойнинг биринчи ярми учун иш хаки тўлаш қайдномасининг умумий якунида "Берилади" устунида кассир номига "Иш хаки" деган тегишли шахсий ҳисобварақ дебети бўйича касса чиқим ордери ёзилади. Ушланмалар суммасига айти шу ҳисобварақнинг дебети ва тегишли ушланмалар ҳисобварағи кредити бўйича мемориал ордер тузилади.

Ойнинг иккинчи ярми учун тузилган қайднома асосида иш хаки бўйича ёзилган бутун сумма ойнинг охири кунида "Банк хизматчиларининг иш хаки ва бошқа харажатлар" биринчи тартиб ҳисобварағидаги тегишли ҳисобварақлар дебетига ҳамда "Бошқа кредиторлик ҳисобварақлари" ҳисобварағининг кредитига киритилади. Бунда қайдноманинг "Берилади" устуни-даги якуний суммаси "Ойнинг иккинчи ярми учун тўланиши лозим бўлган иш хаки" номли алоҳида шахсий ҳисобвараққа ёзиб қўйилади. Кейинги ой бошида, утган ойнинг иккинчи ярмида ишлаб топилган иш хакини бериш учун ажратилган куни кассир номига юкорида айтилган шахсий ҳисобварақдаги суммада касса чиқим ордери ёзилади. Ходимлар томонидан белгиланган тўлов куни олинган иш хаки кун охирида кассага кирим қилиниб, "Бошқа кредиторлик ҳисобварақлари" ҳисобварағининг кредитига қўйилади ва ҳар бир ходимга тегишли суммалар "Берилмаган иш хаки бўйича депонентлар" номли жамлама шахсий ҳисобварағига ёзилади. Йирик банкларда раҳбариятнинг рухсати билан 3 (уч) кун давомида иш хаки берилишига йул қўйилади. Кассир авансинг қолдигини "Эмиссия-касса иши, пул тушумларини инкассация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси банкларида қимматликларни ташиш тўғрисида"ги Йўриқноманинг 146-бандида белгиланган тартибда сақлаши лозим.

Иш хаки ҳисобланаётганда ушлаб қолинган суммаларнинг ҳисобини юритиш учун "Бошқа кредиторлик ҳисобварақлари" ҳисобварағида ушланмаларнинг ҳар бир тури бўйича, учинчи шахслар фойдасига ушланмалар

бўйича эса уларнинг ҳар бирига алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади. Ушлаб қолingan суммалар кимга тегишлилигига қараб, иш ҳақи тўланадиган муддат кунда утказилади. Алоҳида фуқаролар фойдасига ундирилган суммалар, масалан, алиментлар олувчилар билан келишиб, уларга почта орқали жунатилади ёки олувчи кўрсатган банкдаги омонатларга утказилади. Ушланмалар нақд пул билан тўланадиган ҳолларда олувчилар шахсан ўзлари келгунича ушбу ушланмалар "Бохка дебиторлик ҳисобварақлари" ҳисобварағида сақлаб турилади.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақининг барча турлари иш ҳақи фондига киритилади.

Банк ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги низомларга мувофиқ уларга бериладиган мукофотлар 56106 - "Банк хизматчилари учун имтиёзлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Ижтимоий сугўртага бадаллар ва иш ҳақи фондидан белгиланган миқдордаги нафақа фондига ажратмаларнинг ҳисоби 56114 - "Ижтимоий сугўрта бўйича бадаллар" баланс ҳисобварағида юритилади. Касаба уюшмалари кенгаши, бандлик фонди, солиқни сугўрта қилиш ва бошқа тегишли фондларга ажратиладиган бадалларнинг ҳисоби 56122 - "Бандлик фонди ва бошқа тегишли фондлар учун бадаллар" баланс ҳисобварағида очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади. Мол-мулк сугўртаси, ёнгинага қарши сугўрта ва банкнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа сугўрталар бўйича бадалларнинг ҳисоби 56710 - "Сугўрта харажатлари" баланс ҳисобварағида юритилади.

Ижтимоий сугўртага дахлдор бўлган барча тоифадаги ходимлар иш ҳақи фонди (даромади) бўйича белгиланган тарифга асосланган ҳолда сугўрта бадаллари ҳисобланади.

Ҳисобланган сугўрта бадаллари утказилаётганда қўйидаги қилинган харажатлар чегириб қолинади: пенсиялар, меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик, омиладорлик ва туғиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган, дафн маросими учун бериладиган нафақалар, болалар учун нафақалар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари санаторий-курорт хизматларидан фойдаланиши учун бериладиган нафақалар. Ҳисобда харажатларнинг турлари, ишга лаёқатсизлик кунларининг сони ва бошқалар акс эттирилади.

Ҳар чоракда ҳисобот - ижтимоий сугўрта фонди маблағлари бўйича ҳисоб-китоб қайдномаси тузилади. Унда бутун иш ҳақи умумий фонди ҳамда ҳисобланган бадаллар, бошқа тушумлар суммалари, шунингдек ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузўридаги Ижтимоий сугўрта фондининг 1994 йил 10 февралдаги "Сугўрта бадаллари ёзиш ва тўлаш, давлат социал сугўртаси маблағлари ҳисобини юритиш ва сарфлаш тўғрисида"ги Ё08-3/90 йўриқноманинг 4-иловасида берилган шакл бўйича пенсия ва нафақалар тўлашга сарфланган суммалар кўрсатилади. Айни шундай ҳисоботлар пенсия фондига, Иш билан таъминлаш фондига ва касаба уюшмалари кумитасига ҳам юборилади.

Ҳисоб-китоб қайдномаси маълумотларига қараб чорак давомида ижтимоий сугўртасига утказилган тўловлар қайта ҳисоблаб чиқилади. Бунда тўланиши

керак бўлган бадаллар суммасидан банк утган давр мобайнида килган харажатлар суммаси чегириб қолинади.

Агар қайта ҳисоблаш натижасида сугўрта бадаллари кам тўлангани аниқланса, у ҳолда тўланмай қолган сумма ҳисобот билан бирга утказилади, башарти қайта ҳисоблаш чоғида ортиқча пул тўлаб юборилгани маълум бўлса, у ҳолда шу сумма миқдорида навбатдаги бунак тўлови қамайтирилади.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, ёш мутахассисларга улар олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тугатганидан кейин таътил даври учун тўланадиган, ходим ва унинг оила аъзолари жойлашиб олиши учун бир марта бериладиган нафакалар суммаси, кундалик харажатлар, ходим ва унинг оила аъзолари қучишга сарфлайдиган пул қиймати "Ходимлар учун бошқа харажатлар" деган ҳисобварақдаги "Қучиш" деган алоҳида шахсий ҳисобварақда ҳисобга қолинади.

Автотранспортдан фойдаланиш ва уни жорий таъмирлаш харажатлари, фойдаланилган ёнилғи қиймати ҳисоби "Транспортни сақлаш ва шаҳар бўйлаб юриш" деган алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади. Бундан ташқари, мазкур шахсий ҳисобварақда марказлаштирилган таъминот анжомларини вилоят доирасида ташиш харажатлари ҳисоби ҳам олиб борилади.

Банк реклама ва эълон бериш, ёзув-чизув анжомлари ва иш жойи учун буюмлар сотиб олишга қиладиган харажатлар, почта, телефон ҳамда факс харажатлари, даврий нашрлар, китоблар, газеталар учун қиладиган харажатлар ҳисоби "Маъмурий харажатлар" деган шахсий ҳисобварақда тегишлича иккинчи тартиб ҳисобварақларида юритилади. Бу ҳисобварақлар бўйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар доирасида қилинади.

Тижорат банкларда меҳнат ҳақи ва унга нисбатан қилинадиган ажратмалар ҳисоби.

Банкларда сарфланган меҳнат, бажарилган иш ва хизматлар ҳамда улар учун ҳисобланган иш (меҳнат) ҳақини ҳисобга олишда дастлабки ҳужжатларнинг қатор шаклларида фойдаланилади.

Банкларда асосан вақтбай ва иш ҳақи тўланганлиги ва меҳнат интизомини назорат қилиш, шунингдек вақтидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш мақсадида табель ҳисоби қўлланилади. Табель ҳисоби иш вақтини ҳисобга олиш табели (64 шаклда) да юритилади. Банк тизимида табелларни умумий бўлим раҳбари томонидан олиб борилади. Табелда бўлинмадаги барча ходимларнинг табель рақамлари изчил равишда кўрсатилиб, уларнинг ҳар кунги ишга чиқишлари, ишлаган соат миқдори қайд қилинади. Ишга чиқмаган кунлар эса табелда шартли белгилар, масалан, "Т"- таътил, "К"- касал, "С"- сасбасиз ва ҳ.к. тартибда акс эттирилади. Табелда ҳар бир ходим бўйича ой охирига ва бошига фойдаланилмаган дам олиш кунларининг миқдори кўрсатилади. Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўйича зарур маълумотларни олиш учун табелда маълумотлар ҳар бир ходим бўйича; лавозими, маоши, тоифаси, табель рақами, синтктик ва аналитик ҳисоби ва ҳақ тўлаш тури кўрсатилади.

Табель ҳисоби маълумотлари ходимларга иш (меҳнат) ҳақи ҳисоблашда

ягона асос бўлиб ҳисобланади. Хар бир ходимга тегишли хакини аниклаш учун бажарилган ишларин ҳисобга олишга доир дастлабки хужжатлар ходимлар бўйича гурухланади..

Тўлов давридаги хакни жамлаш ҳисоблашув тўлов ведомостлари (73 шакл) ёки меҳнат хаки бўйича ҳисоблашувлар дафтари (44 шакл)да амалга оширилади.

Ҳисоблашув тўлов ведомости (меҳнат хаки бўйича ҳисоблашувлар дафтари) меҳнат хаки ҳисоблаш ва ундан ушланадиган чегирмаларни ҳисобга оладиган асосий йигма хужжатдир.

Тўлов ведости иш вақтини ҳисобга олиш табели асосида хар бир ходимнинг меҳнат хаки улчами белгилангандан сўнг тузилади. Худди шундай 29896 ҳисоб ракамида иш хакига нисбатан ҳисобланган ажратмалар ҳисобга олинади.

Жадвал. Иш хакига нисбатан ҳисобланган ажратмаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби

№	Дебет	Кредит
1Нафака фонди 31 %	56102	22510
Бандлик фонди %	56102	22512
Ижтимоий суғурта фонди 2,5%	56102	22510

Банк бухгалтерияси томонидан бир вақтнинг узида иш хакидан пул ушлаб қолиш амалга оширилади, бу операция 29896 ҳисоб варакасининг шахсий ҳисоб варакаларида ҳисобга олинади ва улар бухгалтерия счетларида қўйидагича акс эттирилади.

Жадвал. Меҳнат хакидан ушланмаларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши

№	Дебет	Кредит
Пенсия фонди	56102	22502
Даромад солиги	29896	22504
Ҳисобланган ажратмалар	Мб даги корсчетдан утказиб берилди.	
	22502,22504	10301

Ўзбекистон Республикаси Соликлар тўғрисида қонун 1991 йил 14 июнда қабул килинди. Унда солик тизими хар қандай давлатда давлат бюджетининг кириш қисмини тўлдирувчи бош манбаи бўлиб ҳисобланиши кўрсатиб утилган. Бундан ташқари солиг маблағларининг бир ерга тўплаш жараёнида иқтисодий кизиктириш, химоя қилиш вазифаларини ҳам бажарилиши таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида қабул килинган қоидаларга кўра 1998 йилдан даромад солигини ҳисоблаш жаҳон тажрибаси асосида амалга оширила бошланди. Унга кўра даромад солигини ҳисоблаш қўйидаги жадвалда келтирилган тартибда амалга оширилади.

Жадвал.

Пул кредит сиёсати комиссиясининг 1996 йил 8 апрелда 12-10-51 номерли Тижорат банкларида иш хакини бериш тартиби асосида иш хаки берилади.

Бизнинг барчамизда маълум иш хаки хакикий ишлаган соатларда берилади, уни ҳисоблаш эса шу штат жадвалида белгиланган нормадан келиб чиққан ҳолда ой давомида эришилган ютуқлар ва даромаддан келиб чиқиб банк раҳбарияти томонидан марказлашган ҳолда банк ходимлари ойлик рағбатлантирилади.

Иш хаки билан биргаликда иш хакига ҳисобланган ажратмалар банк харажатларига (56102 ҳисоб раками иш хаки фонди) кушилади.

ИАТ Галла банки Бухоро вилояти бўлимида меҳнат хакига ажратмалар ва солиқлар ҳисобини автоматлаштириш, аудиторлик текширувлари учун керакли бўлган ҳаққоний маълумотлар тайёрлаб бериш борасида анчагина ишлар амалга оширилган.

Ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат Галла банки энг яхши ахборот технологияларини жорий этишда маълум ютуқларга эришди.

Аммо амалдаги ҳисоб тизимида факатгина компьютерларни қўллаш оркали меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини замон талаби асосида ташкил қилиш имкониятини бермайди. Бизнингча меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий йуналишларидан бири унинг услубий асосларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисобини счетлар режасидаги счетларнинг таркиби ва жойлашишини такомиллаштириш оркали эришиши мумкин.

Бунинг учун счетлар режасидаги счетларни қўйидагича жойлаштириш мақсадга мувофиқдир:

29800 "Бошқа пасивлар" счетида

22512 "Бандлик фонди билан ҳисоб-китоблар" счетида кейинги буш тўрган 22510 счети "Ижтимоий сугўрта фонди (2,5%) билан ҳисоб-китоблар" деб аташ мақсадга мувофиқдир. Бу ажратмалар айти пайтда пенсия фонди килинаётган 31% ли ажратмалар билан биргаликда ҳисобга олинмокда.

Счетлар режасига ушбу счетларни киритиш уларнинг аналитик информациялар билан таъкидлаш имкониятини оширади ва бошқарув аппаратини маълумотлар билан таъминлаш даражасини оширади.

Бухгалтерия ҳисоби жаҳон амалиётида ва ҳисоб юритишнинг халқаро андозаларида жамлама ҳисоб ўрнига Асосий дафтар, деб аталувчи ҳисоб дафтарлари, тафсилий ҳисоб ўрнига эса Кушимча дафтар дейиладиган ҳисоб дафтарлари қўлланади.

Ушбу ҳолатда дафтар деб ҳисобваракалар гуруҳи аталади. Асосий дафтар (АД) бу банк молия ҳисоботларида (баланс ҳисоботи, даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқалар) кўрсатиладиган ҳисоб варакалар гуруҳи.

Ҳисобваракалар Асосий дафтарда умумий маълумотни қайд этади, лекин муфассал ахборот билан таъминламайди. Бирламчи бухгалтерия операциялари кушимча дафтарда акс эттирилади.

Унда ҳисобваракалар гуруҳи муфассал ахборот беради Асосий дафтарда

эса биринчи навбат баланс ҳисобварақлари бўйича жамлама маълумотлар қайд этилади.

Кушимча дафтар ҳисобварақларига нисбатан олганда асосий дафтар ҳисобварақлари назорат ҳисоб арақлари вазифасини бажаради. Кушимча дафтарлардаги якуний суммалар ҳар кун охирида, шунингдек ой охирида янги ойнинг биринчи кундаги ҳолатга кўра уларнинг асосий дафтардаги назорат якунлари баланси билан бир хил чиқиши керак.

Асосий дафтар назорат ҳисобварақлари маълумотлари Кушимча дафтардаги тегишли ҳисобварақлар якуний суммалари билан таккосланади. Агар дастлабки ёзувларда хато бўлмаса, суммалар тенг чиқади.

Асосий дафтар (жамлама ҳисоб) баланс ҳисобварақлари бўйича ёрдамчи дафтар (тавсиль ҳисоб) ҳисобварақлари маълумотлари туплами ҳисобланади.

Қўйидагилар асосий дафтар (жамлама ҳисоб) материаллари ҳисобланади.

ҳисобварақлар колдикларининг кундалик баланслари;

баланс ҳисобварақлари бўйича оборотлар ва колдиклар ҳақидаги жамлама маълумотлар;

ойлик, чоралик ва йиллик сальдо оборот қайдномалари;

касса қирими ва қикими бўйича касса дафтарлари;

махаллий бюджетга ажратмалар қайдномаси.

Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларни шу ҳисобварақларини юритиш топширилган бухгалтерия ходимлари назорат қиладилар. Бунда шахсий ҳисобварақлардаги ҳамма ёзувлар банкнинг ваколатли ходимлари назоратидан утган ва операциялар расмийлаштирилаётганида улар имзоланган тегишли ҳужжатларга мослиги, тегишли реквизитлар ва ҳужжатларнинг суммалари шахсий ҳисобварақларга тўғри утқазилганлиги текширилади. Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувлар дебет ва кредит бўйича ҳужжатлардаги ёзувлар суммаларини банк ичида келиб тушган ҳужжатлар билан, шунингдек бошқа банклардан келган электрон тўлов ҳужжатлари билан бандма-банд солиштириш орқали текширилади.

Банкнинг бир кунлик баланси ахборот тегишли шахсий ҳисобварақлар бўйича утқазилгандан кейин тузилади. Кундалик баланс тўғри тузилганлиги актив ва пасив бўйича колдиклар якунлари (Мажбуриятлар+сармоя) тенглигини аниқлаш орқали, "Кутилмаган вазиятлар" ҳисобварақлари колдикларининг якуни тўғрилиги эса, у аввалги кун баланси якунига мослиги плус кредит оборотлари якуни минус баланс тузилаётган кундаги дебет оборотлари якунини аниқлаш орқали текширилади. Баланс активи баланс пассивиға тенг. У қўйидагилардан иборат бўлади: Мажбуриятлар ҳисобварақлари колдиклари плус сармояни ифодаловчи ҳисобварақлар колдиклари.

Асосий кушимча бухгалтерия дафтарларида, шунингдек кундалик баланслар ва шахсий ҳисобварақларда бирон бир тузатишлар қилинишиға йул қўйилмайди. Суммаларни учириб ёзиш ва тузатиш, шунингдек учитувчи суюкликлардан фойдаланиб, тузатишлар қиритиш тақикланади.

Демак, меҳнатға ҳақ тўлашнинг аналитик ҳисоби иш ҳақи ҳисоблаш

тўлов ведомостида, синтетик ҳисоби эса лицевойларда юритилади.

Ишчи ва хизматчилар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашувларнинг аналитик ҳисоби тўлов ведомости ёки меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашувлар дафтарида юритилади. Бу ҳужжатлар меҳнат ҳақида оид ҳисоблашувларни ҳисобга оладиган ҳисобварақлари, табеллари, жамгарма ведомостлари, регистрлар ва шахсий счетларга асосан тузилади.

Ойнинг биринчи ярми учун авансберишда тўлов ведомостидан фойдаланилади. Ведомостда хоимнинг номи, фамилияси ва отасининг исми унинг табель раками ва аванс суммаси кўрсатилади. Меҳнат (иш) ҳақи бўйича ишчи билан ҳисоблашувларнинг синтетик ҳисоби 56102 "ҳодимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашувлар сче́тида юритилади"

56102 сче́тининг кредитига хоимларга ҳисобланган асосий ва қушимча меҳнат ҳақи, меҳнат ҳақида кирмайдиган (вақтинча ишга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик учун ҳисобланган нафақа, иқтисодий рағбатлантириш фонди ҳисобидан берилган мукофот, моддий ёрдам ва бошқалар) турли тўловлар акс эттирилади, дебетда эса қўлига берилган, депонентга утказилган ҳамда иш ҳақидан ушланиб қолган суммалар акс эттирилади.

Аналитик учет. Асосий шахсий ҳисоб варақа шакли.

Банк _____

(банкнинг номи)

Шахсий ҳисоб варақадан кучирма № _____

Сана

Ҳужжат тартиб Вакиллик

ҳисоби ва Опера-ция Оборотлар

Колдик номери рақамитури Дт Кт

Синтетик учет

Банк баланси 200_ йил "___" _____ ҳолатида

минг сумда

Ҳисоб-варақ тартиб номери Актив Пассив

0100

0101

0102

__"__"

9200

Итого

Банкларда ҳодимларга меҳнат таътили учун ҳақ тўлаш тартиби қўйидагича:

Меҳнат таътили даврида ўртача ойлик иш ҳақи қўйидаги тартибда ҳисобланади:

Йиллик мукофот пулининг 1/12 қисми, (ун учинчи иш ҳақи) агар меҳнат таътилига қушилса:

1/12 қисми бир ишхонада кўп ишлаган йиллари учун бериладиган мукофот

пули;

Мехнат таътили даврида олинган мукофот пули, мехнат таътили давридаги ойлар сонига бўлинади;

Мехнат таътили даври тўлик 12 ой қабул килинади, тескари тартибда ҳисобланади. Ҳисобланган бир ойлик иш хаки суммаси 25,4га бўлинади ва мехнат таътилига кунига кўпайтирилади, шанба кунлари ҳам таътил кунларига кушилади.

Масалан:

1 январ 2004 йилдан 28 январгача ишчи мехнат таътилига чиқан (муддат 24 иш куни). 3.06.02 й. 2.06.03 йиллар иш даври учун 1 январ ҳолатида ишчининг ойлик маоши 5380 сум (шу жумладан, кушимча иш хаки), кўп ишлагани учун бериладиган мукофот пули 2003 йил учун 16320 сум 13чи иш хаки 2003 йил учун 42889 сум 49 тийин ташкил килади.

2003 йил ҳисобида олинган мукофот пуллари 49976 сумни ташкил килди, шу жумладан, ойма-ой:

$1268+3100+3100+3100+3100+1643+1676+3840+7176+5380+6213=44976$

сум.

24 иш куни учун мехнат таътили ҳисобланади.

$5380+(42889-49:12) + (16320:12) + (44976:12)=14062-12 : 25,4 \times 24 = 13287-12$

Мехнат таътили учун ҳисоблангандан сўнг қўйидагича проводка берилади.

I Дт 56102 мехнат таътили тўлови.

Кт 29803 "Банк ходимлари Билан ҳисоб китоблардани тўланиши лозм бўлган мамлағлар"

II Дт 56102 "Бошқа Мажбуриятлар"

Кт 22510 "нафақа фонди 2,5%"

Кт22502 Ҳисобланган даромад солиғи

III Дт 29803 "Банк ходимлари Билан ҳисоб китоблардани тўланиши лозм бўлган мамлағлар"

Кт 10101 Касса.

ДТ22502, 22510

Кт10301

Банкларда ой иш якунлари бўйича йил давомида мукофотлашни амалга ошириш.

Мукофотлаш кўрсаткичлари, шартлари, миқдори ва манбалари қўйидагилардан иборат:

1.1 Мукофотлашнинг асосий кўрсаткичига Галла банк тизимида йил бошидан бошлаб ушиб боровчи натижалар бўйича даромад қилиш киради.

Мукофотлашнинг кушимча кўрсаткичлари қўйидагилар:

ташкилай бўлинмалар томонидан ҳисобот даврида режада белгиланган вазифаларнинг уз вақтида ва сифатли бажарилиши;

жамоа ишининг умумий натижасига ҳар бир ходимнинг кушган хиссасини алоҳида баҳолаш.

Мукофотлашнинг асосий кўрсаткичи даромад ошишини ҳисоблаш ҳар

ойлик баланснинг асосий кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

Иш хаки фонди харажатлар сметасининг мукофотлаш мақсадлари учун мулжалланган қисми ходимларни ойлик иш якунларига қараб жорий мукофотлашнинг манбаидир. Йил давомида жорий мукофотлаш фондига 12 ойлик маош миқдорида маблағ (ажратилади) утказилади.

Мукофотлаш кўрсаткичлари, шартлари, миқдори ва манбалари Галла банк ходимларига, ишчиларига таалукли ва Галла банк алохидаолинган ҳар бир муассаса фаолиятида эришган кўрсаткичларни баҳолаш учун мулжалланган.

Мукофотни тасдиқлаш ва ҳисоблаш тартиби эса қўйидагича амалга оширилади:

Ходимларга уларнинг ҳақиқатда ишлаб берган вақти учун, ишнинг умумий кўрсаткичларига қўшган ҳиссаси, фаоллиги ва ташаббускорлигини ҳисобга олган ҳолда мукофот тўланади.

Бунда, мукофотни ҳисоблаш учун ҳақиқатда берилган вақтига иш ҳақини ёзиш учун ҳисобланган вақт ҳам қиради, шу жумладан:

меҳнат, хизмат Мажбуриятларини бажариш вақти; хизмат сафарида сарф бўлган вақт; давлат ёки жамоа топшириқларини бажаришга сарфланган вақт; семинар, симпозиум, конференцияларда қатнашган вақт, шу жумладан: малака ошириш олийгоҳлари ёки курсларда ўқиш вақти; амалдаги қонунлар билан қўзда тутилган бошқа ҳоллар.

Мукофотлаш қўйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври учун; олий ва ўрта махсус билим юртларида кечки ва сиртки бўлимида ўқиш даври учун, жорий мукофот ходимларининг лавозими окладларига (тариф ставкаларига) шунингдек, устама ва қўшимчаларга қўшиб ёзилади:

бир неча касбларни биргаликда (бир вақтда) бажариш (совмехения) учун; хизмат доирасини кенгайтириш ва иш ҳажмини ошириш учун; вақтинча ишга чиқмаган ходимнинг хизмат вазифаларини ҳам бажаргани учун; кечки вақтда ишлагани учун; енгил автомашина ҳайдовчиларига уларнинг меъёрланган иш кунлари учун;

Қўшимча (устама)лар (надбавки): юқори касб маҳорати учун; шахсий устама (рахбарнинг қарорига мувофиқ белгиланади).

Ишдан ташқари ҳамма дам олиш кунлари, байрамда ишлаган иш кунлари учун мукофот қўшимчаларсиз, бир марталик ёзилади. Мукофотлаш масаласини кўриб чиқиш учун ҳар ойлик мажлис баённомаси асос бўлиб ҳисобланади. Мукофотлаш ҳар ойда амалга оширилади.

Қўйида келтирилган меҳнат интизомини бузиш ҳоллардан биронтасига ҳам йўл қўйган ҳолларда мукофот тўлиқ тўланмайди: қўшиб ёзиш ва нотўғри ҳисобот бериш; безорилик ва мастлик ҳолатлари бўйича маъмурий ёки ижтимоий жавобгарликка тортилганда; банк мулкани майда ташмачилик йўли билан узлаштириш; меҳнат интизомини мунтазам равишда бузиш; ишга маст ҳолда келиш; узрли сабабсиз ишга келмаслик шу жумладан иш қўни давомида 3 соатдан ортиқ иш жойида бўлмаслик.

Умумий банкларда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя

қилиш тартиби банкларда ишлаб чиқаладиган "Мехнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом"да уз аксини топиши зарур.

Хомиладорлик ва туғиш бўйича вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик варакаси ишловчи аёлларга жами 126 календарь кун муддатга берилади. Туғиш кейин, ёки икки ёхуд ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик варакаси 140 календарь кун муддатига берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, хомиладорлик ва туғиш бўйича нафакалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Нафакаларни ҳисоблашда асос қилиб олинadиган ҳақиқий иш ҳақиға иш жойидан, сугўрта бадаллари ундирилиб, тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари қиради, иш ҳақи жамгармаси ҳисобидан бўлмаган бир маротаба тўланиши мумкин бўлган тўловлардан ташқари. Сугўрта бадали ҳисобланмайдиган иш ҳақи турлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249 сонли қарори билан тасдиқланган сугўрта бадаллари ҳисобланмайдиган иш ҳақи турлари ва бошқа тўловлар турлари руҳати билан аниқланади.

Нафакаларни ҳисоблаб чиқаришда олинadиган иш ҳақининг барча турлари, шу жумладан мазкур ойда иш ҳақи билан биргаликда тўланадиган ойлиқмуқофотлари уларнинг ҳақиқатда олинган вақти бўйича эмас, балки улар ҳисоблаб ёзилган вақт бўйича иш ҳақиға қушилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки хомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва сугўрта бадаллари чегирилган барча муқофотларнинг 1/12 қисми, нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақиға қушилиб ўртача ойлик, кунлик иш ҳақи микдорида аниқланади.

Агар ходим штатдаги асосий иши бўйича тўла тмансаб маоши олмаса ва шу туфайли у уша ёки бошқа корхонада ўриндошлик билан ишласа, нафақа ҳар иккила иш жойидаги умумий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Агар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки хомиладорлик таътили ишнинг вақтинча тухташи даврида белгиланган бўлса, иш тухтаган давр учун нафақа Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг белгиланган 155 моддасида иш тухтаган даврда сақланадиган иш ҳақи микдорида берилади.

Нафақа ойига бир марта вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик давридаги иш кунларининг тугпри келган ойнинг иккинчи ярмида оладиган иш ҳақи билан бирга тўланади.

Йиллик (асосий ва қушимча) таътилда бўлиш вақтида, болани парваришлаш учун таътилда, хомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа хомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг вақтинча қобилиятсизлик варакасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади. Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган муқофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади.

Бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варакаси очилган кунига бўлган тариф ставкаси туманлар ҳамда жойларда белгиланган иш билан боғлиқ олинadиган туман коэффициенти ва устамаларни ҳисбға олган ҳолда олинади.

Хомиладаорлик ва тугиш бўйича нафака иш хакининг 100 фоизи микдорида берилади, нафака тайинланганда ҳам 100 фоиз микдорда берилади.

Хомиладорлик бўйича нафака бериш учун ҳисоблаш қўйидаги бухгалтерия проводкаси берилади.

Дт 56114 "пенсия фондига ажратма" счети

Кт 29896 "хар хил Мажбуриятлар" счети

Кассада берилганда эса:

Дт 29896 "хар хил Мажбуриятлар" счети

Кт 10101 "касса"

Ишлаётган аёлларга, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралган холда олий ёки ўрта махсус ўқув юртларида, аспирантура, клиник ординатурада ёхуд хунар-техника билим юртларида, кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курсларида ва мактабларида тахсил олаётган аёлларга бола тугилганда бериладиган бир марталик нафака Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ойлик минимал иш хакининг икки баравари микдорида берилади ва бу холда банк ходимлари учун ҳам тегишлидир.

Болани онаси ишламайдиган ва уқимайдиган ҳолларда нафака боланинг ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган холда уқийдиган отаси ёхуд ота-она ўрнини босувчи шахсларга, иш хаки ёки стипендиянинг микдордан қатъий назар тўланади. Ишламайдиган ва уқимайдиган ёлғиз оналарга бола тугилганда нафака ижтимоий таъминот органлари оркали тўланади.

Фарзандликка олинган болаларга бола тугилганда бериладиган бир марталик нафака умумий асосларда берилади.

Агар аёл хомиладорлик бўйича таътил даврида ишдан бушаган, шу давр мобайнида хомиладорлик ва тугиш бўйича нафака олган бўлса, бир марталик нафака умумий асосларда берилади.

Бола улик тугилса, бола тугилганда бериладиган нафака берилмайди.

Банкларда ҳам бошқа ҳўжалик субъектлари каби вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун нафака тўланади ва у қўйидаги ҳолларда берилади.

а) вақтинча меҳнат қобилиятини йукотиш билан боғлиқ кассаликда (шикастланиш);

б) санатория-курортларда даволанганда;

в) касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;

г) карантинда;

д) сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга утказилганда;

е) ясама аъзо қўйдириш учун протез ортопедия касалхонасига ётқизилганда.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафакасини тайинлашда факат белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик вақракаси асос бўлади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафака меҳнат қобилияти йуқолган биринчи кундан то у тиклангунга қадар ёки тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан ногиронлик белгилангунга қадар, ҳатто бу даврда ҳодим ишдан бушатишган бўлса ҳам берилади. Узок вақт касал

бўлганларни ТМЭК кўригига юбориш муддатлари вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варакасини бериш тартиби тўғрисидаги қўлланмага биноан белгиланади.

Ишдан бушатилганлигининг тўғри ёки нотўғрилиги масаласи тўғрисида низо кўрилаётган даврда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланганда нафақа ишга тиклангандагина берилади. Бунда меҳнатга қобилиятсизлик даври учун нафақа ишга тикланган кундан бошлаб барча вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик кунларига берилади.

Йиллик таътил даврида касаллик туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошлангандан вақтинча миёхнатга қобилиятсизлик варакасида ишдан озод қилиш кўрсатилган барча кунлар учун нафақа олади, берилади.

Оиланинг касалликка чалинган аъзосини парваришlash учун таътилга чиқилганда, агар парваришнинг йуклиги беморнинг ҳаёти ёки саломатлигига ҳавф солса ва агар уни касалхонага жойлаштириш имконияти бўлмаса, нафақа берилади.

Оиланинг касал бўлган аъзосига қариш бўйича меҳнатга қобилиятсизлик варакаси бемор бировнинг қараб туришига мухтож бўлган, лекин 7 календарь кундан ошмаган давр учун берилади.

14 ёшга етмаган бемор болага қараш учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варакаси болага парвариш керак бўлган, аммо 14 календарь кундан кўп бўлмаган муддат учун берилади.

Қўйидаги ҳолларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа берилмайди:

а) ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида уз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд узини касалликка солган ходимларга. Уларга илгари тўланган нафақа суд қарори асосида ундириб олинади;

б) гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида шунингдек спиртли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш оқибатида бошланган касалликлар ёки жароҳатлар туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик;

в) жиноят содир қилиш вақтида олинган жароҳатлар оқибатида бошланган ходимларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги;

г) суд қарори асосида мажбۇрий даволаш вақти учун (рухий касалликлардан ташқари);

д) ҳибсда бўлган давр учун ва суд-тиббийёт экспертизаси вақти учун.

Нафақа миқдори касалликнинг турлари, меҳнат стажи ва қасаба уюшмаси аъзолигини ҳисобга олиб қўйидагича белгиланади:

а) иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида: меҳнатда майиб бўлган ёки қасб касаллигига чалинган ходимларга, умумий стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга;

Қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

Ишлаётган иккинчи жаҳон ўруши қатнашчиларига, байналминал жангчиларига ва имтиёз жихатидан уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

б) иш хакининг 80 фоизи микдорида: умумий стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга, 21 ёшга етмаган ота-онасиз ходимларга;

в) иш хакининг 60 фоизи микдорида: умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа, барча ҳолларда, минимал иш ҳакидан камбўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳакидан юқори бўлмаслиги лозим.

Нафақа микдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган кунгача, меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат асосида ҳисобланган умумий иш стажига мувофиқ аниқланади.

Қасаллик варақасига асосан нафақа ҳисоблаш учун қўйидаги проводка берилади:

Дт - 56114 пенсия фондига ажратма

Кт - 29896 ҳар хил Мажбуриятлар

Банкларнинг даромадларини тўғри ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот шакллари тузиш учун зарур маълумотлар мажмуини шакллантиришда бухгалтерия ҳисоби алоҳида аҳамиятга эга.

Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги счётлар режасида банк даромадларини ҳисобга олиш учун алоҳида тўртинчи бўлим счётлари тайинланган бўлиб, уларда банк даромадлари турлари бўйича ҳисобга олинади. Шундай қилиб, счётлар режасининг тўртинчи бўлими даромадлар деб аталади ва унда банк даромадларини ҳисобга олиш учун қўйидаги счётлар тайинланган.

40000 - Даромадлар

40200 - ЎРМБ счётлар бўйича фоиз даромадлари

40400 - Бошқа банклардаги счётлар бўйича фоиз даромадлари.

40600 - Қимматбаҳо қўғозларни сотиб олиш ва сотиш счёти бўйича фоиз даромадлари

40800 - Сотиб олинган векселлар бўйича фоиз даромадлари

41000 - Мижозларнинг Мажбуриятлари бўйича фоиз даромадлари

41200 - Банкнинг қопланмаган акцептларига доир мижозларнинг Мажбуриятлари бўйича фоиз даромадлари

41400 - ЎРМБ берилган қиска муддатли қарзлар бўйича фоиз даромадлари

41600 - Бошқа банкларга берилган қиска муддатли қарзлар бўйича фоиз даромадлари

41800 - Ҳукуматга берилган қиска муддатли қарзлар бўйича фоиз даромадлари

42000 - Жисмоний шахсларга берилган қиска муддатли қарзлар бўйича фоиз даромадлари

42100 - Алоҳида тадбиркорларга берилган қиска муддатли қарзлар бўйича фоиз даромадлари

42200 - Давлат қорхоналари ва ташкилотларига берилган қиска муддатли қарзлар бўйича фоиз даромадлари

42400 - Қушма қорхоналарга берилган қиска муддатли қарзлар бўйича

фоиз даромадлари

42600 - Хусусий корхоналар жамоа корхоналари ва корпорацияларга берилган киска муддатли карзлар бўйича фоиз даромадлари.

Юкорида келтирилган счётларнинг номланишининг узиёк банк фаолиятининг асосий даромадларидан бири бўлган киска муддатли банк кредитларидан олинadиган фоиз даромадларини ҳисобга оlinишини кўрсатади. Бундан ташкари ушбу счётларда тижорат банкининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банкларда саналаётган пул маблағларидан олинadиган даромадлари, Шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси натижасида тижорат банки оладиган даромадлар ҳам ҳисобга оlinади. Ушбу счётлар пассив счётлар бўлиб уларнинг кредитида олинadиган даромад ҳисобга оlinади.

Ушбу счётларнинг дебетиға эса қачонки олинган даромад фойда таркибига утказилганда ёзилади. Шунингдек ушбу счётнинг дебетиға олинadиган фоиз даромадлари нотўғри ҳисобланганда ҳам ёзилади. Ушбу счётларнинг қўлланилишини қўйидаги мисол асосида тушунтириш мумкин.

Агар тижорат банки уз миждизига кушма корхонаға 1000000 сум киска муддатли кредит берди. Кайтариш муддати 6 ой. Бир йилға 60%. Банкнинг йиллик фоиз даромади 600000 сум 6 ойға 100 000 сум ва бир ойға 16600 сум. Хар ойнинг охирги кунига 16600 сум фоиз даромади сифатида тан оlinиши зарур. Ушбу даромад тан олинганда қўйидагича бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

Дт 16309 - Карзлар бўйича олишға тегишли ҳисобланган фоизлар 16600 сум.

Кт 42400 - Кушма корхоналарға берилган киска муддатли карзлар бўйича фоиз даромадлари 16600 сум

Энди ушбу ҳисобланган фоиз суммаси соф фойда таркибига утказилганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

Дт 42400 - Кушма корхоналарға берилган киска муддатли карзлар бўйича фоиз даромадлари 16600 сум

Кт 31206 - Соф фойда 16600

Агар ушбу ҳисобланган фоиз даромадларлари тижорат банкига тўланса унда:

Дт 20214 - Кушма корхоналарнинг ҳисоб килиб олгунча бўлган депозит счётлари 16600

Кт 16309 - Карзлар бўйича олишға тегишли ҳисобланган фоизлар 16600

Мобода тижорат банки карзларни бошқа банкларға берса унда ҳисобланган фоизлар келиб тушганда қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

Дт 10300 - ЎРМБ тижорат банкининг корхона счёти

Кт 16309 - Карзлар бўйича олишға тегишли ҳисобланган фоизлар.

Агар счётлар режасида банк даромадларини ҳисобға олувчи счётларни тахлил киладиган бўлсак банкнинг ўрта ва узок муддатли карзлари бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобға олувчи счётларни кўриш мумкин. Ушбу

счётларда фоизлардан олинадиган даромадлар ҳисобланганда, улар тўланганда ва фойда таркибида акс эттирилганда бухгалтерия ҳисоби счётларида юкоридаги тартибда акс эттирилади.

Юкорида таъкидланганидек банк даромадларининг таркибида инвестициялардан олинадиган даромадлар ҳам сезиларли солмоққа эга. Ушбу даромадларни ҳисобга олиш учун счётлар режасининг 4-бўлимида қўйидаги 44800 - Инвестициялар бўйича фоиз даромадлари счёти тайинланган.

Ушбу счётнинг кредитида инвестициялар бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари акс эттирилади. Дебетида эса ушбу даромадлар фойда таркибига утказилганда ёзилади.

Ҳисобланган фоиз суммасига қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 16311 - Инвестициялар ва бошқа қарз инстументлари бўйича ҳисобланган фоизлар

Кт 44800 - Инвестициялар бўйича фоиз даромадлари.

Фоиз суммаси фойда таркибига утказилганда:

Дт 44800 - Инвестициялар бўйича фоиз даромадлари

Кт 31206 - Соф фойда.

Шунингдек, банклар фаолиятида фоизсиз ва бошқа фоизсиз даромадлар изиларли солмоққа эга бўлмасида улар билан боғлиқ муомалалар учраб туради. Ушбу даромадларни ҳисобга олиш учун 45200 - фоизсиз даромадлар ва 45800 - Бошқа фоизсиз даромадлар счётлари тайинланган. Ушбу фоизсиз даромадлар тан олинганда қўйидаги, бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

Дт 16397 - Мижозларнинг бошқа Мажбуриятлари бўйича олишга тегишли ҳисобланган фоизлари

Кт 45200 - фоизсиз даромадлар

Кт 45900 - Бошқа фоизсиз даромадлар

Ушбу фоизсиз даромадлар соф фойда таркибига утказилганда:

Дт 45200 - фоизсиз даромадлар

Дт 45900 - Бошқа фоизсиз даромадлар

Кт 31206 - Соф фойда

Шундай қилиб, банклар фаолиятида олинадиган даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида юкорида келтирилган тартибда акс эттирилиши бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар талаби даражасида ташкил қилишни таъминлайди ва банкларнинг молиявий ҳисоботларини тузиш учун зарур маълумотлар мажмуининг вужудга келтиради.

Даромадлар - бу банкнинг одатдаги фаолияти натижаси сифатида иқтисодий ресурсларнинг ёхуд активларнинг оқиб келиши ёки узиш йули орқали, ёхуд Мажбуриятларнинг қисқариши йули орқали узишидир, масалан товарларнинг сотилиши, хизматлар кўрсатилиши, ёки бошқа субъектлар томонидан корхонанинг фоизлар, ижара тўлови, дивидендлар ёки имтиёзлар келтирадиган ресурслардан фойдаланиши.

БХХС (бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари) тан олишни модданинг банк молиявий ҳисоботларига киритилиши жараёни деб

таърифлайдию Тан олиш кўрсатилган суммани ҳисоботнинг якуний кўрсаткичларида акс эттиришдан иборатдир.

Даромад моддаларини кондиритиш лозим бўлган тан олиш мезонлари қўйидагичадир:

а) Модда улчаш учун тегишли асосга эга ва суммани оқилона баҳолашни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги.

б) Келгуси иқтисодий манфаатларнинг олиниши мумкинлиги ёки олиниши.

Шундай қилиб, даромадлар одатда шартноманинг бажарилиши амалга оширилганда ва тушумни улчаш ва олиш имкони мавжудлиги тўғрисида қатъий ишонч ҳосил бўлганда тан олинади. Даромад ва харажатлар узаро сабаб-натиявий муносабатлар билан боғлиқ бўлганда харажат даромадга мос келади ва битта давр даромадининг якуний ҳисоб-китобига киритилади. Бошқа ҳолларда харажатлар даромадлар билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин, бироқ битимлар ёки ҳодисалар амалга ошириладиган даврга тегишли бўлиши мумкин.

Тан олишининг 4 мезони - аниқлаш, баҳолаш, уз вақтлик ва ишончлик - молиявий ҳисоботларда тан олиш учун ҳамма моддаларга нисбатан қўланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида банклар даромадани вақтига мувофиқ тан олишнинг қўйидаги усуллари қўланилади:

Даромадларни тан олишнинг касса усули.

Шартнома ёки активдан фойдаланиш даври давомида тан олиш усули.

Тижорат банклари кўрсатадиган хизмат турлари ичида шундайлари мавжудки улардан олинган даромад хизматлар бажарилганида тан олинади. Шунинг учун ҳам даромадни тан олишнинг ушбу усули касса усули деб аталади.

Шартнома ёки активдан фойдаланиш даври давомида даромадни тан олиш усули банк уз активларидан бошқа жисмоний ва юридик шахсларга фойдаланишга шартнома асосида рухсат берилганда қўланилади. Масалан, лизинг операцияларидан олинган даромад, кредит беришдан олинган фоизлар ва бошқалар.

Банкларнинг даромадлари уларнинг харажатларини қоплайдиган асосий манбаа ҳисобланади.

Банк даромадлари асосан икки манбадан ташкил топади:

Фоизли даромадлар.

Фоизсиз даромадлар.

Фоизли даромадлар қўйидагича тўрқумланади.

Берилган қарзлар бўйича фоиз даромадлари.

Қорсетлар бўйича фоиз даромадлари.

Қимматбаҳо қоғозларни сотиш бўйича фоиз даромадлари.

Инвестициялар бўйича фоиз даромадлари.

Бошқа фоиз даромадлари.

Фоизсиз даромадларни қўйидагича тўрқумлаш мақсадга мувофиқдир.

Комиссия ва хизматлардан олинган даромадлар.
Чет эл валютасидаги фойда.
Тижорат операцияларидан олинган фойда.
Инвестициядан олинган фойда ва дивидендлар.
Бошқа фоизсиз даромадлар.

Текшириш учун саволлар

1. *Банкнинг операцион харажатлари сметаси нима ?*
2. *Банкларда меҳнат хақи тўлаш қандай ташкил этилади?*
3. *Банк даромадларига нималар қиради?*
4. *Банк даромадларининг бухгалтерия ҳисоби қандай юритилади?*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Операциялар бўйича харажатлар - молиявий активнинг бевосита сотиб олинishi (сотиб олиш харажатлари) ёки ҳисобдан чиқарилиши (сотиш харажатлари) билан боғлиқ бўлган ўсиб боровчи сарф-харажатлар.

Кўрилиши мумкин бўлган зарарлар - молиявий активнинг баланс қийматини унинг қайтариладиган (қопланадиган) қийматидан ошган суммаси.

Номоддий активлар - бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, ҳамда улардан банк хизматлари кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир.

Бошланғич қиймат - бу номоддий активларни сотиб олиш ёки яратиш билан боғлиқ бўлган, барча тўланган солиқлар, божлар шунингдек, етказиб бериш ва ўрнатиш ва уни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай ҳақиқий харажатларнинг суммасидир.

Гудвилл (goodwill) – яхши ном, обрў-эътибор, «фирманинг баҳоси». Банкни сотиб олишда унинг соф активлари баҳосидан (бозор баҳоларидаги барча активлар ва барча мажбуриятлари ўртасидаги фарқ) ортиқроқ баҳода харидор томонидан тўланган суммаси Гудвилл деб юритилади.

Сотиб олинган номоддий актив- бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг бошланғич қийматини ўзгаришига уларнинг фақат қайта баҳоланиши натижасида рухсат этилиши мумкин.

Бепул олинган номоддий активлар дастлаб балансда реал (ҳақиқий) қиймати бўйича акс эттирилади. Бепул олинган номоддий активларнинг қиймати, қонунчиликка мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган экспертлар томонидан ёки қабул қилиш топшириш ҳужжатларидаги активлар маълумотлари асосида аниқланади.

4.2. Банкларда солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоби

Тиждорат банклари юридик шахс сифатида давлат бюджетига қуйидаги солиқлар тўлайди ва ажратмаларни амалга оширади:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- қўшилган қиймат солиғи;
- солиқ солиш манбасидан тўланадиган солиқ;
- жисмоний шахсларнинг даромад солиғи;
- шунингдек, Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратма, Бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш фондига ажратмаларни амалга оширади.

Булардан ташқари банклар ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ҳар ойда тўланадиган тўловларни Халқ банкининг тегишли бўлимларига ўтказиб беради.

Банкларда фойда солиғи ставкаси 15% қилиб белгиланган. Ушбу солиқни тўлашда банклар келгуси чоракнинг бошида чорак давомида олинадиган фойда миқдорини ойлар кесимида башорат қилиб, давлат солиқ инспекцияларига маълумот тақдим этилади. Башорат қилинган солиқ суммаси ойнинг бошида давлат бюджетининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади. Бунга қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 19931 – “Муддати узайтирилган солиқлар”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Чоракнинг ойлари давомида тўланган фойда солиқ суммаси ҳар чоракнинг охирида банкнинг тегишли харажатлар ҳисобварағига олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширлади.

а). Агар чорак учун башорат қилинган фойда солиқ суммаси ҳақиқатга тўғри келса:

Дебет 56902 – “Даромад солиғини баҳолаш”

Кредит –19931- “Муддати узайтирилган солиқлар”

б). Агар чораклик учун олдиндан тўланган фойда солиғи суммаси банкнинг ҳақиқатдаги фойда солиғи суммасидан кам бўлса, кам тўланган қисми

банкнинг 22502 –“Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари” ҳисобварағига ўтказилади ва ушбу ҳисобдан давлат бюджетига ўтказиб берилади, бундай ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Кам тўланган суммага:

Дебет 56902 –“Даромад солиғини баҳолаш”

Кредит 22502 –“Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари”

Кам тўланган сумма давлат бюджетига ҳисобварағига ўтказилганда:

*Дебет 22502 –“Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари” Кредит 23402 –
“Республика бюджетининг маблағлари”*

Агар олдиндан тўланган фойда солиғи суммаси ҳақиқатда аниқланган фойда солиқ суммасида кўп бўлса, ушбу фарқ кейинги ойларда ўзаро ҳисоб-китоб қилиш асосида тартибга солинади.

Чорак бошида башорат қилинган фойда солиғи суммаси ҳақиқатда кам ёки кўп тўланганлиги чоракнинг охирида солиққа тортиладиган базага нисбатан 15% миқдорида ҳисоблаб аниқланади. Банкларда фойда солиғи солиқ базаси банкнинг ҳисобварақлар режасининг 4 бўлимидаги даромадлар ҳисобварақларидаги қолдиқлар асосида аниқланади. Солиқ базасини ҳисоблашда 4 бўлимидаги ҳисобварақлардаги даромад суммасида Солиқ кодексида белгиланган имтиёзлари мавжуд бўлган даромад турлари ва бошқа чегирмалар айириб ташланади.

Мол-мулк солиғи ҳисоби. Тижорат банклари барча юридик шахслар каби мол-мулк солиғи тўлайдилар, ҳозирги пайтда ушбу солиқ ставкаси мол-мулкнинг умумий суммасига нисбатан 3,5 фоизни ташкил этади. Мол-мулк солиғи учун солиқ даври қилиб календар йил белгиланган.

Солиқ кодексининг 266-моддасига солиқ солиш объекти қуйидагилар ҳисобланади:

1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

2) номоддий активлар;

3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига қурилиши шу объект қурилишига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда ниҳоясига етказилмаган объектлар киради;

4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар.

Солиқ кодексининг 267-моддасига биноан солиқ солинадиган база таркибига қуйидагилар киради:

- асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича - асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган

усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

- норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати. Солиқ солинадиган база (Солиқ кодексининг 268-моддаси) солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охири кунисидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи яқун билан аниқланади.

Банкларда мол-мулк солиғи учун солиққа тортиладиган базани аниқлашда 6509+16535+16529+16541 ва 16549 ҳисобварақларида мавжуд қолдиқ суммалари олинади, (16549 ҳисобварақда ҳисобга олинган ижрадаги теминаллар учун солиқдан имтиёз мавжуд ва улар солиқ базасидан чегирилади). 16601 ҳисобварақда акс эттирилган номоддий қимматликлар бўйича ҳам имтиёз мавжуд ва улар ҳам солиқ базасига киритилмайди.

Банклар йилнинг барча чораклари учун аванс ҳисоботини солиқ органларига тақдим этади. Банк томонидан ойлик тўланадиган мол-мулк солиғи ҳисобланиб 22504-“Ҳисобланган бошқа солиқлар” ҳисобварағида жамланиб борилади ва қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 56714–“Солиқ (даромад солиғидан ташиқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 –“Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Ҳисобот даври тугагач, ҳақиқатда ҳисобланган бир йиллик мол-мулк солиғи тўлаб берилади ва январ ойининг 25-санасигача тўланган солиқ суммаси бўйича ҳисобот топширилади. Мол-мулк солиғи тўланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22504 –“Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Мол-мулк солиғи тўлангандан сўнг январ ойининг 25-санасигача тўланган солиқ суммаси бўйича ҳисобот топширилади.

Ер солиғи ҳисоби. Мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан банклар ер солиғини тўловчилари ҳисобланади.

Кўчмас мулк банк томонидан ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи, яъни банк ер солиғини тўловчи бўлади. Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўлайди.

Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади. Ер солиғини тўлаш, банклар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

Банклар амалиётда ер солиғини давлат солиқ инспекциялари томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятларда зоналар бўйича 1 кв.м.га ўрнатилган солиқ ставка ҳақида тақдим этган тартиблар асосида тўлайдилар. Банк биноти жойлашган жой қайси зонага тааллуқли эканлиги кадастр ҳужжатлари асосида аниқланади. Солиқ база аниқ бўлгандан кейин банк бинолари жойлашган ҳудуднинг майдони ҳажми аниқланади ва белгиланган ставкалар асосида солиқ суммаси аниқланади. Аниқланган ер солиғи суммаси белгиланган тартиб ва муддаларда давлат бюджетининг тегишли ҳисобварақларига тўлаб берилади. Ҳисобланган ер солиғи бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 56714–“Солиқ (даромад солиғидан ташиқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 –“Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Ер солиғи тўланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22504 –“Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Солиқ солинадиган базада солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда банклар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларнинг ҳисоби. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йил бошида ўтган йилда тўланган суммага нисбатан башорат қилиниб жорий йил учун йиллик аванс тўлови ҳақида маълумотнома тақдим этилади. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ банк жорий солиқ даврининг 25 январигача, банкда сувда фойдаланиш бўйича янгидан жорий этилганлари эса - давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Маълумотномага асосан ҳисобланган аванс суммаси олдиндан тўланади ва унга қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 19931–“Муддати узайтирилган солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўловчилар томонидан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Бунда ер усти ва ер ости сув ресурсларидан фойдаланилганлиги учун фоиз нисбати олинади, яъни ҳақиқатда ишлатилган сув ҳажми тўғрисида маълумотномага асосан уни 74,6% - ер ости суви, 26,4% ер усти сувига ажратилади. Ушбу нисбатлар бўйича олдиндан амалга оширилган тўлов суммасини қуйидаги бухгалтерия ёзув орқали ёпамиз.

Дебет 56714 – “Солиқ (даромад солигидан ташиқари) ва лицензиялар”

Кредит –19931- “Муддати узайтирилган солиқлар(алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олдиндан тўланган солиқ суммаси ҳақиқатда тўланган суммадан кам бўлса, кам тўланган қисми банкнинг 22504–“Ҳисобланган бошқа солиқлар” ҳисобварағига ўтказилади ва ушбу ҳисобдан давлат бюджетига ўтказиб берилади, бундай ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Кам тўланган суммага:

Дебет 56714 – “Солиқ (даромад солигидан ташиқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”

Кам тўланган сумма давлат бюджетига ўтказилганда:

Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Агар олдиндан тўланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси ҳақиқатда тўлаш лозим бўлган суммадан кўп бўлса, ушбу фарқ кейинги ойларда ўзаро ҳисоб-китоб қилиш асосида тартибга солинади.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоби. Ушбу солиқ тури 20 фоиздан иборат. Тижорат банклари “Бошқа даромадлар” ҳисобварақларида акс эттирилган даромадлар ҳисобидан, хусусан “Paynet” хизмати бўйича олинган даромадлар, асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар ва қонунчиликда белгиланган бошқа даромадлардан тўлайди.

Банклар Солиқ кодексининг 209-моддасига биноан қуйидаги операциялар бўйича қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

- кредитлар, заёмлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, кредитлар, заёмлар бериш, кафилликлар (кафолатлар), шу жумладан банк кафолатлари бериш;

- депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакил банкларда ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

- тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

- миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозлар депо-ҳисобварақларини, шу жумладан вакил депозитарийларини очиш ҳамда юритиш;

- қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда қимматли қоғозлар реестрини юритиш бўйича операциялар, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

- қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш;

- клиринг операциялари;

- аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

- пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;

- чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;

- касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва сақлаш);

- молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоиз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

- форфейтинг ва факторинг операциялари;

- ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);

– жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг обороти.

Кўшилган қиймат солиғи тўланадиган операциялар бўйича ҳар ойнинг якуни бўйича тўлов миқдори аниқланиб қуйидаги бухгалтерия проводкаси асосида тўлов амалга оширилади. Масалан, банк асосий воситасини (юк машинаси) мижозга 120 кунга ижарага бериш ҳисобидан 500 минг сўм даромад олди. Олинган даромаддан қуйидаги тартибда ҚҚС ҳисобланади ва бухгалтерия ёзулари амалга оширилади.

а). Мижоз юк машинасидан фойдалангани учун ижара тўловини банкка ўтказди:

Дебет 20208-“Мижознинг муддатли депозит ҳисобварағи”Кредит 29802 – “Товар-моддий қиматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар”
500 000,6). ҚҚС суммаси ($83\,333,33=500\,000,0/120 \times 20$) ҳисобланди:

Дебет	29802–“Товар-моддий	қиматликлар	ва
кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар”		83 333,33	
Кредит 22504 –“Ҳисобланган бошқа солиқлар”			

в). Ҳисобланган сумма бюджет ҳисобига ўтказилди:

Дебет 22504 –“Ҳисобланган бошқа солиқлар”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

83 333,3

г). Мижоз юк машинасидан фойдалангани учун ижара тўловидан ҚҚС суммаси ($83\,333,33=500\,000,0/120 \times 20$) чиқариб ташлангандан сўнг, банк қолган сумма банк даромадига олинади:

Дебет 29802–“Товар-моддий	қиматликлар	ва
кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар”		
416 666,67		

Кредит 45901 –“Банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар”

Банк асосий воситаларни ижарага берган тўлов ҳисобидан олган даромадидан ҚҚСни тўлагани каби, асосий воситалар ёки кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотишдан олинган даромадлар ҳисобидан ҳам юқорида келтирилган тартибда ҚҚС ҳисобланади ва тегишли бухгалтерия ёзувлари асосида тўловлар амалга оширилади.

Ҳисобот оyi ёпилгач, жами кўшилган қиймат солиғи тўлашга асос бўлувчи даромадлар суммасини кўшиб, 20% ҚҚС тўловини амалга оширамыз. Давлат солиқ инспекциясига тўланган ҚҚС бўйича ҳисобот топширилади.

Солиқ солиш манбасидан тўланадиган солиқ (ССМТС) 10 фоизни ташкил этади. Тижорат банклари фаолияти давомида мижозларидан оладиган даромади солиқ солиш манбасидан тўланадиган солиқ ҳисобланади. Банклар ижарага олинган асосий воситаларга тўлайдиган тўловлари (харажатлар), шунингдек, бошқа банклардан олган депозит маблағлари бўйича қиладиган

фоиз тўловлари (харажатлари) ҳисобидан 10 фоиз миқдорида ушбу солиқларни тўлайди.

Масалан банк шартнома асосида мижознинг биносида мини банк очди. Шартномага кўра ойлик ижара тўлови 500 минг сўмни ташкил этади ва тўлов ойнинг 5 санасига қадар тўлаб берилади. Банк ижара тўловини тўлаб беришдан олдин ССМТСни аниқлайди. Ушбу сумма 50 минг сўм бўлиб, у қуйидагича ҳисобланади $50\,000,00 = (500000,0 \times 0,10)$ ва бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади.

5 БОБ. БАНКЛАРДА БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ

5.1. Банкларда балансдан ташқари операциялар ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини юритиш давомида ўз маблағлари ва бошқа корхоналар маблағларидан фойдаланишади. Хўжалик юритувчи субъектлар бошқа корхоналар маблағлари фойдаланганда балансдан ташқари счётларда акс эттиради.

Балансдан ташқари счётлар – бу корхонага қарашли бўлмаган, лекин вақтинчалик тасарруфида бўлган, активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни умумлаштиришга мўлжалланган счётлар. Бу счётлар бошқа счётлар билан ўзаро боғланмайди ва корхонанинг ҳисоботида акс эттирилмайди.

Балансдан ташқари счётларда корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинчалик фойдаланаётган ёки ихтиёрида бўлган (оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар, масъул сақлашга ва қайта ишловга қабул қилинган моддий қийматликлар ва бошқа) мавжуд қийматликлар, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш, шунингдек алоҳида хўжалик муомалалари устидан назорат қилиш учун мўлжалланган.

Банкларда балансдан ташқари счётлар **кўзда тутилмаган ҳолатлар** деб юритилади. Уларга қуйидагилар киради:

90000 КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР

- ❖ **90100 Тўловга яроқсиз ва экспертизага қабул қилинган банкнот ва тангалар**
- ❖ **90300 Ҳужжатли қимматли қоғозлар бланкалари ва ҳужжатсиз қимматли қоғозлар**
- ❖ **90400 Банкнинг пластик карталари, терминаллари, банкоматлари ва инфокиоскалари**
- ❖ **90900 Савдога оид молиялашлар**
- ❖ **91500 Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари**
- ❖ **91800 Банкнинг кредит ва лизинг мажбуриятлари**
- ❖ **91900 Қарздорларнинг кредит ва лизинг мажбуриятлари**
- ❖ **92700 Ҳосилавий инструментлар бўйича трансакциялари**
- ❖ **92800 Қимматли қоғозлар бўйича муддатли битимлар**
- ❖ **93600 Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар**
- ❖ **94500 Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ(талаб)лар**
- ❖ **95400 Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари**
- ❖ **96300 Кўзда тутилмаган ҳолатлар контр-ҳисобварақлари**
- **90141 Экспертизага қабул қилинган банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликлар**

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига мувофиқ банк кассирлари томонидан мижозларнинг аризалари асосида экспертизага қабул қилинган банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликларнинг ҳисоби олиб борилади. Экспертизага қабул қилинган банкнотлар ва тангалар номинал бўйича, бошқа бойликлар эса «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун Ушбу ҳисобварақ учун 96303 — «Банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликлар ҳаракати бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида экспертизага қабул қилинган банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банкнинг бош офиси/бош ҳудудий бошқармаларига жўнатилган, экспертизага қабул қилинган банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90143 Экспертизага қабул қилинган йўлдаги банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг бош офиси/бош ҳудудий бошқармаларига жўнатилган, экспертизага қабул қилинган йўлдаги банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликларнинг ҳисоби олиб борилади. Экспертизага қабул қилинган йўлдаги банкнотлар ва тангалар номинал бўйича, бошқа бойликлар эса «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96303 — «Банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликлар ҳаракати бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида Марказий банкнинг бош офиси/бош ҳудудий бошқармаларига жўнатилган, экспертизага қабул қилинган йўлдаги банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банкнинг бош офиси/бош ҳудудий бошқармалари томонидан экспертизага қабул қилинган, экспертизага қабул қилиш тасдиқланганидан сўнг ҳисобдан чиқарилган банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90145 Тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига мувофиқ банк кассирлари томонидан тўловга яроқсиз деб топилган банкнот ва тангаларнинг ҳисоби олиб борилади. Тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақ учун 96303 — «Банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликлар ҳаракати бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк кассирлари томонидан тўловга яроқсиз деб топилган банкнот ва тангалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига жўнатилган тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

90147 Йўлдаги тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар

Ҳисобварақнинг таърифи: Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига йўқ қилиш учун жўнатилган, йўлдаги тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96303 — «Банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликлар ҳаракати бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига йўқ қилиш учун жўнатилган, йўлдаги тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси томонидан қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тўловга яроқсиз банкнот ва тангаларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

90300 Ҳужжатли қимматли қоғозлар бланкалари ва ҳужжатсиз қимматли қоғозлар

90303 Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан тарқатиш (биринчи эгаларига сотиш) учун олинган облигациялар ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозларининг бланкалари ҳисоби ҳамда эмитентларнинг топшириғи бўйича банк томонидан тўланган ва йўқ қилиниши лозим бўлган ёки эмитентларга бериб юбориладиган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бланкаларининг ҳисоби олиб борилади. Тарқатиш (сотиш) учун олинган қимматли қоғозлар бланкалари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади. Тўланган қимматли қоғозлар бланкалари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақ учун 96305 — «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан сотиш (тарқатиш) учун олинган, шунингдек эмитентлар топшириғи бўйича тўланган облигациялар ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлар бланкаларининг қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сотилган (тарқатилган) ёки эмитентларга қайтарилган, шунингдек ҳисобдорлик тарзда берилган облигациялар ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бланкаларининг қиймати акс эттирилади. Бундан ташқари ушбу ҳисобварақ йўқ қилинган ёки тўланган қимматли қоғозларнинг эмитентларга бериб юборилган бланкаларнинг суммасига кредитланади.

Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг ва эмитентларнинг турлари бўйича шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90305 ЎзРМБнинг қимматли қоғозлари бланкалари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан тарқатиш (биринчи эгаларига сотиш) учун олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари ва қимматли қоғозларининг бланкалари ҳисоби ҳамда эмитентларнинг топшириғи бўйича банк томонидан тўланган ва йўқ қилиниши лозим бўлган ёки эмитентларга бериб юбориладиган облигациялар ва бошқа

қимматли қоғозлар бланкаларининг ҳисоби олиб борилади. Тарқатиш (сотиш) учун олинган қимматли қоғозлар бланкалари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади. Тўланган қимматли қоғозлар бланкалари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақ учун 96307 — «ЎЗРМБининг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан сотиш (тарқатиш) учун олинган, шунингдек эмитентлар топшириғи бўйича тўланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари ва қимматли қоғозларининг бланкалари қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сотилган (тарқатилган) ёки эмитентларга қайтарилган, шунингдек ҳисобдорлик асосида берилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бланкаларининг қиймати акс эттирилади. Бундан ташқари ушбу ҳисобварақ йўқ қилинган ёки тўланган қимматли қоғозларнинг эмитентларга бериб юборилган бланкалари суммасига кредитланади.

Тахлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг ва эмитентларнинг турлари бўйича шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90317 Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан тарқатиш (биринчи эгасига сотиш) учун олинган нодавлат ташкилотларининг қимматли қоғозлари (шу билан биргаликда лотерея билетлари) бланкаларининг, шунингдек эмитентларнинг топшириғи бўйича банк томонидан тўланган ва йўқ қилишга тегишли бўлган ёки эмитентларга бериб юбориладиган нодавлат ташкилотларнинг қимматли қоғозлари бланкаларининг ҳисоби олиб борилади. Сотиш учун олинган қимматли қоғозларнинг бланкалари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади. Тўланган қимматли қоғозлар бланкалари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақ учун 96315 — «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан сотиш (тарқатиш) учун олинган, шунингдек эмитентлар топшириғи бўйича банк томонидан тўлаб берилган нодавлат ташкилотларининг қимматли қоғозларининг бланкалари қийматлари акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сотилган (тарқатилган) ёки эмитентларга қайтарилган, шунингдек ҳисобдорлик тарзда берилган нодавлат ташкилотларининг бошқа қимматли қоғозлари бланкаларининг қиймати акс эттирилади. Бундан ташқари ушбу ҳисобварақ йўқ қилинган ёки тўлаб берилган қимматли қоғозларнинг эмитентларга бериб юборилган бланкаларининг суммасига кредитланади.

Тахлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг ва эмитентларнинг турлари бўйича шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90327 Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг муомалага чиқарилгунча сақланаётган, шунингдек қоплаш (тўлаш) ёки муомаладан чиқариш мақсадида қайта сотиб олинган қимматли қоғозларининг ҳисоби юритилади. Бундан ташқари ушбу ҳисобварақда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолда бўлган ва йўқ қилиниши лозим бўлган хусусий қимматли қоғозлар бланкалари ҳисоби олиб борилади. Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари, шунингдек қоплаш (тўлаш) ёки муомаладан чиқариш мақсадида қайта сотиб олинган қимматли қоғозлари бланкалари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида босмахонадан ёки бош офисдан олинган, йўқ қилиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бланкалари қиймати, шунингдек қоплаш (тўлаш) учун ёки муомаладан чиқариш учун банк томонидан қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сотилган (тарқатилган), шунингдек ҳисобдорлик тарзда берилган қимматли қоғозлар бланкаларининг қиймати акс эттирилади. Бундан ташқари ушбу ҳисобварақ йўқ қилинган қимматли қоғозларнинг бланкалари суммасига кредитланади.

Тахлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90329 Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг муомалага чиқарилгунча сақланаётган, шунингдек қоплаш(тўлаш) ёки муомаладан чиқариш мақсадида қайта сотиб олинган хусусий ҳужжатсиз қимматли қоғозларини ҳисоби юритилади. Банкнинг қоплаш(тўлаш) ёки муомаладан чиқариш мақсадида қайта сотиб олинган хусусий ҳужжатсиз қимматли қоғозлари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг муомалага чиқарилгунча сақланаётган, чиқарилган ҳужжатсиз қимматли қоғозлари қиймати, шунингдек қоплаш(тўлаш) ёки муомаладан чиқариш учун банк томонидан қайта сотиб олинган ҳужжатсиз қимматли қоғозлар «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг сотилган (тарқатилган) ҳужжатсиз қимматли қоғозлари қиймати акс эттирилади. Бундан ташқари ушбу ҳисобварақ қопланган(тўланган) ёки муомаладан чиқарилган ҳужжатсиз қимматли қоғозларнинг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳосига кредитланади.

Тахлилий ҳисоб ҳужжатсиз қимматли қоғозларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90337 Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари

Ҳисобварақнинг таърифи: қоплаш (тўлаш) муддати келгунча яна қайта сотиш мақсадида банк томонидан сотиб олинган хусусий қимматли қоғозларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96314 —

«Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан қайта сотиб олинган ўз қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан қайта сотилган ўз қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб қимматли қоғозларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90400 Банкнинг пластик карталари, терминаллари, банкоматлари ва инфокиоскалари

90402 Банк томонидан муомалага чиқарилган жисмоний шахсларнинг пластик карталари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан муомалага чиқарилган жисмоний шахсларнинг пластик карталари ҳисоби олиб борилади. Банк томонидан муомалага чиқарилган жисмоний шахсларнинг пластик карталари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96311 — «Банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан муомалага чиқарилган жисмоний шахслар пластик карталарининг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан муомаладан олиб қўйилган ёки белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланган жисмоний шахслар пластик карталарининг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

90404 Банк томонидан муомалага чиқарилган юридик шахсларнинг корпоратив пластик карталари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан муомалага чиқарилган юридик шахсларнинг корпоратив пластик карталари ҳисоби олиб борилади. Банк томонидан муомалага чиқарилган юридик шахсларнинг корпоратив пластик карталари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96311 — «Банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан муомалага чиқарилган юридик шахслар корпоратив пластик карталарининг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан муомаладан олиб қўйилган ёки белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланган юридик шахслар корпоратив пластик карталарининг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади. Тахлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

90406 Банк томонидан муомалага чиқарилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив пластик карталари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан муомалага чиқарилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив пластик карталари ҳисоби олиб борилади. Банк томонидан муомалага чиқарилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив пластик карталари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96311 — «Банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан муомалага чиқарилган якка тартибдаги тадбиркорлар корпоратив пластик карталарининг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан муомаладан олиб қўйилган ёки белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланган якка тартибдаги тадбиркорлар корпоратив пластик карталарининг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

90410 Банк томонидан ўрнатилган терминаллар

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан ўрнатилган терминаллар ҳисоби олиб борилади. Банк томонидан ўрнатилган терминаллар «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96313 — «Банк томонидан ўрнатилган терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскалар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан ўрнатилган терминалларнинг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан муомаладан олиб қўйилган ёки белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланган терминалларнинг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

90412 Банк томонидан ўрнатилган банкоматлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан ўрнатилган банкоматлар ҳисоби олиб борилади. Банк томонидан ўрнатилган банкоматлар «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96313 — «Банк томонидан ўрнатилган терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскалар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан ўрнатилган банкоматларнинг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан муомаладан олиб қўйилган ёки белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланган банкоматларнинг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

90414 Банк томонидан ўрнатилган инфокиоскалар

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан ўрнатилган инфокиоскалар ҳисоби олиб борилади. Банк томонидан ўрнатилган инфокиоскалар «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96313 —

«Банк томонидан ўрнатилган терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскалар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банк томонидан ўрнатилган инфокиоскаларнинг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан муомаладан олиб қўйилган ёки белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланган инфокиоскаларнинг «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳодаги қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

90900 Савдога оид молиялашлар

90908 Тўловчи томонидан банкларда очилган қопланган аккредитив

Ҳисобварақнинг таърифи: тўловчининг шахсий маблағларидан ёки унга берилган кредит ҳисобидан маҳсулот етказиб берувчининг банки тасарруфига маблағларни банк-эмитентнинг мажбуриятлари бутун амал қилиш муддати давомида ўтказиб берадиган қопланган аккредитивларнинг банк-эмитентдаги ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96308 — «Қопланган аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган аккредитив суммаси, шунингдек тўлиқ фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитив суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90909 Такдим этувчига тратталарни тўлаган ҳолдага импорт билан боғлиқ тўланмаган аккредитивлар

Ҳисобварақнинг таърифи: импортчи топшириғи асосида чет элдан товарлар ва хизматларнинг импорти бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун хорижий бенефициар(экспортёр)лар фойдасига очилган тратталарга қарши такдим этувчига қўйилган аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96309 — «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида очилган аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида импортчи банки томонидан акцептланган такдим этувчига қўйилган тратталар асосидаги аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90916 Муддатли тратталарга қарши қўйилган импорт билан боғлиқ тўланмаган аккредитивлар

Ҳисобварақнинг таърифи: маҳсулот етказиб берувчининг молиявий кредитлаши асосида очилган ёки муддатли тратталарга қарши қўйилган импорт билан боғлиқ аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96309 — «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида импортчи банки томонидан акцептланган тратталар асосидаги аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90923 Муддати узайтирилган аккредитивлар — Хорижий

Ҳисобварақнинг таърифи: товарлар ёки хизматларнинг импорти бўйича ҳисоб-китобларнинг маълум вақт оралиғида қисмларга бўлиб амалга оширилиши кўзда тутилган ҳолда очилган хорижий аккредитивларнинг ҳисоби юритилади. Муддати узайтирилган хорижий аккредитивлар одатда бир йилдан ортиқ муддатга очилиши мумкин. Ушбу кредит тури йирик суммаларда берилади ва маълум муддатлар давомида қисмларга бўлинган ҳолда тўланиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96309 — «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида импортёр банки томонидан акцептланган тратталар асосидаги аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90930 Муддати узайтирилган аккредитивлар — Маҳаллий

Ҳисобварақнинг таърифи: маҳаллий товарлар ва кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ ҳисоб-китобларни маълум вақт оралиғида қисмларга бўлиб амалга оширилиши кўзда тутилган ҳолда очилган аккредитивларнинг ҳисоби юритилади. Муддати узайтирилган маҳаллий аккредитивлар одатда бир йилдан ортиқ муддатга очилиши мумкин. Ушбу кредит тури йирик суммаларда берилади ва маълум муддатлар давомида қисмларга бўлинган ҳолда тўланиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96309 — «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўловчи банк томонидан акцептланган тратталар асосидаги аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90937 Револьвер аккредитивлар — Хорижий

Ҳисобварақнинг таърифи: револьвер аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. (Револьвер аккредитив — эмитент-банк томонидан аккредитивни фойдалангандан кейин бошланғич суммасига қайта тиклаш мажбурияти) Тартибга мувофиқ револьвер аккредитивлар бир йилга ва бир йилдан юқори бўлган муддатга очилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96309 — «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси ҳамда қайта тикланган аккредитивнинг фойдаланган қисмининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90944 Захира аккредитивлар — Хорижий

Ҳисобварақнинг таърифи: хорижий бенефициарлар фойдасига очилган, товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган, аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. Аккредитив (тадбиркорлик) операцияларнинг бажарилиши учун кафолат сифатида очилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96309 — «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90951 Захира аккредитивлар — Маҳаллий

Ҳисобварақнинг таърифи: маҳаллий бенефициарлар фойдасига очилган, товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. Аккредитив (тадбиркорлик) операцияларнинг бажарилиши учун кафолат сифатида очилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96309 — «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90955 Тасдиқланган импорт билан боғлиқ аккредитивлар

Ҳисобварақнинг таърифи: импортёрнинг банки томонидан маҳсулот етказиб берувчи фойдасига очилган ва эмитент-банкнинг илтимосига биноан

импортёр банки томонидан тасдиқланган аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. Бу билан тасдиқловчи банк ушбу аккредитив билан боғлиқ бўлган барча мажбуриятларни ўзига олади. Ушбу ҳисобварақ учун 96309 — «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўлаб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90958 Тасдиқланган экспорт билан боғлиқ аккредитивлар

Ҳисобварақнинг таърифи: хорижий вакил-банклардан келиб тушувчи ва экспортчи-банк томонидан тасдиқланувчи, хорижий импортчилар томонидан маҳаллий экспортчилар фойдасига очилган аккредитивлар ҳисоби олиб борилади. Аккредитив импортчининг хорижий банки томонидан очилади ва маҳаллий экспортчи экспортчи-банкдан ўз товарларини жўнатишдан олдин аккредитивни тасдиқлаб беришни сўрайди. Экспортчи-банк аккредитивни тасдиқлаши билан ушбу аккредитив билан боғлиқ бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Ушбу ҳисобварақ учун 96316 — «Экспорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўлаб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича муддати тугагандан кейин қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90960 Хабар қилинган импорт билан боғлиқ аккредитивлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу банкнинг бир вакил-банки томонидан бошқа вакил-банкка очилган аккредитиви ҳисоби олиб борилади. Бунда ушбу банк бу аккредитивнинг бажарилиши бўйича ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди. Ушбу ҳисобварақ учун 96316 — «Экспорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90961 Хабар қилинган экспорт билан боғлиқ аккредитивлар

Ҳисобварақнинг таърифи: импортчининг банки томонидан экспортчининг фойдасига очилган ва экспортчининг банкига очилганлиги тўғрисида хабар қилинган аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. Аккредитивларнинг ҳисоби экспортчининг банкида олиб борилади. Бунда экспортчининг банки бу аккредитивнинг бажарилиши бўйича ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди. Ушбу ҳисобварақ учун 96316 — «Экспорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида аккредитив суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90962 Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади (Картотека №1). Ушбу ҳисобварақ учун 96316 — «Экспорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида тўлов муддатини ва/ёки тўловчининг акцептлашини (розилигини) кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўлов муддати келган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90963 Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: тўловчиларнинг ҳисобварақларида маблағларнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги сабабли, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа (ҳисобварақ арестга олинганда, ҳисобварақ блокировка қилинганда ва бошқа) ҳоллардаги муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади (Картотека №2). Ушбу ҳисобварақ учун 96321 — «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўлиқ ёки қисман-қисман қилиб тўланган ҳужжатларнинг суммаси, шунингдек акцептлашни рад қилганлиги натижасида қайтарилган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90965 Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар — Маҳаллий

Ҳисобварақнинг таърифи: инкассога қабул қилинган маҳаллий векселларнинг, тратталарнинг ёки чекларнинг, шунингдек бошқа ҳисоб-китоб

ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақда тўлов ҳужжатлари тўловлар муддати келгунга қадар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96323 — «Инкассога қабул қилинган маҳаллий (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида маҳаллий векселларнинг, тратталарнинг ёки чекларнинг, шунингдек инкассога қабул қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўлиқ ёки қисман-қисман қилиб тўланган ҳужжатларнинг суммаси ҳамда акцептдан рад қилиш натижасида қайтарилган ёки 90963 — «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» ҳисобварағига ўтказилган ҳужжатларнинг суммалари акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб миқдорлар ва инкассога қабул қилинган ҳужжатларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90966 Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан сотиб олинган дебиторлик қарзларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96321 — «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида сотиб олинган дебиторлик қарзларининг тўлиқ қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қарздорлар томонидан тўлиқ қопланган сотиб олинган дебиторлик қарзлар ҳисобдан чиқарилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90969 Бартер шартномалари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк миқдорларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган контрагентлари билан ўзаро товар етказиб беришлик асосида тузган бартер шартномаларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96317 — «Бартер шартномалари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ дир.

Ҳисобварақнинг дебитида бартер шартномасининг умумий суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қабул қилинган товар ва амалга оширилган мажбурий сотиш қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир бартер шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90971 Экспорт шартномалари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг миқдори билан тузилган экспорт шартномалари ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96318 — «Экспорт шартномалари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида экспорт шартномасининг умумий суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ушбу шартнома бўйича корхонанинг ҳисобварағига ҳақиқатда келиб тушган тушумлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир экспорт шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90972 Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар — Хорижий

Ҳисобварақнинг таърифи: хорижий вакиллар (корреспондентлар)дан инкассога қабул қилинган вексел, тратта ёки чекларнинг, шунингдек бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақда тўлов ҳужжатлари тўловлар муддати келгунга қадар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96323 — «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида инкассога қабул қилинган маҳаллий векселлар, тратталар, чеклар, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида акцептланган, тўланган ҳужжатларнинг, шунингдек тўлов тўғрисида рад жавоби келган ҳужжатларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб мижозлар ва инкассога қабул қилинган ҳужжатларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90979 Инкассога жўнатиш (ташқи) векселлар — Маҳаллий

Ҳисобварақнинг таърифи: мижозлардан инкассога қабул қилинган ва тўловини ёки акцептини олиш учун жўнатиш маҳаллий векселларнинг, тратталарнинг ёки чекларнинг, шунингдек бошқа тўлов ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96330 — «Инкассога жўнатиш (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида инкассога жўнатиш ҳужжатларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк томонидан тўланган ва/ёки акцептланган ҳужжатларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб мижозлар ва инкассога жўнатиш ҳужжатларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90986 Инкассога жўнатиш векселлар — Хорижий

Ҳисобварақнинг таърифи: тижорат кредити ҳисобига тўловни олиш учун чет элга жўнатиш инкассо операциялари бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлардан банк томонидан қабул қилинган товар ҳужжатлари ва тратталари, шунингдек акцептланган тратталарнинг; тижорат кредити ҳисобига тўлов учун чет элга жўнатиш ва тўлови аккредитивлар билан таъминланувчи тратталар ва векселлардан ташқари хорижий банкларда жойлашган акцептланган тратталар ҳамда векселларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96330 — «Инкассога жўнатиш (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида чет элга инкассога жўнатиш ҳужжатларнинг ва акцептланган тратталарнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўланган ҳужжатларнинг ва/ёки хорижий банклар томонидан акцептланган ҳужжатларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир хорижий вакил (корреспондент)-банк, мижоз ва инкассога жўнатилган ҳужжатларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90993 Кафолат ва кафилликлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақда мижозлар фойдасига банк томонидан берилган ёки тасдиқланган кафолат ва кафилликларнинг, шунингдек банк томонидан бошқа эмитентларнинг кафиллик берилган (авалированных банком) векселларининг номинал қиймати ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96337 — «Кафолат ва кафилликлар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кафолатларнинг суммаси, шунингдек банк томонидан бошқа эмитентларнинг кафиллик берилган векселларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида фойдаланилган, шунингдек фойдаланилмаган ва ўрнатилган тартибда муддати ўтиши билан йўқ қилинган кафолатларнинг суммаси, шунингдек банк томонидан кафиллик берилган бошқа эмитентларни қопланган векселларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кафолат бўйича, шунингдек аваллаштирилган векселларнинг тури ва муддати бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91500 Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари

91501 Берилган кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: муддати ўтган ва ўрнатилган қоидаларга мувофиқ балансдан ҳисобдан чиқарилган, берилган муддатли ва шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар, шунингдек «фоиз ўстирмаслик» мақомига ўтказилган кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланадиган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Шу билан биргаликда ушбу ҳисобварақда муддати ўтган ҳамда суд жараёнидаги кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96335 — «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида кредитлар ва лизинглар бўйича муддати ўтган ва/ёки ҳисобланган фоизларнинг суммаси акс эттирилади

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91503 Берилган кредитлар ва лизинглар бўйича муддати узайтирилган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ равишда муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96335 — «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида олиниси лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қопланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган суммалар акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91505 Бошқа активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари

Ҳисобварақнинг таърифи: бошқа активлар ва воситачиликлар бўйича ҳисобдан чиқарилган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96335 — «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида бошқа активлар бўйича олиниси лозим бўлган муддати ўтган ва/ёки ҳисобланган фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида бошқа активлар бўйича тўланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир миқдор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91800 Банкнинг кредит ва лизинг мажбурияти

91809 Банкнинг кредит ва лизинг бериш мажбурияти

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг миқдорларга ёки бошқа банкларга кредит ваёки лизинг бериш мажбуриятлари ҳисоби олиб борилади. Банкнинг миқдорларга ва бошқа банкларга кредит ваёки лизинг бериш мажбуриятлари ушбу ҳисобварақда ушбу мажбуриятларнинг бажарилишигача ёки бекор қилинишигача ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96351 — «Банкнинг кредит бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида банкнинг кредит ва лизинг бериш бўйича берилган мажбуриятларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кредит ваёки лизинг бериш бўйича ижро этилган ёки бекор қилинган мажбуриятларининг суммаси, шунингдек қисман амалга оширилган тўловлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91816 Банкнинг кредит ва лизинг олиш мажбуриятлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банкнинг миқдорлардан ёки бошқа банклардан кредит ваёки лизинг олиш мажбуриятларининг ҳисоби юритилади. Банкнинг кредит ваёки лизинг олиш мажбуриятлари ушбу ҳисобварақда ушбу мажбуриятларнинг бажарилишигача ёки бекор қилинишигача ҳисобга олинади.

Ушбу ҳисобварақ учун 96358 — «Банкнинг кредит олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида кредит ваёки лизинг олиш бўйича берган мажбуриятларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кредит олиш бўйича ижро этилган ёки бекор қилинган мажбуриятларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91900 Қарздорларнинг кредит ва лизинг мажбуриятлари

91901 Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари

Ҳисобварақнинг таърифи: қарздорларнинг банк томонидан берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича муддатли мажбуриятларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96345 — «Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар бўйича қарздорлардан қабул қилинган муддатли мажбуриятлар суммаси ўтказилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўла қопланган мажбуриятлар суммаси акс эттирилади. Қисман амалга оширилган тўловлар суммаси мажбурият тўла бажарилгунга қадар унинг орқа томонига ёзиб борилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91905 Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари

Ҳисобварақнинг таърифи: қарздорларнинг банк томонидан берилган узоқ муддатли кредитлар ваёки лизинглар бўйича муддатли мажбуриятларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96349 — «Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар бўйича қарздорлардан қабул қилинган муддатли мажбуриятлар суммаси ўтказилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўлиқ қопланган мажбуриятлар суммаси акс эттирилади. Қисман амалга оширилган тўловлар суммаси мажбурият тўла бажарилгунга қадар унинг орқа томонига ёзиб борилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91907 Қарздорларнинг Ҳукуматдан олинган узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари

Ҳисобварақнинг таърифи: қарздорларнинг банк томонидан берилган Ҳукуматнинг узоқ муддатли кредитлар ваёки лизинглар бўйича муддатли мажбуриятлари ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96349 — «Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар ваёки лизинглар бўйича қарздорлардан қабул қилинган муддатли мажбуриятлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида тўлиқ қопланган мажбуриятлар суммаси акс эттирилади. Қисман амалга оширилган тўловлар суммаси мажбурият тўла бажарилгунга қадар унинг орқа томонига ёзиб борилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92700 Ҳосилавий инструментлар бўйича трансакциялар

92701 Фьючерс битими бўйича сотиш

Ҳисобварақнинг таърифи: молиявий инструментни (фьючерс — бу, келажакда етказиб бериладиган молиявий инструментни сотиш ёки сотиб олиш бўйича стандарт шартномадир) сотиш бўйича фьючерс битими ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96361 — «Фьючерс битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида молиявий инструментни сотишга асосланган фьючерс шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида фьючерс шартномалари бўйича сотилган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир фьючерс шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92705 Фьючерс битими бўйича сотиб олиш

Ҳисобварақнинг таърифи: молиявий инструментни (фьючерс — бу, келажакда етказиб бериладиган молиявий инструментни сотиш ёки сотиб олиш бўйича стандарт шартномадир) сотиб олиш бўйича фьючерс битими ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96363 — «Фьючерс битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида молиявий инструментни сотиб олишга асосланган фьючерс шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида фьючерс шартномалари бўйича сотиб олинган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир фьючерс шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92709 Форвард битими бўйича сотиш

Ҳисобварақнинг таърифи: келишилган курс бўйича молиявий инструментни сотиш, келгусида келишилган санада тўловлар ва етказиб берилиши амалга ошириладиган форвард шартномаларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96365 — «Форвард битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида молиявий инструментни сотишга асосланган форвард шартномаларининг суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг кредитида форвард шартномаси бўйича сотилган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади. Тахлилий ҳисоб ҳар бир форвард шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92716 Форвард битими бўйича сотиб олиш

Ҳисобварақнинг таърифи: келишилган курс бўйича молиявий инструментни сотиб олиш, келгусида келишилган санада тўловлар ва етказиб берилиши амалга ошириладиган форвард шартномаларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96367 — «Форвард битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида молиявий инструментни сотиб олиш бўйича форвард шартномасининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида форвард шартномаси бўйича сотиб олинган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир форвард шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92724 Опцион битими бўйича сотиш

Ҳисобварақнинг таърифи: молиявий инструментни сотиш бўйича опцион (опцион — бу, шартнома даври ичида молиявий инструментнинг маълум қисмини аниқ белгиланган курсда сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини берувчи шартномадир) шартноманинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96369 — «Опцион шартномаси бўйича сотиш контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида молиявий инструментни сотишга асосланган опцион шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида опцион шартномалари бўйича сотилган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир опцион шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92728 Опцион битими бўйича сотиб олиш

Ҳисобварақнинг таърифи: молиявий инструментни сотиб олиш бўйича опцион (опцион — бу, шартнома даври ичида молиявий инструментнинг маълум қисмини аниқ белгиланган курсда сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини берувчи шартномадир) шартномаларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96370 — «Опцион шартномаси бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида молиявий инструментни сотиб олишга асосланган опцион шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида опцион шартномалари бўйича сотиб олинган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир опцион шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92732 Своп шартларида сотиш

Ҳисобварақнинг таърифи: молиявий инструментни сотиш бўйича своп (своп — бу, шартли суммада ва келишилган индексни қўллаш асосида келажакда тўловларни алмаштириш бўйича келишувдир. Икки намуна сифатида валюта свопи ва фоизлар ставкаси бўйича своп хизмат қилади)

шартноманинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96371 — «Своп шартлари билан сотиш контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида молиявий инструментни сотишга асосланган своп шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида своп шартномалари бўйича молиявий инструментнинг сотилган суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир своп шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92736 Своп шартларида сотиб олиш

Ҳисобварақнинг таърифи: молиявий инструментни сотиб олиш бўйича своп (Своп — бу, шартли суммада ва келишилган индексни қўллаш асосида келажакда тўловларни алмаштириш бўйича келишувдир. Икки намуна сифатида валюта свопи ва фоизлар ставкаси бўйича своп хизмат қилади) шартноманинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96373 — «Своп шартлари билан сотиб олиш контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида молиявий инструментни сотиб олишга асосланган своп шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида своп шартномалари бўйича молиявий инструментнинг сотиб олинган суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир своп шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92800 Қимматли қоғозлар бўйича муддатли битимлар

92802 Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ўзаро тузилган муддатли битимларга биноан банк томонидан сотиб олинishi лозим бўлган, шунингдек банк билан контрагент ўртасида қайта сотиб олиш шarti билан тузилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажарилиши бўйича қайта сотиб олинishi лозим бўлган қимматли қоғозларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96374 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида ўзаро тузилган муддатли битимларга биноан банк томонидан сотиб олинishi лозим бўлган қимматли қоғозларнинг суммаси, шунингдек банк томонидан сотилган ва қайта сотиб олиш шarti билан тузилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажарилиши бўйича қайта сотиб олинishi лозим бўлган қимматли қоғозларнинг қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ўзаро тузилган муддатли битимларга биноан банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозларнинг суммаси, шунингдек қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шarti билан тузилган олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажарилиши бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларнинг қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб шартнома ва қимматли қоғозлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

92806 Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар

Ҳисобварақнинг таърифи: ўзаро тузилган муддатли битимларга биноан банк томонидан етказиб берилиши лозим бўлган қимматли қоғозларнинг, шунингдек банк билан контрагент ўртасида қайта сотиб олиш шarti билан тузилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажарилиши бўйича сотилиши лозим бўлган қимматли қоғозларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96376 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида ўзаро тузилган муддатли битимларга биноан банк томонидан сотувга қўйилиши лозим бўлган қимматли қоғозларнинг суммаси, шунингдек банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шarti билан тузилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажарилиши бўйича сотилиши лозим бўлган қимматли қоғозларнинг қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ўзаро тузилган муддатли битимларга биноан банк томонидан сотилган қимматли қоғозларнинг суммаси, шунингдек қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шarti билан тузилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажарилиши қўшма банк томонидан сотилган қимматли қоғозларнинг қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб шартнома ва қимматли қоғозлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда оллб борилади.

93600 Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар

93609 Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар

Ҳисобварақнинг таърифи: сақланаётган қимматликлар ва ҳужжатларнинг ҳисоби олиб борилади. Сақланишга қабул қилинган қимматликлар «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида шартли равишда сақланишга қабул қилинган қимматбаҳо буюмлар ва бошқа ҳужжатларнинг қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида эгаларига қайтарилган ёки ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда ушбу ҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилган қимматбаҳо буюмлар ва бошқа ҳужжатларнинг қиймати акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қимматбаҳо буюмлар ва ҳужжатлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

93616 Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари

Ҳисобварақнинг таърифи: сақлаш учун топшириқ, воситачилик ёки сақлаш шартномаларига асосан олинган облигациялар ва давлатнинг бошқа

қимматли қоғозларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида сақлашга қабул қилинган, шунингдек топшириқ ва воситачилик шартномаларига асосан сотиш учун олинган облигациялар ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади

Ҳисобварақнинг кредитида топшириқ ёки воситачилик шартномалари бўйича сотилган облигацияларнинг ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозларининг, сотилмаган ва мижозларга қайтарилган, шунингдек сақланиш ҳисобидан чиқарилган давлатнинг қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича очиладиган алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

93623 Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари

Ҳисобварақнинг таърифи: хусусий корхоналарнинг топшириқ, воситачилик ёки сақлаш шартномаларига асосан олинган қимматли қоғозларининг, шунингдек сақланаётган тижорат ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида сақлаш учун қабул қилинган қимматли қоғозлар ва тижорат ҳужжатларининг номинал қиймати, шунингдек топшириқ ёки воситачилик шартномаларига асосан сотиш учун олинган хусусий корхоналарнинг қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида топшириқ ёки воситачилик шартномалари бўйича сотилган қимматли қоғозларнинг, сотилмаган ва мижозларга қайтарилган, шунингдек сақланиш ҳисобидан чиқарилган хусусий корхоналарнинг қимматли қоғозларининг ва тижорат ҳужжатларининг номинат қиймати акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича очиладиган алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

94500 Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ(талаб)лар

94501 Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар

Ҳисобварақнинг таърифи: берилган кредитлар ваёки лизинглар таъминоти сифатида қабул қилинган қимматли қоғозларнинг ҳисоби олиб борилади. Қимматли қоғозлар қабул қилинган таъминот суммасида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96381 — «Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида берилган кредитлар ваёки лизингларнинг таъминоти сифатида олинган қимматли қоғозларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кредитлар қайтарилмаганда фойдаланилган таъминот суммаси, шунингдек кредитлар ваёки лизинглар қайтарилгандан кейин ва кредит ваёки лизинглар шартномалари ёпилгандан кейин мижозларга қайтарилган қимматли қоғозлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

94502 Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкӣ ҳуқуқ(талаб)лар

Ҳисобварақнинг таърифи: кредитлар ваёки лизингларга ва берилган бошқа кредитларга гаров сифатида сақланаётган мулклар ва мулкӣ ҳуқуқ(талаб)ларнинг ҳисобни олиб борилади. Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкӣ ҳуқуқ(талаб)лар ҳисобвараққа гаров бўйича шартнома тузилган вақтдаги баҳоланган қиймати бўйича кирим қилинади. Ушбу ҳисобварақ учун 96381 — «Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкӣ ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебетида гаров таъминоти сифатида қабул қилинган мулклар ва мулкӣ ҳуқуқ(талаб)ларнинг қиймати акс этирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида гаровга қабул қилинган фойдаланилган мулклар ва мулкӣ ҳуқуқ(талаб)ларнинг суммаси ёки кредитлар ваёки лизинглар ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар қоплангандан (тўлангандан) кейин қайтариладиган мулклар ва мулкӣ ҳуқуқ(талаб)ларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредит ваёки лизинг шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақутарда олиб борилади.

94503 Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар

Ҳисобварақнинг таърифи: берилган кредитлар ваёки лизингларнинг таъминоти сифатида қабул қилинган кафолат ва кафилликларнинг, шунингдек суғурта полисларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96381 — «Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкӣ ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебетида берилган кредитлар ваёки лизингларнинг таъминоти сифатида қабул қилинган кафолат ва кафилликларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кредитлар ваёки лизинглар қайтарилмаганда фойдаланилган таъминот суммаси, шунингдек кредитлар қайтарилгандан кейин ва кредит шартномалари ёпилгандан кейин кафолатлар ва кафилликларнинг муддати ўтиши билан ўрнатилган тартибда фойдаланилмаган ва бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

94504 Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар

Ҳисобварақнинг таърифи: банк томонидан олинган кредитлар ваёки лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96381 — «Гаров сифатидаги қимматли

қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида олинган кредитлар ваёки лизинглар таъминоти сифатида қарздор-банк томонидан берилган қимматли қоғозларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кредит қайтарилмаганда кредитор томонидан фойдаланилган таъминот суммаси, шунингдек кредитлар ваёки лизинглар қайтарилгандан кейин ва кредит ваёки лизинглар шартномалари ёпилгандан кейин қарздор-банкка қайтарилган қимматли қоғозларнинг суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

95400 Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари

95409 Қарздорга билдирилган даъволар бўйича олинадиган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: гаровга олинган мол-мулкнинг қарздорларга/дебиторларга берилган кредитнинг тўланмаган суммаси билан солиштирилгандаги кам чиққан қиймати натижасида қарздорларга/дебиторларга билдирилган даъволар бўйича олинадиган маблағлар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида гаровга олинган мол-мулкнинг берилган кредитнинг тўланмаган суммаси билан солиштирилгандаги кам чиққан қиймати натижасида қарздорларга/дебиторларга билдирилган даъволар бўйича олинадиган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида кредит қарзлари бўйича қарздорларга/дебиторларга билдирилган даъволар асосида ундириб олинган маблағлар суммаси ёки ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда ҳисобдан чиқарилган қарзлар суммаси акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб қарздорлар/дебиторлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

95411 Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар

Ҳисобварақнинг таърифи: муддатида тўланмаган қимматли қоғозлар бўйича ва суд жараёнидаги қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96333 — «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебитида муддатида тўланмаган қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек суд жараёнидаги қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида муддатида тўланмаган қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек суд жараёнидаги қимматли қоғозлар бўйича ундириб олинган фоизлар суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб қимматли қоғозлар эмитентлари ва тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

95413 Ҳисобдан чиқарилган кредитлар ва лизинглар

Ҳисобварақнинг таърифи: амалдаги қоидаларга мувофиқ равишда банк балансидан ҳисобдан чиқарилган кредитлар ваёки лизинглар (тўланмаган қисми)нинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобдан чиқарилган кредит ва лизинглар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида қайта тикланган ёки тўланган кредитлар ваёки лизингларнинг, шунингдек ўрнатилган муддати ўтиши билан бекор қилинган кредитлар ваёки лизингларнинг суммаси акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

95497 Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари

Ҳисобварақнинг таърифи: юқоридаги туркум ҳисобварақлар таърифига мос тушмайдиган операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ» контр-ҳисобварақ ҳисобланади.

Ҳисобварақнинг дебетида кирим қилинган маблағлар, ҳужжатлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг қиймати акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ҳисобдан чиқарилган маблағлар, ҳужжатлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг суммаси акс эттирилади.

6 БОБ. БАНК БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТЛАРИ

6.1.Банк бухгалтерия ҳисоботлари

Банклар кунлик бажарилган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклда кунлик баланс ҳисоботи тузади. Кунлик баланс ҳисоботи Бош банк томонидан бутун банк бўйича ягона қилиб тайёрланади.

Бош банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти томонидан ягона баланс ҳисоботини тузиш устидан мониторинг ўрнатилади. Ягона баланс "Банк биносидан ташқарида жойлашган масъул ижрочи бухгалтер" қондаси асосида шакллантирилади. Бунда, маълумотларни қайта ишловчи Бош сервер Бош банкда, филиалларда эса ягона локал ҳисоблаш тармоғига уланган бухгалтер, иқтисодчи, филиал раҳбарияти ва бошқа ходимларнинг ишчи стантсиялари жойлашган бўлади. Филиалларда барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида амалга оширилаётган операциялар махсус ўрнатилган белгилар сифатида Бош серверга автоматик узатилади ва шу заҳоти Бош серверда акс эттирилади. Ҳар иш куни охирида Бош банкда кун давомида амалга оширилган операцияларнинг банклараро, филиаллараро ва ички банк операцияларига бўлинган ҳолдаги рўйхати тайёрланади. Бу операцияларнинг жамланма суммаси кун мобайнида амалга оширилган бутун банк операциялари суммасига тенг бўлиши лозим.

Бош банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ахборотлаштириш бош марказидан ЕНД файлни олгандан сўнг, кун ёпиш билан боғиқ бўлган барча операцияларни бажаради ва шу заҳоти ўзининг филиалларига кун давомида амалга оширилган операциялар тўғрисида ЕНД файлга мос бўлган назорат файлини юборади.

Банк филиаллари ўрнатилган тартибда кунлик бухгалтерия ҳужжатларини йиғмажилдга тикишлари ва уларни баланс маълумотлари билан солиштиришлари лозим. Ҳар бир ҳисобот шакли филиал раҳбари ва бош бухгалтери томонидан синчиклаб текширилади.

Бош банк раҳбарлари баланс бўлмаган, ҳисобда тартибга солинмаган тафовутлар чиққанда ва бир кун давомида мижозларга хизмат кўрсатилиши таъминланмаган ҳолларда бу камчиликларни бартараф этиш учун зарур барча чора-тадбирларни кўриши лозим. Банк филиаллари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари баланс чиқмаганлиги ҳақида белгиланган муддатда Бош банкка хабар қилмасалар, уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимларидан озод қилишгача бўлган чоралар кўрилади. Баланснинг тўғри тузилганлиги қуйидаги тартибда текширилади:

– кунлик баланснинг актив ва пасивларнинг қолдиқлар бўйича якунлари тенглиги;

– "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақлари қолдиқлари якунининг тўғрилиги, шу ҳисобварақлар билан уларга тегишли контр-ҳисобварақлар қолдиқларининг ўзаро тенглиги;

– актив ҳисобварақларда кредит қолдиқ, пассив ҳисобварақларда дебет қолдиқ бўлмаслиги;

– актив ҳисобварақларга очилган контр-актив ҳисобварақлар қолдиқи шу актив ҳисобварақ қолдиқидан ортиқ бўлмаслиги, пассив ҳисобварақларга очилган контр-пассив ҳисобварақлар қолдиқи шу пассив ҳисобварақ қолдиқидан ортиқ бўлмаслиги;

– Бош банкда очилган 16100 ва 22200-ҳисобварақлари қолдиқлари ҳамда улар бўйича очилган иккинчи тартибли мос ҳисобварақларнинг қолдиқлари ўзаро тенг бўлиши;

– асосий воситалар, даромадлар ва харажатлар ҳамда банк капитали ҳисоби фақат миллий валютада юритилишини таъминлаш ва баланснинг резидент ва норезидент устунларини шунга мос равишда тўлдирилганлиги.

Баланснинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг кунлик бухгалтерия ҳисоботи сифатида бир нусха баланс чоп этилади. Банкнинг ягона кунлик баланси банк раҳбари ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори томонидан имзоланиши лозим. Филиаллар баланси филиал бошқарувчиси ва унинг бош бухгалтери томонидан, касса операциялари бўйича ҳисоботларга улардан ташқари касса мудирини ёки масъул касса ходими имзо чекади.

Банклар баланси бошқа зарур маълумотлар билан биргаликда Марказий банкка тақдим қилиш учун Бош сервердан Ахборотлаш бошқарув тизимига узатилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларининг балансларини алоҳида жамлаб, сўнгга бутун республика банклари бўйича йиғма баланс тузади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк баланси Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти томонидан, тижорат банклари баланслари Кредит ташкилотлари фаолиятини литсензиялаш ва тартибга солиш департаменти томонидан таълил қилинади. Таҳлил натижалари бўйича тижорат банкларига тегишли кўрсатмалар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ваколатли департаментлари АБТ дан ўрнатилган тартибда баланс ва бошқа тегишли маълумотлар олиши мумкин.

Кунлик баланс ҳисоботлари ва шахсий ҳисобварақларга қўлда бирон-бир тузатишлар қилинишига йўл қўйилмайди. Суммаларни ўчириб ёзиш ва тузатиш, шунингдек ўчирувчи суюқликлардан фойдаланиб, уларга тузатишлар киритиш таъиян тақиқланади.

Банк иш куни якунланиб, баланс ҳисоботи тузилиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка жўнатилганидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга эртаси банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш йўли билан, тузатиш мемориал ордерлари асосида тўғриланиши лозим. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар мижозларнинг розилигисиз ҳисобдан чиқарилади.

Бу ҳақда банк билан миқдор ўртасида тузилган шартномада кўрсатиб ўтилган бўлиши шарт.

Тузатиш ордерлари, агар миқдорларга битта банк филиали хизмат кўрсатса тўрт нусхада тузилиши лозим. Уларнинг биринчи нусхаси ордер бўлиб хизмат қилади, иккинчи ва учинчи нусхалари миқдорлар учун дебет ва кредит ёзувлари бўйича билдиришномалар бўлиб ҳисобланади, тўртинчи нусха эса ордер китобчасида қолади. Бу китобча бош бухгалтер ёки унинг ўринбосарида сақланиши лозим. Ордерларга бошқа ҳужжатлардан фарқланадиган тартиб рақамлари қўйилиши шарт.

Тузатиш ордери матнида қачон ва қайси ҳужжатда хато ёзувга йўл қўйилгани кўрсатилиши керак. Агар унга миқдор аризаси сабаб бўлган бўлса, шу сабаб кўрсатилади. Бунда мемориал ордернинг тўртинчи нусхасининг орқа томонига қимнинг айби билан хатоликка йўл қўйилганлиги қайд этилади, ижрочининг, шунингдек нотўғри ёзувни назоратдан ўтказган шахснинг лавозими ва фамилияси кўрсатилади. Тузатиш мемориал ордерлари тузилишида асос бўлган аризалар китобга тикилган мемориал ордерлар билан бирга сақланиши лозим. Суммаси кейинчалик тесқари бухгалтерия ўтказмалари билан тузатилган шахсий ҳисобварақдаги хато ёзув қаршисига албатта "Тўғрилланган" белгиси қўйилиши, тўғрилаш киритилган сана ва тўғрилланган мемориал ордерининг рақами кўрсатилиши шарт. Бу қайд тўғрилланган мемориал ордерини имзолаган бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари имзоси билан тасдиқланади.

Бош бухгалтер тўғрилланган мемориал ордерларнинг китобчада қолган нусхаларидан фойдаланиб, ходимларнинг ишидаги хатолар ҳисобини юритади ва ушбу хатолар сабабларини ўрганиб ишни яхшилаш чораларини кўради. Банклараро ва филиаллараро электрон тўловлар бўйича хатоларни мемориал ордерлар билан тўғрилаш қатъиян ман этилади. Банклараро ва филиаллараро электрон тўловлар бўйича хатоларни тўғрилаш учун хатоликка йўл қўйган банк филиали, хато электрон тўлови жўнатилган банкка "Лотус-Нотес" алоқа электрон почтаси орқали хато ўтказилган тўлов тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда, хато юборилган тўлов ҳужжатини қайтариш тўғрисида илтимоснома хати жўнатади. Бу ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтарилмаслигидан қатъи назар, ташаббускор банк маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан "19997 - Бошқа активлар" ҳисобварағи орқали олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт.

Бухгалтерия баланси - банкнинг молиявий маблағларини ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тегишли гуруҳлар бўйича пул ифодасида маълум бир санага (кун, ой, чорак ва йиллик) ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришдир.

Тижорат банклари томонидан тузилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, аввало, ички ва ташқи (банк бошқаруви ва ходимлари, банк таъсисчилар, солиқ инспекцияси, кредиторлар, инвесторлар) фойдаланувчиларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини қондириши, шунингдек, банкнинг молиявий ҳолатига ҳолисона баҳо бериш мақсадида

тузиладиган маълумотлар мажмуаси ҳисобланади. Шу боисдан, банкларда тузиладиган баланс ҳисоботлари муддатига кўра, корхоналарникидан фарқли ўлароқ, кунлик баланс, ойлик баланс, чораклик баланс ва йиллик баланс шаклида тузилади. Банкларда бухгалтерия хизматининг асоси баланс тузишдан иборат. Кириш балансидан тортиб тугатиш балансига қадар бўлган давр мураккаб бухгалтерия жараёнини қамраб олади.

Кунлик балансда банкларнинг ўзлик ва жалб қилинган маблағларнинг ҳолати, шунингдек, уларни кредит ва бошқа даромадли операцияларга жойлаштирилиши акс эттирилади. Баланс маълумотларига кўра, пул маблағларининг шаклланиши ва жойланиши, кредит, ҳисоб-китоб, касса ва бошқа операцияларининг ҳолати ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобидатўғри акс эттирилиши назорат қилинади. Банкларда баланслар тузилишига кўра: кирим баланси, жорий баланс, йиғма баланс (консолидированный), қайта тиклаш баланси, бирлаштириш баланси, тугатиш балансларига бўлинади.

Баланс тузишда маълумотлар асосан айланма қайдномалардан (оборот ведомостлар) кўчириб ёзилади. Бухгалтерия ҳисоботининг иккинчи шакли сифатида «фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот тузилади. Бунда банкнинг даромадлари ва харажатларининг ҳисобини юритишда тайинланган асосий ҳисобвақарлардаги маълумотлар коррективировка қилиниб, банкнинг кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик харажатлари ҳамда даромадларининг ҳолати бўйича маълумотлар акс эттирилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан мақсад банкнинг даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш, уларни ҳисоблашдаги хато ҳамда камчиликларини аниқлаб, олинган натижаларга асосланган ҳолда банкнинг истикболдаги фаолиятини режалаштиришдир.

Банкнинг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларида ҳисобот ойи давомида нақд пул малағларининг, яъни, банкга келиб тушган ва чиқим қилинган пул маблағларнинг ҳаракати ўифодасини топган бўлади.

Бухгалтерия ҳисоботининг 3-чи шакли балансга илова ҳисобланиб, бунда ҳисоботнинг биринчи қисмида бюджет даромадларига ажратмалар ва тўловлар акс эттириб борилади. Иккинчи қисмида эса, марказлаштирилган суғурта фондларига, захира фондларига бошқа махсус фондларга ажратмалар акс эттирилади.

Банк балансдаги маълумотлар ҳар бир операциянинг рўй бериши натижасида активлар ва пасивларни ҳолати бўйича тўлиқ маълумотлар олиш имкониятини беради. Бу ҳолат ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларининг дастлабки ҳисобини тегишли ҳисоб регистрларида расмийлаштирилиб, сўнгра бухгалтерия бўлимида аналитик ва синтетик ҳисоб бўйича умумлаштирилади ва бухгалтерия ҳисобининг ҳисобвақарларида икки ёқлама ёзув орқали акс эттирилади. Банк иш қуни якунида ҳар бир ҳисобвақарлар бўйича қолдиқ суммалар аниқланади. Ҳисобвақарлардаги охириги қолдиқ суммалар бош ва ёрдамчи китобга кўчирилади ҳамда балансда ўрнатилган тартибда акс эттирилади.

Бухгалтерия баланси икки қисмдан, актив ва пассивдан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро тенглиги балансининг тўғри тузилганлиги – банкнинг иш куни тўлиқ яқунланганлигини ифодалайди. Банк баланси ўрнатилган тартибда кунлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботи шакллари тузиш кўрсатмасига асосан, андозадаги бланкаларга тузилади. Ундаги кўрсаткичлар умумий бир ўлчов бирлигида, яъни миллий валютада (қиймат кўрсаткичида) акс эттирилади. Бу андозадаги баланс бланкасидаги сатрлар бир нечта бўлиб, моддалари ҳам турличадир. Балансининг иккала қисми, яъни активлар ва пассивларнинг жами суммалари бир-бирига тенг бўлиши билан изоҳланади.

Балансининг актив томонида нақд пул маблағлари, хорижий валютадаги пул маблағлар, Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи, мажбурий заҳиралари, қимматли қоғозларга қўйилмалар, кредитлар, сармоялар, асосий воситалар ва номоддий активлар ҳамда бошқа активлардан ташкил топади.

Пассив томони эса, депозитлар, бошқа банклардан олинган кредитлар, банк томонидан чиқарилган қарз мажбуриятлар, акционерлик капитали каби ҳисобвақарлардан иборатдир.

Банкнинг активлари таркибидаги нақд пуллар- банк маблағлари тоифаси бўлиб, банкнинг тўлов фаолиятининг аҳволини белгилайди ва мижозларнинг нақд пул маблағларига бўлган талабини қондириш учун банк мижозлари олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятини белгилайди.

Хорижий валютадаги пул маблағлари эса, Банкларнинг валюта бозоридаги операцияларининг ҳажмини ифодалайди. Марказий банкдаги вакиллик ҳисобвақарлари –баланс ҳисобвақарлари бўлиб, унда айна пайтда банкда маблағларнинг мавжудлигини англатади. Ҳар бир Банкларнинг ҳисобварағи Марказий банкда очилади. Маблағлар ўтказиш ва маблағларнинг тузилиши бўйича банк амалдаги ҳамма операциялар вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади.

Мажбурий заҳиралар фонди Марказий банкдаги алоҳида ҳисобварағида мавжуд банк маблағлари бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳамма тижорат банклари томонидан мажбурий тартибда заҳираланади, бу эса, уларнинг ликвидлигини сақлаб туришига маълум даражада кафолатлайди. Мажбурий заҳиралар фондига ажратмалар фоиз ставкаларини белгилаш Марказий банк томонидан ўтказиладиган тижорат банклари ликвидлигини сақлаб туришнинг энг таъсирчан механизми ҳисобланади.

Қимматли қоғозларга қўйилмалар тижорат банкнинг фонд бозоридаги операцияларини акс эттириб, баланс активининг бошқа кўрсаткичлари билан таққосланганда, қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларида банкнинг амалий фаоллигини ифодалайди. Улар эмитетлар мақомига қараб, икки тоифага бўлинади; ҳукумат ёки марказий банк чиқарган қимматли қоғозлар ва хўжалик юритувчи субъектлар чиқарган қимматли қоғозлардан ташкил топади.

Ҳукумат ёки марказий банк чиқарган қимматли қоғозлар юқори даражада ликвидлиги билан ажралиб туради, аммо бу қоғозларнинг даромадлиги бошқа эмитетлар чиқарган қимматли қоғозларникидан бир мунча паст бўлади.

Кредитлар- тижорат банкининг кредитга оид операциялари бўлиб, банкнинг фойда олишини белгиловчи моддаси ҳисобланади. Балансда кредит муддатлари (қисқа ва узоқ) бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шаклига қараб таснифланади.

Сармоя – банкнинг бошқа юридик шахслар фаолиятидаги улушини ифодалайди. Банк сармоялари хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш йўли билан қўшимча фойда, дивиденд сифатида, бошқа турдаги даромадлар олиш мақсадида турли лойиҳаларга йўналтирилган маблағлар ҳажмини изоҳлайди.

Асосий воситалар ва номоддий активлар – банк активларининг асосий моддаларидан бири бўлиб, банк ўз фаолиятини ташкил этишда моддий базасини шакллантиришга ва банк операцияларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш учун йўналтирилган маблағларидир. Улар жумласига: банк бинолари, иншоотлари, капитал қурилиш учун қилинган харажатлари, офис ва иш мебеллари, жиҳозлари, компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникаси, алоқа воситаларидан иборатдир. Марказий банк томонидан белгиланган меъёрлар Банкларнинг капитал харажатлари миқдори банк активларининг 10 фоиз миқдорида чегараланган.

Банк пассивида акс эттириладиган моддалари қуйидагиларни ўз ичига олади: депозитлари – банкнинг бошқа субъектларда харид қилган манбаларини ифодалайди. Улар талаб қилиб олинадиган, жамғарма, муддатли депозитларга бўлинади. Талаб қилиб олинадиган депозитларидан ташқари барча депозитлар кредит ресурсларининг энг барқарор манбаларидан ҳисобланади. Жалб қилинган манбаларда муддатли депозитлар улушининг ошиши қўилмаларни узоқ муддатга, шу билан бирга юқорироқ фоиз билан амалга ошириш имконини беради, бу эса банкнинг омонатлар (депозитлар) бўйича фоиз харажатларини кўпайтиради.

Бошқа банклардан олинган кредитлар – тижорат банкининг бўш маблағларига бўлган эҳтиёжи ва мижозларига пуллик хизматлар ҳажмини ошириш мақсадида бошқа молия институтлари билан ўзаро муносабатларини ифодалайди. Бироқ, банклараро кредитлар биринчидан, бошқа маблағларга нисбатан олиш имкониятининг юқорилиги ва иккинчидан, энг қиммат кредит манбаси ҳисобланади. Банкларда жалб қилинган маблағлар улушида банклараро кредитларнинг салмоғи юқорилиги уларда депозит сиёсати яхши ишлаб чиқилмаганлигини изоҳлайди.

Банк чиқарган қарз мажбуриятлар моддаси – тижорат банклари томонидан чиқарилган қарз мажбуриятларининг улушини ифодалайди. Қарз мажбуриятларини чиқариш банкка узоқ муддатли манбааларни шакллантириш имконини беради. Бундан ташқари, бундай катта ҳажмдаги қарз маблағлари банк учун қулайдир, чунки унинг пулини тўлаш ва қайтариб бериш олдиндан маълум бўлади, бу эса, банкнинг тўлай олмаслик хавфини камайтиради.

Акциядорлик капитали – банкнинг ўз маблағлари ҳажмини англатади. Марказий банк томонидан Банкларнинг капиталининг шаклланишини назорат

қилади ва тартибга солиб туради. Бу эса, банк операциялари даромадлилигини ошириши ва уларнинг фаолиятини самарали бошқаришни таъминлайди.

Банк тизимида ишончни мустақкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банкларнинг молиявий фаолиятининг сифатини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, банкларнинг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботларига доир Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабларитўғрисида низоми ишлаб чиқилган. Ушбу низомнинг ишлаб чиқилиши тижорат банклари йиллик ҳисоботларининг очиқ матбуотда эълон қилиниши дунёда муайян даражада ошқоралиги билан ажралиб турадиган банк тизимини яратиш учун дастлабки қадамдир. Ушбу низомга кўра, барча банклар ўз йиллик ҳисоботларини, жумладан, баланс ҳисоботини матбуотда эълон қилишлари лозим. Қуйида тижорат банклари томонидан тузиладиган йиллик баланс ҳисоботнинг намунавий шаклини келтирамиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Банкнинг баланс ҳисоботи
(2008 йил 2 январ ҳолатига кўра)

(Минг сўм ҳисобида)	
Активлар	
Нақд пуллар	150151
Марказий банкдаги вакиллик ҳисобвағира	978221
Хорижий валютадаги пул маблағлари	1534
Мажбурий заҳиралар фонди	163211
Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар	9523
Берилган кредитлар	3597862
Инвестициялар	45126
Асосий воситалар ва номоддий активлар	653148
Бошқа активлар	2103456
Жами активлар	7702232
Мажбуриятлар	
Депозитлар, шу жумладан:	5120593
а) Талаб қилиб олингунча сақланадиган	3564594
б) Жамғармалар	126413
в) Муддатли	1429616
Бошқа банклардан олинган кредитлар	954630
Тўланмаган актсептлар	0
Бошқа пассивлар	325160
Мажбуриятларнинг жами	6400383
Капитал	
Актсиядорлик капитали	820233
Резер капитали	420233
Тақсимланмаган фойда	58156
Капиталнинг жами	1301849
Жами пассивлар	7702232

Балансдан ташқари ҳисобвақарлар	
Банк томонидан берилган кафолат ва кафилликлар	4645452
Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи	412850239
Балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича жами	417495691

Балансдаги моддалар бўйича кўрсаткичлар ҳисобот йили бошига ва ҳисобот даври охирига (кунлик, ойлик, чораклик) кўрсатилади. Бундай тартибда тузилишига сабаб, активлар ва пасивларнинг ҳолатини ўрганиш ҳамда келгусида уларнинг даромадлилигини ошириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишдир.

Тижорат банклари томонидан тузилаётган баланс ҳисоботлари консодатсиялашган баланс шаклида тузилиб, ундаги маълумотлар банк филиалларининг бир бутун молиявий аҳволини ўзида мужассамлаштиради. Банкнинг баланс ҳисоботлари ҳисобот ойининг охириги куни ҳолатига тузилишини талаб қилади. Баланс ҳисоботлари даромад ва харажатларни тан олишнинг ҳисоблаш усули асосида тузилади ва Марказий банка ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10- санасигача (Тошкент шаҳри учун 5-санага) топширилади.

Тижорат банклари томонидан тузилаётган ушбу баланс ҳисоботларининг бўш қолган сатрларида ёзув бўлмаган ҳолда, бўш қолган сатрларга нол ёки чизикча тортиб қўйилади. Айрим ҳолатларда тузилаётган баланс ҳисоботларидаги маълумотлар ижобий ёки салбий бўлса, албатта, улар салбий бўлса, кавс (-) ичида кўрсатилган бўлиши лозим. Ойлик баланс ҳисоботларини тузишда ҳисоботнинг жами суммаси жадвалда сўм ҳисобида деган ёзув билан ёзиб қўйилади. Чунки ушбу ёзувларни (ўқишда) бутун шаклда (округленин) ёзишда хатоликларга йўл қўйилмасликнинг олдини олади.

1. Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги Низом. 19.07.2003й

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом. 02.10.2004й.

3. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР АВ томонидан 16.11.1998 йилда 533-сон билан рўйхатга олинган.

Кундалик балансдан ташқари банкда бошқа ҳисоботлар ҳам тузиб борилади, ҳар бир ҳисоботнинг белгиланган шакллари, уларни топшириш муддати алоҳида белгиланади.

Ҳисоботларнинг мақсади, топшириш муддатлари ва шакллари 1996 йил 18 майда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси банкларида статистика ҳисоботларини ташкил этиш қоидалари" сарлавхали 221-йўриқномада (киритилган ўзгариш ва қушимчалари ҳисобга олинган) баён этилган.

Бу ҳисобот шаклларига қўйидагилар илова қилинади:

"Олинадиган ҳисобварақлар" деган 19909 Пули тўланадиган

ҳисобварақлар деган 29802, Биткизилмаган кўрилиш деган 16505-ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар қайдномаси;

аниклангунча узаро ҳисоб-китоблар бўйича утказилган суммалар қайдномаси, шунингдек, қайдномага 23202, "Аникланиш жараёнидаги трансакциялар 17305, 23206 ҳисобварақлари бўйича қолдиққа тўрган ҳар бир сумма ҳам киритилади. Юқорида айтилган ҳисобварақларда қолдиқ, бўлмаса бу ҳақда баланс ҳисоботида ёзиб қўйилади.

Ҳар бир ҳисобот шакли ва қайдномаларини банк раҳбари ҳамда бош бухгалтер муфассал кўриб чиқиши ва имзоланиши керак. Касса операциялари бўйича ҳисоботларига улардан ташқари қатта кассир ёки касса мудир ҳам имзо чекади. Банкларда ҳудудий вилоят бошқармалари, шунингдек Қорақолпокистон Республикаси бошқармаси тегишличи ўз банкларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳисобот топширади.

Юқори банкларга келиб тушган бухгалтерия ҳисоботлари текширилади, таҳлил қилинади ва унинг асосида зарур бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Ҳисобот маълумотларида номувофиқлик борлиги аникланса, унинг сабаблари энг қисқа муддатда топилиши ва тартибга солиниши лозим. Банкларнинг вилоятлардаги (ҳар қуни), республикалардаги (ҳар ойда) раҳбарлари балансларни кўриб чиқишлари ҳамда бош бухгалтернинг уларга қарашли банкларда бухгалтерия иши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ахволи, шунингдек, бу ишда аникланган камчиликларни қандай бартараф этилаётгани тўғрисидаги ахборотни тинглаши керак.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. *Банк бухгалтерия ҳисоботлари моҳияти ва турлари*
2. *Банк бухгалтерия ҳисоботларини тузиш тартиби*
3. *Банк бухгалтерия ҳисоботларини эълон қилиш тартиби*

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Улушли воситалар - хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектига бўлган мажбуриятларини чегириб ташлагандан кейинги қолган активлар улушини тасдиқловчи ҳар қандай шартнома;

Ҳаққоний (ҳақиқий) қиймат - бу яхши хабардор бўлган ва бундай операцияни амалга оширишни хоҳловчи томонлар ўртасида умумий шартлар асосида битимни амалга оширишдаги активни алмаштириш ёки мажбуриятни тўлаш мумкин бўлган сумма.

Молиявий активнинг амортизацияланадиган қиймати - активнинг баланс ҳисоботда дастлабки тан олингандаги баҳоланган суммаси (яъни активнинг ҳисобварақдаги акс эттирилган суммаси, плюс/минус муқофот/дисконт ҳисобварақдаги акс эттирилган сумма, плюс активнинг сотиб олиш учун кетган харажатларнинг ҳисобварақдаги суммаси, плюс ҳар қандай сотиб олинган, олинishi лозим бўлган ва алоҳида олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварақда акс эттирилган ҳисобланган

фоизлар), минус тўланган асосий қарз суммаси, плюс/минус реал фоиз ставкаси методини қўллаш билан мукофот/дисконтларнинг йиғилган амортизация суммаси, ва минус сотиб олиш учун кетган харажатлар амортизацияси, ва минус кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси.

Молиявий активнинг баланс қиймати - молиявий активнинг ҳисобварағидаги қолдиғи, плюс/минус мукофот/дисконт ҳисобварағидаги қолдиғи, плюс активни сотиб олишга кетган харажат бўйича актив ҳисобварақдаги қолдиқ, плюс олинishi лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағидаги қолдиқ, плюс/минус ҳаққоний қийматни коррективировка қилиш ҳисобварағидаги қолдиқ, минус кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси.

Сотиб олинган, олинishi лозим бўлган фоизлар - қарз қимматли қоғозлар бўйича ҳар қандай ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар. Улар қимматли қоғозни тақдим этувчига тўланиши лозим бўлиб ва сотиб олиш санасидан бошлаб сотиб олувчига ўтадиган фоизлардир.

Самарали фоиз ставка усули - молиявий актив ёки молиявий мажбуриятларнинг амортизацион қийматини ҳисоб-китоб қилиш ва тегишли давр мобайнида ҳосил қилинган фоизли даромадлар ва харажатларнинг (шу жумладан, сотиш учун мавжуд ва сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматбаҳо қоғозлар бўйича мукофот ва дисконт ҳамда сотиб олиш харажатларини амортизация қилиш) тақсимлаш усули.

Самарали фоиз ставкаси - молиявий активнинг фойдали хизмат муддати давомида ёки қаерда мақбул бўлса, нисбатан қисқа даврда келгусида кутилаётган пул оқимларини, унинг соф баланс қийматига эга бўлиш учун аниқ дисконтлайдиган ставка.

Балансдан ташқари счётлар (3) - бу банкга қарашли бўлмаган, лекин вақтинчалик тасарруфида бўлган, активларни бори ва ҳаракати, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни умумлаштиришга мўлжалланган счётлар. Бу счётлар бошқа счётлар билан ўзаро боғланмайди ва банкнинг ҳисоботида акс эттирилмайди.

Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 104 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-48 б.
6. Омонов А.А., Каралиев Т.М. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: «Иқтисод-Молия», 2014 . – 295 б.
7. Умаров З.А., Муругова И.А., Бабаева Г.Я. Бухгалтерский учёт в банках. Учебник - Т.: «Иқтисод-Молия», 2019 . - 576 с.
8. Наврузова К., Аллаберганов Р. Бухгалтерский учёт в банках: Учебник - Т.: «Иқтисод-Молия», 2017 .-312 с
9. Donald Resseguie. Accounting for Banks. LexisNexis Matthew Bender 2012
10. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра-М, 2014. – 472 с.

Интернет сайтлари.

11. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
12. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти)
13. www.ziyounet.uz - (Зиёнет таълим портали)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
1 боб. Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари.....	
1.1. Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши.....	
1.2. Банк ҳужжатлари ва ҳужжатлар айланиши.....	
1.3. Банк ички назорати.....	
1.4. Банкларда ёрдамчи ва бош китоблар.....	
2-боб. Банк операциялари ҳисоби.....	
2.1. Мижозларга ҳисобварақ очиш ва юритиш тартиби.....	
2.2. Банкларда депозит операциялари ҳисоби.....	
2.3. Нақд пулсиз ҳисоб – китоб операциялари ҳисоби.....	
2.4. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоби.....	
2.5. Банкларда касса операциялари ҳисоби.....	
2.6. Банкларда кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисоби.....	
2.7. Банкларда лизинг ва факторинг операциялари ҳисоби.....	
2.8. Банкларда қимматли қоғозлар билан операциялар ҳисоби.....	
2.9. Валюта операциялари ҳисоби.....	
3 боб. Банк активлари ҳисоби.....	
3.1. Банкларда моддий ва номоддий активлар ҳисоби.....	
4 боб. Банкларда молиявий натижалар ва солиқлар ҳисоби.....	
4.1. Банк даромадлари ва харажатлари ҳисоби.....	
4.2. Банкларда солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоби.....	
5 боб. Банкларда балансдан ташқари операциялар ҳисоби.....	
5.1. Банкларда балансдан ташқари операциялар ҳисоби.....	
6 боб. Банк бухгалтерия ҳисоботлари.....	
6.1. Банк бухгалтерия ҳисоботлари.....	
Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	

А.А. Амонов, А. А. Ширинов, У. А. Ширинов

БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

(ўқув-қўлланма)

**2020 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси
Босма табағи 14,37
Буюртма № Адади 20 нусха.**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: А.Темур кўчаси, 9 уй.**

